

9-16.



**С. Н. ТУРСУНОВ**  
**Т. Р. ПАРДАЕВ**  
**А. С. ТУРСУНОВ**  
**М. Р. ТОҒАЕВА**

# **ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАНУБИЙ ҲУДУДЛАРИДА НОМОДДИЙ МАДАНИЯТ ТАРИХИ**



63.5(54)  
7-16.

**С.Н.ТУРСУНОВ**  
**Т.Р.ПАРДАЕВ**  
**А.С.ТУРСУНОВ**  
**М.Р.ТОҒАЕВА**

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАНУБИЙ  
ХУДУДЛАРИДА НОМОДДИЙ  
МАДАНИЯТ ТАРИХИ**

**Тошкент**  
**«Мухаррир» нашриёти**  
**2012**

**TerDU ARM**  
№ \_\_\_\_\_

УДК: 39(575.151)  
94(575.151)  
КБК 63.5(5Ў)  
Ў-16

**Ў-16 Ўзбекистоннинг жанубий хуудларида номоддий маданият тарихи / С.Н.Турсунов [ва бошқ]. – Тошкент: «Мухаррир» нашриёти, 2012. 200 б.**

1. Пардаев Т.Р
2. Турсунов А.С
3. Тоғаева М.Р

Монографияда жанубий Ўзбекистон хуудларида шаклланган номоддий маданият тарихи ёритилган. Унда Сурхон воҳаси аҳолисининг халқ оғзаки ижоди, удумлари, маросимлари, диний тасаввурлари, эътиқодлари, тасвирий ва амалий санъати манбалар, этнографик дала тадқиқотлари маълумотлари ва илмий адабиётлар асосида таҳлил этилади. Шунингдек, воҳанинг айрим қишлоқлари ва ушбу қишлоқ аҳолисининг номоддий маданият билан боғлиқ қадриятлари ҳам илк бор тадқиқ этилган.

Ушбу асар тарихчилар, этнографлар, ўлкашунослар ва талабалар учун ўқув қўлланма ҳамда Ўзбекистон тарихи билан қизиққан барча китобхонларга мўлжалланган.

УДК: 39(575.151)  
94(575.151)  
КБК 63.5(5Ў)

*Масъул муҳаррир:*

**Б.Х.Муртазоев,**

филология фанлари номзоди, доцент.

**Такризчилар:**

**Э.О.Қобилов,**

тарих фанлари номзоди, доцент.

**А.Э.Қурбонов,**

тарих фанлари номзоди, доцент.

ISBN 998-9943-25-186-1

© «Мухаррир» нашриёти,  
Тошкент, 2012 й.

## КИРИШ

Мустақиллик йилларида республикамызда халқимизнинг урф-одатлари, анъаналари, миллий кадриятларини ўрганиш ва илмий таҳлил этиш борасида муҳим тадқиқотлар ўтказилиб, ижобий натижаларга эришилмоқда. Ниҳоятда бой маданий тараққиётни бошидан кечирган халқимиз ўзининг ҳам моддий, ҳам номоддий маданияти билан жаҳон цивилизацияси ривожига муносиб ҳисса қўшиб, бебаҳо маънавий меросни авлодлардан-авлодларга муносиб тўхфа сифатида қолдириб келмоқда. Кейинги йилларда этнология соҳасида амалий тадқиқотлар олиб бориш учун жуда катта амалий моддий-маънавий имкониятлар яратилиб, давлат грантлари тақдим этилмоқда. Ана шу имкониятлар натижасида **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси Инновация лойиҳасини давлат буюртмаси асосида №-И-2011-11-12 сонли шартнома асосида олиб борилган илмий тадқиқотлар туфайли ушбу монография тайёрланди.** Энг муҳими, ушбу тадқиқотда Ўзбек халқининг оғзаки ижоди намуналари, урф-одатлари, анъаналари, кадриятлари ва маросимлари билан боғлиқ ҳолатлар Сурхон воҳаси мисолида ўрганилди. Ушбу илмий тадқиқотда ўзбек халқининг бой маънавий мероси ва у билан боғлиқ манбаларни илмий таҳлил этиш жараёнида номоддий маданият дурдоналарига, уларнинг шаклланиш жараёнига, ўзига хос хусусиятларига ва тарихий кадрият сифатидаги ўрнига, ёш авлодни тарбиялашдаги аҳамиятига алоҳида эътибор берилди.

Республикамызда мустақиллик шарофати билан халқимиз томонидан яратилган номоддий маданият ва маънавиятни ўрганиш, тиклаш ва янада бойитиш борасида катта тадбирлар амалга оширилди. Олиб борилган илмий изланишлар ва тадқиқотлар натижасида кўплаб маълумотлар тўпланди. Хусусан, воҳа аҳолисининг номоддий маданияти билан боғлиқ кадриятлар, анъаналар, урф-одатлар, маросим ва удумлар, халқ оғзаки ижоди дурдоналари қайтадан дунё юзини кўрди. Халқимизнинг юксак маънавияти, бой моддий ва маънавий мероси дунё аҳли томонидан эътироф этилиб, ЮНЕСКО ҳамкорлигида ва қатор халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида кўплаб симпозиумлар, юбилейлар ўтказилди. Халқимиз номоддий маданиятининг муҳим қирраларидан бири бўлган халқ оғзаки ижоди билан боғлиқ

манбаларни ўрганиш, халқимизнинг орзу-умидларини ўзида тажассум этган қўшиқлар, термалар, топишмоқлар, лапарлар, бахшичилик айтишувларини жамлаш масаласида ҳам алоҳида натижаларга эришилди. Халқимизнинг номоддий маданияти тарихида воҳадаги ҳар бир қишлоқнинг, ҳар бир гўшанинг ўзига хос ўрни бўлиб, ўрганиш жараёнида ана шундай қишлоқларда яшовчи аҳолининг номоддий маданият билан боғлиқ кадриятлари ҳам илмий таҳлил этилди. Мустақиллик йилларида маънавиятимизнинг асосини ташкил этувчи диний эътиқодларга, урф-одатларга, анъаналарга алоҳида эътибор берилди. Қадим удумларимиз қайта тикланди, удумларга оид ибратли ривоятлар, афсоналар ва уларнинг яратилиши билан боғлиқ жараёнлар ўрганилиб, маросимларнинг ҳаётий илдизи, ижтимоий негизи ва келиб чиқиши билан боғлиқ ҳолатлар илмий талқин этилди.

Номоддий маданиятимизнинг муҳим қирраларини ўзида мужассам этган маросимлар, санъат намуналари, безаклар, рассомчилик, тасвирий санъатга оид маълумотлар ҳам таҳлил назаридан ўтказилди. Миллий анъаналаримизга бевосита боғлиқ бўлган номоддий маданиятнинг нодир дурдоналарини ўзида акс эттирган ёзма манбалар, тарихий асарлар, дostonлар ва уларда ифодаланган ғоялар ва қарашлар ҳам тадқиқотларда маълум даражада талқин этилди. Умуман, ушбу тадқиқотда номоддий маданиятимиз тарихини ёритиш соҳасида кўп қиррали манбалар таҳлил этилиб, уларнинг баъзиларини китобхонларга тақдим этишга муваффиқ бўлинди. Чунки номоддий маданият манбалари шу даражада кўпки, ушбу манбаларни бир китобга сиғдириш ва таҳлил этиш имконияти чекланган. Ушбу монографияни шаклланишида муҳим роль ўйнаган манбаларни йиғиш, ўрганиш илмий таҳлил этиш ҳамда китоб ҳолатига келтиришда тарихий ва илмий асарлар, этнографик дала ёзувлари тадқиқотларига оид материалларидан асос бўлиб хизмат қилди. Шу билан бирга бахшилар репертуаридан, кекса ёшдаги одамлар билан бўлган мулоқотлар, маҳаллалардаги таниқли инсонларнинг номоддий маданият ва маънавият ривожига доир суҳбатларидан унумли фойдаландик.

Халқимиз номоддий маданиятининг муҳим қирраларини ўзида тўплаган ушбу монографияга оид фикр ва мулоҳазаларни муаллифлар жамоаси самимий миннатдорчилик билан қабул қилади.

# І БОБ. ВОҲА АҲОЛИСИ НОМОДДИЙ МАДАНИЯТИНИНГ ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

## 1.1 Воҳада номоддий маданиятнинг шаклланиши ва ривожланиш жараёни

Инсоният ўзининг яратувчанлик фаолияти мобайнида ҳам моддий, ҳам маънавий бойликларни яратади. Кишилик жамиятининг шаклланиши асносида маданиятнинг ажралмас қисми саналган ҳам моддий, ҳам маънавий маданият шакллана бошлаган. Инсониятнинг тарихий тараққиёти мобайнида ҳам моддий, ҳам маънавий маданият юксалиб, ривож топиб, инсоният цивилизациясининг ажралмас икки қутбини ташкил этган. Комил ишонч билан таъкидлаш лозимки, ўзбек халқи ҳам инсоният цивилизациясига ўзининг ҳам моддий, ҳам маънавий маданияти билан муносиб улуш қўшган миллат саналади. Халқимиз ўзининг узоқ даврлик тарихи мобайнида ўзлигини сақлаб қолиш, уни келажак авлодга буст-бутун ҳолида, юксак қадриятлар билан бойитиб етказишда доимо ўзини масъул санаб келган. Ҳар қандай зуғум ва ситамлар халқимиз иродасини бука олмаган ва ўзлигини йўқотишга олиб келмаган. Муҳтарам Президентимиз таъкидлаганларидек “Шуни мамнуният билан қайд этиш лозимки, эзгу фазилат ва интилишлар халқимизнинг қон-қони ва суяк-суягига сингиб кетган. Унинг табиатига хос бўлган юксак маънавият неча асрларки, бизни не-не бало-қазолардан, тўфон ва бўронлардан соғ-омон асраб келмоқда. Ҳар қандай босқин ва истилоларга қарамасдан, ҳар қандай оғир ва мураккаб шароитда ҳам ота-боболаримиз ўзлигини йўқотмасдан, маънавий ҳаёт мезонлари, одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилиб, комиллик сари интилиб яшагани бугун ҳам барчамизга ибрат бўлиб, куч-қувват бағишлаб келмоқда”<sup>1</sup>, деб таъкидланган.

Ҳақиқатан ҳам халқимиз маънавиятини, имон-эътиқодини, юксак қадриятлар сари интилишини ҳеч бир зулм ва ситам, ёт мафкура тўса олмаган. Аксинча халқимиз ҳар қандай тазйиқ тақиқларга қарамасдан юксаклик сари интилиб келган. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳар бир халқнинг турмуш тарзи, қадриятлари, маънавияти ўз-ўзидан шаклланиб қолмайди, балки ушбу қадриятларнинг шаклланишида халқнинг интилишлари, табиий

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Тошкент; Маънавият. 2009. – 6.7..

яшаш шароити, фаолияти, тарихий ўтмиши, ижтимоий муносабатлари муҳим ўрин тутади.

Шуни алоҳида ғурур билан таъкидлаш лозимки, юқорида санаб ўтилган барча омиллар Ўзбек халқи менталитетига хосдир. Шу боисдан ҳам бугун баралла тарзда аجدодларимиз мероси, ушбу меросга содиқлик ва шу меросни янада юксалтириш борасида мустақиллик берган улуг имкониятлардан унумли фойдаланиб янада бойита олаётганлигимизни таъкидлашга ҳақлимиз. Сурхон воҳаси ҳам инсоният цивилизациясида муҳим ўрин тутган ўлка саналади, воҳа тарихи илк палеолит даврлари билан бўйлаша олади. Воҳа инсониятнинг илк турларидан бири бўлган неондартал одамларга макон бўлган ҳудуд саналади. Тешиктош ғоридан топилган бола жасадининг атрофларига бир жуфт архар шохлари дафн этилиши ҳам бундан 100–400 минг йиллар аввалроқ мазкур ҳудудда яшовчи аҳоли нариги дунё тўғрисида тасаввурга эга бўлганлигини кўрсатади. Марказий Осиёдаги энг қадимги ранг-тасвирлардан бўлган Кўхитангдаги Зараутсой суратлари мезолит даври одамларининг ибтидоий тасаввурлари ва эътиқодларида кескин ўзгаришлар юз берганлигини кўрсатади.

Зараутсойда табиий тарзда айвонга ўхшаб ҳосил қилинган тошайвон деворига қадимги мўйқалам соҳиблари қизил бўёқда ёввойи ҳўкизларни овлаш тасвирини чизишган. Тошайвон девори ва ғор шипида 200 га яқин қизил бўёқларда битилган суратлар сақланиб қолган. Бу расмлар драматик ҳолатларга бой бўлиб, унда ов манзараси, ҳайвонот олами ва ибтидоий одамлар тасвири ўзаро омукталашган. Зараутсой суратларида овнинг ғалаба билан тугаши, овчилар тантанаси ва умуман одамнинг юксак ишларга қодирлиги ўз ифодасини топган. А.А.Формозовнинг таъкидлашича, Зараутсой суратларларидаги лавҳаларда ов маросими тасвирианишининг яна бир ўзига хос жиҳати мавжуд. Ибтидоий одамлар овга чиқиш давомида ёки овдан қайтган пайтда Зарауткамар ғори ва унинг атрофида ов билан боғлиқ диний маросимларни бажо келтирганлар. Зарауткамар суратлар воҳада санъатнинг дастлабки турлари шаклланганлигидан далолат беради.

Милоддан аввалги 2000-йилликнинг биринчи чорагида воҳанинг айрим ҳудудларида суғорма деҳқончиликка асосланган маданият шаклланди. Масалан, Сополли маданияти милоддан аввалги XX–X асрлар оралиғида мавжуд бўлган Сополлитепа маданиятини ўрганиш асосида бу ерда бронза давриданок

меъморчилик санъатининг ниҳоятда ривож топганлигини кўрамиз. Сополлитепада истиқомат қилган аҳоли ўртасида ўзига хос урф-одатлар ва маросимлар ҳам шакллланган. Вафот этганлар алоҳида қабристонларга эмас, уйларининг деворлари ва поллари тагига кўмилган<sup>1</sup>. Воҳа аҳолиси моддий ва маънавий маданиятида муҳим ўрин тутадиган масканлардан яна бири Жарқўтон саналади. Жарқўтон нафақат воҳада, балки Марказий Осиёда шаклланган илк шаҳарлардан биридир. Жарқўтон ёдгорлигидан топилган ашёлар бронза давридаёқ аجدодларимизнинг бевосита бошқа халқлар билан маданий алоқада бўлганини кўрсатади. Жарқўтонда яшаган бронза даври аجدодларимизнинг диний урф-одатлари хақидаги маълумотларни бу ердаги қабристон ва олов ибодатхоналар ҳам тасдиқлайди. Ибодатхона шаҳар саройи сингари жуда маҳобатли бўлиб, уч қисмдан иборат. Биринчи қисми ибодат қиладиган жой бўлиб, бу ерда доимий олов ёниб турувчи доира шаклидаги оловхона, илоҳий қудуқлар, зиёратга олиб келинган нарсалар сақланадиган омборхона ва ёниб ўчган кулни сақлайдиган кулхоналардан иборат. Бу ерда алоҳида қурилган кулхонанинг бўлиши аجدодларимиз нафақат оловни, балки меҳробда ёниб ўчган кулни ҳам илоҳий билиб оёқбосмас жойда сақлаган. Жарқўтондаги олов ибодатхонаси Зардуштийлик урф-одатлари бўйича қурилган ва минтақамизда шаклланган энг қадимий диний эътиқод маскани саналади. Бу эса зардуштийлик дини асосларининг шаклланишида Жарқўтонда яшаган аجدодларимизнинг муҳим ўрни борлигининг исботидир. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Америкалик археолог Ламберг-Карловский Сополли маданиятини “Окс цивилизацияси” деб аташни таклиф қилган бўлса, Болония университети профессори Мовроссио Тоси “Турон цивилизация”си деб аташни таклиф этди. Цивилизациянинг асосий белгиларидан бири ёзувнинг мавжудлигидир. Айнан ушбу мезон асосида илмий тадқиқотларга эътибор берилса, Сополлитепа, Жарқўтон ва Ғоз ёдгорликларидан топилган пиктографик ёзувлар воҳа аҳолиси маънавий маданиятининг нақадар қадим даврга бориб тақалашини кўрсатади. Айнан қадимги Шуммер, Миср, Хитой, Ҳиндистон каби бизнинг минтақамизда ҳам пиктографик ёзувлар шаклланган. Цивилизациянинг асосий кўриниши бўлган ёзув ҳам Сополли маданияти даврида кашф этилган. Бу пиктографик белгилари ёзув бўлиб, Жарқўтон сополларида шундай белгиларнинг 47 хили

<sup>1</sup> Аннаев Т., Шайдуллаев Ш. Сурхондарё тарихидан лавҳалар. –Тошкент: Мерос, 1997. – б. 22.



аниқланган<sup>1</sup>. Яна шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, Жаркўтондан топилган кўплаб муҳрлар ва тамғалар бу ерда яшаган аجدодларимиз ҳаётида ижтимоий табақаланиш содир бўлганлигини, илк давлатчилик асослари шакллана бошлаганлигини билдиради. Муҳрларда тасвирланган унсурлар, яъни хоч, бургут, илон тасвирлари ва ҳоказолар бронза даврида яшаган аجدодларимизнинг фалсафий дунёқарашлари, диний эътиқодлари, мифологик тушунчалари билан боғлиқ тасаввурлари ҳақида маълумот беради.

Қолаверса, бундай топилмалар бронза давридаёқ бу аجدодларимизнинг бошқа халқлар билан маданий алоқада бўлганлигини ҳам кўрсатади. Милоддан аввалги X аср охирида Сополли маданиятининг инқирозидан сўнг воҳада янги маданият – Кучуктепа маданияти шаклланди. Кучуктепа маданияти ёдгорликларига Ғозмулло, Бандихонтепа, Қизилтепа, Миршоди каби обидалар киради. Кучуктепа маданиятига хос хусусият шуки, жамиятда синфий муносабатлар шакллана бошлаган эди. Ҳокимлар ва бой-бадавлат кишилар истиқомат қиладиган арки аълолар қурилган. Шунингдек, темирдан фойдаланиш бошланган, каналлар қазилган, янги ерлар ўзлаштирилган. Милоддан аввалги VII аср ўрталарида Кучуктепа маданияти негизида Бақтрия маданияти шакллана бошлаган. Бақтрия маданиятига хос хусусият шаҳарларнинг икки қисмга бўлиниши ва давлатнинг вужудга келишидир. Шунингдек, аркли кўрғонларнинг, ҳарбий истеҳкомларнинг пайдо бўлиши билан тавсифланади. Бақтрия маданиятининг ёдгорликлари қуйидаги деҳқончилик минтақаларида жойлашган:

1. Ўланбулоқсой ва Шерободдарё ҳавзаларини ўз ичига олувчи Шеробод деҳқончилик ўлкаси. Маркази Жондавлаттепа.
2. Бандихон, Миршоди, Сангардак, Тўполондарё ҳавзаларини ўз ичига олувчи Бойсун деҳқончилик ўлкаси. Маркази Қизилтепа.
3. Сурхондарёнинг ўрта ва қуйи оқими атроф ҳудудларини ўз ичига олувчи Сурхон деҳқончилик ўлкаси. Маркази Ҳайитободтепа.

Ушбу деҳқончилик ўлкаларининг бирлашиши асосида Марказий Осиёдаги энг қадимги ва энг йирик Бақтрия подшолиги

<sup>1</sup> Чориев З.У. ва бошқ. Ўзбекистон худудида ёзувнинг пайдо бўлиши ва таракқиёти. –Т: Янги аср авлоди 2007. –6.64.

вужудга келган. Бактрия, яъни Бахди “Авесто”да байроқлари баланд кўтарилган юрт сифатида тилга олинса, Беҳистун битикларида Бактриш, юнон манбаларида Бактриана сифатида эътироф этилади. Қадимги Рим муаррихи Помпей Трог “бактрияликлар қадимийликда мисрликлар билан баҳслаша олади”, деб таъкидлаган. Яна бир рим тарихчиси Квинт Курций Руф “Искандар макединликнинг юришлари ҳақида” китобида Бактрияга қуйидагича таъриф беради: “Бактриянинг табиий шароити турлитумандир; узумлари йирик-йирик ва жуда ширин; офтобда яхши қизийдиган ерни қондирадиган серсув дарёлари бор”<sup>1</sup>. Милодий II асрда яшаган юнон тарихчиси Арриан эса “бу қабилаларнинг ичида бактрияликлар энг уддабурон”, деб эътироф этади<sup>2</sup>. Милоддан аввалги VI–IV асрларда қадим Бактрия давлати Эрон Аҳамонийларига қарам давлатга айланди. Бироқ Бактрия фақат сиёсий жиҳатдангина аҳамонийларга тобе бўлган, иқтисодий ва маданий жиҳатдан эркин бўлган.

Қадим бактрияликлар маданияти минтақа маданий ҳаётида муҳим ўрин тутган. Хусусан, милоддан аввалги VII–I асрларда кенг қўлланилган ва Кампиртепа, Қоратепе, Фаёзтепа, Зартепа, Мирзакултепа, Айритом, Зангтепа каби ёдгорликлардан топилган Қадимги Бактрия ёзуви Шимолий Афғонистон, Шимолий Туркменистон ва Жанубий Тожикистон ҳудудларида ҳам кенг тарқалган. Қолаверса, Қарши шаҳридаги Ерқўрғон, Самарқанддаги Афросиёб каби шаҳарлар тараққиётида бевосита Бактрия маданиятининг таъсири катта. Александр Македонский юришлари арафасида Бактрия ерлари Аҳамонийлар Эрони салтанатида 12-сатраплик сифатида кирган ва бу давлатда Бактриянинг мавқеи жуда катта эди. Эрон шаҳаншоҳлари Бактрияга ўзларининг Шарқдаги асосий таянчи сифатида қарашган. 1877 йилда топилган Амударё хазинасидаги 177 та олтин ва кумушдан ясалган нодир буюмлар бу ерда амалий безак санъати ва мифологик тасаввурларнинг ниҳоятда ривож топганлигидан далолат беради. Александр Македонский истилоси ҳам Бактрия маданиятига жиддий таъсир кўрсата олмади. Минтақадаги эллинистик давлатлардан бири саналган Юнон-Бактрия давлатининг асосий ўзагини ҳам Бактрия ҳудудлари ташкил этади. Ўзлари ўша даврнинг энг маданиятли халқи санаган юнонлар ҳам Бактрия ва

<sup>1</sup> Қадимги тарихчилар Ўрта Осиё ҳақида. –Тошкент: Yurist-media Markazi, 2008 йил. – Б.98.

<sup>2</sup> Ўша жойда. – Б.94.

Сўғдиёна халқлари маданиятига тан беришади. Юнон-Бақтрия подшолиги даврида Бақтрия маданияти билан эллинистик маданият аънаналари ўзаро омухталашди. Бақтрияда юнон ёзуви, юнон оғирлик ўлчов бирликлари, пул муносабатлари, хунармандчилик ва санъат буюмлари тарқалади. Ўз навбатида юнонлар ҳам Бақтрия биносозлик ва хунармандчилик аънаналарини ўзлаштирдилар. Тарихий манбаларда Юнон-Бақтрия подшолиги минг шаҳарли мамлакат сифатида эътироф этилган. Шимоли-ғарбий Бақтрия аҳолисининг бадиий санъат намуналарининг кўпчилик қисмини терроката ҳайкалчалар, яъни мўъжаз санъат намуналари ташкил этади. Бу турдаги санъат намуналари ўз ишланиш услубига кўра бир неча гуруҳларга бўлинади. Булар яланғоч тоифада ёки товонига тушган кийимлари ҳилпираб турган ҳайкалчалар ва шунингдек, аёл маъбуданинг тахтга ўтирган тасвирларидир. Кампиртепадан топилган бу гуруҳдаги маъбудалардан бирининг ўнг қўлида қуш, чап қўлида яланғоч боланинг тасвири бўлса, иккинчи маъбуданинг тиззасида эчкисимон оёқли бола қиёфаси ишланган. Баъзи бир аёл ҳайкалчалари фил суяги ва мрамор тошдан йўналган бўлиб, ўзининг нафислиги ва юксак бадиийлиги билан ажралиб туради<sup>1</sup>.

Юнон-Бақтрия танга пулларининг олд томонига ҳукмдорлар тасвири туширилган, орқа томонига эса юнон маъбудалари Зевс, Аполлон, Геракл, Ника кабиларнинг қиёфаси туширилган. Кейинчалик бу танга пуллардаги маъбудалар маҳаллий худолар тасвири билан алмаштирилган. Бақтрия ёзувининг ривожига оромий ёзувининг ўрни муҳим бўлиб, милоддан аввалги II асрда оромий-бақтрия ёзуви юзага келган. Александр Македонский истилоси арафасида Бақтрияда ҳам маъмурий ишлар, Сўғд ва Хоразмда бўлганидек, оромий ёзувида олиб борилган. Юнон-Македон истилосидан кейин эса Бақтрияда юнон алифбосининг таъсири кучайган, юнон алифбоси кейинчалик Кушон хатининг шаклланишига асос бўлган. Бу даврда амалий санъатнинг ўймакорлик, ганчкорлик, кулолчилик, шишасозлик турлари жадал ривожланган. Кушонлар салтанатининг ҳукмронлик йиллари воҳа тарихида ниҳоятда катта воқеликларга бой давр сифатида муҳрланди. Хусусан бу даврда буддавийлик динининг минтақага кириб келиши аҳолининг маънавий дунёқарashiда ҳам улкан бурилиш ясади. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, буддавийлик

<sup>1</sup> Аннаев Т, Шайдуллаев, Сурхондарё тарихидан лавҳалар. –Тошкент: 1992. – Б.36.

Ҳинд заминида пайдо бўлган бўлсада, ушбу диннинг равнақи, айнан Термиз тарихи билан бевосита боғлиқ. Хусусан, буддавийликнинг Хинаяна ва Махаяна мазҳабларининг ривожиди термизлик роҳибларнинг ўрни беқиёс. Термизлик роҳиблардан Дҳармамитра ва Дҳармарақша буддавийлик таълимотининг юксалишида катта ҳисса қўшдилар. Буддавийликнинг фалсафий ва ғоявий асосларини мустаҳкамлаш ҳамда янгича қарашлар билан бойитишда Термиз буддавий монастрларида хизмат қилган роҳиблар муҳим ўрин тутди. Айнан ушбу диннинг Буюк Ипак Йўли бўйлаб, Жануби-шарқий Осиё мамлакатларига кириб боришида ҳам термизлик роҳибларнинг ўрни юксак бўлган. Буддавийлик дини ҳайкалтарошлик ривожига муҳим улус қўшган дин бўлиб, будданинг ҳайкаллари ҳар бир ибодатхонанинг меҳробини ташкил этган. Қоратепа, Айритом, Фаёзтепа, Далварзинтепа каби будда ибодатхоналаридан топилган ҳайкаллар ана шу давр одамларининг нафис санъат асарлари яратганлигини билдиради. Қолаверса, Фаёзтепа Будда ибодатхона мажмуаси антик давр маданий меросини ўрганишда муҳим ўрин тутиб қолмасдан, балки, Кушонлар даврининг монументал меъморий обидаси ва нодир санъат асарларининг хазинаси сифатида ҳам машҳурдир. Бу ерда реалистик санъатнинг энг қадимги монументал нусхаси деворий суратларнинг топилиши, бу ерда илғор маданий муҳит ва кўп асрлик анъанавий тасвирий санъатнинг маҳсули эканлигидан далолат беради.

Фаёзтепа ҳайкаллари орасида Будда триадаси муҳим ўрин тутди. Ушбу будда триадасида Будда гўзал ҳинд йигити сиймосида тасвирланган. Унинг икки томонида тик турган роҳиблар эса бактрияликлар сиймосида тасвирланган. Воҳа аҳолисининг номоддий маданияти узоқ даврлик тарихий жараён маҳсули бўлиб, тарихий тараққиёт мобайнида тадрижий ривожланиб сайқал топиб борган. V–VIII асрларда минтақада бадий санъатнинг ҳайкалтарошлик ва деворий ранг санъати юксалди. Бунга мисол сифатида Куёвқўрғон ҳайкаллари Зартепа, Нондаҳа, Шириндаҳа қояларидан бирида барпо этилган Товка қўрғони ва Болаликтепа деворий суратларини келтириб ўтиш мумкин.

Ўрта асрлар даврида воҳанинг моддий ҳам маънавий маданияти юксак даражада равнақ топди. Айниқса ислом дини равнақида, унинг асосларини бойитишда термизлик алломаларнинг ўрни

беқиёс даражада бўлди. Хусусан IX–XII асрларда Термиз ва Чағониёнда илм-фан, адабиёт ва санъат, диний илмлар ва тасаввуф тариқатлари юксак даражага кўтарилди. Термизлик олим ва фозилларнинг илмий тафаккури, табиат, жамият, инсон руҳияти, нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятини аниқлашга қаратилганлиги билан муҳим ўрин тутди. Чунки термизлик алломалар шариатшунос-факих, тариқатшунос-мутасаввиф, зукко равий ва тазкирашунос, тарихчи, табиатшунос, риёзиётчи, фалакиётшунос, донишманд, инсоншунос, адабиётшунос, шоир, бахши, нотик, мураббий ва руҳиятшунос, давлат бошлиғи ва сиёсатшунос – умумий қилиб айтганда қомусий олимлардир.<sup>1</sup> Термизлик алломалардан ал-Ҳаким ат-Термизий тасаввуф илмининг етук билимдони ва назариётчисиدير. Ҳадис илмининг билимдони Абу Исо ат-Термизий эса ислом оламидаги-саҳиҳи ситта, яъни олти ишончли ҳадисшуносларнинг биридир. Варроқ Термизий ўз даврининг кўзга кўринган авлиёси, Юсуф Ҳаёт Термизий ўз даврининг етук шайхи, Саййид Бурхониддин Ҳусайн Термизий бўлса, Жалолиддин Румийга устозлик қилган мутасаввиф, Абулузаффар Термизий машҳур шайх ва тасаввуф илмининг пешвоси, Мунжик Термизий машҳур ҳажвиётчи, Адиб Собир Термизий ҳассос шоир, Заргар Термизий қасидашунос, Жалолиддин Жаъфар ибн Ҳусайн Термизий фалакиётшунос, Алоуддин Термизий машҳур факих, Аҳмад ат-Термизий ҳаким, заргар шоир ва илми нужумда беқиёс, Хожа Самандар Термизий замондошлари томонидан оловқалб, ўткир тилли адиб сифатида таъриф этилган аллома. Хуллас, ушбу рўйхатни яна узоқ давом эттириш мумкин. Шунингдек, Чағониён адабий муҳитида шаклланган ўнлаб шоирлар ва сўз усталари ҳам маънавий маданият камолотига ўзларининг муносиб улушларини қўшганлар.

Жаҳон адабиётининг бебаҳо мулки саналган “Шоҳнома”нинг “Гушташнома” қисми айнан Чағониёнда ижод қилган Дақиқий қаламига мансуб. Бундан ташқари ушбу худудда: Тоҳирий, Маъруфий, Тоҳир Чағоний, Лабибий, Фарруҳий каби шоирлар айнан Чағониён адабий муҳитининг вакиллари саналади. Бундан ташқари воҳада дунёвий илмлар ҳам анча ривож топган. Жумладан, Абу Ҳамид Устурлобий ас-Сағоний етук мунажжим, фалакиёт илмида беқиёс олим Сағоний луғатшунос олим, Абу Али Ҳусайн ибн Аҳмад ас-Саломий етук тарихчи ва шоирдир. Сўнгги ўрта

<sup>1</sup> Турсунов С.А. Термизий буюк сиймолар. -Тошкент: Шарк, 2002. – Б.5.

асрлар шароитида юз берган ўзаро феодал урушлар оқибатида юзага келган беқарорлик шароитида ҳам воҳа алломаларининг маънавиятга интилиши сўнган эмас. Жумладан, бу даврда Умар ат-Термизий ас-Сўфий йирик мутасаввуф, мавлоно Қудсий Термизий Маҳжуб йирик шоир ва мутасаввуф, Абдуллоҳ Термизий шоир ва хаттот, Мир Муҳаммад Тақий Термизий шоир, Сўфи Оллоёр йирик мутасаввуф, кароматгўй авлиё, Масиҳо Ибн Қози Мулло Мунтаҳойи Бойсуний йирик мударрис сифатида шаклланганлар. Мустабид тузумнинг ноқис сиёсати, зўравонлик ва зулми ўзига қурол қилиб олган мустабид мафкураси ҳам воҳа аҳолисининг маънавий маданиятини, тарихий қадриятларини қанча бўғишга ҳаракат қилмасин, халқимиз доимо маънавиятга, маърифатга интилиб яшади, урф-одат ва анъаналарини сақлаб қолди. Мустабид тузум зўравонликлари ва тақиқларига қарамасдан доимо ижодда, изланишда ва яратувчанлик кайфиятида яшади.

Воҳа аҳолиси азал-азалдан маърифатга ошуфта, маънавиятга ва маданиятга интилувчан халқ бўлган. Шу боисдан ҳам воҳа аҳолисининг удумлари, анъана ва одатлари ўзига хос жозибатор, сержило, теран маъно ва мазмун асосида шаклланган. Айтиш жоизки, халқимизнинг сеvimли достони саналган “Алпомиш” достонининг шаклланган жойи ҳам айнан Сурхон воҳаси саналади. Шу боисдан ҳам воҳа аҳлининг тўй-тантаналари бахши-шоирларсиз ўтмайди. Шеробод достончилик мактаби ҳам республикамизда бахшичилик мактаблари орасида алоҳида аҳамиятга эга. Шеробод достончилик мактабида Шерна бахши, Умар бахши, Мардонақул бахши, Аҳмад юзбоши, Саодат юзбоши, Чори юзбоши, Холиёр бахши, Нормурод Шерназар ўғли, Жўра Эшмирза ўғли, Худойкул Лақай, Алим юзбоши каби бахши-шоирлар етишиб чиққан. Шеробод достончилик мактаби анъаналари бугунги кунда ҳам бахши шоирлар томонидан сайқалланиб, бойитилиб бормоқда. 1999 йилда “Алпомиш” достонининг минг йиллигини нишонланиши ва 2000 йилда “Ўзбекистон Халқ Бахшиси” унвонининг ташкил этилиши халқ оғзаки ижодига берилаётган улкан эътибор воҳа достончилик анъаналарининг янада кенгайишига олиб келди. Шоберди Болтаев, Абдуназар Поёнов, Боборайим Маматмуродовлар “Ўзбекистон Халқ Бахшиси” унвонига сазовор бўлишди.

2001 йилда воҳанинг Бойсун тумани инсоният оғзаки ва маънавий мероси дурдонаси сифатида ЮНЕСКО рўйхатига

киритилди. 2002 йилдан бошлаб эса Бойсунда очик фольклор фестивали ўтказила бошланди. Воҳада адабий ҳаракатчилик ҳам ўзига хос тажриба асосида ривож топган. Воҳанинг шоир ва адиблари маънавиятимиз юксалишига ўзининг муносиб улушини кўшиб келмоқда. Ўзининг жарангдор овози билан шеърятга кириб келган Раъно Узоқова, Теша Сайдалиевлар ўзбек шеърятига ўзига хос ёлқин бўлиб порлади. Ўзбек ҳикоянавислигини бир қадар юксакликка кўтарган Шукур Холмирзаев Сурхон воҳасида туғилиб ўсди. Ўзбекистон Халқ Шоирлари Усмон Азим, Сирожиддин Саййидлар ҳам Сурхон воҳаси фарзандлари. Бундан ташқари Тоғай Мурод, Нодир Нормат, Эшқобил Шукур, Қўчқор Норқобил, Салим Ашур, Менгзиё Сафаров, Исомиддин Отақулов, Низомжон Парда, Норқул Ҳайитқул, Мирза Кенжабек, Шафоат Раҳматулло Термизий, Ҳамид Бадалов, Тоштемир Турдиев, Болта Ёриев, Туроб Эшбоев, Асомиддин Темурий, Исмаи Норбоев, Нарзулло Сўфизода, Юсуф Вализода, Анвар Омонтурдиев, Абдулхамид Тўйчиев, Болтажон Содиқов, Муҳаммад Азимов, Менгнор Олломурод, Нарзулло Орифий каби шоир ва адибларнинг воҳа адабий муҳити ривожига улуши ниҳоятда катта.

Воҳада тасвирий санъатнинг ривожи ҳам анча илдам, хусусан, республика мўйқалам соҳибларининг дарғаси Рўзи Чориев ижодига шу замин гўзалликлари илҳом берган. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Бадий Академияси академиги, Ўзбекистон маданият ва спорт ишлари вазири Турсунали Қўзиев ҳам Сурхон воҳаси фарзанди. Бугунги кунда воҳа тасвирий санъатида ўнлаб мўйқалам соҳиблари ўз асарлари билан нафақат республикада, балки дунёда танилмоқда. Воҳада кўшиқчилик ва мусиқа ҳам ўзига хос руҳ ва жозиба асосида ривож топган. Жумладан, “Бойсун”, “Зевори”, “Булбулгўё”, “Маҳлиё”, “Қўнғирот” фольклор этнографик дасталари, “Қуралай” болалар фольклор этнографик дастаси. Шунингдек, “Роҳат” (Узун), “Шалола” (Бойсун), “Дилрабо” (Жарқўрғон), “Кумуш тола” (Шўрчи), “Лола” (Олтинсой), “Шодиёна” (Сариосиё) каби ашула ва рақс дасталари маданиятимиз равнақига муносиб улуш кўшиб келмоқда. Вилоятда туғилиб вояга етган хонандалардан Ўзбекистон Халқ Артисти Маҳмуд Намозов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ҳосила Раҳимова, Сайёра Қозиева, Сайёра Қосимова, Равшан Намозов, Лола Аҳмедова раққоса Шоира Қурбонова, Рустам Махмудов, Абдураим Турсунов каби хонандалар мусиқа санъатининг ривожига

Ўзларининг муносиб улушларини қўшиб келмоқдалар. 1935 йил 5-ноябрдан фаолият юритиб келаётган вилоят мусиқали драма театри ўзининг қарийб саксон йиллик тарихи мобайнида воҳа аҳолисининг маданий ҳаётида муҳим ўрин тутиб келмоқда.

Воҳада илм-фан ҳам анча ривож топган. Воҳанинг илм аҳли Термизийлар бошлаб берган илмий изланишлар анъанасини оғишмасдан давом эттириб, фаннинг турли соҳаларида астойдил илмий изланишлар олиб бормоқдалар. Бугунги кунгача воҳада 2 нафар академик, 32 нафар фан доктори профессор, 176 нафардан ортиқ фан номзодлари етишиб чиқди. Вилоятда маънавият ва маданият ривожига оммавий ахборот воситаларнинг ўрни ниҳоятда муҳимдир. Жумладан, бугунги кунда вилоятда 18 газета нашр этилмоқда, 3 музей фаолият юритмоқда. Шунингдек, вилоят телерадиокомпанияси, “Ишонч” нодавлат нотижорат телеканали ва туман телевидениелари аҳолига хизмат қилмоқда. Албатта, халқимизнинг маданий юксалиши ва маънавий камолотида таълим тизимининг ўрни беқиёс. Чунки таълим ва тарбия масканлари ёшларимизни ҳар томонлама комил инсонлар сифатида шакллантиришда асосий бўғин саналади. Бугунги кунда вилоятда 851 та мактаб, 5 та академик лицей, 115 та касб-хунар коллежи ва вилоятда ягона Олий ўқув юрти саналган Термиз Давлат университети фаолият кўрсатмоқда. Шунини алоҳида мамнуният билан таъкидлаш жоизки, Сурхон воҳаси жаҳон цивилизация тараққиётида муҳим ўрин тутадиган қадим тарихга эга, қолаверса, бой моддий ва юксак маънавий мерос шаклланган юрт саналади. Воҳа аҳли томонидан яратилган моддий ва маънавий маданият ниҳоятда бой ва сержило, шунинг учун ҳам муҳтарам Президентимиз И.А.Каримов Сурхон воҳасининг республикамиздаги тутган ўрнига тўхталиб, “Мамлакатимизнинг жанубий чегарасида жойлашган ўзининг бетакрор бойликлари, табиати, тарихи, маданияти, ишлаб чиқариш салоҳияти, аввало, кўнгли очиқ, бағрикенг меҳнаткаш эли билан Сурхон воҳаси барчамизни ўзига мафтун этиши бежис эмас”, деб ҳаққоний баҳо берган эди. Воҳа аҳолисининг ўзига хос турмуш тарзи, кийиниш маданияти, урф-одати, умуман, маданияти, маънавияти, халқ оғзаки ижоди ва ўзига хос самимиятига баҳо бериб, муҳтарам Президентимиз “Сурхондарё – этнографик макон” иборасини қўллади. Бу эътироф воҳа аҳолисининг моддий ва номоддий маданиятига берилган энг юксак баҳодир.




## 1.2 Маросимлар – қадриятларимиз манбаи

Инсоният фаолиятининг тадрижий таракқиёти ва узоқ даврлик тарихий сабоқлар туфайли одамларнинг хўжалик фаолияти билан боғлиқ анъана ва удумлари шаклланиб, сайқалланиб янги тушунчалар билан бойиб борган. Хўжалик фаолиятининг самарадорлигига эришиш нафақат тинимсиз меҳнат ва омилкорликка, балки ҳомий кучлар мададига боғлиқ, деган тушунча шаклланиб борган. Шу боисдан халқимизнинг энг қадимий диний эътиқодларидан бири саналган Зардуштийлик анъаналарида ана шундай ҳомий кучлар мададига таяниш билан боғлиқ тушунчалар, удумлар сақланиб қолган. Жумладан, Анахита ҳосилдорлик сув ва удум илоҳаси сифатида улуғланиб, у бир қўлида олма ва бир қўлида анор тутган гўзал қиз сифатида тасвирланади. Анахита Ўрта Осиё халқларининг сув, маъмурчилик ва муҳаббат маъбудаси, у “Авесто”да Ардвисура Анахита (Нахита-Нахит-Ноҳид) дейилади. Ардвисурада: ард-орд-ун-маъноси; ави-оби-об-сув маъноси; сура-шира-шир-сут ва тагин “сув” маъноси жамулжамдир. Анахитани юнонлар Анаитас деб атаб, Олимп худолари қаторига қўшганлар, шу каби Анахита қадим замонлардаёқ Ўрта Осиё худоларидан яна бири Митра (куёш) билан бирга Эрон илоҳийси Ахура Мазда ва Веретрагна-Варахран (Варахрам ёки Вахран-Бахран-Бахром) жанг ва момақалдироқ тангси билан биргаликда худолар учлигини ташкил этади ва “Авесто”дан мустаҳкам ўрин эгаллайди. Ҳатто Парс-Персепо (Эроннинг Форс остони)да Анахитага атаб қурилган ибодатхона гоят муқаддас саналган. Унда сосонийлар сулоласининг асосчиси Арташер I Папак бобоси (224–652) бир пайтлар коҳин (сосон)лик қилган экан. Шоҳ Артаксеркс (401–358) маъбуда Анахитанинг ҳайкаллари Вавилон (Бобил–Б.М.), Суз, Эқбатон (Ҳамадон–Б.М.), Персапол, Бақтр (Балх–Б.М.), Дамашк ва Сарда шаҳарларида ўрнатади. Зардуштийликдаги яна бир илоҳ Хубби, яъни сув худоси алоҳида сифатларда тасвирланади, бу кейинчалик Эрхубби образи билан боғлиқ халқ оғзаки ижоди дурдоналарининг пайдо бўлишига замин ҳозирлаган. Шунингдек, Зардуштийликнинг яна бир илоҳи Митра мўл-қўлчилик бағишловчи, айниқса, деҳқонлар ва

<sup>1</sup> Муртазоев Б. Алишер Навоий “Саъян сайёр” ва Хусрав Дехлавий “Ҳашт беҳишт” дostonларининг қиёсий таҳлили. Номзодлик диссертацияси. –Тошкент, 1991. –Б.78.

чорвадорларнинг ҳомийси сифатида улуғланади, Митра айна пайтда куёш худоси, у чексиз саховати ва заррин нурлари билан бутун оламга ёруғлик, фаровонлик, кут-барака олиб келади. Экин ва чорваларнинг мўл бўлишини таъминлайди, ёвуз кучларга қарши, хусусан, Ахриман ёвузлик олами бошлиғига қарши кураш олиб боради деган ақидага асос солинган. Эрамизгача бўлган V асрдаёқ Мисрнинг Мемфис шаҳрида куёш худоси Митра ибодатхонаси қад кўтарган эди. Рим империясининг ҳукмронлиги кезлари Митра қатор ўлкаларда машҳур бўлди ва ҳатто у Британия оролларигача етиб борди<sup>1</sup>. Рим империяси сарзаминида 25 декабр куни куёш худоси Митра таваллуди нишонланган, у бир пайтнинг ўзида ҳам куёш, ҳам нур, ҳам мусаффолик, ҳам ҳақиқат худоси ҳисобланган. Христианлик пайдо бўлгач, Митра таваллуди байрами Исо таваллуди (Рождество Христово) билан алмаштирилади. Зардуштийликда ёмғирдан кейинги камалак Митранинг узилган ўқларга қиёс этилган, “анахита” сўзи кут-барака сўзларининг этимологик ривожиди муҳим ўрин тутса ажаб эмас. Чунки Анахита, Нахита, Ноҳид, Она кут иборалари айнан этимологик яхлитликни касб этади. Чунки, она – ҳаёт тимсоли, кут-барака ушбу сўзлар ўзаро жамланса, она кут ёки Анахит ибораси пайдо бўлади. Қорақалпоғистонда жойлашган Онахут муқаддас зиёратгоҳи ҳам айнан мўл-кўлчилик, ҳосилдорлик билан боғлиқ макон сифатида муқаддаслаштирилганлиги бежиз эмас. Бундан ташқари халқимизнинг азал эътиқодларидан бири бўлган Кўк тангри билан боғлиқ эътиқодларда айрим нарсалар ва буюмлар, шунингдек, баъзи ҳайвонлар илоҳийлаштириб, эътиқодий тушунчалар даражасига етган. Инчунин қадимги туркийлар эътиқодида от ва бўри муқаддас ҳайвон тотеми сифатида илоҳийлаштирилган. Хусусан, от кут-барака, мўл-кўл ризқ-рўз, мардлик, саховат, барака тимсоли сифатида илоҳийлаштирилган. Шу боисдан ҳам отга илоҳий ҳайвон сифатида эътибор қаратилган, ҳатто отнинг охури ёки тақаси, эгар-жабдуғи муқаддаслаштирилган. Жумладан, отнинг тақаси эшикка қоқилса, ўша уйдан барака аримайди, ёмонлик бу уйга қадам боса олмайди, деган ақида кенг тарқалган. Шунингдек, отнинг ёлини уй тўрига илиб қўйиш, отнинг ёлини инс-жинсларга қарши курашиш мақсадида исирикқа қўшиб тутатиш, чақалоқнинг илк кўйлагини итнинг бошига, отнинг қозиғига кийдириб олиш, отнинг охуридан заиф ва касалманд болаларни айлантдириб олиш,

<sup>1</sup> Муртазоев Б. Шу манба. – Б.78.



отнинг хуржунига солиб олиш ёки отнинг эгари остидан ўтказиш каби ҳолатлар от култи билан боғлиқ тотемистик тушунчалар саналади. Шунингдек, бўри ҳам туркийларда муқаддас ҳайвон сифатида илоҳийлаштирилган, айнан бўрининг тиши, тирноқлари, териси ёвуз кучларга қарши кураш воситаси ҳисобланган. Уйга, бола бешигига, унинг кийимига тумор сифатида тақиб қўйилган. Бўрининг ёшлигида тутиб олинган болалари қўлга ўргатилиб, айрим жойларда экин ва пайкаллар ҳамда сурувларнинг ораларига барака келтирувчи рамз сифатида олиб борилган. Бўри оралаган жой баракали бўлади, ҳосил мўл бўлади, деган ақидага амал қилинган. Айнан бўрининг жуни ҳам от ёли сингари исириққа қўшиб тутатилган ва бу билан ёвуз кучлар ҳайдалган. Кўпинча болалари ёшлик пайтида вафот этиб кетаётган, яъни боласи турмаётган ота-оналар болаларини ўлган бўрининг оғзидан ўтказиб олишган. Яъни бўрининг оғиз қисми кесиб олиниб, териси ийланган ва шундан чақалоқ уч бора ўтказилган. Бундай болаларга Эшбўри, Қурбўри, Бўритош, Бўрихол, Бўри, Бўрибой каби исмлар қўйилиши бежиз эмас<sup>1</sup>.

Бундан ташқари, ишнинг хайрли бажарилиши ҳам бўрига менгзалган, яъни оилада ўғил боланинг туғилиши “бўри бўлди” ибораси билан ифодаланган. Ёки совчининг қуда томонидан олган розилик жавобини эшитиш учун совчидан бўрим, тулки деб сўралган, агар иш силлиқ кўчган бўлса, “бўри” деб жавоб берилган. Бирор каттароқ юмуш адо этилса, бу иш ҳам “бўри бўлди” деб жавоб қайтарилган. Кўриниб турибдики, қадимги туркийларда от ва бўри муродга етиш тимсоли саналган. Халқимизда узоқ муддат фарзанд кўрмаган эр-хотинга бўри тишлаган, бўри ҳамла қилган, бўри яралаган қўй ёки эчки гўштларини едириш, истеъмол қилдириш одат бўлган. Бу одат ҳозир ҳам мавжуд.

Қадим тангриларни уй ҳайвонлари шаклида тасаввур этиш одамзоднинг чорвага муқаддас назар билан қараганлигидан. Ҳиндлар Индира (қадимий номи Вритрахан)ни ҳўкиз, юнонлар Апполон (у чорва ҳомийси ҳам ҳисобланган)ни қўй шаклида тасвирлашган. Зардуштийлик дини асосчиси Зардуштра (туштур-уштур-шутур-туя), яъни олтин туя, чунки Зардушт карвонбоши-сарбон-йўлбошчи деб билишган. “Авесто” бўйича ерда пайдо бўлган биринчи инсон – Гайа Мартан (Гавомард-Каюмарс, авесточа

<sup>1</sup> Дала ёзувлари. Шеробод тумани Хитой қишлоғида яшовчи 72 ёшли Имом мерган Худоёровдан ёзиб олинган маълумотлар.

талқин, гов-мард, яъни вужуди икки танали хўкиз-одам, масалан Кентавр от-одам каби), баҳодир Гершасп (асп-от) исмлари таркибида туя, хўкиз ва от сўзлари бор. Туркий халқлар ҳам от, ит, туя, бўри ва бошқа ҳайвонларни муқаддас билишиб уларга сифинишганлар.

Эслатиб ўтганимиз жанг ва момақалдироқ тангриси Варахран-Баҳром (Миррих-Марс) “Авесто”да ушбу хилда ифодасини топган. Варахран (Веретрагна) кишиларни ўз жунидан тўқилган кийимга буркайдиган – туя, ўткир тишли, душманларга нисбатан беаёв, шиддатли – тўнғиз; ўқдан тез учувчи – бургут кўринишларида тасвирланади. Хуллас, Веретрагна лаҳзада ўн хил шаклга киради, у бирин-кетин шамол, хўкиз, от, туя, тўнғиз, бўз бола, бургут-калхат, кўй, эчки ва ниҳоят гўзал жангчига айланади”<sup>1</sup>.

Бундан ташқари, кўй ҳам худди шундай барака тимсоли сифатида изоҳланган, яъни пайкалларда боғлар тепасида қўчқор шохини илиб кўйиш, кўй калла суягини илиб кўйиш каби ҳолатлар ҳам гўёки барака тимсоли саналган. Ҳатто воҳа амалий безак санъатида ҳам қўчқор шохи “Қўчқорак” гул сингари тимсоллар бўлиб, бундай тимсоллар, дордевол ва сўзаналарни безаги бўлиб қолмасдан, балки ёвуз кучлар, ёмон назарга қарши кураш воситаси сифатида қўлланилган. Айнан ёмон назарга қарши кураш тимсоли сифатида одам кўзининг тасвири туғдона дарахтидан ясалган туморлар, кўзмунчоқ, исирик, қалампир, чақичтикон каби нарса-буюмлар ёзувликка қарши кураш воситаси сифатида талқин этилган. Шунингдек, омочнинг тиши “По́за”, чўпон таёғи ҳам худди шундай илоҳийлаштирилган. Ҳатто кинна, жин ва алвастини ҳайдашда поза билан силаш ҳолати ҳам мавжуд<sup>2</sup>. Чўпон таёғи ҳам айнан шундай муқаддаслаштирилган буюм бўлиб, чўпон таёғи асосан, уйнинг кераги қисмига қистириб қўйилган, ерга ташланмаган. Чўпон таёғининг устидан хатлаб ўтилмаган, чўпон таёқ отадан болага ўтувчи барака рамзи саналган, чўпонтаёқ ёвуз руҳларни ҳайдовчи қурол сифатида эъзозланган. Чўпонтаёқ асосан ирғай ёки зарангдан тўққиз қарич кесилган ва одам бўйи баробарида бўлган.

Ирғайдан кесдим таёқ,

Йўлинг тўғри бўлсин деб.

<sup>1</sup> Муртазов Б. Алишер Навоий “Саъбан сайёр” ва Хусрав Дехлавий “Ҳафт беҳишт” дostonларининг киёсий таҳлили. Номзодлик диссертацияси. –Тошкент, 1991. –Б.47–48.

<sup>2</sup> Дала ёзувлари. Шеробод тумани Оккўрғон кишлоғи Худоймурод бободан олинган маълумот. Қўнғиротнинг Ойинли уругидан.

Зарангдан кесдим таёк,  
Бошинг тошдан бўлсин деб.

Иргай бутқосиз тўғри ўсадиган дарахт бўлиб, тўғрилиқ ва покликка киёс этилган. Заранг ўта қаттиқ ва узоқ яшовчи дарахт саналади. Чўпон таёғи фақат барака, ризқ-рўз тимсоли бўлиб қолмасдан, қасам ва онт ичишда ҳам қўлланган. Бирор нарсани ўғирлаганликда ёки ножўя ишни қилганликда гумон қилинган бола ёки одам қасам сифатида чўпон таёғидан сакратилган. Агар чўпон таёғидан сакранган киши айбдор бўлса, қуриб, қақшаб ўлади, беайб бўлса ҳеч нарса қилмайди, деган тушунчага биноан ана шундай онт ичирилган<sup>1</sup>. Воҳа аҳолиси орасида хўжалиқ фаолиятининг баракали бўлишини таъминлайдиган ҳамда деҳқон ва чорвадор, ҳунарманду қосибларга ҳомийлик қиладиган пирлар ва улардан мадад сўраш, улар ҳаққига ис чиқариш, Қуръон ўқитиш каби удумлар ҳам мавжуд. Жумладан, воҳада деҳқонлар ҳомийси, яъни пири Бободехқон культини муқаддаслаштириш кенг расм бўлган. Воҳа деҳқонлари Бободехқонни ўзларининг ҳомийси сифатида эътироф этади, ҳар йили экин экишдан ва ҳосил йиғиштиришдан олдин, баъзан кейин Бободехқон ҳаққига ис чиқарилади. Бирор пайкалга қадам қўйганда Бободехқон барака берсин, деб ният қилинади. Айнан Бободехқон ким ўзи деб берилган саволга айримлар Одам Ато деб жавоб қилса, айримлар Хўжаи Хизр деб жавоб қилади.<sup>2</sup> Жумладан, “Бободехқон пайкаларингиздан оралаб кетсин”, “Бободехқон назар қилсин”, “Бободехқон қўлласин”, “Бободехқон таёғини судраб ўтсин”, “Хизр назар қилсин”, “Хизр тегсин”, “Хизр ҳассасини судраб пайкалингиздан ўтсин” каби иборалар воҳа деҳқонлари орасида кенг расм бўлган. Бундан ташқари боғ-роғлар ҳомийси сифатида Ҳазрати Нуҳ алайҳиссалом шахси муқаддаслаштирилган, яъни Нуҳ тўфон пайтида ток новдасини ерга қадаган инсон сифатида боғбон, миришкорлар ҳомийси сифатида улуғланади<sup>3</sup>.

Воҳа чорвадолари ҳам ўз пирлари ва ҳомийларига эга бўлиб, жумладан, қорамоллар пири сифатида Зангиота, яъни Бобозанги (йирик мутасаввуф авлиё Ойхўжа ибн Тошхўжа) майда молларнинг пири Чўпонота, От ва чавандозлар пири Қамбарота ёки

<sup>1</sup> Дала ёзувлари Шўрчи тумани Хурлик кишлоғи Тожи бобо Эшбоев. Қўнғиротнинг Тортувли уруги. 86 ёш.  
<sup>2</sup> Дала ёзувлари: Шеробод, Бойсул, Шўрчи, Жарқўрғон, Денов туманларида утказилган этнографик дала амалиётларидан тўпланган материаллар таҳлили  
<sup>3</sup> Дала ёзувлари: Олтинсой тумани Вахшивор, Қорлик, Чеп, Дегрез кишлоқлари кексаларидан ёзиб олинди.

Бибиқамбар, туякашлар ҳомийси Восил Қора, Эшакнинг пири Хорхор ота каби ҳомийлар илоҳийлаштирилган ва буларга бағишлаб вақти-вақти билан ис қилинган, обрў чиқарилган. Молларни яйловга чиқариш ёки қишлоғга қайтиш олдидан кун ўнгловчилар соатли ёки бесоат кунларни юлдузлар жойлашувига қараб аниқлаб, соатли кунларда кўчилган ва шу кўчишдан аввал ис чиқарилиб, ҳомий пирлар ҳаққига обрў чиқарилган. Агар кун чап келадиган кунгача кўчиш имкони бўлмай қолса, улар ўз нарсаларидан бирорта улги, масалан, ўтов ёки бўҳчани кўчувчилардан бериб юборган. Бу одат Солиқ солув деб аталган. Кейин кун ўнгламасдан ҳам кўчилаверган, чунки ўнг кунда, яъни соатли кунда, кўчувчи солиқ чиқариб қўйган бўлган. Бироқ бесоат кўчиш билан боғлиқ бахтсизликнинг олдини олиш учун, албатта, ис қилиниб обрў чиқарилган<sup>1</sup>.

Воҳа ҳунармандлари ҳам ўзлари бажарадиган ҳунарларининг турларига қараб маълум ҳомийларга эътиқод қилган. Жумладан, кулоллар Миркулол отага, (машҳур мутасаввуф Баҳоуддин Нақшбанднинг устози Шамсиддин Кулол), тивувчилар Идрис алайҳиссаломни пир билган. Чунки Идрис алайҳиссалом илк бор игна ва ипдан фойдаланиб кийим тикиб кийган. Унгача одамлар теридан кийим кийишган. Темирчилар ҳазрат Довуд алайҳиссаломга, уста ва дурадгорлар Иброҳим алайҳиссалом пир билган, чунки Иброҳим алайҳиссалом Нуҳ тўғони пайтида бузилган Каъбани қайта тиклаган. Қассоблар Жаннати Қассобга, каштадўзлар, безакчилар Баҳоуддин Нақшбандга, дорбозлар Ҳазрати Алига, мироблар ҳазрати Сулаймон алайҳиссаломга эътиқод қилишган ва ўз касбларининг ҳомийси деб тушунишган. Воҳада ушбу ҳомий зотларга бағишлаб бунёд этилган муқаддас қадамжолар мавжуд, жумладан, Шеробод туманида Сулаймон ота ва Чўпон ота зиёратгоҳлари ана шундай муқаддас қадамжолар саналади. Бундан ташқари, ҳар бир жойда яна қўшимча тарзда ҳомий авлиёлар, пирларнинг муқаддас зиёратгоҳлари ҳам мавжуд бўлиб, ушбу жойдан ҳам мадад тилаш ҳолатлари учрайди. Жумладан, Шеробод туманида Хўжанқон, Бойсун туманида Хўжабулғон қишлоқлари бор. Халқ орасида: “Фарзанд тиласанг Хўжанқо, мол тиласанг Хўжабулғон” каби иборалар бежиз айтилмаган. Ушбу зиёратгоҳлар ҳам Шеробод туманида жойлашган. Воҳа аҳолиси анжирни жаннатдан тушган дарахт

<sup>1</sup> Омонтурдиев А. Профессионал нутк эфемикаси. –Тошкент: Фаң, 2006. – Б.134.

сифатида илоҳийлаштириб, ҳатто Шеробод тумани Пошхурт қишлоғида Анжирота зиёратгоҳини бунёд этишган. Ёки Шеробод туманида Қораёғоч зиёратгоҳида патта дарахти ўсади ва бу жой ҳам муқаддас қадамжолардан саналади. Шунингдек, деҳқончилик қилишга ҳалақит берувчи курт-кумурсқалар, ҳашаротлар кўпайиб кетган вақтда курт-кумурсқалар пири Айюб алайҳассаломга бағишлаб ис чиқариш удуми ҳам зироаткор аҳоли орасида кенг тарқалган. Воҳа аҳолиси орасида етти хазина атамаси ҳам кенг қўлланилади. Етти хазина тушунчаси етти сонини илоҳийлаштириш билан боғлиқ бўлиб, бунда рўзғорга қут-барака келтирадиган фаровонлик ва тўқинчиликни таъминлайдиган қуйидагилар тушунилади:

1. Товуқ
2. Ипак қурти
3. Асалари
4. Тегирмон
5. Мойжувоз
6. Балиқ
7. Сигир.

Воҳа аҳолисининг хўжалик фаолияти билан боғлиқ номоддий маданият сирасига меҳнат жараёнида ва меҳнат якунида ижро этиладиган қўшиқлар, айтишувлар ва хиргойилар ҳам муҳим ўрин тутади. Чунки воҳа аҳолиси хўжалик фаолияти давомида меҳнат машаққатларини енгиллаштириш, меҳнат натижаларининг самарадор бўлишини Яратгандан сўраш, кишиларни бирдамликка даъват этиш, сабр-қаноат ва ҳамжиҳат бўлиб юмушларни адо қилишга чорлаш, иш ҳайвонини ёки чорва молларини эрталаб соғиш ва юпатиш тарзида қўшиқ ва лапар, айтишувлар ҳам ижро этилган. Бу қўшиқлар умумий тарзда меҳнат қўшиқлари, деб аталса-да маълум йўналишларга бўлинади.

1. Деҳқон қўшиқлари: Қўш қўшиқлари, Ўрим, Хўп майда қўшиқлари, Хирмон қўшиқлари, Обло барака, Ховор қўшиқлари
  2. Боғбон қўшиқлари: Ҳай дурси
  3. Чорвадор қўшиқлари: Хўш-хўш, Турей-турей, Отбоқар қўшиқлари ва ҳоказо.
  4. Ҳунарманд қўшиқлари: Кашта қўшиқлар, Тегирмон, Кулол, Темирчи, дурадгор, ошпаз, Ўрмак, Урчук қўшиқлари ва ҳоказо.
- Деҳқончилик билан боғлиқ удумлар орасида Шохмойлар удуми кенг ўрин тутади. Деҳқончилик маданияти илк сунъий суғориш билан боғлиқ бўлиб, дон экиш ва йиғиб олиш катта меҳнатни талаб қилиб, ҳосилни экишдан то йиғиштириб олгунча бўлган давр деҳқонларни ҳамжиҳат бўлиб ишлашга, бир-бирларга мададкор бўлиш, ҳашар йўли билан қўллаб-қувватлашга чақирувчи халқ оғзаки айтишувлари, қўшиқлари, рақслари, шеърлари, маталлари, топишмоқлари, яратилиб

авлоддан-авлодга ўтиб келган. Зироатчиликда ғалла экиш муҳим ўрин тутиб, етилган ғалла қўлда ўриб олинган, бундай оғир ва айни пайтда марокли меҳнат пайтида ўроқчилар ўзларини овутиш учун махсус қўшиқлар тўқиб қўйлаганлар. Ана шундай қўшиқлар «Ўрим қўшиқлари» деб юритилади. “Ўрим қўшиқлари” якка шахс ва кўпчилик томонидан ижро этилган. Уларда баҳорнинг инжиқ, ёзнинг жазирама иссиқ кезларида қилинган меҳнатнинг самара берганлигидан қувонган деҳқоннинг кўтаринки руҳи, етилган ҳосилни тезроқ йиғиб олишга бўлган кучли иштиёқ тараннум этилади:

Ўрогим олмос,  
Ўришдан қолмас.  
Сира ҳам толмас,  
Ўрмасам бўлмас.

Маълумки, ўтмишда ғалла ўрими ҳашар йўли билан амалга оширилган, чунки одамларнинг якка хўжаликлари, ҳосилдор ерлари катта ва сермеҳнат бўлиб, деҳқондан кўп қўл кучи талаб қилган. Илгари ҳашарнинг айниқса, бева-бечораларга, камбағал оилаларга катта ёрдами теккан, ҳашарнинг ўзига хос хусусияти, у беминнат, бепул, бетаъма бажарилган. Ҳашар пайтида ўримчиларни зериктириб қўймаслик, иштиёқ билан меҳнатга чорлаш мақсадида сўзга чечан кишилар турли лирик қўшиқлардан ва қизиқарли дostonлардан парчалар қўйлаб, ўроқчиларга далда берганлар.

Кишилар ўрим пайтида «Ёзи билан Зебо» достонидан парчалар қўйлашган. Чунки Ёзи кал билан Зебонинг ишқий саргузаштлари ўроқчиларга завқ бағишлаган:

Зебижон эрта кетади сой билан,  
Қўлида чинни пиёла мой билан.  
Чиннини нодонга берманг, синдирар,  
Яхшини ёмонга берманг, қуйдирар.

Достонда Ёзи кал Поёндоз исмли бойнинг Зебохон деган қизига ошиқ бўлади. Ошиқ Ёзи кал Поёндозбой агар қизини берса, унинг ҳамма ишларини қилишини, севгилиси учун жонини беришга ҳам тайёрлигини куйидаги мисраларда ифодалаган:

Поёндоз бой, боқаман улоқ билан қўзингни,  
Қайтармайман сенинг айтган сўзингни.  
Менга берсанг Зебохондай қизингни,  
Ғўданглатиб бек кўтарай Майманага ўзингни<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Маймана – Афғонистондаги жой номи



«Ёзи билан Зебо» достонининг айрим парчаларида Ёзининг Зебохонни кўриш илинжида олти ойлаб Поёндозбойнинг кўй ва туяларини боққанлиги, лекин Зебохоннинг висолига етишолмаганлиги, агар уни кўрса армони йўқлиги ва маҳбубага интизорлиги сингари манзаралар акс эттирилади:

Олти ой боқдим Поёндозбой кўйини,  
Бир кўрмадим Зебохоннинг бўйини.  
Олти ой боқдим Поёндозбой туясини,  
Бир кўрмадим Зебохоннинг уясини.  
Бир кўрганимда Зебохоннинг уясини,  
Боқмас эдим Поёндозбой туясини.

«Ёзи билан Зебо» достони парчалари баъзан айтишув шаклида, савол-жавоб тарзида ҳам айтилган:

Зебохон:

Тоғ белидан ўтин олган Ёзимисан,  
Ўтинингни ололмайин ётибмисан.  
Отам Регистон<sup>1</sup> кўчиб боради,  
Регистоннинг йўлларини кўрибмисан.

Ёзи:

Отанг кўчса, кўчаверсин Регистон,  
Регистоннинг нарисиди Ҳиндистон.  
Ҳиндистоннинг йўлларини ҳам кўрибман,  
Ҳиндистонлик кизларни ҳам кўрибман.

Ғалла ўрими пайтида ўроқчилар бу кўшиқларни завқ-шавқ билан куйлашиб, ғайрат-шижоат билан ғаллани ўришган. Бу эса, ўз навбатида, деҳқоннинг кайфиятини кўтаришга ёрдам берган.

Ҳозирги кунда ғалла ўрими билан боғлиқ «Ёзи билан Зебо» достонининг айрим парчаларигина бобо-момоларимизнинг хотирасида сақланиб қолган бўлиб, улар ҳам аста-секин унутилиб бормоқда. Бу кўшиқларни кексаларимиздан суриштириб тўплаш, уларни келажак авлодга қолдириш ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчи бўлмоғи лозим.

### 1.3 Наврўз байрами билан боғлиқ анъаналар

Сурхон воҳаси аҳолиси маданий ҳаётида асрлар давомида юзага келган катта ижтимоий аҳамиятга эга бўлган турли сайиллар, байрамлар, ўйинлар, айтишувлар, ўлан айтиш, бахшичилик алоҳида ўрин эгаллайди. Сайиллар (байрамлар), ўйинлар ижтимоий ва

<sup>1</sup> Регистон – Афғонистондаги шаҳарнинг номи.

шахсий ҳаётнинг барча томонларини қамраб олувчи, ўзаро кишилар муносабатларининг турли жиҳатлари намоён бўлувчи муайян урф-одатлар, анъаналар, ахлоқий тамойилларнинг тарихан шаклланган йигиндисидир. Аҳоли ўртасида кенг тарқалган оммавий байрамлардан Рўза ҳайити, Қурбон ҳайити, Наврўз ва шунингдек, турли хил мавсумий сайилларни мисол келтириш мумкин. Рўза ва Қурбон ҳайитлари оммавий сайиллардан бири бўлиб, ҳайит кунлари кишилар бир-бирларини байрам билан қутлайди, теварак-атроф тозаланади, мархумлар хотирланади, беморлар, кексалар ва бева-бечоралар ҳолидан хабар олинади.

Табиат уйғониш палласига қадам қўйиб, Наврўзнинг илк кўриниши бўлган баҳорнинг дастлабки куртаклари пайдо бўлиб, ўсимлик дунёси уйғонишга тараддуд кўради. Наврўз халқимизнинг қадимий байрамларидан бири бўлиб, 3,5–4 минг йиллик тарихга эгадир. Бу байрам Ўрта Осиё ва Яқин Шарқ мамлакатларида ҳам нишонланиб келинган. Воҳа аҳолиси Наврўзни ерга ишлов бериб, экин экиш мавсумининг бошланиши, баҳорги тенг кунлик деб катта байрам қиладилар. Наврўз байрами арафасида «Йил боши оши», «Йил айрилиш оши» маросимлари ҳам ўтказилган. Наврўз кунлари арафасида қишлоқ оқсоқоллари кенгашиб, бир кунни белгиланганлар. Ёши улуғ бир киши бош бўлиб, қишлоқ аҳлини йилбоши ошига чақирган, албатта, йилбоши оши далада, қишлоқ четида ўтказилган.

Наврўзнинг келиши билан деҳқон биринчи сочган уруғни курт-кумурсақалар ҳақи деб, иккинчисини қушлар ҳақи деб, чунки деҳқончилик китобида: “Гарчи деҳқонларнинг гуноҳлари кум барханларидай бўлсада, қушлар уларнинг барча гуноҳлари учун истиғфор келтириб туради” дейилади, учинчиси ризқ-насиба, тўқинлик рамзи деб сочганлар. Деҳқонлар орзусидаги энг улуғ тимсол “Ҳазрати Хизр”, “Хўжаи Хизр” бўлиб, “деҳқончилигимизга қут-барака берсин”, деб унга атаб махсус маросимлар қилишган. Курьондан оятлар ўқиб, Бобо деҳқондан доннинг мўл бўлишини, хирмонга барака сўраганлар. Хўжаи Хизр даласига келишини истаб, экин майдонидан ўтишини сўраб, ислар чиқариб, қатламалар пиширганлар.

Боғбонлар боғ қилиш, уни кўчатлик давридан мева беришгача бўлган даврига кўз-қулоқ бўлиб, халқ ичида “Яхшидан боғ қолади” деган нақлга эътибор беришган. **Пайғамбаримиз хадисларида қайд этилганидек: “Қайси бир мусулмон киши бир дарахт**

**Ўтказса ёки экин экса-ю, ундан инсонми, қушми ёхуд ҳайвонми еса, у кишига садақа бўлиб ёзилаверади”.**

Халқимизда Наврӯз арафасида мевали дарахт экиш одати кенг тарқалиб, қуриган мевали дарахт дарров кесиб ташланган. Чунки қуриган мевали дарахт ўлим бўлишига сабабчи бўлади, деган тушунча бўлган. Агар дарахт мева бермаса, уни “қўрқитганлар”, гўё уй эгаси мевали дарахт гуллаган пайтда қўлига болта олиб “дарахтни кесиб ташлайман”, деб рамзий маънода дўқ урган. Иккинчи киши эса “энди бу мева бермайдиган дарахтни, кесманг, энди мева беради” деб дарахтни ҳимоя қилиб, эгасига тасалли берган. Халқ тасаввурича шундан кейин гўё дарахт мева берган. Мевали дарахт шохларини кесишга тажрибали боғбон чақиритилган. Сабаби мевали дарахт шохлари эркак ва аёлга бўлиниб, аёл шохлар қолдирилиб, эркак шохлар қирқиб ташланган. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, ният қилиб экилган ҳар бир мевали кўчат томири тупроққа тегиши билан эккан одамга барака келишни Худодан сўрар эмиш. Агар экилган кўчат қаровсиз, сувсиз қолиб қуриб қолса, кўчат эккан одамнинг уйдан қут-барака учиб, ризқ-насибаси камайган. Шунинг учун экилган дарахтга боғбон ўз фарзандидек қараган. Кўчатларни экиш, ўстириш машаққатли иш бўлиб, унга қанча кўп меҳнат қилинса, шунча барака келтирилган. Афсуски кўпинча экилган кўчатлар қаровсиз қолиб, миллионлаб сўмлик кўчатлар нобуд бўлиб, кўчат экиш давридаги меҳнат самарасиз кетади. Ҳар йили кўчат экиш ойлиги дабдабали ташкил этилиб, кўчат экиш ойлиги тугаши билан экилган кўчатларнинг учдан икки қисми нобуд бўлади. Бу эса, кўпинча, ишлар номига ташкил этилиб, ҳудуднинг табиати, иқлими, сув таъминоти, ер нотекислиги, ҳосилсизлик, шўрланиш, ботқоқлик ҳолатлари ўрганилмай амалга оширилишидадир. Кўчат экиш ҳақидаги халқ анъаналарини билмаслик туфайли, сон изидан қувиб, сифатга эътибор йўқлиги, лоқайдлик туфайли халқ бойлиги нобуд бўлмоқда.

**Наврӯз арафасида қадимдан дарахт экиш ва мева беришига оид кўплаб урф-одатлар, анъаналар бўлиб, халқимизда “одамлар руҳи дарахтларда яшайди, агар марҳумга бағишлаб дарахт экилмаса, унинг руҳи азобда қолади”, деб вафот этган ота-боболарга бағишлаб, дарахт экишиб, уни авайлаб ўстиришган. Аҳоли қадимдан ёнғоқ ва жийда дарахтида руҳлар яшайди, деб бу хил дарахтларни кесишдан қўрққанлар. Айниқса,**

анор дарахтида илохий куч бор деб, Ўзгалар кўзи тушмайдиган жойга, боғнинг чеккароқ ерига эканлар. Чунки бегона кишининг кўзи тушса, анор гули ҳосил бермайди, анор қизил бўлиб гуллаганда қизил кийим кийган кишини ёқтирмайди, деган тасавурлар бўлган. Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Наврўзнинг кириб келиши арафасида кўчат экиш ойлиги бошланади. Наврўзга хос халқимиз урф-одатлари, анъаналари куруқ хаёлий фикр эмас, у ҳаёт тажрибасидан келиб чиқиб, бугунги деҳқончилик маданиятимизнинг ривожини учун катта аҳамиятга эга бўлиб, ҳар бир қилаётган ишимиз учун ноклик, кут-барака, ризк-насиба келтирадиган бебаҳо маънавиятдир.

Мустақиллик йилларида Наврўз байрами ва унинг келиб чиқиш тарихи ҳақида кўплаб тадқиқотлар қилиниб, ушбу тадқиқотларда Ватанимиз мустақиллиги туфайли халқимиз моддий ва маънавий урф-одатлари ва анъаналарини ўрганиш ҳамда қайта тиклаш бўйича фикрлар баён этилди. Наврўз бу баҳор, она ер бағрида табиатнинг уйғониши, тириклик гуркираб жонланган табиатдаги янги кун – Наврўз туйғуси ўз қадрини топмоқда.

Табиат билан инсон ўртасидаги муносабатни уйғунлаштирувчи Наврўз байрами тарихи жамият тараққиётининг қадимги давридан бошланиб, Ўзбекистон ҳудудида қадимдан халқимиз Наврўз билан боғлиқ урф-одатлари ва табиат омиллари билан муносабатлари замирида вужудга келиб, даврлар ўтиши билан бу урф-одатлар мамлакатлар, халқлар ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқалар ривожланиши замирида кенг ёйила бориб, мазмунан бойиган ҳамда маълум бир ўлкалар доирасида тарқалган муштарак ўлмас анъанага айланган.

Ўзбекистон тарихига оид ёзма манбаларда Наврўзнинг қадимийлигига ишора этувчи талай ривоятлар мавжуд бўлиб, мутафаккир олим Абу Райхон Берунийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, “Қонуни Масъудий” ва “Мунажжимлик санъатидан бошланғич тушунчалар” (қисқача “Ат-Тафҳим”) асарларида ҳамда Умар Хайёмнинг “Наврўзнома” рисоласида Наврўз байрамининг ўтказилиши ҳақида қизиқарли маълумотлар қайд этилган. Беруний Наврўз тарихи ҳақида шундай ёзади: “Бу кунни Наврўз деб аталишининг сабаби шуки, Жамшид подшоҳ бўлгач, мажусийлар динини янгиледи ва ана шу янгиланиш эълон қилинган кун “Наврўз” – “Янги кун” деб аталди”.

Беруний асарларида Наврӯз байрамига аталган худди ана шу Жамшид номи билан боғлиқ яна бир ривоят бор. Бу ривоят Абулқосим Фирдавсийнинг “Шоҳнома” дostonидан ҳам ўрин олган. Унда айтилишича, подшоҳ Жамшидни девлар тахти билан осмону фалакка олиб учиришган ва у кун байрам қилинадиган бўлган. Бироқ баҳор байрами Жамшид подшолигидан ҳам илгари нишонланганлиги маълум бўлиб, бу кун, гарчи Жамшиддан олдин ҳам ҳурмат қилинган бўлса-да, лекин Жамшид замонидагина хайитга айлантирилди, дейди.

Ушбу ривоятлар Умар Хайёмнинг “Наврӯзнама” асарида ҳам қайд этилган. Наврӯз бобокалон шоиримиз Алишер Навоий назмидан ҳам ўрин олган. Унинг “Садди Искандарий” дostonида Наврӯзнинг байрам қилиниши айtilган:

**Ки бу сув эрур олам афрӯз ҳам,**

**Хусусан эрур фасли Наврӯз ҳам.**

Наврӯз ҳақидаги ривоятларга эътибор берадиган бўлсак, уларда ҳам астрономик кузатувларга, аниқроғи вақтни ҳисоблашда Ер куррасининг Қуёш атрофида йиллик ҳаракатидан келиб чиққан тушунчага амал қилингани маълум бўлади. Келинг, Фирдавсийнинг “Ҳамал буржига кириб қолганда офтоб”, деган мисрасига диққат қилайлик. Ҳамал баҳорнинг биринчи ойи. Дарвоқе, Наврӯздаги тун-кун тенглиги тушунчаси Алишер Навоийнинг “Хазойин ул-маоний” асарида ажиб бир шоирона муболаға, шу билан бирга чуқур илмий мулоҳаза билан назм этилганки, ўқиб таҳсин айтасан киши:

**Васли аро, кўрдим, тенг эмиш бўйи ву сочи,**

**Тун-кун тенг экан зоҳир ўлур бўлди Наврӯз.**

Қадимда Наврӯз олти кун байрам қилинган, бу ҳақда Беруний “Қонуни Масъудий” ва “Ат-Тафҳим” асарларида яхшигина маълумот беради. Унинг ёзишича, йилнинг биринчи ойи – фарвардиннинг дастлабки куни Хурмузни подшоҳ наврӯзи, деб аташган ва у Янги йилнинг кириши бўлган, шу ойнинг олтинчи куни – Хурдодни эса Катта наврӯз, деб нишонлашган. Подшоҳ наврӯзи XV аср ёзма манбаларида ҳам янги йил кирган кун, деб эслатилган. Умуман олганда, Наврӯзни ҳар бир жойнинг географик ўрни, иқлим шароитига қараб, асосан, баҳор келганда, бироқ ҳар хил вақтда кутиб олганлар.

Наврӯзнинг Ўзбекистон худудида қадимдан байрам қилинишини Беруний ўзининг “Қадимги халқлардан қолган

ёдгорликлар” китобининг “Сўғдийлар ва хоразмликлар ойларидаги ҳайитлар” бобида таърифлаган. Беруний ёзганларидан шу нарса маълум бўладики, дастлаб, Ўрта Осиё халқлари йил ҳисобини бир хил, яъни Қуёш календари асосида олиб борганлар ва янги йил киришини бир вақтда нишонлаганлар. Кейинчалик, кабисани ҳисобга олишдаги ҳар хиллик оқибатида бу ҳисобга беш кун фарқ пайдо бўлди. Йил давомида келадиган ўн икки ойнинг номлари ҳам Ўзбекистон ҳудудидаги халқларда ҳар хил бўлиб, масалан, сўғдийлар уни навсард, хоразмликлар бўлса навсоржи дейишган. Бухоролик олим Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахийнинг “Бухоро тарихи” асарида ёзишича, Варахша (Бухородан 30 километр узоқликда жойлашган қадимги шаҳар)да ҳар йилнинг охирида йигирма кун бозор қилиб, йигирма биринчи куни Наврўз – Янги йил байрамини кутиб олганлар. Бу “Дехқонлар наврўзи” деб аталган. Бухоро деҳқонлари йил ҳисобини ўша кундан бошлайдилар ва бунга эътибор берадилар, деб ёзади Наршахий. Демак, Наврўз тақвим (календарь) удумлари жумласига киради. Ривоятлардаги “Ҳамал”, “бурж”, “йил боши” ёки “Янги йил” тушунчалари бевосита Ер ва унинг Қуёш тизимидаги ҳаракатига, вақтни белгилаш билан боғланади.

Наврўзнинг ислом динидаги маросимларга, умуман, алоқаси йўқлигини Абу Райҳон Беруний аллақачон ёзиб кетганлигини яна бир қарра эслатмоқчимиз. Беруний “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарида шундай ёзади: “...Наврўз куни пайғамбар алайҳиссалом (Муҳаммад)га ҳолва солинган кумуш жом ҳадя қилинган. Шунда пайғамбар: “Бу нима?” – деган. “Наврўз”, – деб жавоб берганлар. Пайғамбар: “Наврўз нима?” – деб сўраган. “шарқликларнинг улуғ ҳайити”, – деганлар... Кейин пайғамбар ҳолвани еб, жомни (синдириб) суҳбатдошларига тақсим этган ва: “Қошки биз учун ҳар куни Наврўз бўлса эди”, - деган.

Беруний асарларида қайд этилган муҳим нарса шундаки, Наврўз анъанасини ислом ақидаларига зид қўймаслик сиёсати исломнинг дастлабки йилларидаёқ бошланганлигини ҳам билса бўлади. Чунки Наврўзни кўпгина халқлар байрам қилишган, бу байрамни чеклаш халқдан ажралиш, демакдир. Наврўзнинг диний ақидаларга ҳеч боғлиқ жойи йўқ, уни ҳамма нишонлайди. Наврўз-бахор, деҳқончилик, ризқ-рўз, бир сўз билан айтганда, табиат байрами, эл хурсандчилиги.

Айни вақтда шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, халқ календарь байрамларига диний тус бериш фақат исломгагина хос бўлмай, уни бошқа динлар, жумладан, христиан ва будда динлари мисолларида ҳам кўриш мумкин. Масалан, православ черковининг машҳур пасха байрамининг келиб чиқиш тарихига назар ташласангиз, аслида чорвачилик байрами эканлиги маълум бўлади. Қадимда Арабистон ярим оролидаги сом қабилаларига мансуб халқлар пасхани молларнинг (асосан қўйлар) баҳорги қўзилаш мавсумида нишонлаганлар, “Пасха” қадимий яҳудий тилидаги “песах” сўзидан олинган ва “ўтиш”, яъни қўзилатиш мавсумининг ўтиши, деган маънони англатади. Кейинчалик бу қабилалар деҳқончилик ҳаёт тарзига ўта бошлаганларида пасха ҳам деҳқончилик байрами кўринишини олган ва ўрим олдидан нишонланган. Бора-бора бу халқ байрами черков таъсирига ўтган. Россияда фақатгина пасха эмас, балки жуда кўп халқ байрамларини ҳам черков ўзиники қилиб олган. Грузияда унинг қадимги пойтахти Мцхета шаҳри шарафига ўтказиладиган Мцхетоба байрамининг моҳияти ҳам айнан пасха байраминикига ўхшашдир ва у ҳам христиан байрами бўлиб қолди. Қадимги Хитойда халқ баҳорда ўтказадиган Цинь-мин байрами кейинчалик будда дини байрам маросимларидан бирига айланди ва хоказо.

Наврўз байрамининг қадимдан сақланиб, ривожланиб келган ўзига хос удумлари бор ва улар ҳар бир жой шарт-шароитларига қараб турлича бўлган. Шу билан бирга, баҳор келиши билан боғлиқ, бир-бирига ўхшаш анъаналар ҳам анчагинадир. Биз бу ерда Наврўз удумларига тўхталмоқчи эмасмиз, бу алоҳида мавзу, қолаверса, этнографларимиз халқ орасида расм бўлганларини бирма-бир йиғиб, илмий таҳлилдан ўтказиб, кенг оммага тавсия қилиши лозим бўлган долзарб вазифа. Фақат айтиш мумкинки, халқнинг байрамона яسانيб, маълум бир жойга (сайилгоҳга) тўпланиши, хилма-хил таомлар тайёрлаши, қўшиқлар айтиши, турли хил ўйин-кулги, беллашувлар ўтказиши Наврўзнинг асосий удумларидан ҳисобланади.

Наврўз айёмидаги табиат хусни жамолини Садриддин Айний ўз “Эсдалиқлар”ида жуда хўб тавсифлаган: “Кузда сепилган буғдой ва арпалар ҳамда беда ердан тўрт энлик ўсиб чиққан, арик бўйларигадаги майсалар ерни кўрпадай қоплаб олган. Чўл ушбу дамларда ўзига хос дилрабо ва оромбахшдир. Гўё Наврўз киришига чўлга яшил бахмалдан пойандоз тўшалгандай. Ёқимли баҳор

ҳавоси янги ўсиб чиққан майсалар хиди билан кишига тоза руҳ ва хуш кайфият бағишлайди, бу тароватли баҳор насимидан оғизни катта очиб тўйиб-тўйиб нафас олгинг келади. Осмон бағрида сузиб юрган оқ, қизғиш, сарғиш рангларда товланган булут парчалари мовий фазога ажабтовур жило берар ва булут парчаларининг қўм-қўк майсалар устидаги кўланкалари гўё баҳор тантанасини намоён қилаётгандай эди. Хулоса, еру осмон ранглар жилоси билан мафтун, табиат авжи уйғонишда”.

Наврўз асрлар давомида кишилар турмуш тарзига сингиб кетган анъана. Шу сабабдан, наврўз сўзининг ўзи ҳам кундалик ҳаётда учраб туради: Наврўз – одамнинг исми. Масалан, Тошкент ҳокими Бароқхонни (вафоти 1556 йил) Наврўз Аҳмадхон ҳам дейишган; Наврўзбоев деган фамилиялар бор: Наврўз, Наврўзбулок – жой номлари; наврўзгул – кўп йиллик ўсимлик туркуми; Наврўзи бузrug – мусикий куй номи.

Тарихий анъаналарга далиллар асосида аниқлик киритиш, уларни илмий нуқтаи назардан асослаш ва ниҳоят халққа етказиш олимларимиз олдидаги муҳим вазифа. Бу анъаналарга тўғри баҳо бериш халқлар ўртасидаги дўстлик янада мустаҳкамланишига ва миллий ғоя, туйғу асосида халқимиз турмуш тарзи янада юксалтиришда муҳим аҳамиятга эгадир.

Фурқат айтганидек:

**Фасли навбаҳор ўлди кетибон зимистонлар,  
Дўстлар, ғаниматдур, сайр этинг гулистонлар<sup>1</sup>.**

Наврўз давр, замон билан бирга яшаб келган қадимий анъана. Шу сабабдан, унга қадимда кенг тарқалган мажусийлик ҳам, ўрта асрларда вужудга келган ислом дини ҳам ўз даврларининг ҳукмрон мафкураси сифатида таъсир кўрсатган. Мустақиллик йилларида Наврўз байрами Ўзбекистон ҳудудидаги халқларнинг анъанавий, моддий ва маънавий меросига бой, халқлар ўртасида дўстлик, ҳамжиҳатлик, инсонпарварлик, ватанпарварлик, мамлакатимиз тараққиётини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган байрамга айланди. Наврўзнинг асл моҳияти – баҳор, деҳқончилик байрами сифатида ўтказилиши асрлар давомида сақланиб келмоқда.

Наврўзнинг асосий рамзи бўлган ўсимликлар, жумладан, дарахтлар, ниҳол экиш ижобий урф-одатлардандир. Унинг маросимлари турли хил кўринишларда намоён бўлади. Инсонлар Наврўзни ҳар йили орзу-умидлар билан кутади, табиатни сақлашга,

<sup>1</sup> Фурқат. Танланган асарлар. –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1975. – Б.161.



мевали дарахтларни кўпайтиришга, янги нав турларини яратиб, кўчатлар экишга киришиб, янги ниҳоллар билан бирга ўз орзумидларини амалга оширишга ҳаракат қилади. Шу тариқа Наврўзда тажрибалар тўпланиб, деҳқончилик маданияти ўсиб, такомиллашиб борган. Деҳқонлар, богбонлар аёзли кунлардан соғ-омон чиққан дарахтларга Наврўз бошланиши билан қайта ишлов берилиб, янги навлар яратишга тайёргарлик қилади. Қадимда халқимиз Наврўз арафасида омоч бўйинтуруқлар, молаларни сошлаб тахт қилганлар, отлар совутилган, аравалар тузатилиб, ишга яроқли ҳолга келтириб кўйилган. Асосий ишчи кучи ҳисобланган хўкизлар яхши парваришланиб, улар ер ҳайдашга олиб чиқилган. Халқ деҳқончилик байрами “Наврўзи кишаварзон” – “деҳқонлар байрами”га Тангрига сизиниб тайёргарлик кўрган.

Бободеҳқонларимиз ерни ҳайдашни душанба, чоршанба, шанба кунлар дастлаб бошлаб, ер кундуз куни бўлса шимолга, кечаси эса жанубга қараб ҳайдалган. Экин экиладиган майдонларга таҳоратсиз кирмаган, нопок ишларни, яъни пешов, ҳожатларни экин далаларига қилмаган. Файзу барака кетиб, қурт-қумурсқа, чигирткалар экин донларини еб, кўкарган ҳосил, меваларни тўсатдан совуқ уриб, қуртлар мевани еб, барака кўтарилади, деган тасаввур кенг шаклланган. Қадимги деҳқонларни боши бўлган хоқон, яғмо, бек, амлоқдор, амин, оқсоқоллари биринчи кўчат, дон, полиз ва сабзавотлар экилаётганда дала бошида шахсан ўзлари бўлиб, катта далалар бошида буқа, сигир, қўй сўйиб хомталаш қилиб, сўйилган мол қонини экин далаларига селиб, ёмон инс-жинслар, дев, шайтонларни даф этиш мақсадида бажарганлар. Аминлар ва оқсоқоллар полиз, сабзавот ва мевали кўчатлар экини олдидан ҳазрати Деҳқонга, Пири Довудга бағишлаб хўроз сўйиб қурбонлик қилган. Ушбу ишдан мақсад баҳорги дала юмушларини бошлашдан аввалги қурбонлик бўлса, иккинчидан, меҳнат қуроллари, омочлар учун маросимий қурбонлик қилиб темирчилик пири ҳисобланган Ҳазрати Довудга эхтиром рамзи бўлган.

Ушбу маросимлар ҳозирги вақтда кундалик ҳаётдан чиқиб кетган бўлса-да, қисман урф-одат ва анъаналарни яхши билган раҳбарлар амалга оширмоқда. Бу анъаналар табиат ва инсон билан боғлиқ номаълум сирларнинг ўзаро уйғунлашиши бўлиб, деҳқончилик бошланишидан олдин амалга оширилган анъаналар, унга амал қилганларга файз барака, обрў-эътибор келтирганлигини

ҳаёт исботлаб келмоқда. Сурхон воҳасида Наврӯзнинг кириб келиши билан баҳорги ишлар олдидан дала яқинида худойи қилиниб, маросимга кекса деҳқонлар, оксоқоллар раҳбарлик қилиб, ҳар бир хонадондан буғдой, озиқ-овқат маҳсулотлар маълум миқдорда маблағ тўпланиб, бозордан бузоқ ёки қўй сотиб олиниб, қурбонлик қилинган. Таом тайёр бўлгунча қишлоқ эркаклари ариқларни тозаллаган. Баҳорги шудгор, экин олдидан “ис чиқариш” маросимида ҳар бир оила аёллари бўғирсоқ, қатлама қилиб, марҳумларнинг руҳларини шод қилган, деҳқонлар ишининг омадли бўлишини сўраган. Энг муҳими, Наврӯз арафасида Сурхон воҳасининг ариқ, дарёлари сувга доимий тўлиб оқиш учун махсус қурбонлик қилиниб, ушбу маросимда ҳашар билан ариқлар тозалаб бўлингач, сув очилиши олдидан аҳоли маросим учун пул, буғдой ва озиқ-овқат тўплаб, пулга бузоқ, бўз бия, оқ тойчоқ, кўчқор сотиб олиб қурбонлик қилган. **Сўйилган ҳайвон қони ариқлар сувига оқизилиб ёки танаси сувга ташланиб, уни сувдан олиб турли хил таомлар тайёрлашган.**

Наврӯзда деҳқонлар баҳорги ҳайдов олдидан ҳўкизларни шохлари ва бўйинтуруғини ёғ билан мойлаб, ҳўкизларнинг ёмон кўздан асраш, учун “ис ёғи” ўтказиб, ҳўкизлар шохига махсус туморлар тақишган. Бу удумлар “шоҳмой”лар маросим деб, Ҳазрати Одамнинг ҳақиға аталган. Энг муҳими деҳқончиликка бағишланган ҳамма маросимларни бошқаришга кекса ёшли, болачақаси, невара-чевараси кўп пиру бадавлат, иши доим олдинга кетадиган тадбиркор, обрўли киши раҳбарлик қилиб, биринчи қўшни ҳайдаб берган. Ушбу Наврӯз маросимини деҳқонлар янги либослар кийиб, тўкин-сочинлик ва шоду хуррамлик билан ўтказиб, бу кунда одамлар ёлғон гапирмаслиги, бири-иккинчисини ҳақорат қилмаслиги, қўпол сўзлар ишлатмаслиги, нонок ҳолда дастурхон ёнига келмаслиги талаб қилинган. Чунки айтилган қўпол сўз, ҳақорат қилиш, нопок иши бир йиллик деҳқончиликка зарар қилиб, барака кетади, ризқ-насибамиз мўл бўлмайди, ҳосил паст бўлади, деган фикрда бўлишган. Шунинг учун “Қўш чиқариш”, “Шоҳмойлар”, “Қўш оши” маросимлари шоду хуррамлик байрами бўлиб, унга амал қилмаганлар эл назаридан қолиб, бир умр косаси оқармай, хор-зор яшаган. Қанчалик меҳнат қилмасин, ишининг баракаси бўлмаган. Деҳқонлар ерга дастлабки уруғни сочишдан аввал дуои фотиҳа қилиб, дам солиб ундан кейин бўлғуси ҳосил уругини ерга сочган.

**Дехқончилик билан боғлиқ маросимлар.** Воҳада дехқончилик билан боғлиқ бўлган кўпгина қадимий маросимлар борки, улар ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради. Воҳа аҳолиси Бободехқон ва у билан боғлиқ урф-одатларга қатъий амал қилган ҳамда унинг руҳий қувват беришига ишонганлар. Шу боисдан воҳа аҳолиси экин экаётганда Бободехқон баракасини берсин, деб худойи қилишган.

**“Лой тутиш” маросими.** Воҳада дастлаб экин экишдан аввал ариқлар қазилиб, лойқалардан тозаланади. Шу вақтда дехқончилик маросимларидан бири «Лой тутиш» маросими ўтказилади. Ариқ қазийётган одамлар олдидан бирор йўловчи ўтиб қолса, ўтаётган йўловчига ариқ қазийётган одамлардан биттаси бел ёки кетмонда лой тутати. Йўловчи тутилган лойни узатилган асбоби билан бирга олиши, шу жараёнда йўловчи ўзининг бирор хунарини кўрсатиб, вазиятдан чиқиб кетиши мумкин. Хусусан, бахши дostonдан терма куйлаши, ҳофиз қўшиқ айтиши, полвон курашга тушиши, хунарманд эса ариқ қазувчиларнинг асбобларини таъмирлаши лозим. Агарда бу ҳолатдан чиқиб кета олмаса, ариқ қазувчиларни меҳмон қилиши ёки бўлмаса улар томонидан кўрсатилган ариқни тозалаб бериши лозим.

**“Шохмойлар” удуми.** Экин экишнинг илк куни далага қўш чиқариш пайтида «Шохмойлар» удуми ўтказилган. Дехқончиликка алоқадор маросимларнинг деярли барчасига мазкур удум йўл очиб беради, бу маросимга қишлоқ аҳлининг барчаси иштирок этган. «Шохмойлар» удуми эрта баҳорда, асосан, Наврўз кунлари ўтказилган.

Одатда қишлоқ аҳли ўз имкониятидан келиб чиқиб, маросимга ҳар хил таомлар тайёрлашган. Маросим ўтказиладиган жойда қишлоқ аҳли томонидан пишириб келинган таомлар тановул қилинган. Шундан кейин ёши улуғ, бадавлат киши томонидан бу йилги дехқончиликка Аллоҳдан кут-барака сўраб, дуо қилинган. Ҳатто ўтган йилги бугдойдан қилинган нон бўлақларга бўлиниб, маросим иштирокчилрига тарқатилган, бир бўлаги қўшга қўшилган хўкизга берилган. Хўкизларнинг бақувват бўлиши учун уларнинг шохига зиғир мойи суртилган, ёмон кўздан, инс-жинсдан асрасин деб, исриқ ҳам тутатилган. Шу киши томонидан дастлабки қўш солиниб, тоқ сонидан имкониятига қараб, уч, беш ёки етти марта қўш ҳайдаган. Сўнгра ўтган йилги ҳосилнинг охири тутамидан

олинган буғдойдан кўш билан ҳайдалган ерга бир неча ховуч сепилган. Шу билан баҳорги экин-тикин ишлари бошланиб кетган.

**“Суст хотин” маросими.** Қадимдан сақланиб келган деҳқончилик маросимларидан бири «Суст хотин» маросимидир. Бу маросим, асосан, йил қурғоқчилик келган йилларида лалми деҳқончилик билан машғул бўлган ҳудудларда ўтказилган.

Қишлоқдан ўн-ўн беш киши одам шаклида кўғирчоқ ясаб, кўғирчоққа ёши кекса аёлнинг кўйлагини кийдириб, кўчаларни айланган. Қолганлари эса «Суст хотин» кўшиғини айтишган, эртаси куни эса йиғилган хайр-эҳсонлардан қишлоқнинг бир чекка жойида ош қилиниб, халққа берилган. «Суст хотин» маросими якунидаги кўғирчоқни куйдириб юбориш ёки эски қудуққа ташлаш удуми узоқ ўтмишдаги аждодларимизнинг қурбонлик қилиш маросимининг қолдиқларидан биридир.

**Ҳосил йиғиштириш билан боғлиқ маросимлар.** Воҳада деҳқончиликда етиштирилган ҳосилни йиғиб-териб олишдан олдин «Хайрихудойи» маросими ўтказилади. Бу маросимда мўл-кўл ҳосилни эсон-омон йиғиштириб олишни ният қилиб, худойи қилинади.

Қадимий деҳқончилик маросимларидан яна бири «Обло барака» маросимидир. Ҳашарчилар буғдой ўрмининг сўнгида бир парча ўрилмаган ерни ҳар томондан ўраб, аста ўриб келаверадилар. Бундай пайтда ҳар бир ўроқчи охириги тутам буғдойни ўраб олишга ҳаракат қилади. Охириги тутам буғдой эса «Она буғдой» деб юритилади, қайси бир ўроқчи ана шу тутамга етиб олса, «еттим-еттим, обло барака берсин» деб уни ўриб олади.

Воҳа аҳолисининг деҳқончилик билан боғлиқ маросимлар ва урф-одатлари минг йиллар давомида шаклланиб, такомиллашиб келган ҳамда келажак авлоднинг қадриятларини эъзозлашга ўргатади.

**Чорвачилик билан боғлиқ маросимлар.** Воҳа аҳолиси қадимдан чорвачилик билан шуғулланиб келган, шу боисдан ҳам воҳада чорвачилик билан боғлиқ маросимлар ва иримларга ҳанузгача амал қилинади. Чорвадор аҳоли чорва молларининг пирларига сиғиниб келган. Қўй ва эчкининг пири Чўпон ота, қорамоллар пири Бобозангига атаб худойи қилинади.

Воҳа чўпонлари моллар касаликка чалинса, шу муқаддас қадамжойларга молларини ҳайдаб бориб, молларни азиз авлиёнинг қабри атрофидан уч марта айлантиришган. Молларни ҳайдаб

борган чўпон таёғини шу зиёратгоҳ ёнига «касалликлар шу ерда қолсин» деган ниятда қадаб қолдирган. Зиёратгоҳ жуда олис жойда бўлса, молларини ҳайдаб боролмаган чўпон шу зиёратгоҳ тупроғидан олиб келиб, касалланган молларига шу тупроқни тузга аралаштириб сепишган.

#### 1.4. Аёл васфи – оила васфи

Ҳар қандай жамиятнинг маданий даражаси ва маънавий баркамоллиги аёлларга бўлган муносабат билан белгиланади.

**И. А. Каримов**

Оила халқнинг, миллатнинг давомийлигини сақлайдиган, миллий қадриятлар ривожини таъмин этадиган, янги авлодни дунёга келтирадиган, ёш авлодни ҳар томонлама комил қилиб тарбиялайдиган бебаҳо маскандир. Оила муҳим ижтимоий бирлик бўлиб, унда эр ва хотиннинг табиий-биологик, иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий муносабатлари уйғунлашади. Оила азал-азалдан муқаддас саналган. Аждодларимиз оиланинг поклиги, мустаҳкамлиги ёш авлодни жисмонан бақувват, маънавий етук қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор бериб келишган. Дарҳақиқат, оила йигит ва қизнинг ўзаро ихтиёрий хоҳиши, меҳр-мухаббати асосида барпо этилса, эрнинг бурч ва вазифалари, фарзандларнинг бурч ва вазифалари тўлиқ англанса, ушбу бурч ва вазифаларга оғишмай амал қилинса, оила мустаҳкам бўлади.

Шунинг учун ҳам муҳтарам Президентимиз Ислоҳ Каримов оиланинг инсон жамиятида тутган ўрни масаласига тўхталиб, шундай деган эди: “Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсири беқиёсдир. Чунки инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади. Боланинг характери, табиати ва дунёқарашини белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар яхшилик ва эзгулик, олижаноблик ва меҳр-оқибат, ор-номус ва андиша каби муқаддас тушунчаларнинг пойдевори оила шароитида қарор топиши

табийдир”<sup>1</sup>. Дарҳақиқат оила анъаналарни сақлаб қолувчи, маънавий ахлоқий меросни давом эттирувчи бўгин саналади.

Оила табиат, жамият қонун-қоидалари асосида барпо этилса-да, оиладаги эр-хотин, ота-она ва фарзандлар, қайнона-қайнота, қайин ука ва сингиллар ўртасидаги ўзаро муносабатлар, оила анъаналари ва қадриятлари борасида мустақил макон бўлиб қолаверади. Оиланинг яна бир ўзига хос хусусияти унинг нуклларлигидадир. “Нукллар” лотинча сўз бўлиб, “ядро-таянч” деган маънони англатади. Эр-хотин ва болалардан иборат бўлган оила нуклеар оила деб аталади. Ўзбек оилаларида бўлганидек, Сурхон воҳасида ҳам аксарият оилалар кўп бўгинли саналади, яъни қайнота-қайнона, ўғил-келин, қайин ака, қайин ука, қайин сингил, қайин опа, овсинлар, неваралар ва ҳоказолар биргаликда яшашади. Бундай оилалар шу оиланинг ўзи учун хос бўлган ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, ҳамкорлик ришталарининг мустаҳкамлиги ва шу каби ахлоқий қадриятларнинг кейинги авлодларга етказилишида муҳим роль ўйнайди. Шунингдек оиладаги катта кишиларнинг ёшларга сабоқлари, рўзгор бўйича тажрибаларини, бола тарбиялашдаги ютуқларини келин, ўғил ва қизларга ўргатишлари шу оила мустаҳкамлигини таъминлаш учун замин бўлиб хизмат қилади. Сурхон воҳаси аҳолиси ҳам узоқ даврлик тарихи мобайнида юксак ахлоқий мезонлар асосида оила қуришга алоҳида эътибор қаратиб келган. Оила авлодлар бардавомлигининг муҳим шарти деб эътироф этилган. Оиланинг мустаҳкамлиги, поклиги йўлида ҳар бир оила аъзоси маъсул саналган.

Воҳада оила ва оилавий муносабатлар билан боғлиқ бир қанча қадриятлар шаклланганки, бу қадриятлар ҳар бир оиланинг мустаҳкамлиги ва барқарорлигини таъмин этган. Оила, энг аввало, икки ёшнинг бир-бирига кўнгил қўйиши ва ўзаро келишуви асосида қурилади. Ёш оилаларни барпо этиш уларни ҳар томонлама мустаҳкам оила сифатида шаклланишида катта ёшдаги кишилар, яъни ота-оналар, қариндош-уруғларнинг берган панд ва насиҳатлари муҳим ўрин тутган. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, оиланинг мустаҳкамлиги ва давомийлигига келин ва куёвнинг бир-бирига бўлган ўзаро муҳаббати кифоя қилмайди, қолаверса, кўпни кўрган қайвони ота-оналарнинг панд ва ўғитлари ҳамда шахсий ибратлари ҳам муҳим ўрин тутади. Оилани барпо

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – сингилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2009. – Б.52.

этиш, энг аввало, совчиликдан бошланади. Сурхон воҳасида совчилик вазифаси икки хил хусусият касб этади. Энг аввало, аёллар бўлажак келиннинг оиласи, ота-онаси, тарбияси, хунари хусусида обдан сўраб-суриштиради. Шундан сўнг қизнинг онаси билан йигитнинг онаси ёки холаси ўзаро келишиб олади. Томонларнинг ўзаро келишуви аёл совчилар томонидан бажарилгачгина эркак совчилар қизнинг уйига боришади. Воҳанинг Шўрчи, Шеробод, Бойсун ва Жарқўрғон туманларида аёл совчилар “макиён совчилар” деб аталади<sup>1</sup>. Эркак совчиларнинг бориши бир неча марта такрорланади, чунки қиз томон аксарият ҳолларда “қизи борнинг нози бор” кабилида иш тутиб, ҳа деб розилик беравермайди. Бу ҳолат бир неча бор такрорлангачгина “нон синдириш” маросими бажарилади. Нон синдириш маросими айрим туманларда, “Ялоқ кизартирар”, “Ижоб”, “Фотиҳа”, “Нон ушатиш” каби номлар билан аталади. Ушбу маросим асосида тўй ҳаражатлари, “сут пули”, “қалин пули” каби молиявий масалалар келишиб олинади. Воҳанинг Ангор, Шеробод, Бойсун туманларида “Нон синдириш” маросимидан сўнг “Товоқ жўнатар” ва “Товоқ қайтарар” каби тадбирлар ҳам амалга оширилган<sup>2</sup>.

Дала этнографик тадқиқотлар жараёнида шу нарса маълум бўлдики, бундай ортиқча сарф-ҳаражатлар ва ортиқча чиқимлар кўпинча томонларнинг ўзаро келишуви асосида тугатилмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, оиланинг мустаҳкамлиги томонларнинг ўзаро келишуви ва бир-бирини тушунуви асосида юзага келади, ортиқча дабдаба ва чиқимлар икки томонга маълум муаммоларни келтириб чиқарган. Бўлажак келин ва куёвнинг ўзаро бир-бири билан учрашиб туриши ҳам воҳа аҳолиси ўртасида азалдан мавжуд удум саналади. Ушбу удумга амал қилиш ва ахлоқ одоб меъёрларидан чиқмаслик, ор-номус, ўзаро ҳурмат каби жиҳатларга оғишмай амал қилиш ҳар бир ёшдан, яъни бўлажак келин ва куёвдан талаб қилинган.

Бўлажак келин-куёвларнинг ўзаро учрашуви “қаллиқ уйини” ёки “қаллиққа бориш” деб аталган. “Қаллиққа бориш” олдида йигитнинг онаси, аммаси, холаси ёки янгаси қизнинг онаси билан келишиб олишган ва вақтини белгилашган. Шундан сўнг йигит маълум совға-салом билан тўйдан олдин қизнинг уйига борган. “Қаллиқ ўйини”ни қизнинг отаси ёки акалари сезмаслиги учун

<sup>1</sup> Дала ёзувлари. Шенробод туман Ғамбур қишлоғи. Санам момо Болтаева – 78 ёш, Қўнғирот уруғи

<sup>2</sup> Дала ёзувлари. Ангор тумани Маданият маҳалласи. Зухра момо Хўжамуратова – 70 ёш, Қўнғирот уруғи

қизнинг акаси ёки отасига шароб ичирилган. Қаллиқ ўйинининг маълум меъёрлари бўлиб, барча ахлоқ қоидаларига томонлар оғишмай амал қилган<sup>1</sup>. “Қаллиқ ўйинлари” ёшларнинг ўзаро бир-бирини янада яқин тушунишлари ва ўртадаги муҳаббатнинг янада кучайишида восита ҳисобланган. Келинни куёв уйига тушириб келиш билан оилавий ҳаётнинг илк кунлари бошланган. Албатта никоҳ ва никоҳ тўйлари билан боглиқ қатор маросим ва удумлар ҳам мавжуд бўлиб, бу удумлар ҳам воҳа аҳолисининг узоқ даврлик ҳаётий тажрибалари асосида шаклланган. Ушбу удумлар ижтимоий ва маиший турмушнинг муҳим бўғинига айланиб, улар ёш авлодни юксак қадриятлар асосида тарбиялашнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Воҳа аҳолиси орасида кенг расм бўлган удумлардан бири – бу келинлик чилласи саналади. Келин тушиб келиши билан 40 кун мобайнида чилла даври бошланади. Чилла даврида ёш келин-куёв ҳар томонлама эҳтиёт қилинади, бегона кўз, суқ ва ёмон назардан узоқ тутилади. Чиллага амал килиш орқали ёш келин-куёвларнинг ўзаро мослашув жараёни амалга оширилади<sup>2</sup>.

Оила аъзоларининг ўзаро ҳурмат ва эҳтиром асосида бир-бирларига бўладиган муносабатлари оила мустаҳкамлигини ташкил этади. Шу боисдан ҳам XIX асрнинг иккинчи ярмида яшаб ижод этган татар маърифат парвари Ризоуддин ибн Фаҳриддин “Оила” асарида эр ва хотинлар ўртасидаги гўзал муносабатлар тўғрисида шундай тўхталади: “Бир-бирининг табиат ва хулқидан хушланмаган кимсалар, ҳатто бир-икки чақиримлик ерга ҳам бора олмайдилар. Энди бу дунё сафаридан бир-бирига умр йўлдош бўладиган эр-хотин табиатлари бир бирига мувофиқ бўлмаса, сафарлари қандай давом этади-ю қандай қилиб бир жону бир тан бўладилар<sup>3</sup>.”

Одамзод азал-азалдан инсон нима учун яшайди, деган саволга жавоб излаб яшайди. Бу саволга оддийгина қилиб, одамзод, аввало фарзандли бўлиш, ўзидан зурриёт қолдириш, унинг бахту саодатини кўриш, уларни иймонли, эътиқодли, меҳр-оқибатли қилиб тарбиялаш учун яшайди, десак муболаға бўлмайди.

Фарзандларимиз азиз, лекин уларнинг илми-одоби ундан ҳам азиздир. Бунда жамиятнинг ўзаги бўлмиш оиланинг тутган ўрни муҳимдир.

<sup>1</sup> Бойсун тумани. Мунчок кишлоғи, Шоберди бахши Болтаевдан ёзиб олинган маълумот.

<sup>2</sup> Дала ёзувлари: Турсунхон Хидоятовдан ёзиб олинди. Шеробод тумани Тўпор кишлоғи.

<sup>3</sup> Ризоуддин бин Фаҳриддин. Оила. – Тошкент: Меҳнат, 1991. – Б.25.



Президентимиз И.А.Каримов ўзининг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида - «Ақли расо ҳар қайси инсон яхши англайдик, бу ёруғ дунёда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Фарзанд бор экан, одамзот ҳамиша эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди», – деб таъкидлаганлар.

Аёллар фаоллигини оширишда аجدодларимизнинг миллий, тарихий мероси муҳим манба бўлиб ҳисобланади, чунки замонавий аёллар фарзанд тарбияси, оилада меҳнат тақсмоти, моддий таъминоти, касб-хунар ўрганиш, кўшимча хунар ўрганиш, бўш вақтини ташкил этиш ва ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида миллий анъаналар, урф-одатлардан кенг фойдаланадилар.

Авлоддан-авлодга ўтиб сайқалланиб келган тарихий кадриятларда аёлларнинг турмуши ҳам, келажак ҳақидаги орзу-умидлари ҳам акс этган. Хотин-қизларнинг нафақат жамиятдаги ўрнига, шу билан бирга оилада сеvimли ёр сифатидаги мавқеига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Афсоналарда Тўмарис, Зарина, дostonларда Ширин, Кумушой, Гулсанам, Тожихон, Нурхонлардек хотин-қизлар образи яратилган. Биргина Тўмарис ҳақидаги ривоятни олсак, юрт бошига иш тушиб, она тупроқ хавф остида қолганда Тўмарис кўлига қурол олиб, ёв устига ташланади. У ҳатто ўгли Спарганиз душман макри билан ҳалок бўлганда ҳам манфур рақибларидан аёвсиз қасос олади.

Жамият тараққий этган сари хотин-қизларга муносабат ҳам ўзгара борган. Агар бундан бир неча минг йиллар илгари яшаб ўтган аждодларимизнинг қадим момоларимизга бўлган муносабатларини ўргансак, қизиқарли маълумотларга дуч келамиз. Ўрта Осиёда олиб борилган археологик қазилмалар натижасида топилган ҳайкаллар, уй деворларидаги расмлар ва турли асбобларга ўйиб ишланган суратларда аёллар сиймосини ҳам кўриш мумкин.

Термиз шаҳри атрофида топилган археологик ёдгорликларда мусиқа чалаётган хотин-қизларнинг, Зартепада, Шимолий Афғонистонда топилган расмларда жанг майдонида душман билан найзабозлик ва қиличбозлик қилаётган, ярадор бўлса ҳам рақибига човут солаётган аёллар тасвирини кўрамиз. Бу қадим замонлардаёқ аёлларнинг фақат оилавий ҳаёт билан чекланиб қолмасдан, фаол ижтимоий фаолият ҳам кўрсатганликларини тасдиқлайди.

Хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрнини тўғри англаган пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом муборак ҳадисларида:

"Сизларнинг яхшиларингиз ўз аҳли аёлига хуш муомалада бўладиганларингиздир. Мен сизлардан кўра ҳам ўз аҳли аёлимга яхшиман. Хотинларни фақат яхши одамгина иззат - икром қилур", – деган эди.

Миллий менталитетимизда аёлларнинг оиладаги ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Абу Али ибн Сино оилада ва болалар тарбиясида онанинг ўрнига катта аҳамият берган. Аллома аёллардаги энг муҳим фазилатларга уларнинг турмуш ўртоғига бўлган муҳаббати, итоаткорлиги, фикран ва қалбан нок бўлиши, озодаликка риоя қилиши, ўзини тута билиши, йиғинчоқлиги, исрофгарчиликка йўл қўймаслиги, олижаноблиги, эрига таянч бўла олиши ва бошқаларни киритган.

Буюк шоир Алишер Навоий ўзининг қитъаларидан бирида аёлларни оқила, фозила, покиза, барча соҳаларнинг етук инсонлари сифатида тасвирлайди:

Юз туман нопок эрдин яхшироқ  
Пок хотинлар аёгининг изи<sup>1</sup>.

Улуғ мутафаккирларнинг аёлини бу даражада улуғлаши, уларни куёш ва ой билан тенглаштириши бежиз эмас. Чунки юксак маданият, одамийлик, инсонпарварлик бўлган жойда аёлга бошқача назар билан қаралмайди.

Аёл зотига Амир Темур, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби буюк давлат арбоблари ҳам юксак ҳурмат-эҳтиром кўрсатганликлари маълум. Аёл ҳақида энг ажойиб ва самимий сатрларни уларнинг ўзлари битганликлари таҳсинга сазовордир. Нодирабегим, Жаҳон отин Увайсий, Анбар отинлар ўзлари яшаган мазлум замонда аёлларнинг ночор аҳволига катта ҳамдардлик билан қараганлар, уларнинг ҳам ақл-идроклари эрлариникидан қолишмаслигини таъкидлаганлар. Анбар Отин ўзининг «Қаролар фалсафаси» рисоласида шундай орзу қилган: «Ул вақт қизлар илми дунёвий таҳсилига муяссар бўлиб, урфон тахтида қарор топиб, эллар ва улуғлар сафига дохил бўлурлар, алар ғайрат ва меҳнатда эрларга ҳам дўст, ҳам ёр бўлиб, обрў топиб, ҳурмат ва икромга сазовор бўлурлар».

Абдурауф Фитрат ҳам аёллар, уларнинг оила ва фарзанд тарбияси, жамиятдаги ўрни ҳақида таъсирчан фикрларни баён қилган эди. У аёл ўзига нозик муомала қилишни талаб этувчи, оиланинг тенг ҳуқуқли аъзоси эканлиги, фарзандларнинг келажақда

<sup>1</sup> Ҳаққулов И. "Қамол эт қасбким..." . – Тошкент: Чўлпон, 1990. – Б.65.

қандай инсон бўлиб етишишида жуда катта ибрат намунаси бўлиши лозимлигини таъкидлайди: "Халқнинг ҳаракат қилиш, давлатманд бўлиши, заиф бўлиб ҳорликка тушиши, фақирлик жомасини кийиб, бахтсизлик юқини тортиб эътибордан қолиши, ўзгаларга тобе, қул ва асир бўлиши болаликдан ўз ота-оналаридан олган тарбияларига боғлиқ", — дейди.

Номоддий маданиятимизнинг асрлар оша мукаммал ривожланишига, Ватан тақдири, ор-номус, виждон тақдири ҳал бўлаётган даврда Она тимсоли улуғланиб, унинг дуоси, илҳоми, илтижоси янги мушоҳадага чорлаб келган. Номоддий маданиятмизнинг ҳар бир дақиқаси ана шу Она қиёфасида гавдаланиб ушалмаган орзулар ушалиб, ечилмаган муаммолар бартараф этилиб, сиёсий салтанатлар мустаҳкамланиб, гафлатдан кутилиш, зулмдан озод бўлиш, Ватанни авайлаб-асрашдек тушунчалар ғояларга айланиб, амалий ютуқларга эришилган. Тарихий манбаларда ҳамшиша юксак таҳлил қилиниб келинаётган Амир Темур саланатининг аёллари дунё тарихшунослигини энг кўп ўзига қаратган манбалар сирасига киради.

Темур ўз насли ва салтанати шаънини ҳамма нарсадан устун қўйган, ўғилларига келин танлашда бениҳоя эҳтиёткорлик билан иш тутган. Келин бўлмишнинг етти пуштини суриштириб, тагли-тубли, тарбияли хонадондан бўлиши кераклигига эътибор қаратган. Келинларни нафақат бошқа уруғ ва авлоддан, балки ўзга юртдан олишни истаган Темур, соғлом авлод, соғлом насл масалаларига чуқур эътибор берганлигидан далолатдир.

Сиёсий-худудий масалалар низоли бўлиб турган бир пайтда (Хоразм ва Олтин Ўрда муносабатлари назарда тутиляпти) соҳибқирон Темур ўғли Жаҳонгир Мирзо учун Хоразм ҳокими Хусайн Сўфининг жияни Севинчбекага (Хонзодабегимга) совчи юбортиради. Ва катта томошалар қилиб оқ фотиҳа беради. Икки оғиз сўз хоразмлик малика ҳақида: Тарихий манбаларда қайд этилишича, Хоразм ҳокими Хусайн Сўфининг иниси Оқ Сўфи Олтин Ўрда хони Ғиёсиддин Муҳаммад Ўзбекхоннинг кизи Шакарбекага уйланган. Улар фарзанд кўришиб, исмини Севинчбека деб қўйишган. Онаси хонлар авлодидан бўлганлиги сабабли сарой аҳли уни ўз номи билан эмас, балки Хонзода деб атай бошлаган. Хоразм маликаси Хонзодабегим ақл-заковатда ва хусни-малоҳатда тенгсиз эди.

Хонзодабегим Темурийлар саройидаги энг хурматли ва оқила аёл бўлиб, умрининг охиригача надари бузруквори саналмиш Темур ҳазратларининг хурматини бажо келтирди. Амир Темур оилавий масалаларга ҳамиша шаръий ёндашган, никоҳни муқаддас билган. Ибн Арабшоҳнинг ёзишича: “Амир Темур Жаҳонгир деб аталадиган ўглини аслзода, юзидан нур сочилган шарофатли бир қизга уйлантирди”. Уларнинг никоҳи ҳақида шундай сатрлар ёзиб қолдирилган: “Мамлакатнинг ақобир ва аёнлари билан тўлган мажлисда пок шариат ижобича муборак вақт ва бахт толеи кулиб боққан соатда никоҳ аҳди тузилди”.

Мусулмончиликда хотини ёки оилавий ҳаёти тўғрисида гапириш азалдан одобсизлик саналади. Шу туфайли Темурнинг хотинлари ҳақида Али Яздий ва Низомиддин Шомий сингари тарихчиларимиздан кўра кўпроқ де Клавихо маълумот беради. Тарихчиларнинг ёзишича, Соҳибқирон ҳузурида аёлларни ғийбат қилиш, уларни хўрлаш ва зўрлаш ҳақида гапириш тақиқланган эди. Бу хусусда четга чиқувчилар бўлса, аёвсиз жазоланган. Тарихий маълумотларга қараганда, Мироншоҳ Мирзо отдан йиқилиб, бир қадар савдойроқ бўлиб қолади, хотинини калтаклаб, танасига жароҳат етказди. Соҳибқирон келинидан воқеа тафсилотини эшитгач, қаттиқ таъсирланиб, кўзларига ёш олади ва бир ҳафта ҳеч ким билан гаплашмай кўяди. Ўгли Мироншоҳни жазолайди ва ҳокимликни неварасига олиб беради.

Амир Темур келинларига нисбатан ниҳоятда меҳрибон ва шафқатли эди. Ҳомиладор келинларини ўз эътиборига олиб, уларга ғамхўрлик қилишни шахсан оқила Бибихоним зиммасига юкларди. Улар учун ҳамма шароитлар муҳайё бўларди. Темурнинг хотин-қизларга муносабати Турон замину бошқа сарҳадлардан кўра тамоман одилона эди. Манбаларнинг хабар беришича, у маликаларни тўрт девор орасига қамаб, паранжи-чачвон ёпинтириб, тутқунда сақлагани йўқ. Де Клавихонинг айтишича, соҳибқироннинг хотинлари, келинлари тўй-томошаларда, байрамларда иштирок этганлар. Бундай пайтлар уларнинг базму суҳбатлари Бибихоним бошчилигида ўтган.

Соҳибқироннинг бунёдкорлик борасидаги ишлари маълум ва машҳур. Амир Темур қизлари, неваралари ва хотинлари шарафига улуғвор боғ-роғлар, масжид ва мақбаралар бунёд қилдирган. Самарқандда Туман оғага бағишлаб Беҳишт боғини, Тўқал хонимга

атаб Дилкушо боғини ва невараси Мироншоҳнинг қизига атаб Боғишамолни бунёд қилдиради.

Инсоннинг олий фазилатларидан бири – инсонпарварликдир. Бу жиҳатдан соҳибқирон барчага ўрнак бўладиган буюк сиймо. Қуйидаги тарихий факт фикримизнинг исботидир. Ёзишларича, Боязидни мағлуб этгач, унинг ҳарамидаги барча хонимларни, жумладан, Юнон хукмдорининг зўрлик билан келтирилган қизлари Анжела, Кателина ва Мария исмли гўзалларни ҳам озод қилиб юртига жўнатганлиги ва уларнинг бахтли ҳаёт куриб кетганлиги рост.

Соҳибқирон, кураги ерга тегмаган саркарда, ярим дунёни ўз илқига киритган жаҳонгир оналар олдида таъзимда бўлган. Амир Темур ҳақидаги ривоятлар асосида ёзилган “Она ва ҳукмдор” номли хикоятда Темур ва юнонистонлик она мулоқоти жуда чиройли келтирилган: Соҳибқирон боласини излаб пиёда йўлга чиққан юнонистонлик онага шундай дейди:

– Юнонистондан пиёда келмишсан. Бу осон эмаску, йўлингда денгизлар, дарёлар, тоғлар, ваҳший ҳайвонлар кўп. Улардан нечук ўтдинг, она?!

– Агар ният ҳолис бўлса, Худонинг ўзи асрайди. Ҳа, унутма, ҳаммаси унинг хоҳиш, иродасига боғлиқ. Ниятинг пок ва кўлингдаги қиличинг адолатлидирки, Тангрим сенга шохликни насиб этди. Шунга яраша салоҳият, куч-қувват, жасорат берди. Мана айт, ўзинг Машрикдан Мағрибга, Ҳинд мулкидан Масковга қадар бўлган буюк сарҳадни қандай босиб ўтдинг? Бирор жойда Парвардигори олам измидан, унинг муқаддас каломидан четга чиқмадинг. Сенинг ниятинг пок, Темур! Менинг ҳам пок ниятим Худога хуш келгандирки, даргоҳингга, тахтинг пойига етказди. Онаман дедим – денгизлар йўл берди, онаман дедим – дарёлар тўхтади, онаман дедим – қоялар чекинди, онаман дедим – барча ҳайвонлару паррандалар илгимдан тутиб раҳнамолик қилди. Энди сен ҳам ўғлимни тезроқ топиб бер, Темур.

Онанинг бу сўзларидан бутун коинот ларзага келди. Жаҳонгир Темур тахтидан тушиб, кўпчиликнинг кўзи ўнгида аёлга – мўътабар онага таъзим қилди.

Амир Темур хотин-қизларга меҳр-шафқатли бўлиши билан биргаликда ўта талабчан ҳам эди. Никоҳидаги аёлларнинг, келинларининг ор-номуси, шаъни, ҳимояси учун ўзини қалқон қилади. Невараси Халил Султоннинг Шодимулк билан турмуш

куришига қаттиқ қарши бўлади. Шодимулк енгилтабиат, ахлоқсиз канизак эди. Уларнинг бирга бўлмасликлари учун Темур барча чораларни кўради, лекин ўртага Бибиҳоним тушиб, бу никоҳга Темурни кўндиради. Алалоқибатда, Шодимулк Бибиҳонимни заҳарлаб ўлдиради, оға-иниларни бир-бирига қарши кўяди ва салтанатнинг инқирозга юз тутишига сабабчи бўлади. Шодимулкни соҳибқироннинг покиза руҳи уради, оқибатда ўзи ҳам ҳорлик ва зорликда оламдан ўтади. Тарих саҳнасида бўлиб ўтган бу воқеалар ҳозирги ёш авлодга бир сабоқ бўлиб, нопокликнинг, ахлоқсизлик ва макру ҳийланинг умри қисқа эканлиги, бой маънавий меросимизнинг, ахлоқий қадриятларимизнинг эса илдизи бақувват эканлигидан хабар беради.

Муҳтарам аёлларимиз шаънини тарихда Амир Темурдек маънавияти юксак шахс ҳимоялаб, эъзозлаган бўлса, ҳозирда бу савобли ишни юртбошимиз Ислом Каримов одилона сиёсат билан давом эттирмоқдалар. Юртбошимизнинг аёлларга, хотин-қизларга кўрсатаётган ғамхўрликлари таҳсинга сазовордир. “Улуғ момоларимизга хос бўлган олижаноб фазилатлар бугун ҳам муҳтарам аёлларимиз сиймосида давом этиб келмоқда”, – дейди президентимиз. Биз бобокалонимиз маънавий уммонидан бир инжуни қаламга олдик, холос. Темур маънавий мероси ҳозирги кунимиз, хусусан, миллий мафқурани шакллантириш учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини унутмаслигимиз керак. Темур маънавияти улкан манба бўлиб, юртимиз истиқболи ва порлоқ келажаги учун хизмат қилаверади.

Мумтоз адабиётимизнинг равнақи ва инсон шухрати сон-саноксиз шоирлардан ташқари ҳисобсиз аёл-шоиралар номи билан ҳам чамбарчас боғлиқдир. Ҳар аср ва даврда шоиралар номи тез-тез учраб туради ва улар ҳақида умумий тазкиралардан ташқари маҳсус китоблар тўплами ҳам мавжуд бўлиб, унда хабар ва маълумотномалар баён этилган. X асрда ўтган Робия Балхий машхур шоира бўлиб, рубойгўйликда Абу Абдулла Рудакий билан тенглаша олган ва ғазалгўйликда Рудакий ва Шаҳид Балхийдан кейин учинчи поғонани забт этган. XII асрда яшаган Меҳситбий деган шоира Султон Санжар саройидаги шоирларни мот қилган ва рубойида ҳамма шоирлардан пешқадам бўлиб, айрим ҳолатларда Хайём даражасига етган. Султон Санжар ва унинг аъёнлари шеърият кечаларида таъриф-тавсифлардан иборат қасидалардан

кўра, кўпинча Меҳситбий рубойларини ёқтирганлар ва шоирадан вақти-вақти билан рубой сўраб турганлар.

Ана шулар қаторида XV аср Темурийлар сулоласи даврида уларнинг пойтахти Ҳирот шаҳрида буюк шоира Меҳрий Ҳиротий ҳам ном чиқариб, тез орада замондошлари орасида шуҳрат қозонган. Меҳрий ҳақидаги дастлабки маълумотлар машҳур тазкиранавис Давлатшоҳ Самарқандийнинг “Тазкират ут-шуаро”си ва Фаҳрий Ҳиротийнинг “Жавоҳир ул-ажойиб” китобида келтирилган. Бу муаллифларнинг айтишича, Меҳри забардаст шоира бўлиб, XV асрнинг биринчи ярмида Ҳиротда яшаган. Жумладан, Меҳрий Ҳиротий Шохруҳ Мирзо замонида хонима Гавҳаршодбегимнинг хизматида бўлган. У ҳусну жамолда беназир ва хожа Абдулазиз ҳаким исмли кишига турмушга чиққан эди. Тазкира муаллифи шоира шеърларини таърифлар экан, ғазалидан бир матлаъни мисол келтириб, унинг мислсиз шуҳрат қозонганини айтиб ўтади.

Беҳи ҳар хоре, ки он аз ҳоки ман ҳосил шавад,

Зоҳид ар мисвок созад, масту лояъқил шавад.

Мазмуни:

Ҳар бир тиканнинг илдизиниким, менинг ҳокимдан ковлаб оладилар, уни зоҳид агар мисвок қилса, масту лоақл (беақл) бўлади.

Меҳри зарофат табиатли шоира ҳазил-мутойибага мойил бўлган. Ҳусусан, у эри Хожа Абдулазиз Ҳаким ҳақида мутойибалар тўкиган. Бу шеърларнинг аксарияти рубойилару байтлар шаклида ва бадиҳа (импровизация) тарзида ижод қилинган ва бундан билиниб турибдики, шоира бадиҳа санъатида ва рубойинависликда моҳир ижодкор бўлган. Жумладан, кейинги ҳикоятларга разм соламиз: Гавҳаршодбегимнинг жияни султон Масъуд Мирзога Меҳрининг кўнгли бор экан. Бир ийд (хайит) вақтида “ийд муборак” дегани унинг олдига боради. Шу пайтда султон Масъуд Ҳиротдаги Ихтиёриддин қалъасининг бир буржида ўтирган эди. Улар ўтириб суҳбат курадилар. Шу онда Меҳрининг эри қалъанинг тагидан ўтиб қолади. Султон Масъуд кулади ва уни Меҳрига кўрсатадию Меҳри бадиҳа қилиб айтади:

Кардам бар авжи бурж маҳи хештан тулў,

Ҳон, эй Ҳаким, толейи Масъуди ман нигар.

Мазмуни:

Бурж авжида (баландлигида) юзим моҳим намоён қилдим,

Ой, эй Ҳаким, менинг масъуд (бахтли) толеимга назар ташлагин.

Бу ўринда фикр астрономик атамалар: бурж, авж, ой, ҳаким (астролог), масъуд (эзгу толеъ) билан баён қилинган. Байтда Абдулазиз Ҳаким масхара қилинади ва Масъуд Мирзога эса муҳаббат изҳор этилади. Мазкур байт зарофатга бой бўлиб, ҳийла нозик тарзда ёзилган ва ўқ тўппа-тўғри мўлжалга бориб теккан. Байт Меҳрининг шеърятдаги катта маҳорати ва астрономия илмидан бохабар эканини яққол кўрсатиб турибди.

Меҳри бир куни Гавҳаршодбегим олдида ўтирган эди, унинг эри Абдулазиз Ҳаким қаердандир пайдо бўлди. Бегим уни чақирди, у эса ҳасса қўлида, лангон-лангон (чўлоқлар каби) қадам босиб келаверди. Бегим бу манзарадан завқланиб, Меҳрига қараб деди: “Бирон нарса бадиҳа қил”. Шу тобда Ҳаким аёллар олдида келган эди ва унга қараб Меҳри деди:

Маро бо ту сари ёри намондаст,  
Дили меҳри вафодори намондаст,  
Туро аз заъфи пири қуввати зўр  
Чунонки пой бардорй намондаст.

Мазмуни:

Мени сенга ишим (бирга бўлишим) қолмабди,  
Меҳру садоқатда бутун кўнглим сендан қолгандир.

Кексалик сустлигидан сенга шунча куч ва зўрлик қолмабдики, аёқ кўтаришига ҳам мажолнинг етмайди.

Рубоий зарофат билан айтилган ва нозик ифодаларга бой бир лавҳадир. Қария чол Абдулазиз Ҳакимнинг қадам босишидан Меҳрининг айтган рамзомуз мутойибаси ўқувчига катта завқ бағишлайди ва у назокатли мафтункор тасвирдан олам-олам қувонч олади. Меҳрий Ҳиротий зоҳиран ҳазиломуз рубоийлар ёзишга уста шоира экан ва унинг бу борада биринчи ҳадафи (нишонга олувчи, танқид қилувчиси) эри Абдулазиз Ҳаким бўлган. Бу инсон маслук (тўйган, бепарво) ва қари чол бўлганига қарамай, ёш, гўзал шоирага эътиборсиз экан. Бунинг устига хунук ва бадбашара қиёфадаги кўриниши шоира учун дўзах ҳисобланган. Чол доимо ҳасса билан оёғини кўтаролмай чўлоқ юрган. Меҳри эса бундай одамга албатта, меҳр қўяолмаган ва унинг эрига бўлган муносабати самимий эмас эди.

Фаҳрий Ҳиротий тазкирасида Меҳрининг аскияомуз рубоий ва байтларидан кўплаб мисоллар келтирилган. Бундай ҳазилу



мутойбага лиммо-лим рубойлар бошқа аёллар тавсифномасида ҳам уларнинг ижодларидан келтирилади. Аёллар мавқе ва мансабга қарамай шоҳлар катта шоирлар билан ўртага тушиб бадиха, аскияда беллашганлар, ўзларининг шеърый иқтидори ва нимага қодир эканликларини кўрсатганлар. Жумладан, Бекайи Мунажжима исмли шоира зарофатда Мавлоно Абдурахмон Жомийни қойил қолдирган ва ул ҳазратни мафтун этган. Шоира Меҳри эса бу борада жами замондошларидан бир поғона юқори турган. Унинг панд-насиҳат ва фалсафа мавзуидаги рубойлари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини сақлаб келмоқда. Аммо XV аср муҳитида ахлоқ-одоб омилининг бузилиши биринчи навбатда ижод аҳлини бефарқ қолдирмаган. Меҳрига ўхшаган халқпарвар шоиралар аския, рамз, киноя, мутойба тарзида ўз ижодларида ахлоқсизликка қарши чиқиб, шоҳлару амалдорлар танқидига камарбаста бўлганлар. Хусусан, Меҳри ҳазиломуз рубойлари орқали бу ишни уддасидан чиқа олган, шу сабаб унинг ижодиёти ва намуна тарзида рубойлари диққатга сазовор бўлиб, муҳим аҳамият касб этади<sup>1</sup>.

Аёли бор уйда файз-барака бўлади, дейишади. Бу бежиз айтилмаган чунки окила аёл тежамкор, покиза ва оила мустаҳкамлиги учун курашувчан бўлади. Ватан онладан, маҳалладан бошланишини ҳисобга олсак, юртимизнинг равнак топишида, гуллаб яшнашида хотин-қизларимизнинг ўрни бекиёслигини алоҳида эътироф этмоқ керак. Чунки аёл—она, аёл — тадбиркор, аёл — раҳбар, аёл — мураббий.....Шу юрт тупроғида ўсган дарахтдан ясалган бешикда алла айтиб бола ўстирган аёл! Гўзаллик, меҳрлилик, орасталик, вафодорлик, оналик...Қадимдан хотин-қизларга хос булган энг ноёб фазилатдир. Эндиликда эса улар буюк давлатимизни барпо этиш, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, жамиятимизда улуг мақсадлар йўлида амалга оширилаётган ишларда эркакларга камарбаста бўлиб қадам ташлаптилар.

Ҳа! Оламда инсон зоти борки, уни она тукқан, она оқ сут берган, жонини минг садқа килиб, тунларни бедор ўтказган. Илму фанда оламшумул ютуқларга эришдик, табиатнинг сир-синоатларини очдик, ўн саккиз минг оламга таъриф бердик, аммо онанинг буюк хизматларига лойиқ сўз топа олдикми?! Муборак ҳадиси шарифда «Жаннат оналар оёғи остидадир», дейилган.

<sup>1</sup> Шоира Меҳри ҳақида қаранг: Ғ. Гулом. Адабий-танқидий мақолалар. Икки томлик. 2-том. —Тошкент: Фан, 1973. —Б.41-43.

Ривоятларга кўра, саккизинчи асрда яшаган Робиа Адавия бир кун и хизматкори орқали Ҳасан Басрийга уч хил буюм юборди: шам, игна ва соч толаси. Икки кун ўтди. Учинчи кун Ҳасан ҳалиги буюмларни кўтариб кириб келди.

– Робиа, – деди у, – икки кун ўйладим, вале нимага ишора қилганингни тушунмадим.

Робиа жавоб берди:

– Бунинг жавоби осон. Бамисли шам бўлиб одамларга ёруғлик тарқатиб яшагин. Ҳақ йўлида шамдай ёниб тамом бўлсанг ҳам ўкинма. Инсон бўлсанг игнадек тинмай меҳнат қилгин. Агар сен савоб ишлар қилишга соч толасидек яқин бўлсанг, яхши номинг дунё тургунча туради. Бу гапдан кейин Ҳасаннинг Робиага муҳаббати юз чандон зиёда бўлди.

Дарҳақиқат, аёл инсониятнинг манбаи, дояси, жамият учун соғлом ва қобил фарзандларни вояга етказувчи улуғ мураббий....

«Ҳамма нарса инсон учун, унинг келажаги учун» деган эзгу тамойилни тўлиқ амалга ошириш биз учун доим энг муҳим устувор вазифа бўлиб келган», дейди Президентимиз Ислоҳ Каримов. Албатта, инсон энг улуғ зот! Улуғ зотларнинг туғилиб вояга етишида аёлларнинг ўрни беқиёс. Шу ўринда тарихга назар ташласак Тўмарису, Барчинойлар, Нодираю, Увайсийлар, Бибихониму, Тамарахонимлар...

Ўзининг буюк ишлари билан бутун дунёга танилган ўзбек аёлларининг шижоатига, ақл-заковатига, сабр-тоқатига тасаннолар айтгинг келади киши!

*Мушздай жуссасига сабр ин қурган,  
Керак бўлса тоғни бир қўлда сурган,  
Амир Темурни ҳам опичлаб юрган  
Ўзбек аёлисан, ўзбек аёли!!...*

Бугуннинг аёли ишдан, оила юмушларидан бўш бўлган вақтига мазмун киритиши, соғлом ҳаёт учун қайғуриши, ўз устида янада кўпроқ ишлашга интилиши керак. Фарзандлар тарбиясида ва умуман, турмушдаги катта-кичик муаммоларни ҳал этишда билимдон бўлиши, хуллас, ўз мавқеи, маънавияти, теран фикрлари билан, керак бўлса, дунёни забт этишга тайёр турмоғи лозим. Табиийки, бу борада уларга кўпни кўрган оқила онахонлару, маҳалла фаоллари, бегойимларни барча соҳаларда қўллаб-қувватлаб келаётган турли жамоат ташкилотлари ва хусусан, хотин-қизлар қўмиталари яқиндан қўмақдош бўлишлари зарур.

Мамлакатимиз мустақиллигининг илк кунларидаёқ хотин-қизлар масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, оилани, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга, аёллар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, улар учун меъёрий иш соатлари ташкил этишга, соғлом маънавий муҳит яратишга алоҳида аҳамият берилди. Мустақиллигимизнинг дастлабки йиллари «Оила йили», «Оналар ва болалар йили», «Аёллар йили» деб аталишининг ўзи ҳам давлатимиз раҳбарининг хотин-қизларга бўлган чексиз ҳурмат ва эҳтиромининг рамзидир.

*Ошиқларинг пойингга гул сочиб ҳам бўлди,  
Хилватларда лабингдан бол тотиб ҳам бўлди,  
Ва бу ҳақда кимларгадир сотиб ҳам бўлди,  
Сен барибир муқаддассан, муқаддас аёл!!..*

Аёл шаънига қанчадан-қанча қасидалар, шеър устони дostonлар битилган бўлмасин, токи дунёда одамзод бор экан, токи она меҳри, аёл муҳаббати барқарор экан, бу азалий ва абадий мавзу ҳеч қачон поёнига етмагай...Жамиятда аёл шунчалик эҳтиром билан тилга олинаётган, иззатланаётган, аёллик номи қадрланаётган экан аёл деган номнинг қадри ҳамиша юқори бўлиб қолади.

Аёлларнинг ижтимоий ҳаётдаги мақомини оширишга қаратилган барча саъй-ҳаракатларни бирлаштириш, уларнинг турмуш шароитини яхшилаш, жамиятнинг янгиланишида аёллар иштирокини фаоллаштириш учун шароит яратиш давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаларидан бўлиб келмоқда. Чунончи «Ҳар қайси жамиятнинг маданий даражаси ва маънавий баркамоллиги аёлларга бўлган муносабат билан белгиланади», дейдилар муҳтарам юртбошимиз Ислом Каримов ўз маърузаларидан бирида.

Дарҳақиқат, ўзбек аёлларидан чиққан давлат арбоблари, олимлари, фан фидойилари, шоирлар, санъат соҳибалари, тадбиркорлар ва оқила уй бекалари миллатимизнинг ғурурини баланд кўтариб меҳнат қилмоқдалар. Ҳар бир оқила аёл юрт обод бўлсин, гуллаб яшнасин деб яшайди ва меҳнат қилади. Аёл ватанининг ори, ғурури бўлсин деб ўғил, оламда ҳаё, иффат устувор бўлсин деб киз улғайтиради. Қайси жамиятни олмайлик аёл ўз юрти, ўз миллати, ўз оиласи, ўз яқинлари учун қайғуриб, курашиб яшайди. Юртининг тинчлигини, элининг соғлигини, фарзандларининг баркамоллигини Аллоҳдан тилаб яшайди.

Ардоқли шоираларимиздан Зулфия, Саида Зуннунова, санъаткорлардан Сора Эшонтўраева, Тамарахоним, Лутфихоним Саримсоқова, Ҳалима Носирова, Мукаррамахоним ва бошқа кўплаб номлари дунёга танилган машхур, мухтарама аёлларимизнинг ёдини олиб бош эгамиз. Ҳазрати Алишер Навоий дебдилар:

Оналарнинг оёғи остидадир.

Равзаи жаннату жинон боғи.

Равза боғи висолин истар эсанг

Бўл онанинг оёғин туфроғи.

Шоир Маҳмуд Тоиров айтганидек:

Сизлар борсиз, сўзимизда садо бор,

Сизлар борсиз, ишқ аҳлида гадо бор,

Сизлар борсиз, минг бир дардга даво бор,

Мен офтобга алишмаган аёллар.

Ўзбек аёлларида муомала маданияти ниҳоятда юксак ривожланган бўлиб, аёллармиз ўз муомаласи билан дунё маданиятига муносиб ҳисса қўшиб келганлар. *«Муомала»* сўзи замирида бутун инсоният тақдири мужассам. Унинг илдизи Одам Ато ва Момо Ҳавомиз ўртасидаги муомала ва мулоқотларига бориб тақалса ҳам ажаб эмас. Шундан буён инсоният муомаланинг тўғри ва равон йўлларини излайди. Яхши муомала ва самимий муносабат қалбларга севинч бағишлайди. Ҳазрат Алишер Навоий ўз *«Ҳайратул-аброр»* достонида сўз қудратига шундай таъриф беради:

*Сўздин ўликнинг танида руҳи пок,*

*– Руҳ доғи тан аро сўздин ҳалок.*

*Тиргузуб ўлганни каломи фасиҳ,*

*Ўзига «жонбахш» лақаб деб Масиҳ.*

*Сўздин этиб ўтга азимат Ҳалил,*

*Сўз юкига ҳомил ўлуб Жаброил.*

*Тангрики инсонни қилиб ганъси роз,*

*Сўз била ҳайвондин анга имтиёз...*

*Донаву дур сўзини афсона бил,*

*Сўзни жаҳон баҳрида дурдона бил.*

Шундай экан, ширин сўз, ҳушмуомалалик инсоннинг энг олий фазилатидир.

Аёлларнинг муомала маданияти нафақат оилада, жамиятда ҳам катта аҳамият касб этади, аёлнинг қанчалик маданиятли эканлигига, унинг вояга етказган фарзандининг тарбияси исботдир. Ўзбек аёли хушмуомалалиги билан бағоят юксак фазилат соҳиби эканлигини намоён этади, унинг хушмуомалалиги оила учун, жамият учун жуда фойдали. Унинг одоби, қилган муомаласи кескин вазиятларни юмшатади, жанжалнинг олдини олади, ҳурмат ва муҳаббатга йўл очади. Шунинг билан биргаликда унинг зиммасига ўзи ҳақида яхши фикр, ишонч ва ҳурмат уйғотиш учун камтар, беғараз, тартибли бўлишни талаб қилади. Бизнинг ўзбек аёллари нутқ маданияти борасида бошқа халқ аёлларидан ажралиб туради. Уларнинг нутқида ибo-ҳаё, ор-номус, ғурур, ҳалоллик, поклик акс этиб туради. Буни ҳаттоки, биз уларнинг айтган алласи-ю, келин саломларида ва шунга ўхшаш ҳар бир айтган ўланларида яққол сезамиз.

Ўзбек аёлларининг нутқида эркалаш, ардоқлаш, кичрайтириш маъноларининг қўлланилиши, халқ ибораларининг, мақолларнинг тез-тез ишлатилиши, ноқулай бўлган бепарда сўзларни адабий тил доирасида, юмшоқроқ, майинроқ тарзда қўлланилиши ҳам уларда муомала маданияти юксаклиги исботидир. Ўзбек аёлининг нутқида ўз умр йўлдошини ҳурмат билан *отаси, دادаси, адаси, умр йўлдошим (умрдошим), ёрим, тўрам, бегим, кишим, бойим, хўжайиним, мардим, суюнчигим* каби атамалар билан аташи ҳам бунга мисол бўла олади. Унинг муомала маданияти қадимдан юксаклигини Ўзбекойим, Офтобойим, Нигоройим, Кумушбиби, Зайнаб, Раъно (Абдулла Қодирий ижодидаги «Ўтган кунлар» ва «Меҳробдан чаён» асарлари қаҳрамонлари) сингари образлар нутқидан ҳам сезсак бўлади.

Ҳозирги кунда бувиларимиз, оналаримиз нутқида тез-тез қўлланадиган *айланай, ўргилай, дардингни олай, садаганг кетай, гиргиттон бўлай, жоним садақа* тарзидаги мурожаат сўзлари нафақат суҳбатдошнинг диққатини жалб қилишга, балки меҳр-муҳаббатни ифодалашга, уни янада кучайтиришга, мураккаб вазиятларда эса руҳиятни яхшилашга, тиниқлаштиришга ёрдам беради. Бундан кўриниб турибдики, ўзбек аёлларининг муомала маданияти юксак ва фахрланишимизга лойиқдир.

Бугунги кунда биз аёлларнинг жамиятда тутган ўрнини кўриб, унинг яратувчанлик кудратига, ақлу заковатига, ижодий тафаккурига тан бермай иложимиз йўқ. Аёл камолотисиз ҳаётни

тасаввур этиб бўлмайди. Аёл зоти ҳақида гап кетганда кўз олдимизда ўтмишда яшаган ва бизга замондош бўлган шоирлар бир-бир ўтади. Жаҳон Отин Увайсий, Нодирабегим, Анбар Отин. Улар ижодисиз адабиётимиз тарихи мукамал эмас. Нодирабегим истъододига тенг истъодод ўз замондошлари орасида жуда кам. Анбар Отин битган жасоратли байтлар ҳам ўз даврида жуда ноёб эди. Бугунги шоирлармизнинг яратган шеърлари кўп номдор шоирларнинг шеърларидан баланд бўлса баландки, паст эмас. Уларнинг ижодида ХХI аср кишининг мураккаб ҳис-туйғулари, орзу-армонлари, изтироблари ёрқин акс этиб туради. Ёрқин тафаккур, замонавий фикрлаш тарзи бугунги аёллар шеърятини юксакка кўтарганини тасаввур қилиш унчалик қийин эмас.

Аёл гўзаллик шайдоси. Аёл бор жойда озодлик, покизалик ҳукм сурмоғи керак. Масалан, хонадондаги ҳар бир буюм ҳафтада камида икки марта аёл қўлининг тафтини соғинади. Умрининг дақиқаларини сўрайди. Эрталабки нонуштадан то кечки дастурхон тузатишгача аёл умрининг лаҳзалари ҳисобланади.

Аёл маъсулияти ҳақида ўйлаганимда гоҳида ҳайратга тушаман, ҳаяжонланаман ва ҳатто аёл бўлганимдан фахрланаман.

Буларнинг ҳаммасини удалаш учун қанча қудрат, қанча меҳр, қанча бардош, сабр-матонат ва қанчалар юрак кенглиги зарур.

Бу дунёнинг зебу оройиши, ҳаётнинг орасталиги, гўзаллиги аёл қалби деб аталган буюк мўъжизанинг борлигидандир. Мен адабиётни севганим учун ҳаяжонли сўз айтишдан ўзимни тўхтата олмаяпман. Лекин барибир бу баланпарвоз, қуруқ мадҳия эмас, балки рост гап.

Аёл ҳақида фикр айтилганда, Ўзбекистон қаҳрамонлари Э.Воҳидов, А.Ориповлар ўз сўзларини минбарлардан айта олдилар. Айтганда ҳам, фахр, ифтихор, эҳтиром билан айтдилар. Аёл вафосига, аёл садоқатига ўз ашъорлари билан ҳайкал қўйдилар:

Ҳатто зеб-зийнатни юлқиб зиёда

Ҳайкал ҳам қўйингиз бамисли хаёл.

Шундайлар бўлмаса агар дунёда,

Бу қадар муҳтарам бўлмасди аёл.

«Жаннат оналарнинг оёғи остидадир», дейилади ҳадисларда. Аёл қадам босган ҳар бир гўша жаннатга айланади. Аёл гўзаллик яратади. Ҳассос шоира Нодирабегим таърифича:

Дунё чаманини булбулисан,

Гул шоҳида ошён этиб кет.

Эй ашк, кўзимни мактабидин  
Ҳайрат сабақин ровон этиб кет.

Дунё чаманида гул бўлган аёлни ошён этгинки, бу ошёнда хузур-ҳаловат топасан. Борлиқдаги барча жумбоқларни енга олиш сабоғини кўзлари мактабидан ўқийсан.

Аёлнинг муқаддаслиги мана шу мисраларда ечимини топганлиги кўриниб турибди.

ОНА ҳақида ёш шоира Маъмура Ёкубованинг куйидаги сатрларини айтгимиз келади:

Аёлни ардоқла, эй кўҳна олам,  
Уни мадҳ айлабон кафтингда кўтар.  
Роҳатда яшасин кўзга олмай нам,  
Оҳ чекса фарёди фалакни ўртар.  
Аёлни ардоқла, она табиат,  
Дунё гулларини пойига тўша.  
Ахир, устивори у-ку меҳрининг,  
Пайғамбар сийлаган зот ҳам ҳа, ўша.

Аёл рамзида ишонч, латофат, юракларга куч берувчи садоқат, ҳалоллик, мафтункорлик мавжуд. Унинг муҳаббати чексиз, кечиримли, дардли, лекин ҳамиша уйғоқ бўлоқдир. Аёлларни ҳурмат қилиш, эъзозлаш ҳамиша улуг алломалар назарида, давлат раҳбарларнинг юрагида, буюк саркардалар иззатида, ақлли, теран инсонлар қалбида севги-садоқат салтанати ҳисобланган.

Хулкар, сиз борсиз, яшайди иффат-латофат,  
Хулкар, сиз борсиз, яшайди буюк муҳаббат,  
Хулкар, сиз борсиз, яшайди қалбда диёнат,  
Шунчалар яхшисиз, севгилим Хулкар!

Миннатдорман севгилим сиздан, Хулкар,  
Юрагимни мафтун этдингиз дилдан.  
Бахт-иқболни қалбимига жо этдингиз,  
Ҳаётимга нурлар бердингиз, Хулкар.

**Оилавий ҳаёт билан боғлиқ иримлар.** Воҳа аҳолисининг аёл ҳомиладорлиги масаласида бир қанча ирим-сиримлари борки, бунда ҳомиладор аёл ерда ётган арқон устидан сакраб ўтса, ҳомиласининг киндиги бўйнига ўралиб қолади. Чўпон таёғининг устидан ҳатлаб ўтса, чақалоқнинг бурни узун бўлиб туғилади.

Сақич чайнаса, боласининг кулоғи оғрийди. Тандир косовни устидан хатласа, боласи ўлик туғилади. Оқар сувда чўмилса, сув парилари зиён етказди, деб ирим қилганлар.

Чақалоқнинг соғлом бўлиши, унинг соғлигини сақлаш ҳамда ўз даврий муддатида ёруғ дунёга келишини таъминлаш мақсадида ҳомиладор аёлга қуён, туя гўштарини истеъмол қилиш тақиқланган. Туя гўшти истеъмол қилса, ҳомиласини бир йил кўтариб, чақалоқ туғилажак вақтидан анча кейин дунёга келади. Мабодо фарзанднинг туғилиши вақтидан ўтиб кетаверса, ҳомиладор аёл истиқомат қиладиган уйда туя жунидан исирик қўшиб тутатилади. Чақалоқ дунёга келгандан кейин чилла сақланади. Чилла қирқ кунлик муддат бўлиб, кичик ва катта чилла қисмларига бўлинади.

Воҳа аҳолисининг сайиллари ва маросимлари ўзига хослиғи ва жозибadorлиғи билан ажралиб туради. Чунки уларда аҳолининг турмуш тарзи ва тарихий кадриятлари мужассамлашган.

### 1.5. Она алласи – она меҳриғиёси

*Халқимизнинг буюк тарихида ўзининг жасорат ва матонати ақл-заковати, нафосат ва назокати билан ўчмас ном қолдирган Тўмарис, Бибихоним, Нодира, Гулбаданбегим, Зебунисо, Увайсий, Анбар отин ва бошқа юзлаб аёлларимизни ҳаммиша эҳтиром билан тилга оламиз.*

**И.Каримов.**

Номоддий маданиятимизни ўрганиш жараёнида Она тимсолида Она ер, Она Ватан, Она алласи каби муқаддас сўзларга изоҳ бериш, бу буюк сўз замирида номоддий маданият асоси шаклланганлиги, қадимий манбалардан то ҳозирги давргача беқиёс ҳикматлар яратилганига гувоҳ бўламиз. Ҳар бир мукамал инсон она қиёфасида ўсиб-улғаяди, ўзини ва дунёни англайди. Ўзликни англаш онани англаш, Ватанни англаш, ўтмишни, ҳозирни ва келажакни англашдек муқаддас тўйғуларни пайдо бўлишга, мустаҳкамланишга имконият яратади. Алла – қадимий, миллий халқ қўшиғи бўлиб, бола бор жойда унинг айтилиши табиий. Кексаларимиз Аллани «Аллоҳ» сўзидан олинган муқаддас қўшиқ деб



ҳисоблайди, унда халқ турмушининг жуда кўп қирралари ўз инъикосини топган. Оналар қадимдан ўз болалари тепасида кечаси бўлсин, кундузи бўлсин алла айтиб келишган. Алла ўз оҳанги билан болага она нафасини етказиб туради, гўдакни хотиржам қилади, ором олиб ухлашига имкон беради.

Онанинг болага иқбол ва камол сўраб Аллоҳга қилган муножоти аллада жамланади. Алла сеҳрли куч, болада руҳий ором ҳиссини шакллантиради, уни юпатади, уйқуга элтади. Гўдакнинг маънавий юксалиши дунёга келиб илк қадами алладан бошланади, ахлоқий поклик бола руҳиятига она алласи орқали етиб боради. Она алласи орқали бола ором олади, маънавий озуқа олади, алла онанинг дилрози, орзу ва армонларини ўзида жамлаган ижод намунаси. Алла бир маромда текис ва майин овозда куйланади, шу боисдан бола руҳиятида муҳим ўрин тутаети. Алла эшитиб ўсган бола мард бўлади, ўқтам бўлади, ор-номусли, ориятли, ҳамиятли, диёнатли, имон-эътиқодли, меҳр-оқибатли бўлади. Ҳар бир она ўз жигарбандига алла айтади, алла қайси тилда айтилмасин умумий бир мазмунга, яъни боланинг порлоқ келажаги, яхши инсон бўлишини истаб куйланади. Аллани билмаслик алла айта олмаслик аёл учун иснод саналади. Шу боисдан ҳам фольклоршунос олим Р.Мустафоқулов шўрчилик Турсунжамол момодан куйидаги икки мисра шеърини ёзиб олиб, алла аёл маънавиятининг гултожига айланган энг эзгу фазилат эканини таъкидлайди:

Аёл бўлиб айтолмасанг аллани,

Қора ерга қўйибсанда тилингни.

Ҳа, алла она қалбидаги бебаҳо хазина, она учун алла айтиш табиат инъом этган олий бахт.

Сурхон воҳаси аёлларининг аллалари ҳам сермазмун, ниҳоятда сержило ва инсон руҳиятига ором берадиган, маънавий қанот бағишлайдиган ўзига хос ижод маҳсули саналади. Аллалардан намуналар:

Алла, болам, алла-ё,

Ширин қўзим, алла-ё,

Алла, алла одатингдир алла-ё,

Авлиёлар мададингдир, алла-ё,

Алла дейман ўзингга, алла-ё,

Уйқулар келсин кўзингга, алла-ё,

Ширин болам аҳори, алла-ё,

Бугдой эксин баҳори, алла-ё,

Буғдойни чумчуқ есин, алла-ё  
Ҳаққингга дуолар қисин, алла-ё.  
Аллалар ёрингдир, алла,  
Алла баланд бўй бўлгин,  
Катталар бўлиб тўй бўлгин,  
Тўйингни кўплар есин, алла-ё,  
Ҳақингга дуолар қилсин, алла-ё,  
Алла болам, аҳди бор, алла-ё,  
Ойдек ясалган тахти бор, алла-ё.  
Алла болам, алла,  
Жоним болам алла,  
Икки кўзим, алла,  
Ширин сўзим алла.  
Алла қилсин болам-о,  
Уйқуда ором олсин-о,  
Алла-алла деганда  
Шугина ухлаб қолсин-о.  
Алла, болам, алла-ё,  
Икки кўзим, алла-ё.  
Оқ уйимнинг ойнаси,  
Дард кўрмасин сийнаси,  
Кўрганда кўз қувонсин.  
Хонам сайроқ майнаси  
Паҳлавоним, алла-ё,  
Ширин жоним, алла-ё<sup>1</sup>.

Оналар аллаларга ўз ҳис-туйғуларини, орзу-армонларини, истак-ниятларини, дард-ҳасратларини ҳам қўшиб айтганлар:

Дардларимини сенга айтай, дармоним бўл, болам, алла,  
Армонларим сенга айтай, орзуим бўл, болам, алла.  
Қоронғуда топинчигим, совқотганда, ёпинчигим,  
Қариганда суянчигим, овунчоғим аллаё-алла.

Аллалар ижтимоий-эстетик қимматига кўра икки вазифани бажаради: биринчиси унинг тарбиявий-эстетик моҳият касб этишида кўзга ташланади. Бу унинг эмоционал таъсирчанлигидан келиб чиқувчи хусусияти бўлиб, болани куй оғушида ҳаёт билан таништириш, оҳанглар

<sup>1</sup> Ангор тумани “Озод Бухоро” маҳалласидаги момолардан ёзиб олинган.

воситасида ҳаёт маъносини англашига йўл очиш, шу залда эстетик дидини шакллантириш ва ўстириш мақсадига қаратилганлигидир. Буюк қомусий олим Абу Али Ибн Сино (980–1037) алланинг шу хусусиятини минг йиллар илгаридек пайқаб, шундай ёзган эди:

«... Боланинг миждозини қучайтирмоқ учун унга икки нарсани қўлламоқ керак. Бири болани секин-аста тебратиш, иккинчиси уни ухлатиш учун айтиш одат бўлиб қолган мусиқа ва аллалашдир. Шу иккисини қабул қилиш миқдорига қараб боланинг танаси билан бадантарбияга ва руҳи билан мусиқага бўлган истеъдоди ҳосил қилинади». Алланинг иккинчи вазифаси болаларни ухлатиш, аслида «алла» сўзининг луғавий маъноси ҳам овутиб, авайлаб болани ухлатишдан иборат.

Аллалар одатда боланинг эмизикли давридан то уч ёшни тўлдиргунларигача айтилади. Аллалар боланинг ёшига қараб турлича айтилган, аллалар оналарнинг минглаб, авлодидан бир-бирига ўтиб, сайқал топиб, оналик меҳрини, армонини ифодалаб келган. Шу жумладан, Сурхон воҳасида XIX аср охири XX аср бошларида аллаларнинг ўзига хос, ажойиб намуналари оналаримиз томонидан ижро этилган. Бола бир ёшга тўлгунча айтилган энг қадимий аллалардан бири қуйидагича бўлган:

Аллалар бўлсин адига, алла-ё, алла,  
Сувлар опкесин кадига, алла-ё, алла,  
Қадилар бови узилсин, алла-ё, алла,  
Мунчоқлари тузилсин, алла-ё, алла,  
Қуёв бўлиб сузилсин, алла-ё, алла.  
Аллалар алла айтайин, алла-ё, алла  
Бахмаллар кўрпа ёпайин, алла-ё, алла

Бизга маълумки, чақалоқ беш ва тўққиз кунга тўлганда, бешикка биринчи марта боғланганда, яъни «Бешик тўйи»да, илк тиши ёрганда, биринчи марта мустақил ўтирганида, оёқ босганида, қизалоқ сочини илк бор юиб-тараганда, ўғил бола сочи биринчи марта олинганда, исирик тутатиб, шундай расм-русумлар ўтказилган. Ана шундай урф-одатлардан бири чақалоқни илк бор ота-онаси ва қариндошларига таништирилганда қуйидагича алла айтилган:

Оқ чойнакнинг шаммаси, айлансинда аммаси, алла-ё, алла,  
Кўк чойнакнинг шаммаси, айлансинда момоси, алла-ё, алла,

Совлиқ кўйнинг сабоси, айлансинда бобоси, алла-ё, алла,  
Жавкачакнинг лотаси, айлансинда отаси, алла-ё, алла,  
Катта тутнинг тепаси, айланлансинда опаси, алла-ё, алла,  
Жона ернинг тўласи, айлансинда бўласи, алла-ё, алла,  
Қизил шудгорнинг лоласи, айлансинда ҳоласи, алла-ё, алла.

Ҳаттоки боланинг шаклланишида эл-улуснинг ҳам муҳим ўрни бордир. Шунинг учун чақалокни уруғлар ҳам қўллаб-қувватлаб турсин деб оналаримиз аллаларга уларни ҳам қўшиб қуйлашган:

Чакка-чакка чочингдан чор тарафлар айлансин, алла-ё, алла,  
Елка-елка чочингдан етти уруғ айлансин, алла-ё, алла,  
Тўба-тўба чочингдан тортувлилар айлансин, алла-ё., алла  
Қора-қора чочингдан қорақасмоқлар айлансин, алла-ё, алла.  
Бешигингнинг остидан беш уруғлар айлансин, алла-ё, алла.  
Қўлбовингнинг остидан қўнғирот эллар айлансин, алла-ё, алла.

Хулоса қилиб айтганда, алла бола тарбиясида, унинг етук, баркамол бўлиб етишида, ота-онага, қавм-қариндошга ва энг аввало, она Ватанга меҳр-муҳаббат ҳисси уйғонишида муҳим ўрин тутди. Шу сабабли асрлардан асрларга ошиб, бизгача етиб келган, момоларимиз, оналаримиз томонидан ижро этилаётган аллаларни тўплаб, уларни келажак авлодга етказиш бизнинг муқаддас бурчимиздир.

### 1.6. Диний тасаввурлар ва эътиқодлар

Воҳа аҳолисининг ижтимоий, маиший ва оилавий турмушида диний тасаввурлар муҳим ўрин тутди. Дин ибтидоий жамоа тузумидан ҳозиргача халқ маънавий маданиятининг таркибий қисми бўлиб келган. Дастлабки диний эътиқод куртаклари ўрта палеолит даврида неандертал одам турларида пайдо бўлган. Чунки неандерталлар ўликларни муайян тартиблар асосида дафн этган. Бойсуннинг Тешиктош ғорини қазиш жараёнида топилган 8–9 ёшли неандертал боланинг суяк қолдиқларининг атрофи архар шохлари билан ўраб дафн этилган. Неандерталлар архар шохлари нариги дунёда мархумларни ҳар қандай ёвуз кучлар ҳамласидан ҳимоя қилади деб тушунганлар. Мезолит даврига оид Шерободдаги Зараутсой қоятош суратларида ҳам ибтидоий одамлар диний тасаввурининг изларини кўриш мумкин. Ёввойи буқаларни

овлаётган қадимги овчилар сурати Зараутсой суратларида устиларига ёпинчиқ ташлаган, юзларини беркитган рўдаполар тарзида акс эттирилган. Ибтидоий одамлар ёр деворларига ов манзаралари битилган суратлар бўлажак овнинг бароридан келишига ёрдам беради, деб ишонишган. Воҳанинг бронза даврига оид Сополлитепа ва Жарқўтон ёдгорликларида олиб борилган археологик изланишлар жараёнида очиб ўрганилган қабрларда марҳумлар ҳар хил буюмлар билан қўшиб дафн этилганлиги ҳам бронза даври одамларининг нариги дунё тўғрисидаги тасавури мавжудлигидан далолат беради. Жарқўтонда оташкада, яъни олов ибодатхонасининг топилиши бронза даври одамлари орасида маълум ибодат тартиблари шаклланганлигини англатади. Ибтидоий дин шаклларида бири бўлган тотемистик тасавурларнинг таъсири ҳозиргача муайян кўринишларда воҳа аҳолисининг турмуш тарзида учрайди. Тотемизм бирор шахс ёки маълум бир уруғнинг ёки қабиланинг қандайдир ҳайвон ёки ўсимлик билан баъзан эса жонсиз буюм билан ғайритабиий яқинлиги ҳатто қариндошлик алоқаси мавжуд, деган тушунчага асосланади.

Сурхон воҳасида истиқомат қилаётган қўнғирот, қорақурсок, қийғочли, калтатой, қарға, бойбўри каби этнонимларининг номланиши ҳам айнан тотемистик эътиқодлар билан боғлиқ. Воҳа аҳолиси орасида ҳозиргача бўри, от, илон, мусича, қалдирғоч каби жониворларга муқаддас жонзот сифатида қараш уларни инсонга етказадиган таъсир кучига ишониш каби ҳолатларни учратиш мумкин. Жумладан бўрининг тиши, тирноғи, отнинг ёли, бош суяги, тақаси, қўчқор шохи каби нарсаларни уйларга илиб қўйиш каби одатлар айнан тотемистик тасавурларнинг қолдиқларидир.

Воҳа аҳолиси турмуш тарзида фетишистик тасавурлар ҳам учраб туради. Фетишизм ҳам ибтидоий дин шаклларида бири бўлиб, туморларга ва сеҳрланган буюмларга сиғиниш билан изоҳланади. Масалан, ҳозиргача воҳа аҳолиси ҳаётида пичоқ, исириқ, қалампир, пиёз каби нарсаларнинг таъсир кучига ишониш, муқаддас дарахтлар (чинор, туғдона, анжир) ва булоқлар (Анжир ота, Хўжайпоқ, Омонхона, Ғўринота, Ғўринбулоқ Тиллабулоқ, Хўжайпоқ ота, Хўжасоат ота) ларни муқаддаслаштириш ҳолатларини кўриш мумкин.

Ибтидоий дин шаклларида яна бири анимизм бўлиб, бу дин жон ва руҳнинг мавжудлигига, руҳ ва тананинг алоҳида-алоҳида унсур эканлигига инсон вафот этгач, руҳ (жон) танадан

ажралишига ва руҳнинг абадийлиги, таннинг эса ўткинчилигига асосланган ақидаларни илгари суради. Анимистик тасаввур қолдиқлари ҳозир ҳам воҳа аҳолиси турмуш тарзида учраб туради. Жумладан, марҳумларнинг нариги дунёда яшашлигини, арвоҳнинг, яъни руҳнинг маълум муддат ўз яқинлари ҳузурига келиши, руҳларни рози қилиш мақсадида ис чиқариш, руҳлардан ёрдам сўраш каби жиҳатлар айнан анимистик тасаввурларнинг маълум кўринишлари саналади.

Шомонлик анимистик эътиқодларнинг маълум босқичида пайдо бўлган эътиқод шакли бўлиб, туркий халқлар тарихида муҳим ўрин тутган. Туркийларнинг аجدодлари, ёрдамчи яхши ниятли, химоячи руҳлар ва ёвуз руҳлар борлигига ишонишган. Одамлар билан руҳлар ўртасида воситачилик қиладиган, руҳларни ўзига бўйсундирган, ёвуз руҳларни ҳайдайдиган одамларни қам ёки тўйин (шомон)лар деб аташган. Шаман атамаси нисбатан кейин шаклланган. Шомон сўзи тунгус-манжур хилидаги “саман” сўзидан олиниб, одатда (телбасифат, далли девона) деган маънони билдиради. Турк асотирларида эса “шомон” сўзи хитойча “истакларни енга олувчи кимса” деб аталади.

Воҳада шомонлар “кушночлар” деб аталади. Кушночлар ҳомий руҳлар билан алоқа қилади ва ёвуз руҳларни ҳайдаш қобилиятига эга, деган тушунча айрим одамлар тасаввурида ҳозир ҳам мавжуд. Улар касалликлар ёвуз руҳлар макр ҳийласи туфайли келиб чиқади, деган тушунчага ишонишади. Шу боисдан ҳам беморларни аласлаш, кинна силаш, жаҳр, кўчирик қилиш ва боқтириш каби шомонлик усуллари билан даволашга ҳаракат қилади. Воҳада жаҳр, кўчирик, алас каби маросимларни кушночлар бажаришса, касаллар бахшилар томонидан боқтирилиб (яъни ёвуз руҳлардан тозаланиб) даволатилган. Кинна, кўз ва суқ тегиши каби зиён-заҳматлар кинначилар томонидан силаб (яъни ёвуз зиёнлар саналган кинна, кўз, суқ ва ёмон назари) ҳайдалган. Жаҳр-хасталанган беморлар танасидан ёвуз руҳларни ҳайдаш маросимидир. “Жаҳр” тартибига кўра бемор ўртага ўтқазилади. Сўфилар кўлида камчи билан кириб келади. Беморнинг ёнига ўтириб олдин Аллоҳга илтижо қилиб, фотиҳа ўқийди, жонлик сўйилади. Шунингдек, париларга илтижо қилиб, беморнинг дардига шифо сўрайди. Ўртага супра ёйилади, чироқ ёқилади, ният қилинади. Ҳар бири 33 мартадан такрорланувчи тасбехларни 7 хил такрорлаб ҳар бир тасбех оралиғида бемор елкасига камчи билан уриб туради. Кейин

А.Яссавий ҳикматлари изидан Сўфи Оллоёр ўқилади, сўнгра чўгда қиздирилган пичоқ ва капгирни сўфи ялаб ҳамда беморнинг тилига, оёғининг остига теккизади, шундан сўнг сув пуркаб, бемор танасига кириб олган ёвуз руҳларни ҳайдашга киришиб, жазавага тупади. Бемор танасининг айрим жойларини тишлайди. Ханжар билан кўчки қилади ва маросим тугатилади. Воҳанинг кўпгина кушночлари чилдирма, камчи, пичоқ, окрўмол, тасбеҳ каби буюмларидан ўз фаолиятлари жараёнида фойдаланишади. Кушночларнинг айримлари фолбинлик билан ҳам шуғулланади.

Минтақада шаклланган илк яккахудолик дини зардуштийлик дини саналади. Зардуштийлик дини милоддан аввалги VII аср охири ва VI аср биринчи ярмида шаклланган. Зардуштийлик дини ягона Ахурамаздага сиғинишни таъкидлаш билан бирга оламнинг ибтидоси саналган тўрт унсур: олов, тупроқ, сув ва ҳавони муқаддас деб билади. Зардуштийлик ёвузликка қарши курашда яхшиликнинг охир-оқибат ғалабаси бўлишлигини таъкидлайди. Зардуштийлик эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амални дунёда собит туришига ҳаракат қилади. Жаннат ва дўзах атамалари ҳам айнан илк бор зардуштийлик анъаналарида тилга олинган. Зардуштийликда оловни покловчи унсур сифатида, тақводорлик белгиси сифатида улуғлашган. Жарқўтонда олов ибодатхонасининг мавжудлиги илк зардуштийлик илдизларининг айнан Сурхон воҳаси билан боғлиқ тарзда шаклланганлигидан шаҳодат беради. Зардуштийлик динига хос бўлган Даҳна, яъни ноуслар Музрабоддаги Кампиртепа ва Шўрчидаги Далварзинтепа ёдгорликлари атрофидан топилган.

Зардуштийлик динининг айрим қолдиқлари ҳозирги кунда воҳа аҳолиси турмушида учраб туради. Жумладан зардуштийлар оловни покловчи восита сифатида тушунишган ва олов билан ёвуз кучларга қарши курашишган. Воҳа аҳолиси орасида расм бўлган марҳум чиққан жойда уч кунгача ўчоқ ёқмаслик, марҳум ётқизилган кўрпа-ёстикларни юлдуз кўрсин деб поклаш мақсадида ташқарида қолдириш касалларни олов билан аласлаш ёки келин-куёвни олов олдидан айлантириш каби примлар айнан зардуштийлик динининг маълум қолдиқлари саналади.

Кушонлар даврида воҳада буддавийлик дини кенг ёйилди. Айнан ана шу даврдан воҳада буддавийлик ибодатхоналари қад рослай бошлади. Хусусан Эски Термиздаги Фаёзтепа, Қоратепа ибодатхоналари ана шундай ибодатхоналар жумласидан саналади.

Буддавийлик динини янада юксакликка кўтариш ва бойитишда термизлик роҳиблар Дихармамитра ва Дихармаракшаларнинг ўзига хос хизматлари мавжуд. Қолаверса, Термиз буддавийлик динининг муҳим марказларидан бири бўлиб, бу таълимотни Шарқий ва Жануби-шарқий Осиё мамлакатларига Буюк Ипак Йўли савдоси орқали кириб боришида асосий марказ вазифасини ўтаган.

Ўрта Осиё ва Ҳиндистон қадимги алоқаларини ўрганиш мақсадида кўплаб олимлар тадқиқот ишлари олиб бордилар,<sup>1</sup> Профессор С.П.Толстов Ўрта Осиё ва Ҳиндистон алоқаларининг муҳим жиҳатларидан бири-Ўрта Осиёда буддизмнинг тарқалишини ўрганди. Ўрта Осиёда буддизмнинг тарқалишини ўрганишга қаратилган кўплаб илмий мақолалар ёзилган бўлса-да,<sup>2</sup> аммо Ўрта Осиё минтақасида буддизмнинг тарқалиш тарихи ҳозиргача аниқ очиб берилмаган. Бу соҳадаги манбалар ва далиллар етарлича ўрганилмаган. Ўрта Осиёда, қисман Марказий Осиёда буддизмнинг тарқалиши ёзма манбалар ва лингвистик тадқиқотлар (маълумотлар) асосида ёритилишига ҳаракат қилинди.<sup>3</sup>

Манбаларнинг гувоҳлик беришича, буддизмнинг Ўрта Осиёга тарқалиши Грек-Бактрия подшолиги даврига тўғри келади, бироқ шундай бўлса-да, Будда таълимоти ҳақидаги хабарлар, Буддани тарқатувчиларнинг баъзи вакиллари бу минтақага анча илгарирок, аҳмонийлар даврида ташриф буюрганлиги эҳтимолдан холи эмас. Масалан, Жанубий Афғонистонда, Қандаҳор худудида эрамиздан ав. III асрнинг ўрталарида тарқалганлиги ҳақида маълумотлар бор. Тарихчи олим Я. Хармата Ўрта Осиёга буддизм Қандаҳор йўналишидан кириб келган деган фикрни олға суради. Жанубий Бактрияда маҳаллий буддачилар орасида илк ўрта асрларгача будданинг анча қадимийлиги ҳақида ғоялар мавжуд эди, уларнинг қарашларича бу ўлкаларга буддизмни Будданинг ўзидан кўл олган икки маҳаллий роҳиб тарғиб қилган. (Бу ерда тармиталик Дхармамитара ва тоҳаристонлик Беашакалар ҳақида гап кетмоқда).

Манбаларга таяниб шуни айтиш мумкинки, Грек-Бактрия подшолигининг ярмида ва сўнги йилларида Ўрта Осиё худудларида будданинг тарқалиши учун муҳим муҳит юзага келди, яъни шимолий ҳинд вилоятлари, Афғонистон худуди ва Ўрта Осиёнинг қатор

<sup>1</sup> А.М.Белицкий, В.М.Массона, Б.Я.Ставиский. Индия в древности. – Москва, 1963.

<sup>2</sup> Т.В.Грек, Е.Г.Пчелина, Б.Я.Ставиский. Кара-тепе – буддийский пещерный маанстырь в старом Термезе. – Москва, 1964.

<sup>3</sup> А.М.Белицкий. Из истории культурных связей Средней Азии и Индии в раннем Средневековье. КСИА, вып. 98, 1964 – С.33..



минтақалари бирлаштирилди, бу эса Буддизмни аввал Афғонистонга ва кейинроқ Ўрта Осиёнинг жанубига Будда миссионерлари (тарқатувчилари) томонидан Будда таълимотининг кенг ёйилишига олиб келди. Будданинг Ўрта Осиёга кенг тарқалиши Кушон империяси даврида, яъни II–III аср бошларида кузатилади, Кушон ҳукмдорлари Буддага меҳр билан қарашган, айниқса, ҳукмдор Канишка ашаддий буддачи бўлган. У кўплаб будда ибодатхонларини қурдирган, тангаларда Будда тасвири зарб қилинган (Будда тангалари оз бўлса-да топилган). Сурхондарё вилояти ҳудудида – яъни қадимги Шимолий Бактрияда археологик қазिशмалар натижасида Кушон даврига тааллуқли йирик будда ибодатхоналари топилди. Улардан бири Қоратепа (Термиз яқинида бунга мисол бўла олади).

Ўрта Осиёда Қадимги Буддизмнинг изларини ўрганишда, «Авесто» маълумотларига таяниш ўринлидир. “Видевдат”да уч маротаба «Viti» сўзи учрайди, бу сўз Будданинг чет элдан кириб келганлигининг белгисидир. Аниқроғи, шарқий Эрондан келиб чиққанлигидан далолат беради ва “Видевдат”нинг эрамизнинг иккинчи асригача яратилганлигини исботлайди. Буддизм билан Балх шаҳрига берилган ўхшатишни боғлашга ҳаракат қилади, яъни кўплаб байроқлар осилган шаҳар эканлигини таъкидлайди.

Тарихчиларнинг фикрича, Бактрияда эрамизгача I асрда буддизм кенг тарқалган эди. Эр. авв. II–I асрлардаёқ Бактрияда ва Парфиянинг шарқида, Марғиёнада будда жамоалари пайдо бўлди. Тожикистон ҳудудидаги энг қадимги ҳайкаллардан бири 1956 йилда Фарбий Помирда Дариюй деган жойидаги ҳайкалдир. Палеографик таҳлилларга кўра, бу ҳайкал эр. авв. II асрнинг бошларида яратилган, Буддизмнинг Ўрта Осиёга кириб келиши Кушон давлатчилиги даврида кучайган кушон ҳукмдорлари буддизмга жуда хайрхоҳ муносабатда бўладилар. Айниқса, Канишка Пурушапур (ҳозирги Пешовар шаҳри)да катта диний йиғин чақиртирди.

Тоҳаристондаги ёзма манбалар Кушон даврида Будда таълимотини тарғиб қилиш ҳақида маълумотлар беради. Тоҳаристонлик Гхошака машҳур Пурушапур шаҳри йиғиннинг аъзосидир. У Буддага тегишли Висхаша асарининг муаллифи ҳисобланади. Беошаканинг гоёлари Тоҳаристонда бутун бир мактабга айланди. Унинг асарларининг биринчи таржимонлари эса, термизлик Дхармамитрадир. Шундай қилиб, Ўрта Осиёда Вибхашика мактаби тараққий этди. Қоратепада топилган маълумотлар шундан далолат берадики, Ўрта Осиёда Мохасинхика ва Сарвисадева будда мактаблари тараққий топди ва ривожланди.

Эрамининг I асрида Буддизм Марғиёнада ҳам қарор топди. Ўрта Осиё орқали Буддизм Шарқий Туркистонга, кейинроқ Хитойга қараб ривожланиб борди. Бунда Ўрта Осиёлик художўйлар ва миссионерлар муҳим ўрин тутишди, Буддизмининг Хитойга тарқалиши юзасидан бошқа фикрлар ҳам мавжуддир. Будда ғоялари ёритилган маълумотлар лингвистик таҳлиллари ҳам Ўрта Осиёда буддизмининг тарқалганлигини билдиради. Масалан, Ўрта Осиёдаги манихий оқими (Мар Амо асосчиси) парфий тилини расмий тил сифатида қўллаган.

Будда оқими бўлган манихийликнинг муҳим манбалари айнан Ўрта Осиёда буддизмининг кенг тарқалганлигидан далолат беради. Айнан сўғдийлар Ўрта Осиёда ва Марказий Осиёда буддавийлик ғояларини кенг тарқатганликлари ҳақида «Боддисотва» сўзини сўғд тилидан пахлавий, уйғур, хитой тилларига ўтиши далолат беради. Лингвистик изланишлар будданиннг қадимийлигини, унинг анъаналарини ва ушбу халқларнинг ҳам қадимийлигини исботлайди.

Хитойлик олимларнинг фикрича, Будданиннг ўзи бактрияликлар тилини уларнинг ўзидан ҳам яхши билганлар. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Ўрта Осиёда Буддизм жуда кенг тарқалиши Ўрта Осиё ва Ҳинд алоқаларини мустаҳкамлашда ҳам, иконалар чизилишида ҳам, ҳар хил фанлар соҳасида ҳам (масалан, тиббиёт, астрономия) ўз ўрнига эга бўлди. Ўрта Осиё маданияти ўз ўрнида Ҳиндистонга ҳам ўз таъсирини ўтказди.

Буддавийлик дини минтақага араблар кириб келгунга қадар, яъни VIII асрга қадар ҳукмрон динлардан бири бўлган. Араблар истилосидан сўннг бутун минтақада бўлгани сингари воҳа аҳолисининг турмуш тарзи ва эътиқодида ҳам Ислом дини кенг ўрин эгаллади. Минтақада Ислом дини ҳукмронлиги ўрнатилгач, барча маҳаллий эътиқодлар сохта дин деб эълон қилинди. Шундан сўннг Ислом арконлари аҳолига турли йўллар билан сингдирила бошланди.

Ислом дини узоқ даврлик тарихи мобайнида минтақа аҳолиси маънавиятидан чуқур жой эгаллаб халқнинг иймон-эътиқодига айланиб борди. Сурхон воҳасида етишиб чиққан олим ва уламолар ҳам ислом динининг равнақиға катта хизмат қилишган. Айнан пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) ҳадисларини тўплаш ва тартибга солишда Имом Исо ат-Термизийнинг хизматлари беқиёс даражада улуғдир. Шунингдек, тасаввуф таълимотининг минтақада шаклланиши ва юксалишида термизлик алломаларидан ал-Ҳаким ат-Термизий ва Варроқ Термизийларнинг хизматларини бутун

ислом олами тан олади. Ислом дини ўзининг ўтган узоқ даврлик тарихи мобайнида кишиларни имонга, эътиқодга, яхшиликка, ҳамжиҳатликка, ҳалолликка, покликка чорлайдиган юксак таълимот эканлигини исботлади ва воҳа аҳолиси маънавиятидан чуқур жой олди. Бироқ Совет тузуми шароитида диний қадриятлар тақиқланди, азиз авлиёлар ва уламоларнинг қабрлари ҳароб аҳволга келиб қолди. Мустақиллик шарофати билан диний қадриятларнинг тикланиши ва виждон эркинлиги тамойилларига сидқидилдан амал қилиш ҳамда аجدодлар меросини ва тарихий хотирани тиклаш борасида амалга оширилган кенг қамровли савобли ишлар воҳадаги муқаддас қадамжоларни тиклаш ва ободонлаштириш имкониятини берди. Шу сабабли ҳам Ислом дини кўрсатмалари халқимиз томонидан эъзозлаб келинган ижобий қадриятлар билан уйғунлашиб, кишиларнинг маънавий камолотида муҳим ўрин тутиб келмоқда.

## II. БОБ. ХАЛҚ ИЖОДИЁТИ ВА АМАЛИЙ САНЪАТИ

### 2.1. Халқ оғзаки ижоди намуналари

Ўзбек халқи оғзаки ижоди номоддий маданиятнинг қадимий тарихи ва ибратли манбаларини ўз ичига олиб, ҳар бир уруғ ўз касбига қараб ноёб дурдона ҳикматларни яратган. Ушбу миллий ҳикматларда халқнинг шодлиги, хуррамлиги, меҳнат ютуқлари, орзу-умидлари, қайғу-ғамлари, ушалмаган армонлари, соғинч ҳис- тўйғулари, ватанпарварлик, мардлик жасоратлари, ор-номуслари, севги-муҳаббат, оила, ота-она, авлодлар обрў-эътибори мужассам этилган.

Халқ оғзаки ижоди халқнинг кўп минг йиллик тарихи мобайнида шаклланган ва халқнинг орзу-истаклари, армонларини ўзида жамлаган лирик, эпик ва лиро-эпик тарздаги ижод намунаси саналади. Халқ оғзаки ижоди ва намуналари айнан бирор бир муаллиф қаламига мансуб бўлмасдан, асрлар оша авлоддан-авлодга ўтиб, сайқал топиб келади. Ушбу ижод намуналари ўзининг халқоналиги, содда ва шўхчанлиги ҳамда оҳанг ва мусикага тез ва соз тушиши билан ҳам ажралиб туради. Халқ оғзаки ижодига мансуб лирик асарлар, асосан, бармоқ вазнида бўлади. Халқ оғзаки ижоди намуналари кишиларнинг кундалик фаолияти, маиший турмуш тарзи, тантанали маросимлари ва ижтимоий турмуши билан боғлиқ ҳолда яратилади ва ижро этилади. Халқ оғзаки ижоди намуналари кишиларни яхшиликка, эзгуликка, имон-эътиқодга, диёнатга, ҳалолликка, покликка, ориятга, мардликка, ҳамжихатликка чорлайди. Айниқса, ёш авлодни тарбиялашда муҳим ўрин тутди. Халқ оғзаки ижоди намуналари халқнинг узок асрлик ҳаётий тажрибасининг маҳсули бўлиб, сабоқларга, ибратларга, истакларга насиҳату пандларга бой саналади. Шу боисдан ҳам халқ оғзаки ижоди ўтмиш аجدодлар донолининг маҳсули, узок даврлик турмуш тажрибасининг бебаҳо сабоғи ибратли дарс ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Абдулла Қодирий халқ хикматларига баҳо берар экан “Халқ хикматлари турмуш онасининг дард чекиб туққан болаларидир”, деб бежиз айтмаган эди. Халқ ўзининг кўп минг йиллик тарихида қайғули, изтиробли дамларда, аламли лаҳзаларда, энг қийин шароитларда ҳам ўзининг дард-аламини, армонини, истак ва орзуларини қўшиқларда хиргойи қилиб ифодалаган ва маънавий руҳий таскин топган ва ёвузликка қарши курашга қуч топган. Шунингдек, меҳнат машаққатлари,

кундалик юмушларни бажариш асносида ҳам қўшиқ ўлан ва лапарлар куйлаб, чарчоғини енган, меҳнат машаққатларини енгиллатган ҳамда меҳнат гашти, самарасининг яхши бўлишига умид боғлаб қўшиқ хиргойи қилишган. Қолаверса, халқимизнинг байрамлари, тўйлари шодиёналари, сайиллари қўшиқ, куй, ўлан ва лапарларсиз ўтмаган, бу ҳам кишилар шодлигига шодлик, қувончига қувонч қўшган тантанали ва байрамларига алоҳида зиё берган. Шу боисдан ҳам халқимиз томонидан яратилган оғзаки ижод намуналари маънавий меросимизнинг бебаҳо хазинаси саналиб, ёш авлодни ота-боболар мероси асосида тарбиялашнинг муҳим омилига айланиб берган.

Воҳа аҳолисининг оғзаки ижоди ўзининг бетакрорлиги билан ажралиб туради. Воҳа аҳолиси оғзаки ижодиёти айтилиш маросими, мароми, ўрни, маъно ва мазмуи хусусиятларига кўра фарқланади.

Меҳнат қўшиқлари воҳа аҳолисининг хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлиб, кундалик юмушларни бажариш жараёнида ижро этилиб, ўзининг самимийлиги, соддалиги, равонлиги ва бир хил тизими билан ажралиб туради. Жумладан, воҳа деҳқонлари меҳнат фаолияти давомида “Қўш қўшиқлари” (ер ҳайдаш жараёнида), “Ўрим қўшиқлари” (ғалла йиғим-терими пайтида), “Янчиқ қўшиқлари” ёки “Хўп ҳайда қўшиқлари” (ўрилган донни янчиш жараёнида), “Ёрғучоқ” қўшиқлари: (буғдойни қўл тегирмонида ун қилиш жараёнида)ни ижро этишган. Воҳанинг чорвадор аҳолиси чорва молларини яйловга ҳайдашда, яйловда боқиш жараёнида чўпон қўшиқларини куйлаган. Воҳа аёллари сигирларни соғиш жараёнида “хўш-хўш”, қўйларни соғишда “турей-турей”, эчкиларни соғишда эса “чурия” ларни айтиб ўз юмушларини бажаришган. Хунарманд усталар ўз касбининг турига қараб “Кулол қўшиқлари”, “Темирчи қўшиқлари”, “Чарх қўшиқлари”, “Кашта қўшиқлари”, “Бўзчи қўшиқлари”, “Ўрмак қўшиқлари” каби қўшиқларни хиргойи қилишган. Воҳа аҳолиси тўй маросимларида бир қатор лирик қўшиқлар ижро этилган. Бу қўшиқлар яккахон ва жўровоз шаклида куйланган. Бундай қўшиқ турларига “Лапар”, “Ўлан”, “Ёр-ёр”, “Терма”, “Яллама ёрим”, “Чорқарсак”, “Бешқарсак” каби қўшиқларни санаб ўтиш мумкин.

Воҳа аҳолиси байрамлар ва оммавий сайилларда ҳам қўшиқ куйлашади. оммавий сайилларда жарчи қўшиқлари ҳам муҳим ўрин тутган. Мақоллар, маталлар, топишмоқлар халқ донолиги ва ҳаётий тажрибасининг маҳсули бўлиб, кундалик турмушда кенг қўлланилади ва муҳим тарбиявий аҳамият касб этади. Воҳа аҳолиси табиат ва коинот

билан боғлиқ бир қанча магик маросимларни ҳам амалга оширган. Ушбу маросимлар албатта, кўшиқлар ва чолғу асбоблари орқали ижро этилган, чунончи ёмғир сўраб “Суст хотин”, шамол сўраб “Ё Ҳайдар”, шамолни тўхтатишни сўраб “Чой момо”, ёвуз рухларни қувишда “Алас-алас”, “Кинна”, “Жахр” кўшиқларини ижро этишган.

Воҳа аҳолиси оғзаки ижодида марсия ва йўқловлар ҳам алоҳида ўрин тутади, уларда марҳумни соғиниш, унинг яхши фазилатларини эсга олиш каби жиҳатлар етакчи йўналиш саналади. Воҳа аҳолиси ҳаётида бахшичилик алоҳида ўринга эга, сабаби умумўзбек дostonчилигида Шеробод дostonчилиги мактабининг алоҳида ўрни мавжуд. Шеробод дostonчилиги мактабининг тарихи, тадрижи, таъсир кучи ва тарқалиш доираси ўзбек фольклоршунослигида муҳим ўрин тутади. Шеробод дostonчилиги мактабининг асосчиси Шерна бахши (Шерназар Бекназар ўғли) саналади.

XIX аср охири XX аср бошларида Шерна бахши, Умир бахши, Холиёр бахши, Мардонакул Авлиёкул ўғли, Нормурод бахши, Аҳмад бахши, Нурали Боймат ўғли, Қора бахши, Мамарайим бахши, Бўрибой Аҳмад ўғли, Юсуф Ўтаган ўғли, Боймурод бахшилар ана шу мактаб теварагида бирлашиб ижод қилишган. Шеробод дostonчилиги мактаби Сурхон воҳаси, жанубий Тожикистон, жануби-шарқий Туркменистон ва Шимолий Афғонистон ҳудудларини қамраб олган.

Шеробод дostonчилиги мактабига бирлашган бахши шоирлар: “Алпомиш”, “Гўрўғли”, “Кунтуғмуш”, “Ҳасанхон”, “Авазхон”, “Нурали”, “Юнус пари”, “Мисқол пари” каби дostonларни алоҳида маҳорат билан ижро этишган. Шеробод дostonчилиги мактаби вакиллари репертуаридаги “Олтин қовоқ”, “Малла савдогар”, “Олланазар Олчинбек”, “Тошбосар”, “Хурсўна” дostonлари бошқа жойлардаги бахшилар репертуарида учрамайди.

Мустақиллик йилларида халқ оғзаки ижодини янада қайта жонлантириш ва ривожлантириш учун анчагина ишлар амалга оширилди. Жумладан, йил 6 ноябрда ЮНЕСКО ҳамкорлигида “Алпомиш” дostonининг 1000 йиллиги қизгин нишонланди. Республикамизда 2000 йилда “Халқ бахшиси” унвони ташкил этилди. Қолаверса, 2001 йилда Бойсун ЮНЕСКО томонидан “Инсоният оғзаки ва маънавий мероси дурдонаси” сифатида эътироф этилди ва 2002 йилдан Бойсунда “Бойсун баҳори” очик фольклор фестивали ўтказила бошланди.

Бугунги кунда воҳада халқ оғзаки ижодиёти дурдоналарини кенг жамоатчиликка тарғиб қилиш борасида фольклор этнографик

дасталарнинг ўз ўрни бор. Жумладан Бойсундаги “Бойсун”, Шўрчидаги “Булбулгўё”, Қизирикдаги “Қўнғирот” ҳамда Термиз Давлат университетининг “Жайхун” фольклор этнографик ансамбллари айнан воҳа аҳолисининг турмуш хусусиятларига хос бўлган жараёнларни ўзида ифодаловчи қатор кўшиқлари билан томошабинларнинг олқишига сазовор бўлмоқда. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, “Қуралай” болалар фольклор этнографик ансамбли республикадаги фольклор этнографик ансамбллар орасида ягона саналади. Умуман, воҳа аҳолисининг халқ оғзаки ижодиёти ниҳоятда мавзуларга бой, серқирра ва ўзига хос хусусиятлари билан муҳим аҳамият касб этади.

Халқ оғзаки ижоди ёшга нисбатан хусусиятларига кўра куйидаги йўналишларига бўлинади.

1. Болалар фольклори

2. Катталар фольклори

Бундан ташқари халқ оғзаки ижоди намуналари жанр жиҳатидан куйидаги йўналишларга эга.

1. Маросим кўшиқлари “Суст хотин”, “Ё Ҳайдар”, “Рамазон”, “Раббиман”, “Сумалак кўшиқлари”, “Чой момо”, “Лола сайили кўшиқлари”, “Ҳаққуло”, “Обло барака” ва ҳоказолар.

2. Мехнат кўшиқлари: Қўш кўшиқлари, Ҳа дурси кўшиғи, ўрим кўшиқлари, хирмон кўшиқлари, хўн майда, чурей-чурей, турей-турей, хўш-хўш, қирқим кўшиқлари, чўпон кўшиқлари, ўрмак кўшиқлари, кашта кўшиқлари, жувоз кўшиқлари, тегирмон кўшиқлари ва ҳоказолар.

3. Кундалик ҳаёт билан боғлиқ кўшиқлар: аллалар, аллахўй, ўлан, лапар, топишмоқ, матал, мақол, латифа, тез айтиш ва бошқалар.

4. Байрам ва сайил кўшиқлари: “Жарчи” кўшиғи, “Бойчечак” кўшиғи, “Лолача” кўшиғи, “Халинчак” кўшиғи, “Наврўз” кўшиқлари, “Тулисурх” кўшиқлари, “Ҳосил байрами” кўшиқлари ва ҳоказолар.

5. Оилавий тантаналар ва тўй шодиёналари билан боғлиқ кўшиқлар: “Совчи” кўшиғи, “Ошпаз” кўшиғи, ўлан ва термалар, ёр-ёрлар, “Яллама ёрим”, “Яку-яку”, “Ковушим”, “Воҳ-воҳ тўрам”, “Қиз кийит”, “Безак илиғи”, “Келин салом”, “Уфу жақала”, “Ким оладиё” ва ҳоказолар.

6. Аза ва марсия кўшиқлари: йўқловлар

7. Илоҳий ва магик кучлар билан боғлиқ халқ оғзаки ижоди намуналари: кина айтиб силаш, алас айтимлар, жаҳр айтимлари, сафар қочди айтимлари, дуолар, барот келди айтимлари ва ҳоказо.

8. Халқ бахшичилиғи: термалар, дostonлар.

Машхур фольклоршунос олим проф. Тўра Мирзаев ўзбек маросим фольклорларини 3 турга яъни: 1. Мавсумий маросимлар фольклори, 2. Оилавий-маиший маросимлар фольклори 3. Диний-ибодат маросимлар фольклорларига бўлади<sup>1</sup>.

Сурхон воҳасида яшовчи қатагон, кўнгирот, жуз, дурмон, лақай каби ўзбек уруғларидан халқ оғзаки ижодида болаларни ухлатиш ёки юпатиш мақсадида болани тизага ётқизиб, бир маромда тебратиб, эркаклар ва ота-боболар томонидан айтиладиган хиргойи ҳам бўлиб, бу хиргойи халқ орасида: хуё-хуй, алла-хуй деб номланади. Хуё-хуй ҳам ота ёки бобонинг ўз зурриётига бўлган меҳр, ғамхўрлик ва унинг келажагини сўраб айтиладиган кўшиғи саналади. Шу жумладан, қуйидаги хуё-хуй мисол бўлади.

Хуё-хуй талқон туй,  
Сув кадига бетни жув.  
Алла айтмоқ ор эмас,  
Мўмин кўнгли тор бўмас,  
Хуй аётга жигитлар,  
Икки дунё хор бўмас,  
Хуё-хуй, Хуё-хуй.  
Менинг улим бек бўлсин,  
Катталар бўлиб, от чопсин.  
Чопқон оти устига бохмалдан  
Жовуб чопсин.  
Болагинам бек бўлиб,  
Отаси ҳам жов топсин  
Хуё-хуй, Хуё-хуй.  
Болагинам бек бўлсин,  
Ғанимлари йўқ бўлсин.  
От чоптириб лол, топиб,  
Отага тиргак бўлсин.  
Хуё-хуй, Хуё-хуй.  
Болажоним кўпайиб, бўсин бола-чақали,  
Саксон-тўқсонга кириб оппоқ бўлсин соқали,  
Элда бойвачча бўлиб, тўнлар кийсин жоғали  
Минг қўйли бойлар бўлиб, сурув бўлсин подаси,  
Оқ ўтовда ўтириб, тиниб журсин отаси,  
Хуё-хуй, Хуё-хуй, Хуё-хуй<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Мирзаев Т. Ўзбек фольклорларида лапар // Ўзбек тили ва адабиёти. 1998 йил. №1. – Б.43.

<sup>2</sup> Ушбу терма Шеробод тумани Хитой кишлоғида яшовчи кўнгирот уруғига мансуб 82 ёшли отахон Бўрон бобо Сувоновдан ёзиб олинди.



## СУРХОН ҚЎШИҚЛАРИ

### Оҳай-оҳай

Кўчамизнинг толи кўп, оҳай-оҳай  
Бу чолларнинг моли кўп, оҳай-оҳай  
Бузовини боқмайман, оҳай-оҳай  
Бу чолга-ей ёқмайман, оҳай-оҳай.  
Мўйловингни мойлавер, оҳай-оҳай  
Соқолингни тарайвер, оҳай-оҳай  
Бузовингни боқаман, оҳай-оҳай  
Сиз чолга-ей ёқаман, оҳай-оҳай.  
Уйда бордир сийирдир, оҳай-оҳай,  
Кўзларини уйирдир, оҳай-оҳай,  
Ўйнамайман десам ҳам, оҳай-оҳай  
Ўйнайсан деб буюрди, оҳай-оҳай.  
Бобожоним қалайсиз, оҳай-оҳай,  
Қатик берсам жалайсиз, оҳай-оҳай,  
Бир кеча келмай қолсам, оҳай-оҳай  
Аҳволимни сўрайсиз, оҳай-оҳай.  
Жуқорининг шамоли, оҳай-оҳай,  
Соқолини қайирди, оҳай-оҳай  
Қуриб кетгур баталён, оҳай-оҳай  
Чолимиздан айирди, оҳай-оҳай.  
Том устида беда бор, оҳай-оҳай,  
Майдасини элаб ол, оҳай-оҳай  
Шунча қизнинг ичида, оҳай-оҳай,  
Чиройлисин танлаб ол, оҳай-оҳай.



Қошиқ ўйини



Халқ ансамблининг чиқиши



Навбатдаги тadbирга тайёргарлик



Урчуқ йигираётган аёл



Сурхондарёлик момо



Ўтов



Бойсуннинг раққос йигитлари



Қўш ҳайдаш маросимидан лавҳа

Халқ мусиқа  
асбоблари



Сурхон воҳаси  
кувиси



Кигиз тўқишга тайёргарлик



Мушкулкушод маросимига тайёргарлик

## ХАЙ ДОГУ, ДОҒИНГДАН

Хай доғу, доғингдан сани,  
Бодом қовоғингдан сани.  
Каллапўшингни дол қўйиб,  
Ўпсам дудоғингдан сани.  
Қош агар пайваста бўлса,  
Ўсмани гардон қилур.  
Ёр агар нораства бўлса,  
Ёрни саргардон қилур.  
Кўргали келдинг тугун,  
Суйдиргали келдинг бугун.  
Мен ғариб бечорани,  
Ўлдиргали келдинг бугун.  
Кўрсам ҳам дилим куяр.  
Кўрмасам ҳам дилим куяр.  
Исмингиз ёдимги тушса,  
Сўзамол тилим куяр<sup>1</sup>.

## ЯНГАЖОН

Қошлари қаро,  
Кўзлари қаро,  
Юзлари аъло янгажон.  
Ҳар бир боқишинг  
Бошимга бало, янгажон.

Нақарот:  
Қўшиғим қўшиқ,  
Томоғим тешиқ,  
Кулча нон берсанг,  
Айтаман қўшиқ.

Эгнингда нимча,  
Юзлари сипча.  
Белингда хипча, янгажон.  
Сипта юзингдан  
Бир бўса бергин, янгажон.

Нақарот:  
Қўшиғим қўшиқ,  
Томоғим тешиқ,  
Кулча нон берсанг,  
Айтаман қўшиқ<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Наимов М. Сурхон қўшиқлари. – Тошкент: Yangi asr avlodi, 2010. –Б.19.



## 2.2. Топишмоқлар, мақол ва маталлар

Сурхон воҳаси халқ оғзаки ижоди мамлакатимизнинг турли вилоятларидаги оғзаки ижод нуманаларига монанд миллий урф-одатларни ўзида мужассам этиб, билимдонликни, зехни тоблаш, хушёрликни, заковатни, ўйлаб мулоҳаза қилишни ўрганишга ундаган. Номоддий маданият ривожда топишмоқларнинг аҳамияти ниҳоятда катта бўлиб, оилада фарзандларнинг билим савиясини синаб кўришда, онгининг ўсишида, билимдонлигини оширишда, тафаккур қобилиятни аниқлашда ундан кенг фойдаланилган.

Воҳа аҳолисининг халқ оғзаки ижодида топишмоқ жанри ҳам муҳим ўрин тутлади. Топишмоқлар муайян нарса ёки буюмнинг хусусиятларини, шакл ва тузилишини таъсирли тарзда ифодалайди. Топишмоқларда яширинган нарсанинг бошқа нарсага ўхшаш жиҳатлари айтиб ўтилади. Топишмоқлар қисқалиги, жумбоқларга бойлиги, ўхшатишларнинг ўзига хослиги билан ажралиб туради. Топишмоқлар дунёқарашни, зукколикни, топқирликни, мулоҳаза ва мушоҳадаларни чархлайди. Айни замонда сўз бойлигини ўстиришда аҳамияти чексиздир. Топишмоқ ёш авлоднинг фикр доирасини кенгайтиришда муҳим ўрин тутлади. Бундан ташқари инсон дунёқарашининг шаклланишида атрофини ўраб турган нарса ва ҳодисалар ҳақидаги тасаввурини бойитади. Нарса ва ҳодисаларни таъсирли қилиб тасвирлай олиш малакасини шакллантиради. Топишмоқлар яккама-якка ёки гуруҳ-гуруҳга бўлиниб, мусобақа шаклида айтилади. Ўзбек халқи орасида топишмоқ айтиш қадимдан мавжуд бўлиб, у асосан, кечаси ишдан қайтгандан кейин ёки қиш фаслида аёллар бир хонага йиғилиб ўтириб, қўл меҳнатининг бирор тури урчуқ йигириш, олача тўқиш, кийим-кечак тикиш билан машғул бўлган пайтда айтишган. Давра аҳли катта-кичик, эркак-аёл ҳамма топишмоққа қизиқиб турган. Топишмоқлар мавзу жиҳатдан хилма-хил бўлиб, борлиқдаги ҳамма нарса ва ҳодисаларнинг, уларнинг турли-туман кўринишларини камраб олади. Айрим ҳудудларда топишмоқ жумбоқ ёки матал шаклида ҳам ифодаланади. Шу боисдан ҳам топишмоқ айтиш мусобақаси:

Маталим-матти қора,

Топганнинг юзи қора, —

деган ибора билан бошланади.

Воҳа аҳолиси томонидан айтиб келинган топишмоқлардан намуналар:

Оппон-оппонни кўрдим,

Эски чопонни кўрдим,

Қобурғаси қалтироқ,

Одамни жутқанни кўрдим. (Қора уй)

Кўккина қўзим уй айланар. (Қора уйнинг белдови)

Қора хотин уй пойлар. (Кулф)

Узун бўйли қора тўнли. (Мўри)

Кечаси осмонга қарайди, кундузи ерга қарайди. (Эшик анжири)

Бизнинг уйга тўрт кампир, тўртови ҳам мард кампир. (Чўп савағич)

Ўзи пўлатдан, думи ёғочдан. (Кетмон)

Бир тўбада етти тешик. (Бош, оғиз, бурун, кўз, кулок)

Шип этди, Шибирғон<sup>1</sup> кетди. (Яшик)

Узун терак, ичи ковак. (Ғаров)

Ҳачча, ҳаччанинг устида бачча

Баччанинг устида қалнок

Қалпоқнинг устида телпак (Қора уй)

Қатор-қатор тош бердим

Жийрон отни бўш қўйдим (Тиш ва тил)

Букри момом бук этди

Жугуриб жукка кирди (Сичқон)

Қорачада керкиллайди,

Бўсағада буркиллайди,

Чанғороқда чаркиллайди (Элак, ит, юлдуз)

Сулув йигит сувга энди

Садиқ оти бирга энди (Кескан ош)

Ҳачча, ҳаччанинг устида хумча, хумчанинг устида икки шохча, шохчанинг устида кудук, кудукнинг устида ҳовуз, ҳовузнинг устида булоқ булоқнинг устида икки чироқ, икки чироқнинг устида икки пилик, икки пилик устида икки тепа, тепанинг устида тўқай. (ҳачча-оёқ, хумча-қорин, шохча-икки қўл, кудук-бўйин-томоқ, ҳовуз-оғиз, булоқ-бурун, чироқ-икки кўз, пилик-икки қош, тепа-бош, тўқай-соч)

Сувда Сулаймонни кўрдим,

Йўлда гадойни кўрдим,

Тузсиз пишган ошни кўрдим,

Юмалаб ётган тошни кўрдим. (Балик, товуқ, сумалак, шолғом)

<sup>1</sup> Шибирғон – Афғонистондаги шаҳар

Қорабой бобом отдан тушди,  
 Болалари югуришди. (Қозон-товок)  
 Оғил тўла оқ эшак, (Тиш)  
 Ийилсина ийилсин, остида қизлар жийилсин. (Силсила)  
 Сувсиз чўлда този ўйнар. (Куёш)  
 Ер остида ой юрар,  
 Оқ соқолли бой юрар (Омоч)  
 Кўп ейди, тез ейди, майда чайнайди, одамни тўйдиреди. (Тегирмон)  
 Тебранади жони йўқ. (Зилзила)

Ўтмишда топишмоқ, одатда, кишилар ишдан бўшагандан кейин, кечаси айтилган. Топишмоқ айтишда камида икки киши бўлиши, яъни навбатлаб айтувчилар ва жавоб берувчилар гуруҳлари бўлиши керак. Топишмоқ айтиш ақл-заковат, зийраклик мусобақаси, ўйин-кулги, кўнгиш очиш воситасидир.

Топишмоқлар шартли яширин нутқ асосида юзага келгандир, замини эса қадимги кишиларнинг эътиқод ва тасаввурлари, дунёни идрок этиш даражалари билан боғланади. Сурхондарё вилояти кишилари тилидан ёзиб олганмиз топишмоқларда ҳам тарихийлик, қадимийлик ва янгилик белгилари сезилиб туради. Искандар бобонинг айтишича, илгари топишмоқ айтишув пайтида, юқорида қайд этганимиздек, турли савол-жавоб, ҳазил-хузуллар ҳам бўлган. Масалан, топишмоқ айтилгач, жавоб берувчи бироз ўйлаб олган, сўнг уни аниқлаштириш бўйича топишмоқ айтувчига баъзи саволлар ҳам берган. Шунда қуйидагича савол-жавоблар бўлган:

- Шу қишлоқда борми?
- Бор.
- Маҳаллада борми?
- Бор.
- Шу уйда борми?
- Бор.
- Жони борми, жони йўқ?
- Йўқ.
- Унда ҳозир топамиз.
- Топмасангиз шаҳар бериб,

Паст кўчага чопасиз.  
 Топишмоғим топ,  
 Топсанг, олтин қоп.  
 Тополмасанг, шаҳар бердинг,

Паст кўчага чоп.  
Паст кўчада гўнгхона,  
Сенга жуда боп.  
Чўкиб кет, бўкиб кет,  
Ёлай ола қоп.

Топишмоқларнинг мавзу доираси кенг бўлиб, у олам, ҳаёт, турмуш, инсон, ҳайвонлар ва ўсимликлар дунёси, экин-тикин каби хилма-хил тушунча ва тасаввурларни қамраб олади:

Оппон-оппонди кўрдим,  
Эски чопонди кўрдим.  
Қабирғаси қалтироқ,  
Одам жутқонди кўрдим.

«Ҳачча, ҳаччанинг устида бачча, баччанинг устида қалпоқ, қалпоқнинг устида телпак». Бу топишмоқларнинг ҳар иккаласи ҳам қора уй ҳақида бўлиб, биринчисида тасвир ҳаёлий, эртақ ва ривоятлардаги мифик тасвир хусусиятларига эга. Қадим кишилар тасавурида жин, ажинлар номаълумликда, кул тепаларда бўлиши тахмин қилинган. Ушбу биринчи топишмоқнинг дастлабки мисраларидаги «оппон-оппон» каби маъноси ноъмалум, сўз «эски чопон» тасвири тингловчини ана шундай ҳаёлий тасаввурларга тайёрлайди, сўнгра топишмоқда айни муддаога ўтилади. Энди тасвир янада ваҳималироқ, аммо жавоб топилиши керак бўлган тасвирга қаратилади:

Қабирғаси қалтироқ,  
Одам жутқонди кўрдим, –

тасвири кишида ана шундай ваҳималироқ тасаввур ҳосил қилади. Уйнинг увуқлари ёғоч (тол) дан бўлиши, қалтироқ қабирғага ўхшатирилганини, унга кишининг кириб-чиқиши гўё ваҳимали «махлук» нинг алдаб ютишига ўхшатирилишини англаган, бу бошқа нарса эмас, балки ўзи кириб-чиқиб юрган уй эканлигини билган тингловчи бу фантазиядан ҳайратга тушади.

Ҳачча дейилганда уйнинг керагаси назарда тутилган, уйнинг керагага боғланган ўқ (увуқ) лари худди болага ўхшатирилган. Илгари қўғирчоқларни ҳам ана шундай чўпга кичик чўпни боғлаш орқали ясаб, ўйнаш одати бўлган. Уйнинг чанғароқнинг гилдирак шакли, айлана ўрама ва ўртасидаги ёғочнинг эгиб жойлаштирилиши қалпоқнинг қирпулари, айлана шакли, қатим

тортилишларига ўхшайди. Чанғарок ва умуман, уй устига қора кигиз тортилиши телпаққа ўхшатишган.

«Бизникида бир киши бор, оғзида икки тиши бор» топишмоғи ўтовнинг узвларидан бири бўлган бокқан ҳақидадир. Бокқан ўтов йиқилиб кетмаслиги, мустақкам жойлашиб туриши учун ўрнатилади. Ёғочдан бўлган бу узв (аъзо) худди ҳаччага ўхшайди, учи ерга тиралган ҳолда ҳачча қисми чанғароққа тиралган бўлади. Топишмоқлар шеърий шаклда ҳам бўлади. Уй ҳақидаги топишмоқнинг биринчиси шеърий шаклда бўлиб, бармоқ вазнининг 7 бўғинли шакли, бўғинлар 4+3 таркибида туюқлашган,  $a+a+b+a$  шаклида қофиялашган. Биз юқорида ҳачча ва унинг маълум нарсаларда устунлашиши билан боғлиқ топишмоқнинг уй маъносини англатишини кўрдик. Халқ топишмоқларида бу усулдан фойдаланиб, бутунлай бошқа нарса, масалан, инсон тасвири берилишини ҳам кўраимиз:

“Ҳачча, ҳаччанинг устида хумча, хумчанинг устида икки шохча, шохчанинг устида қудук, қудуқнинг устида ҳовуз, ҳовузнинг устида булоқ, булоқнинг устида икки чирок, икки чирокнинг устида икки пилик, икки пиликнинг устида тепа, тепанинг устида тўқай.”

Бу одам ва унинг аъзолари ҳақидаги топишмоқ бўлиб, унда киши аъзоларини маълум белгиларига кўра бошқа нарсаларга ўхшатишган, яъни ҳачча-оёқ, хумча-қорин, шохча-икки қўл, қудуқ-бўйин, томоқ, ҳавуз-оғиз, булоқ-бурун, чирок-икки кўз, пилик икки қош, тепа-бош, тўқай-соч. Шундай қилиб, одам аъзолари бирма-бир ўзга нарсаларга ўхшатилиб, маълум пояма-пояли тасвир ҳосил қилинган. Топишмоқдаги ўзига хосликлардан бири унда ўхшатишларнинг фавқулоддалиги, нотабиийлиги, қутилмаган тасвирлар ҳосил қилиши, ишонилиши қийин бўлган ҳолат-ходисалар тасвири берилишидир. Юқоридаги топишмоқни тинглаган киши ҳам ҳаччанинг устида хумча қандай туриши мумкин, қудуқнинг устида ҳам ҳовуз бўладими, тепа устида тўқай нима қилади, тўқай пастликда, сувли жойларда бўлади-ку, чирокнинг устида ҳам пилик бўладими деган тахминга бориши табиийдир. Сурхондарё худудида яшовчи аҳоли ўртасида кенг тарқалган топишмоқларни қуйидагича гуруҳлаштириш мумкин:

1. Бошқа вилоятларда ҳам кенг тарқалган, умумий, муштаракликка эга бўлган топишмоқлар. Бундай мақол ва топишмоқлар тилдан-тилга ўтиб кенг тарқалгандир.

2. Сурхондарё худуди аҳолисининг ўзига хос бўлган, бошқа вилоятларда учрамайдиган топишмоқлар, уларни маҳаллий сўзга чечан кишилар ва бахши-шоирлар яратадилар.

3. Вариантга эга бўлган тонишмоқлар, бундай топишмоқлар бошқа худудларда ҳам учрайди. Айрим ўзгаришлар, маҳаллий шароитларга мослашган ҳолда вариантларга ҳам эга бўладилар.

Сурхондарё аҳолиси тилидан ёзиб олинган топишмоқларнинг тахлили шуни кўрсатадики, уларда халқ донолиги ўзининг ўткир ифодасини топгандир. Улар нутқ таъсирчанлигини оширишга, юксак ғояларни ифодалашга, кишиларни эстетик тарбиялашга, уларнинг тафаккурини ўстиришга хизмат қилади.

Мақоллар кўпинча воҳада матал шаклида ҳам ифодаланади, воҳанинг айрим худудларида матал тушупчаси эртакка нисбатан ҳам қўлланилади. Мақоллар халқ оғзаки ижодининг нисбатан ихчам ва маъноларга бой тури бўлиб, асосан, халқ узоқ йиллик бой ҳаётий тажрибаси асносида юзага келган ва давр синовларидан ўтган ҳикматлар дурдонаси саналади. Мақолларда ота-онага ҳурмат, юртга садоқат, Ватанга хизмат, одамийлик, ҳалоллик, тўғрисўзлик, эзгулик, мардлик, жасурлик, меҳнатсеварлик, одоб-ахлоқ, ҳамият, ор-номус, диёнат, садоқат, вафо, сабр-қаноат каби фазилатлар улуғланади, насиҳатомуз пандлар баён қилинади. Ёлғончилик, ифвогарлик, тухмат, бўхтон, ҳаромхўрлик, уруш-жанжал, судхўрлик, юзсизлик ва шу каби иллатлар қораланади. Мақоллар шу боисдан ҳам муҳим тарбия ва восита саналади.

Воҳада кенг тарқалган мақоллардан намуналар:

- Обрў ёшдан, ақл бошдан.
- Оға-ини бермаса ҳам, ўз кунига ўлмасин.
- Оға-ини бир танга, ор-номуси минг танга.
- Одамни иш қаритмайди, ғам қаритади.
- Айрилғон озади, қўшилган ўзади.
- Ақлли одам озмайди, жоғали кийим тўзмайди.
- Ақлли топиб айтади, аҳмоқ қопиб айтади.
- Ақлли аёл йўлига қарайди, ақлсиз аёл қўлига.
- Арпа-буғдой ош экан, олтин-кумуш тош экан.
- От кўрмаган от кўрса чопа-чопа ўлдирар,  
Тўн кўрмаган тўн кўрса, қоға-қоға тўздирар.
- От эгасининг ризқини тилайди.
- Аҳмоқ ўзини бек санар.

- Бозори яқин бойимас.
- Ош бўлса, товоқ топилади.
- Бой бор деса топилади,  
Камбағал бор деса чопилади.
- Бой бўлсанг тошма, камбағал бўлсанг шошма.
- Бойлик бойлик эмас, бирлик бойлик.
- Боши йўқнинг оши йўқ.
- Ботар куннинг, отар тонгиям бор.
- Бошини эгиб келса, отанинг хунидан ҳам кеч.
- Бегона юртга султон бўлгунча, ўз юртинга ултон бўл.
- Бирники мингга, мингники туманга.
- Ўз уйим – ўлан тўшагим.
- Эгасини сийласанг итига суяк ташла.
- Эл оғасиз бўлмас, тўн ёқасиз бўлмас.
- Элга эл қўшилса давлат, элдан эл кетса кулфат.
- Эгаси мақтаган қизни олма,  
Чечаси мақтаган қизни ол.
- Эсингни борига этагингни йиғ.
- Эт билан тирноқни айириб бўлмас.
- Ёлғиз бўлсанг йўл изла, сувсиз бўлсанг қўл изла.
- Эринчак эртагина суринади.
- Ялқов қараб ўтириб чарчайди.
- Ёмоннинг ошнаси кўп, ёнига фойдаси йўқ.
- Йигитнинг оти яхши чиқса бир давлат,  
Хотини яхши чиқса минг давлат.
- Каллам кал бўлса ҳам кўнглим нозик.
- Келин ёмон эмас, тушган жойи ёмон.
- Келинни сайилаб олсанг ҳам,  
Куёвни сайилаб ололмайсан
- Кўз тўймай қорин тўймайди
- Маслаҳатли тўй тарқамас
- Мол-давлатнинг боши – фарзанд.
- Мехр – икки кўзда.
- Нокадан қарз олма, қарз олсанг ҳарж қилма.
- Номус. ўлимдан кучли.
- Синалмаган отнинг сиртидан ўтма.
- Тенги чиқса текин бер.

- Туз еган уйни ёмонлама.
- Уйда кўп келин бўлса,  
Чўмични ит ялайди.  
Уйда бир келин бўлса,  
Чин кўнгилдан қарайди.
- Худо суйган қулига  
Бериб қўяди йўлига.  
Худо суймас қулига  
Топилмайди пулига.

### 2.3. Воҳада мусиқа санъати ва бахшичилик анъаналари

Номоддий маданиятимиз ривожини халқимизнинг мусиқа санъатида юксак туйғулар билан ўз аксини топиб, Сурхон воҳасидаги ўтмиш аждодларимиз илк цивилизация тараққиётига ўзларининг мусиқа санъати билан ҳам ҳисса қўшиб келганлар. Мусиқа оҳанглирида ватан тимсоли, мардлик, жасурлик, матонат, кўркмаслик, хушёрликка чақириқ каби фазилатлар ҳамоҳанг бўлиб куйланган. Шунингдек, мусиқа халқимизни ҳамжиҳатликка, меҳнатсеварликка, инсонпарварлик, ўзаро дўст-қадрдон яшашга, севги вафо, садоқат, муҳаббатга чорлаган. Қадим аждодларимизнинг турмуш тарзини ўрганишда, уларнинг оилавий, мавсумий ва кундалик маросимларини англашда, миллий қадриятларни сақлаб қолишда халқ оғзаки ижодиётида мусиқанинг ўрни бекиёсдир. Мусиқа қадимдан бахшилар, қалбидан чиққан сўзларни куйга солиб, халқнинг орзу-умидларини асрлар оша яшатиб, авлодлардан-авлодларга тақдим этиб, тўлдириб, мукаммаллаштириб келмоқда.

Воҳа аҳолисининг мусиқа санъати ва мусиқа чолғулари кўп минг йиллик тарихга эга, чунки соз асбоблари маънавиятимизнинг ажралмас қисми саналади. Воҳа мусиқа санъатининг қадим тарихга эга эканлигини Айритом фризида ишланган “Дўмбирачи” ва “Уд чалаётган аёллар” ҳайкалидан ҳам билиб олиш мумкин. Сурхон воҳаси мусиқа чолғулари ўзига хослиги билан ажралиб туради. Воҳа аҳолисининг мусиқа чолғулари халқнинг турмуш тарзи маросимлари ва яшаш шароити билан боғлиқ тарзда шаклланган. Мусиқа чолғулари номланиши, шакли, тузилиши, безаги, ижро услуби ва ўзига хослиги билан ажралиб туради. Воҳа аҳолиси чолғу



асбобларини пуфлама, торли, урма-зарбли чолғу турларига бўлиш мумкин. Ушбу чолғу асбоблари чақириқлар учун ёки ҳайвонларнинг овозига тақлид этишда қўлланилган. Чолғулар овда, сафарда, чорвани ҳайдашда, ибодат, шаманлик маросимларида ишлатилган, чақириқ чалғилари пуфлама ва урма-зарбли ҳолатда ишлатилган. Аксарият қадимий чолғулар жўрнавот соз сифатида халқ кўшиқлари ва достонларида ишлатиб келинган. Сурхон воҳаси аҳолиси орасида турли тилсимон хилидаги чолғулар-чанқовуз, пуфлама найсимон чолғулардан-ёғочли, суякли ва лойли найлар, торли асбоблардан-дўмбира, урма-зарбли асбоблардан доира кенг тарқалган.

Сурхон воҳаси аҳолиси мусиқа асбобларини маълум вазибалари бўйича эстетик, амалий ва магик гуруҳларга таснифлаш мумкин. Мусиқа чолғулари бир томондан моддий мерос ашёси бўлса, иккинчи томондан маънавий мерос бойлиги ҳисобланади. Эстетик эҳтиёж юзасидан тайёрланган чолғу асбоблари (дўмбира, сурнай, най, дотор, сибизға, чанқовуз, доира ва ҳоказо каби) халқ кўшиқлари, куйлари ва достонлари ижро этишда кенг қўлланилган. Магик функциялар билан боғлиқ бўлган мусиқали товуш чиқариш асбоблари (кўбиз ва дап) ёвуз руҳларни ҳайдаш билан боғлиқ шомонлик тартибларида кўпроқ фойдаланилган. Воҳа аҳолиси рақсларни ижро этишда ҳам маълум атрибутлар (масалан, қошиқ, кўнғирочча, қайроқ тош, оддий таёқ ва ҳ.к.)ни бир бирига уриш орқали чиқадиган товушларни ҳам мусиқа жўрлигига кўшишган. Воҳада кенг тарқалган мусиқа чолғуларидан бири найдир, найлар қамиш пояси ва ёғочдан ясалган, узунлиги 15–20 см атрофида бўлган, сибизға (сибизик) чўпонлар орасида кенг тарқалган. Сибизға оддий қамишдан ясалган ва пуфлаб чалинган. Бундан ташқари найнинг ғажир най тури ҳам мавжуд бўлиб, бундай найлар воҳанинг Бойсун туманида кўпроқ қўлланилган. Ғажир найлар чўл бургути ғажирнинг суягидан ясалган, найларда аксар “Чўпонча” куйлар чалинган. Найнинг шувуллоқ деб аталган, лойдан чумчүксимон, найсимон, ғўзачасимон каби турли шаклларда ясалган тури ҳам мавжуд. Воҳа аҳолиси орасида кенг қўлланилган пуфлама чолғу асбобларидан яна бири сурнай саналади, сурнай яккасоз ва ансамбль чолғуси сифатида қўлланилган. Сурнай доира чолғулари тўй маросимлари ва байрамларда кенг қўлланилади. “Бойсун мавригиси”, “Лолача”, “Оқча бола”, “Ковушим”, “Ҳамроз” кўшиқлари сурнай жўрлигида куйланади.

Воҳа аҳолисининг торли чолғу асбобларидан бири дўмбира ёғочдан (тут, ўрик, ёнғоқ) ясалди. Дўмбира торлари эса мол ичагидан эшилган. Дўмбира бироз “буғик” товуш чиқаради. Дўмбира халқ созанда ва бахшилари орасида етакчи чолғу асбобидир. Халқ дostonлари дўмбира жўрлигида ижро этилади. Ўзбекистон халқ бахшиси Шоберди Болтаев репертуаридан “Бой келди”, “Оғажоним”, “Келиной”, “Тарки дунё”, “Куй чертиш-чўпон чертиш”, “Меҳмондир”, “Зубайда”, “Хончалак”, “Туя чўктир” нағмалари жой олган.

Ўзбекистон халқ бахшиси Абдуназар Поёновнинг репертуаридан эса “Дўмбира нағмаси”, “Келиной нағмаси”, “Сарбоз нағмаси”, “От ҳайдаш нағмаси”, “Қўнғирот нағмаси”, “Қайғу нағмаси” каби куйлар ўрин олган. Ўтмишда воҳада кенг тарқалган турли чолғулар орасида кўбиз алоҳида аҳамият касб этган. Рўзибой бахши ўз айтимларини кўбиз жўровозлигида ижро этган. Умир бахши ҳам дўмбира ва кўбиз чолғуларининг моҳир созандаси бўлган. Лекин ҳозирги кунда кўбиз чолғуси воҳада йўқолиб кетган, худди шундай ҳолат урма-зарбли асбоб дапга ҳам тегишлидир. Дап-доирага ўхшаш бўлиб, гардиши (кашноқ) ўрик ёки ёнғоқ ёғочидан ясалган. Бир томони эчки териси билан қопланган. Гардишда халқачалар осилмаган. Товуши паст ва жарангсиз бўлган. Бойсунда касалларни даволаш мақсадида ўтказиладиган “жаҳр” маросимида асосан дапп кенг қўлланилган. Хусусан Каромат бахши, Саид бахшилар ўз айтимларида даппдан фойдаланиб, “жаҳр” маросимини ўтказишган. Боймурод бахши эса дostonларни ҳам дапп жўровозлигида ижро этган.

Воҳада кенг тарқалган чолғу асбобларидан яна бири чанқовуздир. Чанқовуз – торли – урма ёки тилсимон чертим асбоби. Чанқовуз аёллар томонидан кўпроқ чалинади. Баъзан чанқовуз эркалар томонидан ҳам чалинади. Жумладан кумқўрғонлик Жума Абрайкулов чанқовузнинг моҳир созандаси саналади. Чанқовуз айланма тақасимон шаклда бўлиб, ўртасидан пўлат тил ўтказилади. Чанқовузни ижрочи чап қўли билан тишларига босиб туриб, ўнг қўлининг кўрсаткич бармоғи билан чанқовузнинг тилчасини ҳаракатлантириб туради. Тил ҳаракати ҳаво ва зарба воситасида товуш ҳосил бўлади. XIX ва XX асрнинг иккинчи ярмигача чанқовузнинг 3 хили, темирли чанқовуз, суякли чанқовуз ва ёғочли чанқовуз турлари бўлган. Суякли чанқовуз туя қовурғасидан ясалиб, унинг ўртасидан тилча кесилади ва ип боғланади. Чалиш жараёнида ипни тортиш орқали тилча

тўлкинлантирилиб товуш ҳосил қилинади. Ёғочли чанқовуз ҳам суякли чанқовузга ўхшаб ёнғоқ, тут ва арча дарахтидан ясалади. Анъанавий мусиқа чолғу асбоблари тўй маросимлари, мавсумий меҳнат жараёнлари, оммавий тантаналарни ўтказишда муҳим аҳамият касб этган. Мусиқа маданияти халқ қўшиқчилиги ижодиёти билан ҳамоҳанг тарзда ривожланиб борган. Воҳада халқ мусиқаси билан бирга халқ рақс турлари ҳам анча ривожланган. “Сарбозча”, “Якқу-якқу”, “Ғажир рақси”, “Мавриги”, “Лочава, “Лаҳча”, “Чорқарсақ”, “Қайрсқ ўйини”, “Уфу ўйини”, аёлларнинг “Лаби ҳол”, “Ғишт ўйини”, “Урчук”, “Қиз қийити”, “Жамалак” ўйинлари, болаларнинг “Бак-бака”, “Чўпон бола”, “Ўн уфу шахала” каби ўйинлари анъанавий мусиқа асбоблари жўрлигида ижро этилади. Воҳа мусиқа ва рақс санъати ўзига хослиги билан минтақанинг бошқа ҳудудларидан ажралиб туради.

Сурхон воҳасида аждодларимизнинг урф-одатларини ўзида сақлаб келаётган турли миллат вакиллари истиқомат қиладилар. Воҳада яшаб келаётган турли миллатлар юрт равнақи, тараққиёти учун бир тану бир жон бўлиб курашиб келмоқдалар. Бир ариқдан сув ичиб, бир далада мол боқиб, тўй-ҳашамларда, халқ сайилларида, мотам маросимларида елкама-елка туриб, ўзларининг қадимий ва ибратли урф-одатларини сақлаб келмоқдалар.

Умумўзбек дostonчилигида Шеробод дostonчилик мактабининг алоҳида ўрни мавжуд. Шеробод дostonчилик мактаби таъсир кучи ва тарқалиш доираси билан ўзбек фольклоршунослигида муҳим ўрин тутди. Шеробод дostonчилиги мактабининг асосчиси Шерна бахши (Шерназар Бекназар ўғли) саналади.

2. XIX аср охири XX аср бошларида Шерна бахши, Умир бахши, Холиёр бахши, Мардонакул Авлиёкул ўғли, Нормурод бахши, Аҳмад бахши, Нурали Боймат ўғли, Қора бахши, Мамарайим бахши, Бўрибой Аҳмад ўғли, Юсуф Ўтаган ўғли, Боймурод бахшилар ана шу мактаб теварагида бирлашиб ижод қилишган. Шеробод дostonчилик мактаби Сурхон воҳаси, жанубий Тожикистон, жануби-шарқий Туркманистон ва Шимолий Афғонистон ҳудудларини қамраб олган.

Шеробод дostonчилик мактабига бирлашган бахши шоирлар: “Алпомиш”, “Гўрўғли”, “Кунтуғмуш”, “Ҳасанхон”, “Авазхон”, “Нурали”, “Юнус пари”, “Мисқол пари” каби дostonларни алоҳида маҳорат билан ижро этишган. Шеробод дostonчилик мактаби вакиллари репертуаридаги “Олтин қовоқ”, “Малла савдогар”,

“Олланазар Олчинбек”, “Тошбосар”, “Хурсўна” дostonлари бошқа жойлардаги бахшилар репертуарида учрамайди.

Достон жанри ва бу жанрни куйлаб ижро қиладиган санъат эгалари бахшилар эканлигини биламиз. Шу нарсани айтиш мумкинки воҳадаги ўзбек ва туркман бахшиларнинг ижро услублари, уларнинг куйлаётган дostonлари, қўлида ушлаб ўзига жўр бўлаётган мусиқа асбоби билан бир-бирларидан фарқланиб туради. Ўзбек бахшиларининг чолғу асбоби “дўмбира”, туркман бахшилари “дугар” номи билан аташади. Бу икки асбобнинг фарқлиг томони шундаки дўмбирада овозларни ажратадиган соз пардалари йўқ, дугорда эса бор.

Бахши – дoston ва термалар куйлаб, бир вақтнинг ўзида ҳам актёрлик, ҳам шоирлик, ҳам созандалик маҳоратини намоён эта оладиган истеъдод эгасидир. Мана шундай истеъдод эгаларини етиштириб бераётган Сурхон воҳаси Шеробод дostonчилик мактабининг ўрни бекиёсдир. Бу мактабда ўзбек бахшилари етишиб чиққанлигини биламиз. Воҳада истиқомат қиладиган туркманлар орасида ҳам бахшилар етишиб чиқиб, воҳа бўйлаб ўтадиган халқ сайилларида, турли хил оилавий маросимларда иштирок этиб ўз ижро услубларини сақлаб, давом эттирмоқдалар.

Воҳада дostonчилик мактаби ва бахшичилик санъати ўзбек ва туркман халқлари ўртасида бир хилда ривожланмаган. Лекин шунинг баробарида туркман бахшичилик санъати йўқолиб ҳам кетмаган. Туркман бахшиларининг бу санъатни эгаллашида Туркменистондан халқнинг тўй-ҳашамларига хизматга келиб-кейтиб юрган туркман бахшиларининг санъати мактаб вазифасини ўтаган. Бу ерлик бахшилар ўзларига устоз деб туркменистонлик Мавлон бахши Худойқуловни билишади. Бизлар олиб борган изланишларимиз натижасида воҳада яшаб ижод қилган бир нечта бахши шоирларнинг номларини топишга эришдик.

Изланишларимиз натижасида шуни билдикки, воҳада дostonчилик ҳақидаги дастлабки маълумотлар рус ориенталисти Е.Ф.Калнинг кундалик дафтарида қайд этилган. У 1890 йилда Термиз яқинидаги Солиҳобод қишлоғига келиб тўхтаганида айинли уруғидан бўлган Омонназар бахши унга уч соат тўхтовсиз дўмбира жўрлигида дoston куйлаб берган. Е. Ф. Калнинг кундаликларини ўрганган фольклоршунос олим Х. Зарифов, Омонназар куйлаган дoston “Алпомиш” эканлигини аниқланган<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Зарифов Х. Т. К изучению узбекского народного эпоса. // Вопросы изучения эпоса народов... – М. 1958. С – 110.

Бундан ташқари воҳа бўйлаб олиб борилган экспедициялар кўп бўлган. XX асрнинг бошларига келиб воҳа халқ оғзаки ижодини, дostonчиликни ўрганувчи дастлабки тадқиқотчилардан бири Ҳ.Зарифов эди. У 1929 йилда Жанубий Ўзбекистон воҳасида ўтказилган этнолингвистик экспедиция аъзолари билан биргаликда қашқадарёлик Хидир, Бойсари, Ражаб шоир ва унинг шогирди Абдулла шоир Нурали ўғли, бойсунлик Холёр Абдукарим ўғли каби халқ бахшиларини аниқлаб, уларнинг репертуарлари билан танишди ва айрим дostonларни ёзиб олди<sup>1</sup>. Бундай экспедициялар бир неча бор ўтказилган. Шулардан яна бири 1945 йилда Сурхондарёда фольклор – этнографик экспедициясидир. Фольклоршунос М. Афзалов “Ўзбек халқ шоирлари” мақоласида экспедиция ҳақида ахборот бериб, Шеробод дostonчилик мактаби, унинг устоз-шогирдлик анъаналари ҳақида қимматли маълумотларни фанга етказди.

Туркман бахшилари вакилларида Термиз туманига қарашли эски Балдир қишлоғида туғилган ака-ука Чари бахши (1900 йил туғилган) ва Жеббар бахшилар (1907 – 1990 йил) ҳақиқий маънода ўз касбининг усталари эдилар. Муқим бахши Шахторов (1905–1994 йил) Туркменистоннинг Чоржуй (Ҳозирги Лебаб) вилоятидаги Керки туманининг Халач (Чўғтепа) қишлоғида туғилган. Турдиев Абдурахмон бахши 1926 йилда Термиз туманининг ҳозирги Паттакесар маҳалласида дунёга келган.

Муқим бахши Шахторов ҳақида яна шуни айтиш мумкинки, у 1980 йили Термиз шаҳрининг ҳозирги “Бобур” боғида бўлиб ўтган бахшиларнинг вилоят миқёсидаги танловида қатнашиб, воҳа бахшилари орасидан фахрли биринчи ўринни олишга мушарраф бўлган.

Изланишларимиз натижаси шуни кўрсатадики, Жеббар бахшининг номи баъзи фольклоршунос олимлар олиб борган тадқиқот ишларида келтириб ўтилган. Жумладан А. Қаҳҳоровнинг “Келиной” туркуми дostonларининг ўзига хос хусусиятлари номи диссертациясига илова қилинган материаллар асосида шуни кўришимиз мумкинки, Жеббар бахши номи диссертациянинг илова жадвалларида бир неча бор санаб ўтилган. Илованинг “Қашқадарё ва Сурхондарё дostonчиларининг шажараси” жадвалида энг пастки қаторда жойлашган. Табло ичига “Жаббор бахши Термиз Навшаҳар қишлоғи” деб ёзилган. Яна бир жадвал “Саводсиз, саводли, кўп тилли ва кўчманчи шоирлар” деб номланган. Жаббор бахши ўша жадвалда ҳам саводли шоирлар қаторидан жой олган. Икки воҳа халқ шоирларининг дoston айтиш маҳорат даражаси, ижрочилик

<sup>1</sup> Зарифов Х. Т. Ўзбек фольклори. Педагогика институтлари учун хрестоматия.

қобилияти ва ижод этиш талантларига қараб группалаштирилган жадвалида ҳам ижрочи дostonчилар гуруҳидан ўрин олган.

Бу бахшилар “Гөрөгли”, “Шахсенам - Ғариб”, “Ашиқ – булбул”, “Зухра - Тахир”, ва “Саядли Ҳемра” дostonларини ва Махтумқули, Зелилий, Кемина ва Саидий каби шоирларнинг шеърларини севиб ижро этиб халқ орасида танилганлар. Бугунги кунда устоз бахшиларнинг издоши сифатида Деврангелди Ҳайитов бахшичилик билан шуғулланиб келмоқда.

Бахши Деврангелди Ҳайитов 1954 йилда Термиз туманига қарашли бўлган “Навшаҳар” кишлоғида туғилган. Деврангелди ёшлигидан доторнинг овозини эшитиб ва бахшичилик сирларидан бохабар бўлиб ўсди. Унга устозлик қилган инсон тоғаси Жеббар бахши эди, Жеббар бахшининг устози эса туркменистонлик Ақмурад Ямғиров бўлган.

Деврангелди ёшлигида устози билан кўп давраларда бирга бўлган. Устозидан ўрганган дostonларини бугунги кунгача ёш авлодга етказиб қуйлаб келмоқда. Бахшининг севиб ижро қиладанган дostonи “Гөрөгли” дostonидир. Бу дostonдан ташқари “Саядли Ҳемра”, “Шахсенам - Ғариб”, “Ашиқ – булбул”, “Нажаб оғлан” ва “Зухра - Тахир” каби халқ дostonларини, туркман халқ шоирларининг шеърларига ўзгартиришлар киритиб ўз термалари билан биргаликда қуйлаб келмоқда.

### Деврангелди бахшининг ижодидан намуналар.

#### Дегишма айдим

Бир қаришли ёвадан чийшам,  
Ендан өзга ховандарим йоқ мениң.  
Хер нахарда ярим литр ичмесем,  
Озим ағзинг ачиб, ағзиң өзим япмасам.  
Гулли касан қиррасиндан өпмесем,  
Ятиб туриб хич қарарим йоқ мениң.  
Нира гитсем сениң билан гидерин,  
Сен бар ера мен хем бариб етерин.  
Сен йолдашим мақсадима етерин,  
Сенден башқа досту ярим йоқ мениң.  
Мен отгуз яшимда, сенем қирқинда,  
Иченден соң қоймиарсиң эркимда.  
Бугун менем жуванлариң дестинда,  
Сенден башқа кирдикарим йоқ мениң.

Бахши бу термасида ҳазил аралаш одамларнинг шаробга бўлган мойиллигини яққол ифодалаган. Терманинг қисқача мазмуни шундан иборатки, шаробхўр одам шаробдан бошқа нарсани ўйламаслиги уни ўзига дўст деб билиши мақсадига етишини таъкидламоқда. Шунинг ҳам айтиб ўтиш керакки терманинг охири куплетидан шаробхўр ўттиз ёшидалиги билдирилмоқда. Бу мисрадаги сўзлардан шаробхўрнинг ёлғизлигини англаш мумкин. Бахши томонидан яратилган яна бир термада ўзи туғилиб ўсган кишлоғини таърифлаганини англаш қийин эмас.

Дослар айниң начаси,

Навшаҳаринг көчаси.

Зухра билан Тахиринг,

Дурмуш қуране гижеси.

Тойлариңиз мубарак болсин,

Яшларимиз бахтлижа болсин.

Сурхан илиң марали,

Ач юзиңи гөрели.

Мараллиғиң чин болса,

Комсомол қурали.

Тойлариңиз мубарак болсин,

Яшларимиз бахтлижа болсин.

Каняк билан шампани,

Панқилдатиб ачали.

Яшларимиз шанина,

Юз граммдан атали.

Тойлариңиз мубарак болсин,

Яшларимиз бахтлижа болсин.

Хулоса қилиб шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, аждодларимиз ҳаётида бахшичилик санъати анъана бўлиб келмоқда. Ўтмишдан қуйланиб келаётган халқ дostonлари ва бахшиларининг ижодий меросларини, яъни кадриятларимизни имкон қадар сақлаб қолиш лозим. Ота-боболаримиздан қолган мерос бугунги кунда ёш авлодни комил инсон қилиб тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Сурхон воҳасида ўзбеклар қатори туркманларнинг фольклор анъаналари ҳам ўлмас мерос бўлиб бахшилар томонидан сақланиб келмоқда. Нодир санъатлар туридан жой олган бахшичилик санъати воҳа фольклорининг раvнақ топишида ўз ўрнига эга бўлиб қолмоқда.

## 2.4. Амалий безак санъати ва унда ифодаланган мазмун

Вилоятга хос халқ амалий безак санъатининг таъсири хонадонларни безашда кузатилади, дид билан ранг танлашда ва аёлларнинг кийими ва тақинчоқларида акс этиб туради. Сурхондарё халқ амалий безак санъати ўзига хослиги билан алоҳида ажралиб туради. Бу ҳолат тилла тақинчоқларда, сўзана тикиш, гилам тўқишларда ва сопол буюмларда ҳам ўз аксини топган.

Сурхон воҳасидаги ҳар бир хонадонда тўқиш ва каштачилик билан аёлларимиз шуғулланади. Сўзана тикиш, зардевор, борпуш, богжомо, ойна-халта каби каштачилик буюмлари бугунги кунда ҳам халқимизнинг урф-одатига айланган ва унинг намуналарини ҳар бир хонадонда учратишимиз мумкин. Дўппи, белбоғ, жиякларни бадий безашда тикувчи-каштачилар, асосан, шойи иплар билан «босма» ва «юрма» тўқишлар каби нақшлардан фойдаланганлар. Буюмларни безашда аёлларимиз «гириҳ» ва ўсимликсимон нақш унсурларидан истифода этганлар.

Тўқиш нақшларида кўпинча қуйидагилар ишлатилган:- «кўчқор ўқ», «хоч» булар ҳаммаси илоҳий кучга эга бўлган тушунча ҳисобланган. Асрлар мобайнида бу тушунча билан яшаб келган халқ шу нақшлардан кўп фойдаланган. Лекин, ҳозир бу тушунчалар ўз кучини йўқотган бўлсада, хотин-қизлар тўқишларда ушбу муҳим унсурлардан безак ва усуллардан бугунги кунда ҳам самарали фойдаланиб келмоқдалар. Сурхон воҳаси санъатига хос ҳар хил гул тўқиш унсурлари мавжуд, гул тўқиш деган тушунча — бу охири йўқ, чексиз, бепоён ҳамиша ривожланиб бораётган нақш бериш деганидир. Нафақат кашта билан матоларга чирой берилган, балки гилам тўқишда ҳам ҳар хил унсурлар ишлатилган. Гилам тўқишда кенг дастгоҳ ва энсиз дастгоҳлардан фойдаланилган.

Шу қаторда, дастурхон тўқишда, устига кўрпаларни йиғадиган богжомалар, ҳар хил рўзгорбоп буюмлар сақлаш учун қошиқ халталар ва ҳар хил тўқиш унсурларидан фойдаланишган. Шунингдек, «терма», «қоқма», «олачипор» тўқишлар ишлатилган. Ҳозир ҳам узоқ тоғ туманларида жуда ноёб чиройли гиламлар, ҳар хил келин пардалар тўқишади. Буларни тўқишда тор қизил йўл безак, оқ кашта безак, қизил-кўк-сарик безак, йўқолиб кетаётган «беш-кашта» беаги ишлатилмоқда.

Сурхондарё хотин-қизлари кийимларига қўшимча бисер ва кумушдан иборат бўлган безаклар ҳам ишлатилиб келинган.



Аёллар ўзлари учун ва болаларига ҳар хил кўкрак ва бўйин тақинчоқлари тайёрлашган. Масалан, бу ерда трапецияга ўхшаш бисер осилган кўкрак тақинчоқларни кўрсатиш мумкин. Ипларга осилган бисер, ҳар хил квадрат, ромб, гулсимон шакллардан иборат бўлиб, жуда чирой бериб турган, бисердан тайёрланган тақинчоқлар уй ҳунаромандчилигига кирази.

Кумушдан тайёрланган буюмлар вилоят заргарларининг юқори даражали уста бўлганликларидан дарак беради. Бу буюмлар, асосан, аёллар учун тайёрланган, кумуш мунчоқлардан иборат бўлиб, узунчоқ, кўзасимон безаклар кўринишида ишланганлигини кўрамиз. Кумуш мунчоқлар коралл тошлари билан қўшиб ишланган, лекин кўпинча кумушдан мунчоқ қилиб ясашган. Мунчоқлар ҳар хил шаклда ишланган, айниқса, «беш оёқ»-энг кўп тарқалган шакл ҳисобланган, кўпинча айланасимон сирғалар ишлатилган. Лекин ҳаммасидан ҳам кўп тарқалгани «уч кўза» сирғалар ишлатилган, байрам кунлари, оилавий тўйларда аёллар пешонасига чиройли тақинчоқ «синсилла» тақишган. Бу заргарлик буюмлари Сурхон воҳаси усталарнинг нафақат катта маҳорати, балки уларнинг нозик дидларидан далолат беради.

Воҳага хос амалий безак санъатининг барча турларини кўздан кечирганимизда, англаб олишимиз мумкинки, барча ишлов берилган безакларда, бошқа халқларнинг амалий безак санъатига яқинлигимизни пайқаймиз. Бу дегани, кўплаб халқлар бир-бирларининг ўзига хос шакллари, бетакрор ранглари, билан ўз санъатини бойитади, чиройига чирой қўшади. Ўзбек амалий безак санъати ривожда Сурхон воҳасининг алоҳида ўрни бор.

Таниқли олим, фидойи инсон А.Холмирзаев амалий санъатимизнинг дурдонаси бўлган қадимий Зараутсой суратларининг сир-асрорларини ўрганишга катта ҳисса қўшган инсонлардан биридир. Сурхон амалий санъатини дунёга танитишга муносиб ҳисса қўшган Зараутсой тарихий обидаси топономик жиҳатдан қадимий сўз бўлиб, “Зар” ёруғлик, нур, олов, ўт, яъни товланувчи ҳамда бойлик рамзи олтинга қиёс қилиниб бебаҳо, қимматли зар-гавҳар, дур маъноларида изоҳланган. Амалий санъатимизнинг ноёб дурдонаси ҳисобланган Зараутсой расмлари табиат билан ақлли мавжудот ўртасидаги илк мулоқот бўлиб, инсон тасавурида табиатдаги жонли ва жонсиз моддий олам бир-бири билан узвий боғлиқ эканлигини, табиатни забт этиш ақл ва тафаккур маҳсули орқали эришиладиган ҳаракат натижаси бўлишни кўрсатди. Суратларда инсон нимага қодирлиги, унинг

эпчиллиги, тез фикрлаши, дадил ҳаракати, ҳайвонлардан ақл билан устунлиги, овни мақсадли ташкил этиши, ўзидан кучли ҳайвондан биргаллашиб устун чиқиши, ов қуролларнинг такомиллашиб бориши, рақибни мағлубиятга учратишдаги жанг усуллари оддий, лекин ишонарли қилиб кўрсатилганлиги билан ажралиб туради. Амалий санъатдаги ушбу расмлар илк аجدодларимизнинг табиатдаги тайёр буёқлардан, уни ишлатишдан, эртанги кун озуқаси учун, оилани боқиш ва ҳимоя қилиш учун ҳамжихат бўлиб яшаш кераклиги тасаввур этилган. Амалий санъатимизнинг бу нодир манбаси тарихимизнинг фидойи инсонлари Ваҳоб ва Рауф Давлатовлар, И.Ф Ломаев, Г. В Парфёнов, А.Ю Рогинская, А.А Формозов, Ж Кабилов, А.Саъдуллаев, Э.Ртвеладзе, Б.Қодиров, А.Холмирзаев кабиларнинг меҳнати ва тинимсиз илмий изланишлари туфайли яна қайта номоддий маданиятимизнинг дурдонасига айланди.

Зараутсойдаги номоддий маданият манбаларида нафақат тасвирий санъат, балки бу суратлар миллатнинг маънавий бойлиги, қимматбаҳо археологик, тарихий ва санъат ёдгорлиги ҳисобланиб, кадриятга айланган меросдир. Қоя тошларга чизилган бу ибтидоий суратларда одамлар, ҳайвонлар, яъни ҳўкиз (буқа), тоғ эчкиси, жайрон, ит ва бошқа ҳайвонлар ҳамда ўқ ва ёй тасвирланган бўлиб, асосан, ов саҳнаси тасвирланган. Расмларнинг бирида одамлар қушларга ўхшаш ниқоб кийишган, бу тасвир ҳақида олимлар турлича фикр юритади. Улардан бири шуки, у жойларда кўп учрайдиган тувалоқ қуш шаклига кирган ҳолда ҳайвонларга яқинлашаётган одам деса, бошқа бири ёввойи ҳайвонларни кўрқитиш учун овга махсус кийимлар билан кирган, деган гоёни илгари суради. Нима бўлганда ҳам қадим ўтмишдошлар кийинишни ёки ниқобни, ов қилиш услубларини яхши билган экан, демак, уларда онг, тасаввур ва тафаккур шакллана бошлаган ёки шаклланган. Бу тасвирларни тўлиқ ўрганиш учун А.А. Формозов тўртта масалани ечишни, яъни **биринчидан**, ёдгорлик ёшини аниқлаш; **иккинчидан**, суратларни яратиш услубиятини билиб олиш; **учинчидан**, санъат асари сифатида баҳолаш; **тўртинчидан**, унинг тагидаги яширин маъносини англаш лозим, деб таъкидлайди.

Бу тасвирлар нима мақсадда чизилган, унинг тагида қандай маъно ва мазмун, қандай гоё ва тасаввур ётган, деган савол тугилиши табиий ҳол. Тасвирни ўрганган кўплаб мутахассислар олиб борган тадқиқот ва изланишлар натижасида қоя тошлардаги

суратлар ва ифода этилган манзаралар қандайдир сеҳрли маънони билдиради, улар негизида ибтидоий ва қадимги давр одамларининг кундалик турмуши, диний эътиқоди билан боғлиқ бўлган тасаввурлар ётади, деган фикр келиб чиққан. Ибтидоий одамлар табиат кучлари олдида ўзларини ожиз ҳис қилганлар. Бундай ҳолат тотемизм динининг шаклланишига олиб келган, бу динда жамоанинг ибтидоси бирор ҳайвон деб тасаввур қилинади, яъни тотем ҳисобланади. Зараутсойлик аجدодларимиз учун ҳўкиз тотем бўлиб ҳисобланган бўлса керак.

Расмлар кўпчилик назаридан узоқда ва овлоқ жойда бўлгани учун ибтидоий одамларнинг муқаддас даргоҳи бўлган, улар қоялар ёнида ибодат қилиб ирим-сиримлар ўтказган, деган тахминлар ҳам учрайди. Диний удумлар ўтказган бўлса, демак уларга бу қоятошдаги расмлар қандайдир маънавий қувват ва маънавий озуқа бўлиб хизмат қилган бўлиши мумкин. Ирим-сиримлардан бири қояларга расм чизиш бўлса, улар бу орқали қандайдир илоҳий тасаввур ва илоҳий кучга эга бўлиш мумкин, деб ҳисоблашган.

Ж. Кабиров «ибтидоий аجدодлар қоятошдаги расмлар ҳар хил бало-қазолардан асраши, одамларга бахт келтиришига умид қилганлар» деган фикрни билдиради. В. Ф. Зыбковес эса «тош асри санъатининг намуналарини диний тушунчалар ва сеҳргарликка ҳеч қандай алоқаси йўқ. Улар ёшларга таълим ва тарбия берадиган марказлардир. Расмлар эса ибтидоий давр ёшларига таълим -тарбия бериш, улар билан амалий машғулот олиб бориш мақсадида ишланган» деб мулоҳаза юритган. Юқорида айтилган фикрлардан қайси бири тўғрилигидан қатъи назар бу суратлар Марказий Осиёда санъат тараққиётининг ўзига хос илк босқичи ҳисобланади. Аслида Зараутсой суратлари ов манзарасидан таъсирланиш, таассуротнинг маҳсули ва айни замонда ёшларни ов санъатига ошно қилиш ниятида чизилганини ҳам зинҳор унутмаслик лозим.

Тасвирий санъат инсонларнинг меҳнат фаолияти, эътиқодлари ва диний қарашлари замирида пайдо бўлади. Зараутсойдаги қоя тасвирлари ибтидоий одамларнинг меҳнат фаолияти, яъни овчилик, ибтидоий эътиқодлари ва диний қарашлари замирида пайдо бўлган, содда ва оддий кўринишлар, деб айтишимиз мумкин. Расмлар ибтидоий одамларнинг оламни билишдаги ижтимоий онгини шакллантиришда, уларнинг орзу-умидларини ифодалашда ҳам катта аҳамиятга эга бўлган. Ибтидоий давр расмони овчининг бутун руҳий-маънавий кучларини табиат қонунларини билиб олишга

қаратган. Ахир овчи мансуб бўлган жамоанинг ҳаёти ва фаровонлиги ҳам шунга боғлиқ бўлган. Рассом овчиларнинг ҳамкорликда ов қилаётганликларини тасвирлаб, ҳамкорлик қобилиятининг, бирдамлик ва ҳамжиҳатликнинг шаклланганлигини кўрсатиб беради. Ҳайвонлар хавфи ва кучли қаршилиги ҳамкорлик қобилиятини фаоллаштириб юборади, унда овчи ҳиссиётларини жиловлаб жамоадаги уйғунликка боғланади.

Зараутсой суратлари муаллифнинг машаққатли, аммо шарафли ижодининг маҳсули десак муболаға бўлмайди. Таъбир жоиз бўлса айтиш мумкинки, бу тасвирлар орқали рассом ўз қавмини бирлаштириш, уни янги марралар сари интилишга, шунингдек, меҳнатсеварлик, изланувчанлик, фаоллик, жамоавийлик каби тамойилларни уларда уйғотишга ҳаракат қилгани муболаға эмас. Зеро Ислом Каримов «Юксак маънавият-енгилмас куч» асарида таъкидлаганидек, «... Агарки ҳар қайси иждоқор ўз асарларида ана шу ўлмас ғояларни бош мақсад қилиб қўйса, уларни бадий маҳорат билан ифода эта олса, ҳеч шубҳасиз адабиёт ҳам, маданият ва санъат ҳам том маънода маънавий юксаклишга хизмат қилиб, ўзининг ижтимоий вазифасини тўлиқ адо этишга эришган бўлади»<sup>1</sup>.

Зараутсой суратлари ўзининг бетақрорлиги ва бадий табиати билан инсон қалбига ҳиссий таъсир кўрсата олади, унинг руҳий дунёсига чуқур кириб бориб, шу орқали, маънавий дунёсини бойитиш хусусиятига эгадир. Албатта, бу даражада юксак санъатнинг ўша тарихий даврда вужудга келиши бевосита ўша заминнинг маънавий салоҳият даражаси тараққий этганлигини англатади.

Халқимизнинг фанга, санъатга қизиқишлари, интилишлари тўхтаб қолмаган. Бунга Сополлитепа ва Жарқўтон манзилгоҳларидаги хунармандчилик, Бақтриядаги зеб-зийнат буюмлари, Юнон-Бақтрия ва Кушон ёдгорликларининг юксак санъатидаги ҳайкалторошлик, Афросиёбдаги деворий суратлар, Сомонийлар, Хоразмшоҳлар ва Темурийлар давридаги маданий ҳаёт ҳамда кейинги давр илм-фан ва санъат ютуқлари мисол бўла олади.

Мустақиллик йилларида барча соҳалар каби маънавият ва санъатга ҳам кенг эътибор берилмоқда. Бунинг самараси бўлиб, Тошкентда Ўзбекистон тасвирий санъати галереяси барпо этилиб,

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Тошкент: Маънавият. 2010.

2004-йил август ойида очилди. Мамлакатимиздаги маънавий ва маданий мерос одамларни тарбиялашга, илҳомлантиришга, маънавий комилликка, баркамолликка етказиш учун хизмат қилишига аминмиз.

Сурхон воҳасининг тарихий манбаларини таҳлил этилишга эътибор берилса, деҳқончилик, хунармандчилик ва чорвачиликнинг тараққий этиши нафақат ёзма манбаларда, балки амалий санъат намуналарида ҳам акс этганлигини билиб олиш мумкин. Марказий Осиёда илк санъат макони ҳисобланган воҳада бронза ва илк темир даврида мукаммал нодир амалий санъат асарлари яратилганлигини тарих фани асослаб берди. Айниқса Аҳоманийлар, Юнон-Бақтрия даври маданияти билан уйғунлашган маҳаллий миллий амалий санъат дурдоналари кишилиқ цивилизациясининг нодир намуналари ҳисобланади. Эрамиздан аввалги 329 йилда Александр Македонский (356–323) Бақтрия ва Суғд ерларига ҳужум қилди, аммо Турон замин халқларининг осонликча таслим бўлмаслигини англагач, Бақтриянинг бош шаҳри Бақтрда курултой ўтказиб саркардалари билан Бақтрия ва Суғдни эгаллашнинг қулай режасини тузди. Юнон тарихчиси Арриан хабарига кўра юнонларга қарши кўтарилган кўзғолонларнинг биринчи босқичида Искандар суғдийларни енгиб, 120 минг кишини қатл этирди. Иккинчи босқичида бақтрияликлар кўзғолонини бостириб, жойларда ўз армиясини ҳимоя қилди ва янги юришларни таянчи бўлган қалъалар барпо этди. Кўзғолоннинг учинчи босқичида олиб бўлмас қалъаларга яширинган бақтрлар ва суғдийлар ҳийла билан асир олинган.

Александр Македонский юришлари арафасида шимолий Бақтриядан икки вилоят, яъни Паретекана ва Бубакена вилоятлари мавжуд бўлган. Австриялик йирик шарқшунос олим В.Томашек Паретеканни “қирғоқларини сув ювиб турган ўлка” деб таъриф берган. Археологик тадқиқотлар бу вилоят Шеробод воҳаси ва тоғ олди сарҳадлари Амударёга туташ бўлган ҳудудларни ўз ичига олганини тасдиқлайди. Бубакена эса Боботогнинг ҳар иккала томонини ўз ичига олган.

Шимоли-ғарбий Бақтрия ҳозирги Сурхондарё вилоятига тўғри келади. Александр Македонский юришлари арафасида шаҳар ва қишлоқларнинг аксарияти вайронага айлантирилди. Шеробод ва Сурхон воҳасидаги Кучуктепа, Пишактепа, Таллашқон, Бандихон, Қизилтепа ҳаробалари ўрнидаги шаҳар-қишлоқларда айни шу

пайтда ҳаёт излари йўқолади ёки салавийлар ва Юнон – Бактрия подшолиги даврида янги шаҳар ва қишлоқларга асос солинди. Сурхондарёнинг ўрта оқимидаги Далварзинтепа, куйи оқимидаги Тармита (Термиз), Ангор туманидаги Ойсаритепа, Ҳайрободепа ўрнидаги шаҳар ва қишлоқлар шаклланди. Сурхон воҳасининг Юнон-Бактрия даври маданияти, асосан, Кўҳна Термиз, Далварзинтепа ва Кампиртепа ёдгорликларида ўтказилган археологик тадқиқотлар орқали ўрганилган. Юнон - Бактрия подшолиги даврида Термиз шаҳри ҳудуди 10 гектарга тенг бўлган. Бу даврга оид қатлам қалъа қисмидан топилган бўлиб, унинг қалинлиги 2,5 метрни ташкил этади.

XX асрнинг 50-йилларида инглиз олими В.Тарн Окс бўйидаги Александрия Термиз шаҳрига тўғри келишини тасдиқлаган. Аммо француз олими Тел Бернард Окс Александрияси Афғонистон ҳудудидаги Ойхоним шаҳар ҳаробасига тўғри келади, деган фикрни илгари суради. Юнон-Бактрия подшолиги даврида бадий ва амалий санъатнинг турли соҳалари ривожланди. Улардан теракот ҳайкалчалар ҳайкалтарошликнинг Барелев ва Горелев услублари тараққий этди. Айниқса, эллинистик дунёнинг шаҳарсозлиги қадимги шарқ архитектураси билан қоришиб маданиятда уйғунлашиш жараёни содир бўлди. Бинокорликда уйлар ёки иншоотларнинг баланд саҳналар устида кўриниши тош устунлар дори ва ионий усуллари таъсирида безатилиши, айниқса, уларнинг маҳалий услубда безатилиши Бактрияда эллинистик маданиятнинг ўзига хос томонларини кўрсатади. Бу даврда ҳайкалтарошлик санъат соҳаси сифатида тараққий этди. Ҳайкалчалар ишланиш услубига кўра икки гуруҳга бўлинади. Биринчидан, маъбуд ва санамларнинг яланғоч ҳолатда тасвирланиши, иккинчидан, бошдан оёғигача чиройли кийимда тасвирланган. Кампиртепадан топилган маъбуданинг ўнг қўлида яланғоч гўдак тасвирланган. Яна бир маъбуданинг тиззасида эчки туёғли бола қиёфаси акс эттирилади. Айрим ҳайкаллар фил суягидан, мрамор тошлардан йўнилган. Юнон-Бактрия подшолиги даврида бадий ва амалий санъат юксак даражада тараққий этди. 1972 йил Далварзинтепадан топилган олтин буюмлар орасидаги 115 дона санъат асари ҳам фикримизни тасдиқлайди. Бу даврда кишилар дунёқарашидаги тасаввурлар моддий маданият намуналарида санъат асарида ўз аксини топди. Бу ҳолатни Юнон-Бактриянинг кучли подшолиқидан Демитрий зарб эттирган

тангалардан ҳам кузатиш мумкин. Бу тангаларда Анахита ва Артимидас тасвирлари бирга забт этилган, шунингдек тангаларнинг орқа томонида юнонларнинг ғалаба худоси Никанинг, қуёш худоси Митра ва Гераклнинг бирга тасвирлангани кучли давлат сиёсатидан, Ўрта Осиё ва Юнон маданияти уйғунлашувидан дарак беради. Бу эса Ўрта Осиёнинг эллинистик маданият тараққиётида муҳим ўринга эга эканлигини тасдиқлайди.

Сурхон амалий санъати намуналаридан бири бетакрор услубда яратилган ал-Ҳаким ат-Термизий қабрига ўрнатилган меъморий тош иншоот мақбара ҳисобланади. Унда акс этган безак инсоният томонидан яратилган бебаҳо асардир. Бу ёдгорлик Кўҳна Термиз қалъасининг шимоли-ғарбий бурчаги яқинида IX асрнинг йирик суфий олими «Ҳакимия» тарикатининг асосчиси Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Али ибн ал-Ҳусайн, ал Ҳаким Ат-Термизий қабри устида ўрнатилган тош ўзининг кўп қирралиги, аниқ ўлчов асосида чизилганлиги, сўз санъатидан ўринли фойдаланганлиги билан ажралиб туради.

Академик В.В.Бартольд қабр тошидаги ёзувни шундай таржима қилган: Унинг номига ҳамду санолар бўлсин. Бу ерда шайх, имом Абу Абдуллох, Алининг ўгли Ал-Ҳаким Ат-Термизий дафн этилган. Аллоҳ уни раҳматига олсин. У шайхларнинг буюги, нотик ва машҳур китоблар муаллифи, фикҳ илмининг билимдони 255 йилда вафот эди. Худо раҳмат қилсин”.

Бой қирқма безакли мақбара, эпиграфик безаклар Мовароуннаҳр ҳукмдори Абул-Музаффар Аҳмад Тегин номи ва ёрлиғи билан боғлиқ. М.Е.Массон уни Аҳмад ибн Хизр (1018-1095) деб ҳисоблайди.

IX асрда мақбаранинг шимоли-ғарбий томонида айвонли масжид қурилади, XIII асрнинг бошларида унинг ҳовличаси шаклланади. XIV асрнинг охирида ҳижрий 792-(1389-1390й.)да мақбаранинг шарқий томонидан чиллахона қурилган. Унинг қурилиш даври Б.Д.Кочнев ва Э.В.Ратвеладзе томонидан аниқланган. XV асрда эса мақбарага хонақо қурилиши қўшилади. 1955–1956 йилларда мақбара реставрация қилиниб архитектор В.Филимонов қурилишга ўзгартиришлар киритиб юборган. Мақбара 5,10x4,70м. кўламда бўлса, ёдгорликнинг умумий ҳажми 28x29 метрга тенг.

Ал-Ҳаким ат-Термизий мақбараси ҳақида биринчи ўлчовлар ва архитектура иншооти ҳақидаги маълумотлар 1926–1927 йилларда

Москва Шарқ маданиятлари музейи ходимлари Б.П.Денике ва Б.Н.Засыпкин томонидан берилди. 1936 йилда М.Е.Массон бошчилигида (ТАКЭ) экспедиция мақбарага тақаб қурилган масжид ва бошқа иншоотлар ҳақида маълумотлар беради. 1938 йилда Г.А.Пугаченкова, 1947 йилда В.П.Петров мақбаранинг ўлчовларини олди. 1955 йил ёдгорликни тиклаш мақсадида архитекторлар В.И.Филимонов ва К.А.Шахуринлар иншоот тузилишига ўзгартиришлар киритган. 1956 йилда улар аҳамиятсиз деб, қулаш арафасида турган қалъа томондаги сўнги даврга оид хоналарни олиб ташлаган. Бу ҳужжатлар ГУОП архивида сақланади. Бундан ташқари мақбарага кириладиган ҳозирда бош пештоқ деб ҳисобланадиган йўлак ўрнида ҳеч қандай эшик бўлмаган. 2006 йил ёзги мавсумда Термиз Давлат университетида илмий тадқиқотчилари томонидан мақбара атрофида олиб борилган изланишлар даврида иншоотнинг шимолий ва ғарбий томонида эни 10 метр, узунлиги 57 метр майдон очиб тозаланди. Шимолий томонда мақбаранинг асоси 1,72 м чуқурликда аниқланди. Ал-Ҳаким ат-Термизий мақбараси қумтош қатлам устида барпо этилган бўлиб, унинг атрофида қатор қабрлар қўйилан. Қабрлар қаттиқ қумтош қатлами орасига ўйма тарзда жойлаштирилган, қабрлар сўнги ўрта асрларга оид бўлиб, уларнинг қатламидан XVI-XVIII асрларга оид сопол идишлар топилди. Қабрларда мусулмон дафн маросимида кўра, майитларнинг бош томони шимоли-ғарб томонга бурилиб қўйилганлиги аниқланди. Қабрлар қаттиқ материкка қўйилганлиги учун чуқур қазилмаган, уларнинг чуқурлиги 90 см. эни 65–70 см, узунлиги 1,60–1,90 м.гача етади. Қабрлар, асосан, ёрма услубда бўлиб, бу анъана сифатида ҳозирги дафн этиш маросимларида ҳам давом этиб келмоқда. Шайх Ҳаким ат-Термизий мозори томонга яқинлашиб боргани сари уларнинг даври қадимийлашиб боради, чунки мақбаранинг жануби-ғарбий томонида шайхнинг яқинлари, шогирдлари ва издошлари дафн этилган бўлиши мумкин. Мақбаранинг жанубий томонида тўрт гumbазли ва айвонли масжид булган. Бу қисмдаги иншоотлар аҳамиятсиз ҳисобланиб, ҳозирги мақбаранинг қабр турган жойигача бўлган қисми бузиб ташланган. Мақбаранинг шимоли-ғарбий томонларида қабр жойлашганлиги ҳамда мусулмон урф-одатларига кўра, муқаддас мазорларга пойгадан кириш ёки Термиз ҳукмдорлари қароргоҳи мақбаранинг жанубий томонидан жойлашганлигини ҳисобга олиб, иншоотнинг асосий кириш йўлаги



жанубий томонда жойлашган, деб хулоса чиқариш мумкин. Чунки аввал мақбаранинг шимолий эшиги бўлмаган.

Хулоса қилиб айтганда, ўрта асрларнинг таниқли ислом назариётчиси, файласуф ал-Ҳаким ат-Термизий мақбараси нафақат турли даврларда қурилди, балки унинг қурилиш тузилишда йирик ўзгаришлар ҳам киритилди. Мустақиллик шарофати билан у ўз ҳолига қайтарилди.

Моддий ва маънавий маданиятнинг бевосита боғлиқлигини ўзида мужассамлаштирган санъат намуналари қадимги даврлардан ҳозиргача яратилган бадий обидалар воҳада яшаган аҳоли ижодий дунёқарашининг маҳсули саналади. Жумладан, авлоддан-авлодга ўтиб ҳозиргача сақланиб келаётган ганч, ёғоч ва мрамрдан яратилган чиройли ўймакорлик буюмлари заргарлик, кандакорлик ва мисгарлик буюмлари, нақшли сопол идишлар, ранг-баранг тўқимачилик ва каштачилик маҳсулотлари воҳа амалий безак санъатининг ёрқин намуналари саналади. Амалий безак санъати воҳа аҳолиси маиший турмушининг таркибий қисми сифатида шаклланиб келган ва ўзига хос локал хусусиятларни мужассамлаштирган. Воҳа аҳолиси амалий безак санъатининг муҳим йўналишларидан бири ганчкорликдир. Айритом фризида тасвирланган ганчкорлик санъати намуналари воҳада қадимдан ганч ўймакорлиги жадал ривожланганлигидан далолат беради. Воҳа ганч ўймакорлигида йирик ўйма, чуқур ўйма, ясси ўйма, қирма-чизма пардоз занжира каби услублар мавжуд бўлган.

XII асрда Термиз мақбараларида ганчкорликнинг янгича услуби муқарнас пайдо бўлди. Меъморчиликда ишлатиладиган анъанавий орнамент геометрик ва ўсимлик шаклида бўлиб, бадий безак санъатининг барча соҳаларида ўсимлик орнаменти устун бўлган, бироқ у доимо геометрик нақшлар билан бирга ишлатилган. Воҳада ёғоч ўймакорлиги ҳам қадимдан ривожланган. Ёғоч ўймакорликка оид бўртиқ нақшлар уй-рўзгор буюмларида ва меъморчиликда, айниқса, эшик, дарвоза, тўсинлар, устунлар, хонтахта, қутича, қаламдон, эгар ва ҳоказоларда ишлатилган. Илк ўрта асрларга оид ёғоч ўймакорлиги буюмлари воҳанинг Юмалоктепа ёдгорлигидан топиб ўрганилган. Воҳа усталари ёғочга қимматбаҳо ашё сифатида қараб, унинг кенг кўламда ишлатилишига ҳаракат қилган. Термиздаги Мурчбобо жоме масжидидаги ўйма устунлар ва Сайробнинг жума масжидига ўрнатилган устунлар воҳада ёғоч ўймакорлигининг анча

юксалганлигидан далолат беради. Ёғоч ўймакорлиги безаклари саналган сандиқлар, қутичалар, бешиклар, эшик ва токчалар воҳа аҳолиси хонадонларига алоҳида файз киритиб турган. Уй-рўзғор буюмлари, уй-жиҳозлари ва мусиқа асбобларига безак беришда усталар фақат нақшли ўймакорлик услубини қўллаганлар. Сатҳсиз учкиррали ўйма қавсли ўймакорлик нақшлари ёғочда ўйиб олиш йўли билан бажарилган. Бундай нақшлар қутичаларни ошхона анжомлари, сандиқ, бешик ва бошқа уй-рўзғор буюмларини безарди. Ёғоч ўймакорлари, асосан, ёнғок, ўрик, қайрағоч, арча, терак ва чинор дарахтларининг ёғочларидан фойдаланишган. Воҳа амалий безак санъатида кенг тарқалган турлардан бири бўёқли расмлар чизишдир. Одатда, бу соҳа икки хилда: ганч сувоқли деворга расм солиш ва ёғоч буюмларга рангли нақш беришдан иборат. Илк ўрта асрларга оид Болаликтепа ва Шеробод туманида жойлашган Товка кўргонидаги девор суратлари биринчи турдаги расм солиш усулига мисол бўлади. Ниҳоятда бой, мазмунли ва бежирим нақшлар турар жой, жамоат бинолари, уй-рўзғор буюмлари, идиш-товоқлар ва чолғу асбобларини безаб турган. Ўтроқ аҳоли истиқомат қиладиган шаҳар ва қишлоқлардаги уйларнинг устунлари, эшиклари, токчалар ва тахмонлар турли нақшлар билан безатилган. Воҳа аҳолиси хонадонларидаги турли гиламлар, тоқча ва тахмонлар, зардеволлар турфа кашта ва сўзаналар воҳа аҳолисининг нозик дидидан далолат беради. Анъанавий наққошликнинг муҳим турларидан бири тоштарошлик ёки тош ўймакорлиги саналади. Милоднинг биринчи асрларига оид Фаёзтепа, Айритом, Қоратепа ёдгорликларида харсангтош ва мрамрдан безак ишларида кенг фойдаланилган. Хусусан, ал-Ҳаким ат-Термизий қабри устига қўйилган мрамр сағана нафақат минтақада, балки бутун Шарқ оламида тоштарошлик ҳунарининг ноёб намунаси саналади. Бинокорликда ишлатилиб келинган рангбаранг кошинлар ва турли хилдаги бадиий аҳамиятга эга бўлган уй-рўзғор буюмлари кулолчилик соҳасининг маҳсули саналади. Воҳа аҳолисининг бу қадимий амалий санъати ўзининг бой анъаналари, нозик нақшлари, кундалик турмушда ишлатиладиган идиш-товоқларнинг нафис безаклари киши диққатини беихтиёр ўзига жалб қилади. Шеробод кулоллари кулолчилик буюмларини қизил жигарранг ва тўқ сариқ фонда яшил, сариқ, қизгиш баъзан эса кўк ранглар билан безаган. Воҳа кулолчилигида буюмларга нақш беришнинг сарғиш-қизил тусли, тўп барггулли нақш услубларидан

фойдаланиб нақш солишган. Бундан ташқари, аноргул, қўчқор шохи, гултожихўроз, санама, занжира, туморча, қалампир, ғўзанак, чойдиш, баргак, чоряпроқ каби нақш турлари ҳам сопол буюмларни безаб турган. Воҳа аҳолиси амалий безак санъатининг яна бир тури кандакорлик саналади, кандакорлик – маъдандан ясалган бадий буюмларга ўйиб, ёки бўртиқ қилиб нақш ишлаш касбидир. Воҳада кандакорлик ҳунари милоддан аввалги I минг йиллик ўрталарида шакллана бошлаган, ўрта асрларда воҳада кандакорлик анча тараққий этган. XI асрга оид Будрач ёдгорлигидан топилган 300 кг га яқин металл буюмлар орасида ҳовонча, кўза ва шамдонлар ҳам бўлиб, уларнинг айримларига кандакорлик асосида нақшлар солинган. Бадий безак санъат касбларидан яна бири мисгарлик саналади, воҳа мисгарлари сариқ ва қизил мисдан турли идиш-товоқ ва хўжалик буюмлари ясашган. Мисгарликнинг бошқа металлсозлик касбларидан фарқи шуки, мис тоб берилмай, яъни совуқ ҳолида ишланади. Мисгарлар ичи чуқур мис идишларни бир-бирига ёпиштиришдагина уларни қиздирадилар. Одатда мисгарлар меҳнати иккига тақсимланган: яшаш ва безаш. Мис идишларга нақш беришда мадохил, ислими ва номоён номли услублардаги нақшлардан фойдаланилган. Мисгарлар кумгон, жом, мис чойнак, мис коса, мис лаган, мис баркаш, мис офтоба, мис кўза, мис товоқ, мис чилимлар ясаб уларнинг ташқи томониغا ўйма нақшлар солишган. Бундай нақш турларига ислими, араби, ислими афғони, ислими бодомбарги, курмак, бодомча, чорбўта, ойнақши, толбарги каби нақшларни мисол келтириш мумкин.

Бадий ҳунармандчиликнинг яна бир тармоғи заргарлик саналади, уста заргарлар мис, кумуш ва олтиндан кўплаб заргарлик буюмлари ясашган. Бундай заргарлик буюмлари турли нақшлар, қимматбаҳо тошлар билан безатилган. Воҳа заргарлари бош кийимига, пешонага, сочга, қулоққа, бурунга, бўйинга, кўкракка, билакка, бармоққа тақиладиган кўплаб тақинчоқ турларини ясашган ва уларга турли нақшлар билан зеб беришган.

Воҳа аҳолиси амалий санъатнинг яна бир муҳим тармоғи бадий тўқимачилик ва каштачилик саналади. Воҳа аҳолисининг каштачилик буюмларига: сўзаналар, палаклар, зардеволлар, сандиққа тахланган кўрпалар устига мўлжалланган барпўшлар ёки бўғжомалар, сандал устига ёпиладиган сандалпўшлар, ёстиқжилдлар болишпўш ва лўлаболишлар киради. Бундан ташқари, жойнамозлар, белқарслар, чойхалталар, ойнахалталар,

тузхалталар, тўрвалар, сочиқлар, рўмолчалар ҳам кашталар билан безалган. Шунингдек, Бойсун гулдўзи дўппилари ҳам каштачилик асосида тикилган, воҳа аҳолисининг кийимларидаги жияклар ва чирозлар ҳам кашталар билан безатилган.

Сурхон воҳасида каштачилик ниҳоятда ривожланган бўлиб, милоддан олдинги манбаларда Паретака ва Бубакена худудларида олиб борилган тадқиқотларда каштачилик билан боғлиқ тарихий манбалар топилди. Каштачилик, асосан, қадимги Шарқ халқларида кенг тарқалган бўлиб, кашта сўзининг маъноси аслида форсча “чизилган”, “тортилган” бўлиб, амалий безак санъатига асосланиб, игна билан тикилган гул, тасвир, нақш деган маънони билдиради. Кашта махсус чеварлар томонидан қўлда игна, илмоқли игна, чит, сатин, шойи, бахмал, мовут ва чарм-этик, маҳси, пичоқ қини, камар, от жабдуқлари ва бошқа қимматли, эъзозли буюмларга тикилган. Каштани шакллантиришда жун, пахта, ипак, зиғир, табиий ва сунъий иплардан ҳамда металл (тилло, кумуш, бронза, мис) буюмларга ишлов беришда фойдаланиб келинмоқда. Кашта буюмларини палак, сўзана, чойшаб, гулкўрпа, кирпеч, дорпеч, зардевор кабилар ташкил этади.

Кашта солиш учун чеварлар сатин матоларини асос қилиб олишган. Айрим ҳолларда эса асос сифатида шойи матоларидан ҳам фойдаланилган. Кашта иплари эса кўпинча пахта ва ипак иплардан тайёрланган ипларни бўяшда табиий бўёқлардан фойдаланилган. Воҳа каштачилигининг нақш услубида, асосан, ўсимликсимон ва геометрик нақшлар, баъзан уларга куш ва ҳайвон тасвири ҳам қўлланилган.

Сўзаналар ўзида коинот, табиат, бахт ва севги тушунчаларини ифодаловчи хушманзара полотнолардир. Сўзаналар сатҳида воҳа чеварлари тасаввурларидаги дунё акс этган. Сўзаналарнинг ҳажми бўйича 1,5 метрдан 2 метргача, уларнинг узунлиги 2 метрдан 4 метргача бўлган. Ҳамма сўзаналар “меҳробгул” номли жингалак нақшлар туширилган кенг хошиялар билан ўраб олинади. Ташқи хошиялар эса “оба” (сув) номли тўлқинсимон нақшлар билан безатилади. Асосий майдонда тўпбарггул шаклидаги безак туширилган. Марказда, асосан, ой ва қуёшни ифодалайдиган катта айланалар жойлашган. Ушбу айланалар сони 1 тадан 8 тагача бўлади. Акс эттирилган сайёралар ой деб аталади. Лекин сайёралар катта ой, панжа ой ва кичик ойларга ажратилади. Сайёраларнинг марказида унинг негизини ҳосил қилувчи тўпбарггул туширилади.

Унинг атрофини бир неча рангли тўпбарггуллар ўраб олади. Сайёралар орасида “бодомгули”, “лолагули” сингари гуллар, ўсимликлар, баъзан эса шохларга кўнган қалдирғоч ва булбулларнинг услублаштирилган турли нақшлари солинади.

Зардеворлар – деворга осиш учун тўқиладиган фризлардир. Зардеворлар хонанинг кўндаланг ва бўйлама деворларининг устки қисмини безаб турган зардеворларнинг нақшлари ҳам кўпинча сўзаналар нақшини такрорлайди. Зардеворларнинг кўндаланг тасмалари 2 метрдан 3–4 метргача, бўйлама тасмалари 3 метрдан 4–6 метргача бўлган. Эни эса 50–90 см га етган. Зардеворлар кигиз ўтовларни ҳам безаб турган.

Амалий безак санъатининг муҳим турларидан яна бири гиламдўзлик саналади. Гилам тайёрлаш учун қўй жуни ёки пахтадан тайёрланган иплар ишлатилади. Гилам қилиш учун, асосан, баҳорги жун ишлатилади, чунки баҳорги жун узунроқ ва юмшоқроқ бўлади. Кузги жундан эса кигиз босилади, чунки кузги жун мустаҳкамроқ бўлади. Воҳада туксиз гилам кўп тўқилади, бундай гилам турлари қоқма гилам деб номланади. Қоқма гилам дастгоҳи тарновой бўлиб ерга қурилади, қоқма гиламлар йўл-йўл ранглардан иборат бўлиб, узунасига тўқилади. Сўнгра кесилиб “туморча тикиш” орқали бир-бирига бириктирилади. Қоқма гиламнинг “чимчиқи”, “кўрчимчиқи”, “бибишак”, “шойи”, “тажари” каби турлари кўплаб тўқилади. Қоқма гиламларда 10 тагача тахт чизиклари бўлиши мумкин, қоқма гиламларнинг устки ва остки томонлари бир хил бўлади. Тўқиш техникаси мураккаб бўлиб, нақш солиб тўқиладиган гилам тури терма гилам ёки тукли гилам деб аталади. Тақир гиламларни бир вақтнинг ўзида икки-уч киши тўқиши мумкин. Тақир гиламларнинг “Кўчқор майиз”, “Имом Султоний”, “Терма”, “Туя бўйин”, “Қўл солди”, “Оқ енли” каби турлари мавжуд.

Воҳа аҳолиси бадий безак санъатида напрамач ва бўғжомалар ҳам муҳим ўрин тутди. Напрамачларнинг нақши – тукли олд томонда саккиз бурчакли ёки тўртбурчак шаклида иккита йирик медалон унинг фонида ўткир ромблар ёки Х симон шакллардан иборат. Напрамачлар тўқилган сандиқлар бўлиб, улар турли буюмларни солиш учун ишлатиган. Воҳа гиламдўзлигида эшик халта, қошиқ халта, бўғжома (уй-рўзғор буюмларини ўраб кўядиган тўқима полотно) хуржун, дастурхон, дигил ёпғичлар қиради.

Бўғжомалар кўпинча тайёр матодан тайёрланиб, ип ва ипак иплар билан нақш солинган. Бўғжомаларга, асосан, шохсимон, ромбсимон, зинасимон гажак нақшлар билан безак берилган. Кигиз жундан тўқилган гилам бўлиб турли мақсадларда ишлатилган. Жумладан ерга тўшама – гилам сифатида, ўтовларга ёпинчик сифатида тўрлик, жабдуқ ва от эгарларини ёпгич сифатида, баъзан кийим сифатида фойдаланишган. Кигиз босиш кўпроқ кўчманчи халқларга хос. Дастлабки кигиз қолдиқлари Олтойдаги Позирик кўрғонидан топилган. Кигиз ишлаб чиқариш технологияси жуда оддий ва асрлар оша ўзгаргани йўқ. Кигиз ишлаб чиқариш усулига кўра икки хил бўлади. Биринчиси, гулсиз оддий кигизлар, иккинчиси гулли кигизлар. Гуллик кигизлар такиямат ёки таки намат ҳам деб аталади. Воҳада кигизнинг “туғдонагул”, “тақиргул”, “туғма бақа”, “гажакгул”, “гултайлама”, “қирқдонагул”, “шохмола”, “қирдўнгил”, “олтидўнгил” каби турлари кўп тайёрланган.

Воҳа аҳолисининг амалий безак санъатида куроқчилик ҳунари ҳам муҳим ўрин тутди. Кўрпалар ва ёстиклар мато қолдиқларидан куроқ асосида бир-бирига бириктириб ажойиб шакллар ҳосил қилинади. Воҳада куроқнинг “турнакуроқ”, “олмакуроқ”, “пичоқ учи”, “қирқкўз” каби турлари кенг тарқалган. Воҳа аҳолисининг амалий безак санъатида ойнахалталар ҳам мавжуд. Ойнахалталар, асосан, уйларнинг деворларини ҳамда ўтовларни безашда қўлланилади. Ойнахалталар куроқли, каштали ва сочоқли қилиб тикилади.

Умуман, воҳа аҳолисининг табиий истеъдоди ва катта меҳнати туфайли пайдо бўлган ажойиб амалий санъат ёдгорликлари, аждодларимиз яратган баркамол, бебаҳо ва ноёб санъат асарлари намуналари жаҳон маданиятига қўшилган зўр ҳисса, деса бўлади.

## III БОБ. АНЪАНАЛАР, УДУМЛАР, ТҮЙЛАР, ОЛҚИШЛАР ВА ХАЛҚ УЙИНЛАРИ

### 3.1. Жамоатчилик анъаналари

Воҳа аҳолисининг ижтимоий турмушида сақланиб келган қадимий жамоатчилик анъаналари доирасида, қўни-қўшничилик, қишлоқ ва жамоатчилик тартиблари, қариндош-уруғчилик муносабатлари ниҳоятда кенг ўрин эгаллайди. Воҳада дастлабки ўтроқ қишлоқ жамоасининг шаклланиши бронза даврига оид бўлиб, бу қишлоқ жамоа бўлиб яшаши асосида вужудга келган. Воҳадаги қишлоқ жамоаларининг айримларида бутунлай бир тоифага мансуб уруғдошлар жойлашган бўлса, аксариятида эса этник жамоалар таркиб жиҳатдан турли-туман бўлган. Қишлоқ жамоаси кишиларни меҳр-оқибат, инсоф-диёнат, ҳалоллик каби туйғулар асосида тарбияловчи, кишиларга маънавий кадриятларни сингдирувчи макон саналади.

Қишлоқлар оқсоқоллар томонидан бошқарилган. Оқсоқолларнинг асосий вазифаси жамоа ҳаётида тартиб сақланишини таъминлаш, барча анъанавий меъёрларнинг бажарилишини назорат қилиш, жамоат мажбуриятларини белгилаш, жамоат тартибини бузганларни жазолашдан иборат бўлган. Қишлоқларга қўпинча бой бўлмаган ўрта ҳол, бироқ катта ҳаётий тажрибага эга бўлган кишилар оқсоқол сифатида сайланган. Қишлоқлар миллий ва ижтимоий мансубликдан қатъи назар қўни-қўшнилариинг ўзаро ҳамжиҳат, асрий удумларга содиқлик асосида бирлаштирувчи ижтимоий бирикувнинг анъанавий тузилмаси саналади.

Воҳада қишлоқ жамоаларининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат бўлган: маросимларни биргаликда ўтказиш; ўз ҳудудини батартиб сақлаш ва ободонлаштириш ҳамда ёш авлодни ижтимоий руҳда тарбиялаш. Қўни-қўшничилик негизини шарқона жамоа учун хос бўлган бир қатор тамойиллар ташкил этган. Бу тамойиллар ҳукмдорларга ҳурмат, ҳукмдорларнинг эса халққа ғамхўрлиги, ёши катталарнинг ахлоқий ибрати, келажак авлодга ғамхўрлик, ёшларнинг катта авлодга нисбатан ҳурмат ва ишонч туйғуси каби тушунчалардан иборат бўлган.

Муҳтожларга, бева-бечораларга ёрдам кўрсатиш жамоанин асосий анъанаси саналади. Кексалар, беморлар, бева-бечоралар ҳамиша жамоа ҳомийлигида яшаган, уларга қўни-қўшнилари

гамхўрлик қилган, худойи ва садақаларда уларнинг ҳаққи бериб турилган. Жумладан ҳар рўза ойининг охириги кунларида бевабечораларга ёрдам тариқасида фитр садақаси улашилган. Қишлоқ аҳолиси жамоат ишларини ҳам биргаликда амалга оширишган, бундай ишлар кишиларни жипслаштирувчи, ҳамкорликка ўргатувчи, кишилар ўртасида яқинлик, бир-бирига ёрдам ва меҳроқибат туйғуларини сингдирувчи восита бўлиб хизмат қилади.

Эл-юрт ва жамоа ҳар бир шахс ҳаётида, унинг камолотида муносиб ўрин эгаллаган. Кишиларнинг кундалик ҳаётидаги қувонч ва ташвишларни жамоа билан бирга баҳам кўриш ҳаётнинг асосий қондасига айланиб борган. Қишлоқ жамоалари кишиларни уюштирувчи, оғир юмушларни биргаликда бажаришга сафарбар қилувчи кишилар ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи, ёш авлодни тарбиялашга хизмат қилувчи ҳамда асрлар давомида шаклланиб келган маросим ва удумларни авлоддан авлодга етказувчи асосий ижтимоий бирлик саналади. Қишлоқ жамоаларини оқсоқоллар идора қилган, оқсоқолларга эса қишлоқнинг кайвони ёки «гапга етар» кишилари ёрдам берган. Ҳар бир масала юзасидан жамоа томонидан чиқарилган қарор ва қоидаларига итоат қилиш ҳар бир жамоа аъзоси учун мажбурият ҳисобланган. Жамоани уюштиришда маросимларнинг ўрни ниҳоятда каттадир, жумладан, Наврўз, Дарвешона, Рамазон ибодатлари, ифторликлар, Ҳайит байрамлари, тўй-томоша, дафн маросимлари ва маъракалар жамоа аъзолари ўртасида яқинликни янада кучайтирган. Ҳар бир жамоа аъзоси барча маросимларда фаол иштирок этишга ҳаракат қилган. Ҳар бир жамоа аъзоси тўй ва маъракаларда ўзига мос турли хил юмушларни бажарган. Масалан, бирорта киши янги уй қурмоқчи бўлса ёки бирорта оғир юмушни бажармоқчи бўлса, албатта, жамоадан ёрдам сўраган. Бу ёрдам ҳашар тариқасида амалга оширилган, ҳашар ишларини амалга оширишда жамоанинг ўрни ниҳоятда катта. Жумладан, ариқ ва зовурларни тозалаш, йўл ва кўприклар қуриш, янги ерларни ўзлаштириш, жамоат биноларини таъмирлаш каби ишларни амалга оширишда иштирок этиш масъулияти ҳар бир жамоа аъзосининг бурчи саналади. Ҳашар кишилар ўртасидаги меҳроқибат, бир-бирига ёрдам ва яқинлик туйғуларини мужассамлаштиради. Ҳашарда ҳар ким қобилиятига яраша вазифани бажарган, кекса-ю ёш ҳашарда иштирок этишда ўзини бурчли санаган. Масалан, аёллар ўртасидаги ҳашарлар сирасига ўрмак, яъни гилам тўқиш



билан боғлиқ ҳашарни киритиш мумкин. Ўрмак ҳашари, нафақат бирор юмушни бажариш, балки ўзаро суҳбат қуриш, иш ўрганиш каби жиҳатлари билан ҳам ажралиб туради.

Бундан ташқари ўрим-йиғим ишларида амалга оширилган ҳашарлар ҳам худди шундай ҳашарлар сирасига киради. Чорвадор аҳоли орасида эса қўй жунини қирқиш, қуви пишиш, кигиз босиш каби ҳашар ишлари ҳам мавжуд бўлган. Ҳар бир оилада болаларни жамоага ҳурмат ҳисси асосида тарбиялаш одат тусига кирган. Ҳар бир қишлоқ ўзининг бақовулига, гўрковига, устасига, имомига, сартарошига, қассобига эга бўлган. Ҳар бир қишлоқдан етишиб чиққан полвон ва чавандозлар бўлиб, улар тўю томошаларда нафақат ўзи учун, балки қишлоқнинг ори ва номуси учун рақиб томон билан сидқидилдан кураш олиб борган. Турли табиий офатлар, юқумли касалликлар, қурғоқчилик каби ҳолатларнинг олдини олиш учун жамоа аъзолари вақти-вақти билан тўпланишиб, дарвешона ва худойилар ўтказишган. Дарвешонага ҳар ким имкониятидан келиб чиқиб, ўз улушини берган. Дарвешона айрим жойларда «кўча оши», «оши худойи» ҳам дейилган. Дарвешоналарга нафақат қишлоқ аҳли, балки қўшни қишлоқлардан ҳам меҳмонлар таклиф қилинган. Ҳар бир қишлоқ жамоасининг қанчалик даражада уюшганлиги тўй ва маъракаларда билинган.

Қишлоқларни бошқаришда оқсоқоллар муҳим ўрин тутган. Қишлоқ доирасидаги олди-сотдилар, меросий мулкларни меросхўрлар ўртасида тақсимлаш, низо ва жанжалларни бартараф қилиш, ҳашар ишларини амалга ошириш бевосита оқсоқол бошчилигида бажарилган. Воҳа аҳолисининг жамоатчилик муносабатлари доирасида қўни-қўшничилик анъаналарига риоя қилиш, қўшнининг ҳаққи каби жиҳатларни инobatга олиш, воҳа аҳлининг кўп асрлик менталитетига айланиб борган.

Воҳа аҳлининг ижтимоий ҳаётида ёш билан боғлиқ йиғинлар, давралар ҳам муҳим ўрин тутди. Ёшга қараб тўпланадиган йиғинлар айрим жойларда «гап», «гаштак», «жўрачилик», «улфатчилик» каби номлар билан аталади. Бундай йиғинлар ўспиринлар, катта ёшлилар, хотин-қизлар гуруҳи каби гуруҳларга бўлинган. Бундан ташқари, гап-гаштаклар касбдилар ва табақаларга кўра ҳам ташкил қилинган, улфатчилик анъаналари кўпроқ киш вақтида зиёфат тарзида амалга оширилиб, навбатма-навбат ҳамда хонадонма-хонадон амалга оширилган. Воҳа аҳлининг жамоатчилик муносабатларида қон-қариндошлик алоқалари ҳам

муҳим ўрин эгаллаган, қариндошлар бир-бирлари билан жуда яхши муносабатда бўлиб, яхши-ёмон кунларида доимо елкадош бўлган.

Воҳа аҳолиси қадимдан оилани муқаддас санаган. Оилада бола тарбиясига бобо, момо ва ота-оналар масъул бўлган, ота-она учун ҳамма фарзандлар ўғил ёки қиз бўлишидан қатъи назар бир хилда кадрланади. Аммо ўғил ва қиз бола тарбиясида маълум фарқларнинг мавжудлиги сезилади. Ўғил болаларни ҳақиқий эркак ва оила бошлиғига хос хусусиятлар доирасида тарбиялашга, қиз болаларни эса бўлғуси уй бекалигига тайёрлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади. Бола тарбиясида оналар асосий масъулиятни ўз зиммасига олади. Чунки оилада бола доимо она назоратида бўлади. Ўғил болалар тарбиясида уларга ҳалоллик, тўғрисўзлик, қатъийлик, собитқадамлик ва мардлик фазилатларини сингдиришга ҳаракат қилинади. Ўғил болаларни тарбиялашда кўпроқ қатъийликка, чидам ва сабрга эга бўлиш каби хислатлар тарбиясига алоҳида ўрин берилган. Болаларга тарбия бериш жараёнида панд-насихат, намуна кўрсатиш, рағбатлантириш, тушунтириш ва зарур бўлганда жазолаш шаклларидадан фойдаланилади.

Шу сабабли ҳам воҳа аҳолиси оилага авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга келажак авлодларнинг комил инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи сифатида муносабатда бўлишади.

### 3.2. Тўй удумлари

Халқимиз маънавияти ниҳоятда чексиз бир уммон, ушбу уммоннинг ҳар бир қатрасида миллат руҳи акс этади. Миллатнинг яшовчанлиги, келажакнинг нурафшонлиги маънавий баркамоллик сари интилишда мустаҳкамланиб боради. Миллий истиқлол берган улкан имкониятлар тарихий кадриятларимизни тиклаш ва маънавий меросимизни янада сайқал топиб ривожланиб боришига замин яратди. Қадим Сурхон воҳаси ҳам ўзининг узоқ асрларга бориб тақаладиган тарихи жараёнида инсоният тамаддуни тараққиётида муҳим ўрин тутган кадриятлар шаклланган маскан саналади.

Ҳар бир халқнинг тарихи, орзу ва армонлари ана шу халқ томонидан яратилган бой оғзаки ижод намуналарида асрлар давомида шаклланган маросим ва урф-одатларида

мужассамлашади. Демак, халқ маънавияти унинг узок ўтмиши билан чамбарчас боғланиб кетади. Ушбу муштараклик эса кадриятлар боқийлигини, уни ҳеч бир фотиҳ, ҳеч бир ситамкор мафкура ва тузум йўқота олмайдиган маънавий кенгликни юзага келтиради. Халқ даҳолигининг бебаҳо мероси саналган кадриятлар силсиласи доимо бойиб, юксаклик сари кад ростлаб бораверади. Сурхон воҳасининг танти ва бағрикенг аҳолиси томонидан яратилган ва эъзозланган улуғ маънавий мерос ва бой кадриятлар хазинаси ҳам ана шундай боқийликни ўзида мужассамлаштира олади. Ҳар бир халқнинг қай даражада улуглиги, маънавий баркамоллиги ўша халқ томонидан яратилган урф-одат ва анъаналарда ўз ифодасини топади. Халқ удумлари орасида тўйлар муҳим ўрин тутади.

**Бешик тўйи.** Воҳа аҳолисининг қадимий удумларидан бири бешик тўйидир.

Чақалоқ туғилгандан кейин агар ўғил бўлса, 9, 10 ёки 11 кун ўтгандан сўнг бешикка беланган ҳамда орадан 40 кун, яъни чилладан кейин бешик тўй қилиб берилади.

Бешик тўйида ҳар бир оила ўзининг иқтисодий қувватидан келиб чиқиб қўй, эчки сўйиб, кўни-қўшни, қариндош-уруғ қолаверса, дўст-биродарларни чақириб тўй қилиб берган. Тўйга келиннинг онаси бешик анжомларини, яъни «қўлбоғ», «тахпўш», «қавус» бешик устига «гаврапўш», «ёпуг» тайёрлаб келган. Болани бешикка белашдан аввал бешик «халос»ланади ва исирик тутатилади, болани бешикка серфарзанд, ували-жували кекса, бир никоҳли момоси белаган. Бешикнинг бош томонига ёстик, унинг остига нон, тош, ойна, пичоқ қўядилар, чунки нон болани ҳар қандай бало қазодан омон сақлайди ҳамда инсонинг ризқ-рўзи манбаи; тош эса боланинг боши тошдан бўлсин, ёвуз руҳлардан сақласин; пичоқ эса инс-жинслар, ёвуз кучларни яқинлаштирмасин, деган ниятда қўйилган.

Ёши улуғ кишилар, айрим ҳолларда қишлоқ мулласи боланинг кулоғига азон ўқиб, исмини қўяди. Бешик устига дастурхондек улуғ бўлсин деб, дастурхон ёпилган, давлатманд, ризқ-рўзли, кўнгли ок бўлсин деб, танга ва турли хил мева-чевалар сочишган. Бу маросимда кўпни кўрган аёллар иштирок этиб ёш оналарга болага қараш, чўмилтириш, қолаверса, алла айтишни ўргатганлар.

Чақалоқнинг чилласи чиққанда, яъни боланинг туғилган кунига қирк кун тўлганда «чилла қувди» удуми бажарилган. Чақалоқнинг

онаси бугдой қовурмоч қилиб ва энг яқин кишиларнинг уйига чақалоқни кўтариб боради. Бу хонадондагилар қовурмочни тановул қиладилар.

**Суннат** (хатна) тўй кенг тарқалган тўйлардан бири саналади. Ўғил болаларни хатна қилиш одати минтақада милоддан аввалги VI–IV асрларда ҳам бўлган. Суннат тўйининг бошланишидан охиригача бир қатор маросимлар мавжуд бўлиб хусусан, уларга «маслаҳат оши», «тандир қураш», «нон пишириш», «мол сўйиш», «нон еди», «хатми куръон тушириш», «катта тўй», «суннат қилдириш» кабилар киради.

Суннат тўй маслаҳат оши билан бошланиб, асосий маслаҳатчилар яқин қариндошлар, оқсоқоллар бўлиб, маслаҳатда суннат тўйи ўтиши давомида қилиниши лозим бўлган ишларни олдиндан режалаштириб олишади. Маслаҳатда тўйга келадиган меҳмонлар, хусусан, чавандоз ва полвонлар учун «қўшхона», яъни «қўноқхона» тайинланади.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, Сурхон воҳасининг Ўшор, Катта Вахшивор, Бодихаво каби бир қатор қишлоқларида тўйдан олдин «ўтин йиғар» маросими ўтказилиб, йигитлар гуруҳларга бўлиниб, тогдан ўтин гамлаб келишган. Кўп ўтин олиб келган гуруҳга махсус зот (соврин) берилган, шунингдек, давра баковули, ҳар хил хизматлар учун тўй эгасининг яқин дўстлари ва қариндошлари тайинланади.

Сурхон воҳасида суннат тўйларида тўй эгаси имконият даражасидан келиб чиқиб олиш (кураш) ва кўпқари берган. Тўйнинг яқунловчи босқичи тўйнинг охириги кунда бўлиб, қариндош-уруғлар, тўй давомида хизмат қилганлар, кекса оқсоқоллар иштирокида тўйболани суннат қилиш маросими амалга оширилган.

**Никоҳ тўйи.** Жамиятнинг энг муҳим ҳужайраси ҳисобланган оила никоҳдан бошланади. Сурхон воҳаси аҳолисининг никоҳ тўй маросимлари Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларидаги аҳоли никоҳ тўй маросимлари билан ўхшашлик томонлари бўлсада, лекин ўзининг урф-одат ва расм-русумларининг ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Воҳа аҳолиси никоҳ тўй маросимларида тўй бошланишидан тўй тугагунича бўлган даврдаги маросимларини уч босқичга: никоҳ тўйигача ўтказилган урф-одатлар, никоҳ тўйи даврида ўтказиладиган удумлар ва никоҳ тўйидан кейин ўтказилган расм-русумларга бўлиш мумкин.

Сурхон воҳасида никоҳнинг «бел куда», «этак йиртиш» каби шакллари мавжуд. «Бел куда» удумида қалин ошна-оғайинлар хотинларининг ҳомиладорлик даврида дунёга келадиган бўлажак ўғил ва қизларини бир-бирига атаб қўйганлар. Дунёга келган бу фарзандлар ўсиб-улғайгач, бир-бирлари билан турмуш қуришган. «Этак йиртиш» маросими эса туғилган ўғил ва қизни оналарининг келишуви ва розилиги асосида чақалоқни чақалоқлик даврида унаштириш удуми бўлган.

Воҳада совчилар «кичик» ва «катта» совчиларга бўлинади. Кичик совчилар, асосан, аёллар бўлиб, йигитнинг онаси ҳамда энг яқинларидан сўзамол, гапга чечан хотинлардан бири танланган. Удумга мувофиқ совчиликка уч марта борилган. Албатта, совчилар «эшигингизни супуришга келдик», «эшигингизга қулчиликка келдик» каби сўзларни айтишиб сўнгра мақсадга ўтишган. Қиз томон розилик билдирса, совчилар олдига ёғли, тансиқ таомлар қўйишган, «қариндошлар билан маслаҳатлашайлик», «яна бир келасизлар» деб жавоб қайтарилган. Агарда «ҳали қизимиз ёш», «қизимизнинг боши боғланган», «бошқа томонларни ҳам кўрингизлар» дейилса, бу рад этиш аломатидир.

Кичик совчилар қиз томондан розилик олганларидан кейин «катта совчи»лар, яъни йигитнинг тоғаси қишлоқнинг сўзамол, ували-жували ҳурматли кишиси билан бирга борган. Қиз томоннинг розилиги олингач, нон синдириш кунини белгилашади. Нон синдириш жуда муқаддас маросим саналиб, уни бузиш гуноҳ саналади.

Фотиҳа тўйига, асосан, қариндош-уруғлар ҳамда кўни-қўшнилар таклиф қилинади. Тўй куни куёв томонидан келин хонадонига «тўққиз» юборилган. Удумга кўра «тўққиз» таомилида келинга юборилаётган нарсаларнинг ҳар биридан тўққиз хил бўлиши лозим. Фотиҳа тўйидан кейин қиз томон куёв томонга «идиш қайтарар» удумини ўтказди.

Никоҳ тўйидан олдин «кўрпа солиш», «кўрпа тикар», «кўрпа бичар», «кийим бичар» каби удумлар ҳам бажарилади. Никоҳ тўйи маросими Сурхон воҳасида «ижоб тўйи», «катта ялоқ қизартирар тўйи» каби номлар билан аталиб, бу тантана келин-куёв оналарининг ўзаро жиддий тайёргарликлари асосида ўтказилади. Никоҳ тўйидан бир кун олдин кечкурун куёвникида «илиқ табоқ» маросими ташкил этилади. Шу куни кечкурун куёв ўз ўртоқлари, яъни куёвжўралар билан келиннинг уйига ташриф буюришган. Куёв келинникига «қирқ табоқ» (40 табоқ) олиб келган. Куёв келин

хонадонига кираётганида хурмат юзасидан юзига белбоғини чиммат қилиб тутиб олган. Остонага солинган пойандозни куёв босиб ўтгандан кейин жўралар ҳам куёв бўлишни ният қилишиб, пойандозни булакларга бўлиб эсдаликка олишган.

Куёв ва куёвжўралар махсус тайёрланган хонага киритилади ва «таниш табоқ» удуми ўтказилган. Куёв келтирган «қирқ табоқ» берилиб, келин ҳамда куёв томон келишган ҳолда дуо қилинади. Шундан кейин ижоб қилишга рухсат этилган. Келин томондан битта вакил, куёв томондан битта вакил келин турган қўшни уйга боради. Шу ерда «келин топар», «келин танлаш» удуми бажарилади. Сўнгра «оёқ босар» удуми бажарилади. Ким биринчи бўлиб оёқни босса, оилада устун бўлади деб аталади. Лекин ким биринчи оёқ босишидан қатъий назар ҳамиша оилада эркак устун ва оила бошлиғи ҳисобланган. «Елка қўхлар» удумида келин-куёв бир жойда турғизилиб, келиннинг яқин аёл қариндоши иккала ёш қўша қарисин деб ипак билан иккаласининг «эгни» яъни елкасига ипак илади. «Қўл ушлатар», «Соч сийпатар», «Ойна кўрсатар» удумларини келиннинг яқинлари бажаришади.

«Келинни кийинтириш» расмида келиннинг қизлик даврида сочи олди томонга ўрилган. Келин бўлаётганида қулоқнинг орқа томонига иккита қилиб ўрилиб, йўли оқ бўлсин деб учига оқ пахта боғланган. Келинни сочини асосан бир никоҳли ували-жували аёллар ўрган ва кийинтирган. Юзига чиммат тутилиб, паранжи ёпилган.

Куёв хонадонига ҳам келинни тушириб олишда йўлнинг икки томонига гулхан ёқилган. Келиннинг олдига чиққан отаси отдан тушириб олгандан кейин онаси етаклаб келинни чимилдиқ тутилган хонага олиб киради. Келинни қўйдай ювош бўлсин деб хонанинг бўсағасига қўй терисидан қилинган пўстак тўшаб қўйилган. Келин отдан тушиши билан қайнонаси келин-куёвнинг чимилдиқ тутиладиган хонасига кириб ўзининг устига оғирроқ нарса, асосан пўстак ташлайди.

Келин тушиб келган куннинг эртасига «бет очар» таомили ўтказилган. «Бет очар»га яқин қариндошлар, кўни-қўшнилари ташриф буюрганлар, келин уларнинг қаршисида таъзим қилади.

Сўнгра куёв тарафдан 4-5 ёшли ўғил бола қўлига савачўп берилади. Унинг бир учига пахта ўралиб қўйилади. Савачўпнинг пахта ўралмаган учидан ушлаб секин келиннинг юзига тутилган чимматига текизиб, аста-секин келиннинг юзидаги чимматни тортиб олади. Келин юзидаги чиммат чимилдиқ устига ташлаб қўйилади. Келиннинг

бошидаги ёпинчиг олиниб, келин оғир бўлсин деган маънода бошига қайнотасининг чопони ёпиб қўйилади.

«Бет очар» удумидан сўнг келинни қайнона эшигига рўпара қилинади ва эшикнинг устига келин томондан махсус тайёрланган «эшик илув» удуми бажарилади. Эшик устига кигиз, кичик гилам, баъзан кўрпа ташлаб қўйилади. Келин эса ошхона эшиги олдида олиб келинади ва кайвонининг кўрсатмаси билан у эшикнинг ўнг ва чап ҳамда бўсағасини тавоф қилади. Келинга оғзини юмиб, кўзини очиб, бўсағадан ўнг оёқ билан кириши уқтирилади. Келин хона ичкарасига кириб ўтиради ва олдида супра очиб қўйилади. Келин супрада ун элайди, товоқда пичоқ билан куйруқ тўғрайди. Бу расм-русумлар бажарилиб бўлгандан сўнг келинни хонадан қуруқ чиқармасдан унга сарпо берилади. Шу билан келинга ташқарига чиқиб уй рўзғор ишларига қарашишига рухсат берилади. Шу пайтдан келин уй бекаси ҳисобланади.

### Мучал ёши билан боғлиқ анъанавийлик ва замонавийлик

Бугунги кунда оилавий маросимлар қаторидан мустақкам ўрин олган мучал тўйи ва унинг билан боғлиқ анъаналарни ўрганиш тадқиқотчилар назаридан четда қолмаган.

Маълумки, Осиё халқларида қадимдан ўн икки ҳайвон (сичқон, сигир, йўлбарс, қуён, балиқ, илон, от, қўй, маймун, товуқ, ит, тўнғиз)нинг номи билан аталадиган ва ҳар ўн икки йилда янгидан такрорланадиган йил ҳисобини юритиш тизими (мучал) қўлланилиб келинган<sup>1</sup>. Кишилар туғилиш, ўлиш, жанглар, буюк воқеалар, йилнинг яхши ёки ёмон келиши ва бошқаларни шу мучал асосида “йил ағдариб” ҳисоблаганлар. Шунинг учун бўлса керак, Сурхон воҳасида қадимдан “йил ағдариш” (тож. солгардони)ни ёддан билишган ва бу билагонлик жуда савоб деб қабул қилинган<sup>2</sup>.

Қадимги ёзма манбаларда кўрсатилишича, мучални дастлаб Юнон-Бактрия подшолиги даврида (милл. авв. 250 – 130 йиллар) кўчманчи чорвадор халқлар яратган, сўнгра Мўғулистон, Хитой, Япония, Ҳиндистон, Миср, Эрон, Афғонистон, Ироқ ва Ўрта Осиё мамлакатларига тарқалган. Бу ҳисобнинг ватани Хитой ва Миср деган маълумотлар ҳам бор<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Шомаксудов Ш. Шораҳмедов Ш. Ҳикматнома. – Тошкент: Миллий энс-я, 1990. – Б. 399.

<sup>2</sup> Дала езувлари. Бухоро шаҳри, 2001 йил.

<sup>3</sup> Раҳмонкулова З. Хронология. Ўқув қўлланма. – Тошкент: 2006. – Б. 91.

Мучал тўйи Сурхон воҳасида Наврўз кунлари нишонланадиган маросимдир. Ушбу тўйни баъзи тадқиқотчиларимиз 12 ёшни тўлдириб 13 ёшга қадам қўйган йигит ва қизларимизни алқовчи маросим дейишса<sup>1</sup>, бошқалари эса мучал ёшини фақат 13 ёшда, балки 25, 37, 49, 61, 73, 85 ёшларда ҳам махсус нишонланилган оилавий тадбир деб таъкидлашади<sup>2</sup>.

Хусусан, фольклоршунос Б.Шермухаммадов мучални нишонлаш туркий халқларда одатга айланганини қатъий таъкидлайди<sup>3</sup>. Мучал ёшига кирган (хусусан, биринчи мучални нишонлаш жараёнида) ўғил ва қизларга бошдан-оёқ (тож.сарупо) янги кийимлар кийдириш анъанага айланган. Маросим сабабчисининг саруполари ранги оқ бўлишига ҳаракат қилишган. Бу рангнинг танланиши ўғил ва қизнинг келажаги порлоқ, бахтли, йўли ойдин бўлишига ишорадир. Хусусан, қиз боланинг ясантусанига алоҳида аҳамият берилган. Бу билан уларнинг бўй етганлиги махсус кўз-кўз қилинган ва жамоага билдирилган.

Сурхон воҳасининг турли аҳоли манзилларида қизларнинг раста бўлиб балоғатга етиши арафасида 10–12 ёшида узун халат-калтача кийгизиб ёшни нишонлаш маросими тўйдек ўтказилган, деб таҳлил этади этнограф олим А.Ш.Жумаев<sup>4</sup>. О.А.Сухарева ҳам Шарқий Бухорода калтачани XIX аср охири XX аср бошларида биринчи марта 12 ёшни тўлдирган қизларга кийдиришган, кейинчалик эса бўлажак келиннинг ҳар бир янги кўйлаги учун алоҳида калтача тикиб, саруно сифатида селига олиб қўйилган, деб ёзади<sup>5</sup>. Калтача Сурхон воҳасида ўзининг классик шаклинигина эмас, балки узоқ вақт кундалик ва тўй маросимларида кийилган халат сифатидаги вазифасини ҳам сақлаб қолган эди<sup>6</sup>.

Калтачапўшон маросимида ҳам худди мучал тўйидек давра ўртасида фақат қизларнинг саруполари кийдирилган. Яқин қариндош-уруғлар эса уларга аталган совғаларни ҳадя этишган.

Бугунги кунда маълумки, хотин-қизларимиз қадимий калтача кийиш одатини унутишган. Бироқ калтачапўшон маросими анъаналарига шунчаки, рамзий ҳолатда рияз этишга ҳаракат

<sup>1</sup> Сафаров О., Махмудов М. Оила маънавияти. – Тошкент. Маънавият, 1998. –Б. 72.

<sup>2</sup> Корабоев У. Ўзбекистон байрамлари. Тошкент: Ўзбекистон миллий энц-я. 2005. –Б.142.

<sup>3</sup> Шермухаммадов Б. Назми халқни бачагонан тоҷик (таъсир ва таҳқиқи мухтасар). – Душанбе, 1973. сах.26.

<sup>4</sup> Жумаев А.Ш. “Калтачапўшон” маросими. / Навқирон Бухоро илмий ва адабий-бадиий жариди. 1992. № 5, – Б.35–38.

<sup>5</sup> Сухарева О.А. История Средне Азиатского костюма. Самарқанд (2<sup>-</sup> половина XIX-начало XX в.). Москва, 1982. – С.39–40.

<sup>6</sup> Люшкевич Ф.Д. Этнографические особенности таджикского населения Бухарского оазиса (конец XIX-начало XX века). Автореф. на соиск. учён.степ.канд... ист. наук. – Ленинград, 1975. – С.14.



қилишади. Баъзи ҳолларда мучал ёши нишонланаётган онаси, опаси билан бир қаторда ҳали 12 ёшга кирмаган 5–6 яшар қизчаларга ҳам сарупо кийдириб, “калтачапўшон” қилдик, деб маълум қилишади. Бу кўриниш маросимларимизнинг бир шаклдан иккинчи шаклга айланиши, яъни трансформациялашуви жараёнига тегинчи. Маросимлар оламида ушбу жараён юз бериши жадаллик билан бормокда. Бу эса ўз навбатида, халқларнинг иқтисодий ҳаёти ва маънавий турмушидаги ўзгаришлар билан боғлиқ.

Воҳада сарупо кийдириш жараёни фақат биринчи мучал ёшидагина эмас, ҳатто кейинги, яъни 25,37,49,61,73,85 ёшларда ҳам давом этиши одатга айланган. Этнология фанида инсоннинг бир ёш босқичидан иккинчисига ёки бир ижтимоий ҳолатдан бошқасига ўтиши кўп ҳолларда унинг кийимлари ўзгаришига ҳам сабаб бўлганлиги аниқланган<sup>1</sup>.

Халқ орасида қадимдан мучал ёшига кирган ҳар бир инсон (13 ёшга кирган фарзандлар учун ота-онаси) йил давомида хайр-садақа бериб юришлари уларни турли хавф-хатарлардан соғ-омон асрайди сингари тасаввурларга ишонилган ва унга амал қилишган. Хайр-садақа турли хил шаклда бўлган. Оддий шакли қариндош-уруғлар ва кўни-кўшниларга улуш тарқатишдир. Сурхон воҳасида улуш тарқатиш қадимий одат бўлиб, ҳар бир маросимда унинг ўзига хос тартиби бўлган<sup>2</sup>.

Хусусан, оилада икки ёки ундан ортиқ аъзоларнинг мучал ёши (масалан, ота ёки онаси 37 ёшда, ўғил ёки қизи 13 ёшда)ни нишонлашга тўғри келиб қолса, албатта, худойи таомлари (ассосан, софи ош, ҳалиса) пиширилиб, маросим қатнашчиларига зиёфат берилган. Бундан ташқари, ўзи яшаб турган маҳалла аҳли учун мис қозон ҳадя этиш сингари урф ҳам бўлган.

Бугунги кунда Сурхон воҳасида мучал тўйининг ўзига хос замонавий кўринишлари шаклланиб бормокда. Булардан бири шаҳар ва қишлоқларда қурилган тўйхоналарда зиёфат уюштириб, мучал тўйини ўтказиш. Яна бири эса катта қозонларда сумалак пишириб, қариндош-уруғ, маҳалла аҳлига тарқатиш, ҳатто жонлиқ сўйиб, “хомталош” (хом–пиширилмаган гўшт, талош–талашиб олиш деганидир) тартибида тарқатилган.

<sup>1</sup> Давлатова С. Қашқадарё миллий кийимлари: анъанавийлик ва замонавийлик. (XIX аср охири XX аср) Тошкент: Маънавият, 2006. – Б. 143.

<sup>2</sup> Бу ҳақда қараңг. Шермухаммедов Б. Назми халқи бачагонан тожиқ (тасвир ва тақиқи мухтасар). Душанбе, 1973. саҳ 155; Махмудов М. Бердиев Б. Лугати мухтасари лаҳҷаҳои Бухоро. – Душанбе, 1989. саҳ 219; Сафаров О., Махмудов М. – Б. 73.

Хулоса қилиб айтганда, анъанавий жамиятимизнинг замонавий ҳаётини тадқиқ қилишда умрбоқий маросимларимиз муҳим роль ўйнайди. Чунки маросимларимизда халқимизнинг кундалик ҳаёти, турмуши, урф-одатлари, эътиқодлари, расм-русумлар маданияти мужассамлашган. Ўзбек халқи ҳаётидаги анъанавийлик ва замонавийликни ўрганишнинг муҳимлигини даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Бу маросимларнинг замирида воҳа аҳолисининг жуда қадим тарихига бориб тақаладиган турфа урф-одатлари ва удумлари ҳамда юксак маънавияти ўз аксини топган.

Воҳа аҳолисининг ўзаро ижтимоий ва маиший турмуш тарзида муомала маданияти муҳим ўрин тутди. Воҳа аҳли азал-азалдан кишилар ўртасидаги муносабатларни тартибга солишда муомала, сўз одоби каби жиҳатларга жиддий эътибор берган. Сўз ва унинг қудратига таяниб, одамлар ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаган, аразлашган одамларни бир-бири билан яраштирган. Бир-бирига мурожаат қилишда кишилар юксак ахлоқий қоидаларга амал қилишган. Тил, унинг қудрати, сўз сехри, муомала маданияти ҳақида кўплаб ибратли иборалар, мақоллар, ҳикматли сўзлар жамланган. Биргина саломлашишнинг илк ибораси саналган “Ассалому алайкум” сўзида ҳам жуда катта фалсафий маъно жамланган. “Ассалому алайкум” (ар.-“Сизга тинчлик, хотиржамлик, соғлик тилайман”)нинг нутқий шаклга эга бўлган, аммо, моҳиятан унинг парадигмасига ўзининг социал-прагматик хусусиятига кўра бирлаша оладиган келинсалом (бунда янги тушган келиннинг куёв ва унинг қариндошларига таништирилиши, шунингдек, икки тарафнинг ўзаро янги риштани боғлаш аввалида эзгу тилаклар билдирилиши) ва аксинча, нутқий қиёфага эга бўлмаган қуйидаги парадигматик бирликлар: келин-куёвнинг тўйхонага кириши аввалида олов атрофида айлантирилиши (тинчлик-хотиржамликни тилаш мақсадида), келин-куёвнинг оёғи остига пойандоз тўшалиб кутиб олиниши (пок ниятлар ижобатини тилаш баробарида), янги тушган келиннинг қайнотаси уйининг эшигига гилам осиб, сўнг остонадан қадам босиши (“қадами қутлуг келсин” маъносида) қабилар.

Худди шу сингари, Сурхондарёда сўрашиш моментига ниҳоятда шарафли ва айни вақтда масъулиятли, умумеърий вазифа сифатида қаралиб, унинг парадигмасига қуйидаги нутқий-ифодавий бирликлар бирлашади: “Сўранг!” (сўрашиш

имкониятининг ўзига нисбатан ёши улуғ инсонга тақдим этилиши, бу ўринда қатъий белгиланган тарихий меъёр – қадриятга хурматсизлик қилмаслик), агар мулоқот иштирокчилари ёшга кўра тенг бўлса, “Сиздан бўлсин!” ва ҳоказо. Қизиқ томони сўраётганнинг сўрови ичида сўралмишнинг аҳволи, мавқеи, табақавий даражасига ишора ва у орқали риторик сўроқ маъноси аниқ анланган бўлади. Мисол учун: *Қандай?, Зўрми?, Чопиб-чопиб юрибсизми?, Гуриллаяпсизми?, Тетикмисиз?, Даминмисиз?, Суяклар енгилми?, Чарчамаяпсизми? Хорманг!, Хушвақтмисиз?* каби. Ушбу ижтимоий-этнолисоний сўровда аҳволи сўралаётганнинг оила аъзолари ва яқинлари ҳам эътиборга олинади: “*бачаларинг яхшими?*” (бунда Сурхондарёнинг аксарият этник гуруҳларида хотин кишининг унинг айнан оиладаги ижтимоий ўрнига урғу бермаган ҳолда (эр кўрган аёл эканлиги маъноси андиша туфайли яширин қолади), унинг (хотин бўлмиш аёлнинг) номи эвфемик ифодага алмашинади.

Юқоридаги ҳолат гендерологик жиҳатдан ўта аҳамиятли. Хусусан, тарихан эркаклар ўз уруғи, қавми, оиласидаги аёлларнинг ҳаёси, шарми учун шахсий жавобгарликни ҳис этган ҳолда, аёлларнинг оиладаги мавқеига қараб атаганлар. Ва аксинча, аёлларда ҳам айнан мана шу ғамхўрликка жавобан эркак кишининг ишончини поймол қилмаслик туйғуси устун турган. Масалан, оиладаги келин бўлмиш аёл (ёшидан қатъий назар), ҳатто ўзидан кичкина қайнларини (ўғил бола гўдакларни) ҳам айнан исми билан чақирмай ўзга ном билан мурожаат қилган: *кенжаси, катта акаси, ўртанча қайниси* ва ҳоказо каби. Сўрашиш momentiда ҳам аёлларнинг мазкур тартиб асосида сўзлаши эса фаросат, яхши тарбия кўрганликнинг белгиси ҳисобланган.

Сиртдан қараганда, Сурхон воҳасида аёлнинг мавқеига эркаклар томонидан эътиборсизлик қилингандай туюлса-да, аслида, эркаклар нутқида учрайдиган “*бачаларингни сўра!*”, “*келинни ҳам олиб келмабсизда!*” кабилидаги ифодалар она, рафиқа ва опа, сингил сифатидаги аёлнинг эркак юрагидаги ардоқли ўрнига ишора беради.

Қайтиш чоғидаги хайрлашув учун айтилувчи: *дастурхонимизни олиб чиқасизми?* (*борди-келдимиз тўхтамасин, ризқимиз кўшилган бўлсин*), *хўш денг* (“*хўш?*” дея аҳвол сўрашиб, қайта учрашиш насиб этсин, маъносида), *Худойим паноҳига* (воситасиз тўлдирувчи оборотли эллиптик ифода) жумлаларининг

барчаси эса қайта учрашишдан умидворлик маъносини сақловчи услубий жозибадор тилакларни ўзида мужассам этади. Нутқий шаклга эга бўлмаган, аммо соф лисоний маънодор хайрлашув ҳолатлари ҳам кузатилади. Зиёфат сўнигида меҳмонларга тарвузқовуннинг киритилишига ўхшаш.

Хуллас, саломлашиш, сўрашиш, хайрлашув моментларида этник гуруҳларнинг нафақат маданий алоқа алмашинуви, балки тарихий-миллий ва гендерологик кадриятларнинг такрор-такрор тасдиқланиши эътиборга молик.

### 3.3. Тўй қўшиқлари

Номоддий маданиятимизда алоҳида аҳамиятга эга маросим қўшиқлари халқимиз ўтмиш маданиятининг нодир дурдоналари ҳисобланиб, асрлар оша аجدодларимиз маросим қўшиқларни янада сайқаллаштириб, тўлдириб, фаслларга, ойларга, йилларга мослаштириб, ўз орзу-умидлари ушалиши сари дадил ривожлантириб борган. Маросим қўшиқларида меҳнатсеварлик, ҳалоллик, поклик, ёвуз кучлари устидан ғалаба қилиш, ҳосилни йиғиб-териш олишдаги ҳашар билан боғлиқ ғоялар тараннум этилгандир. Халқимизнинг қадимдан авлоддан авлодга ўтиб келаётган маросимларидан бири тўйдир. “Тўй” сўзининг асл маъносига тўхталсак, бу сўз қадимги туркий тилда “байрам” маъносини англатади. “Тўй” сўзи тўймоқдан олиниб катта зиёфат маъносидадир”, – деб таърифлайди Музайяна Алавия.

Бебаҳо маънавий хазинамиз ҳисобланган қўшиқларимизнинг катта қисмини тўй маросим қўшиқлари ташкил этади. Бу қўшиқлар воқеабандлиги, ижро этиш ўрни, мазмун ва образлар силсиласи билан бошқа тур қўшиқларидан кескин фарқ қилади. Қўшиқлар орқали халқимизнинг маънавий бойлиги янада ёрқин намоён бўлади. Маълумки, қўшиқ инсоннинг ҳис-туйғуларини кўрсатиб берувчи, садоқат, қувонч, ғам, соғинч, алам, умид каби омиллар орқали пайдо бўлади. Мана шу омиллар оҳанг, қуй таъсирида қўшиққа айланиб инсон туйғуларини ифодалайди.

Номоддий маданиятмиз тарихида ўтмишдан ҳозирга қадар тўйларнинг қуйидаги турлари мавжуд: “Бешик тўйи”, “Соч олар тўйи”, “Суннат тўйи”, “Мучал тўйи”, “Никоҳ тўйи”, “Пайғамбар ёш тўйи”, “Уй тўйи” ва ҳоказолар.

Сурхон воҳасининг ҳар бир туманида ижро этиладиган тўй маросим қўшиқлар қайсидир жиҳатлари билан ўзига хос тарзда ажралиб турсада, умуммаънода узвий муштараклик, уйғунликка ҳам эгадир.

Сурхондарёнинг тоғли Хуфор ва Нилу, Хонжиза ва Дебодом, Ўшор ва Пожур, Сина ва Куёвсу, Чагам ва Шар-шар, Тоғчиён ва Бойсунобод, Дарбанд ва Бойсун, Панжоб ва Сайроб, шунингдек, ўнлаб кишлоқларида ҳам тўй маросимлар кўриниш жиҳатдан ўзаро ўхшаш бўлса-да, улардаги ўйин ва қўшиқларда жуғрофий воқелик орасида фарқланиш борлигини кузатиш мумкин.

Тўй маросимлари ўз мавзуси вазифалари бўйича маълум жанрларга бўлинади: “Ҳай ёрей, хай дўст”, “Ўлан”, “Ёр-ёр”, “Келин салом”, “Пахтаро гир”, “Якку -як”, “Ум-уфў”, “Лайла-ло”, “Айлансин ёр”, “Ёр-ёрон”, “Мучал қўшиғи”, “Нақш” айтишув қўшиқлари ва бошқалар.

Сурхондарёнинг Денов туманига қарашли тоғли Ўшор кишлоғида ўтказиладиган суннат тўйларида, албатта, отлар чиройли қилиб безатилиб, тўйболани унинг устига ўтирғизиб қариндошлар, қишлоқдошлар томонидан “Ҳай ёре, хай дўст” қўшиғи ижро этилиб қишлоқ айланишади. Бир киши қўшиқ бандини ижро этса қолганлар эса “Ҳай ёре, хай дўст” сўзларига жўр бўлишади:

*Ариқ бўйида ялпиз-ей,  
Ҳай ёре, хай дўст, хай ёре, хай дўст.  
Ялпизнинг барги ёлғиз-ей,  
Ҳай ёре, хай дўст, хай ёре, хай дўст.  
Отанг бозор борганда-ей,  
Ҳай ёре, хай дўст, хай ёре, хай дўст.  
Қандай ётасан ёлғиз-ей,  
Ҳай ёре, хай дўст, хай ёре, хай дўст.*

Таъкидлаш лозимки, тўй кунини аёллар учун алоҳида базм берилиб албатта “Лай-ла-ла-ло” қўшиғи айтилади:

*Атласимнинг оқи бор лай-ла-ла-ло, лай-ла-ло,  
Тумор қилиб тақиб лай-ла-ла-ло, лай-ла-ло.  
Ёшлигингда ўйнаб қол лай-ла-ла-ло, лай-ла-ло,  
Ўйнамаганлар ким боре лай-ла-ла-ло, лай-ла-ло.  
Бойсун тумани атрофларида ўтказиладиган тўйларда “Якку -  
як”, “Ёр - ёрон”, чорқарс ва бешқарс қўшиқлар ижро этилса,*

Сариосиё туманининг тоғли Дашнобод қишлоғида эса суннат тўйларида “Нақш” базми ўтказилади. “Нақш” бу узоқ йиллик тарихга эга бўлиб, қадимдан суннат тўйларида тўй эгаси томонидан тўртбурчак сандал шаклида ясатилиб, унинг атрофи чиройли гуллар билан безатилади. Тўй куни “Нақш” тонг саҳар том устига чиқарилиб, ёнига бир жуфт нон ва ойна қўйилади. Бунинг маъноси шундан иборатки, ноннинг қўйилиши тўйболанинг ризқи бутун бўлишига, ойна эса йўли ёруғ бўлишига ишора қилинган. Тўй куни туш пайтида элга ош тарқатилгач “Нақш” базми бошланади. Базм жарчиларнинг чорлови билан бошланади:

*Одамлару одамлар,  
Эшитмадим деманглар.  
Қани “Нақш”ни олиб чиқинглар,  
“Нақш” базмини бошлаймиз, э-ҳе-ҳей !*

Шу пайт даврага бошига “Нақш” кийган киши кириб келади ва унга қарата қуйидаги байт айтилади:

*Ало-лайлай, бало лайлай,  
Қаноти қоп-қора лайлай.  
Ҳиндистондан учиб келган,  
Қаноти қоп- қора лайлай.*

Шундан сўнг эркаклар икки томонга бўлиниб бир-бирларига қарата байт айтишни бошлайдилар. Байтни бир киши айтади:

*Нетарим сани билан,  
Бўлмади мани билан.  
Сан ёшгина ўғлонсан,  
Саргардон сани билан.*

Қолган даврадагилар эса “Бас, бас, бас, бас, бас” сўзларига жўр бўлишади.

Айтишув сифатида ижро этилган ушбу жанр фақатгина шу туманга хос бўлиб, жўшқинлиги билан ажралиб туради. “Нақш” ижрочилари шу тариқа маҳалла айланиб келишади.

Тўй маросим қўшиқлари воҳага хос жанрлар таркибидан иборат, уларнинг ҳар бири мавқеи, мазмуни, шакли куй оҳанглари,

шеър маъноси ва воҳа шеvasи билан боғлиқ ҳолда юзага келган. Тўй маросим кўшиқлари “Воҳа оҳанг луғати” ни яна бойитиб, уни янги сифат оҳанги билан воҳа аҳолиси тафаккурининг сирли мўъжизалари сари етаклайди.

Воҳа аҳолиси халқ оғзаки ижодида ўлан ва ёр-ёрлар ҳамда лапар ва келин саломлар ҳам муҳим ўрин тутади. Халқ оғзаки ижодининг ушбу намуналари, асосан, тўйлар ва базмларда куйланади. Бу кўшиқларда ёрга вафо, оилага садоқат, аҳдга содиқлик, яхшилик, меҳр-оқибат, ўзаро ҳамжиҳатлик, Батанга муҳаббат, ота-онага ҳурмат каби жиҳатлар тараннум қилинади. Ёр-ёрлар, асосан, келиннинг янгалари, амма-холалари, дугоналари томонидан куйланади. Келин салом тўй эртасига кайвони аёллар томонидан айтилиб, келиннинг эл-юртга, Яратганга, қайнота ва қайнонага, қайноға, қайнука, қайнопа-қайнсингил, кўни-кўшни, куёвжўраларга бериладиган саломи билан ифодалаб айтилади. Улан ва лапарлар эса ҳам якка ҳолатда, ҳам жўр овозда баъзан эса киз-жувонлар ва йигитлар ўртасида айтиладиган айтишувлар асосида ижро этилади.

Воҳада ижро этиладиган ёр-ёр, ўлан ва лапарлардан намуналар:

1. Ёр-ёрлар.

Этакдан ой тушибди,  
Жўғоридан кун чиқибди.

Қандай келин келибди.

Қособаси жорқуллаб,

Кумуш келин келибди.

\*\*\*\*\*

Аввал Худо номини

Бошлаб айтай ёр-ёр.

Икки кўзим косасин

Ёшлаб айтай ёр-ёр.

\*\*\*\*\*

Ёр-ёрнинг энг боши

Ё бисмилло, ёр-ёр,

Китобларнинг энг боши

Каломулло, ёр-ёр

\*\*\*\*\*

Алҳам сура Куръоннинг

Бошидадир, ёр-ёр,

Пайғамбарлар оламининг  
Қошидадир, ёр-ёр.  
Аввал бошлаб айтайин  
Қиров ёғди, ёр-ёр,  
Ақлим билан ҳушимни  
Олди биров, ёр-ёр  
\*\*\*\*\*

Ақлим билан ҳушимни  
Олса биров, ёр-ёр,  
Етса молим, етмаса,  
Жоним гаров, ёр-ёр.  
\*\*\*\*\*

Икки сандиқ ёнма-ён  
Бўй беради, ёр-ёр.  
Икки қуда тенг туриб  
Тўй беради, ёр-ёр.  
\*\*\*\*\*

Майиз турган сандиқни  
Очиворинг, ёр-ёр,  
Келинчакнинг сочидан  
Сочиворинг, ёр-ёр.  
\*\*\*\*\*

Меҳмон келса бел боғлаган,  
Дилбархоним, ёр-ёр,  
Қуда холам даврини  
Сурган хотин, ёр-ёр.  
\*\*\*\*\*

Оқ милтиқ, қора милтиқ  
Отган отам, ёр-ёр,  
Ўз қизини ёт кўриб,  
Сотган отам, ёр-ёр.  
\*\*\*\*\*

Ўз уйидан айрилиб  
Кетган отам, ёр-ёр,  
Оқ сутингга рози бўл  
Жоним онам, ёр-ёр.

\*\*\*\*\*  
Қайроғоч қаттиқ ёғоч



Синмас экан, ёр-ёр,  
Қариндошга қиз берган  
Тинмас экан, ёр-ёр.

\*\*\*\*\*

Томимизнинг орқасида  
Эгри ўрик, ёр-ёр.  
Куёв тўра янгалари  
Нимча керик, ёр-ёр.

\*\*\*\*\*

Томимизнинг орқасида  
Эгри ўрик, ёр-ёр.  
Келинойим янгалари  
Дарди томок, ёр-ёр.

\*\*\*\*\*

Узун-узун сой кечдим деб,  
Эринманглар, ёр-ёр.  
Ўн бешта қуй бердим деб  
Керилманглар, ёр-ёр.

\*\*\*\*\*

Чимирсак ҳам арзирлик  
Қизимиз бор, ёр-ёр  
Ойдаи ёруғ, кундай иссиқ  
Юзимиз бор, ёр-ёр.

\*\*\*\*\*

Юрганимиз чаманларнинг  
Орасидир, ёр-ёр.  
Келинпошша қизларининг  
Сарасидир, ёр-ёр<sup>1</sup>.

Ҳай-хай ўлан, жон ўлан  
Ўлан кундир, ёр-ёр,  
Дўст келиб, душман кетар  
Кундир бугун, ёр-ёр.

Токчадаги қайчини  
Занг босибди, ёр-ёр  
Чимилдиққа келинни  
Ғам босибди, ёр-ёр.

Шилдир-шилдир қамишзорга  
Сирғам тушди, ёр-ёр.

<sup>1</sup> Айтувчи Улаш момо Шоимова 68 ёшда. Ёзиб олувчи Ашуrow Хуррам.

Синалмаган йигитга  
Синглим тушди, ёр-ёр.

Узун-узун сочларига  
Жамалак эш, ёр-ёр.  
Икки куда бир-бирига  
Эндидир хеш, ёр-ёр<sup>1</sup>.

### Келин саломдан намуналар

Еру кўни бор қилган,  
Икки ёшни бир қилган  
Аввал Худога салом.  
Пайгамбарлар сардори,  
Икки олам сарвари  
Муҳаммад Мустафога салом.  
Муҳаммаднинг издошлари,  
Сахар юрган йўлдошлари,  
Чориёрларга салом.  
Маккатилло йўлида,  
Жойномози қўлида,  
Худойжўйларга салом.  
Ул туғдим деб керилган,  
Димоғ бурни керилган,  
Қайнонасига салом.  
Яйловга қўй жойлаган,  
Қарсон қуйруқ бойлаган,  
Сойдан сурув сувлаган,  
Қайнотасига салом.  
Томчи қўйган шотидай,  
Улоқчининг отидай,  
Қайин оғасига салом.  
Осмондаги юлдуздай,  
Қоши қора кундуздай,  
Кўнгли оппоқ кундуздай,  
Қайнисинглисига салом.  
Девор ошиб қараган,  
Тўй қачон деб сўраган,

<sup>1</sup> Тахсин момо Хўжамуродова. Шеробод тумани, Ахтиўул кишлоғи, Қўнғирот уруги. 66 ёш.

Кўшниларга салом.  
Беқасам тўн қўйқими,  
Йигитларнинг шилқими,  
Куёв жўраларга салом.  
Икки уйнинг орасида тинмаган,  
Қудаларнинг орасини минглаган,  
Совчигаям бир салом.  
Тўйга келиб кетган,  
Манзилларига етган,  
Мезмонлари-меҳмонлар,  
Сизларгаям бир салом<sup>1</sup>.

### Ўланлар

Ҳова жовар тов-товга,  
Жилқилар келар мотовга,  
Ҳайданг, дўстлар, ўйнаймиз,  
Бахмал жопқон ўтовга.  
Биздан жўғори Бойсун,  
Қизлар рўмолин ёйсин,  
Дуо беринг оталар,  
Ҳар ким суйганин олсин<sup>2</sup>.  
Ошиқ бўлдим кўзингга,  
Инсоф берсин ўзингга,  
Тоғдаги интиқларга,  
Ман нечун занжур солай.  
Сан кишининг ёри бўлсанг,  
Ман нечук кўнгил қўйай,  
Тоғда арча минг йиллар умр кўрарму?  
Шохи синса заргар кумуш кўярму?  
Заргарни қўйгани арча бўларму?  
Ёшликда берган кўнгил жудо бўларму?<sup>3</sup>

Воҳа аҳолиси тўйлари ва оилавий шодиёналари доимо куй-қўшиқ, лапар ва ўланлар ҳамда ёр-ёрлар ва терма, дostonларсиз ўтмаган. Сурхон воҳасининг Бойсун, Шеробод, Шўрчи, Денов, Жаркўрғон ва Сариосиё каби қадим кент ва қасабаларида тўйларда кўноқ ва улуш бериш одати кенг расм бўлган. Ушбу удумга биноан тўйга келган меҳмонлар тўйхонадан ўз удумлари, яъни егуликларини ҳатто от-

<sup>1</sup> Шаҳар момо Хўжамуротова. Шеробод тумани Хитой кишлоғи.

<sup>2</sup> Мустафоқулов Р. Халқ педагогикаси сарнашмаси. Термиз. Жайхун. 1994. 80-бет.

<sup>3</sup> Айтувчи Жаркўрғонлик 70 ёшли Буби момо.

уловларининг емишларини олишиб қишлоқдаги хонадонларга қўноқ бўлган, яъни меҳмон сифатида жойлаштирилган. Бу одат вожада қўшхона ташлаш деб номланган меҳмонлар учун қўшхона сифатида ажратилган уйда уларнинг истакларига биноан таом тайёрланган. Тўйга келганлар учун кундуз кунни кўпқари, улоқ, олиш, кураш, туя уруштириш, қўчқор уруштириш, хўроз уруштириш, дорбоз ўйинлари каби томошалар уюштирилган. Кечга яқин тўйхонада гулхан ёқиб ўйинкулги ташкил этилган, ушбу даврада бахшилар халқ дoston ва термаларини куйлаган, ёшлар ашула ва рақс ижро этган. Жумладан, бундай тантаналарда “Воҳ-воҳ тўрам”, “Ковушим”, “Ҳай доғу-доғ”, “Бойсунча тановар”, “Дўст бўламиз”, “Ғижим рўмол”, “Қизгина”, “Келгин ёр ўйнайлик”, “Тасаддуқман”, “Келинчак”, “Бали-бали”, “Қўрдингизми”, “Осмонда юлдуз ўйнайди”, “Қиз ва йигит айтишуви”, “Қизларга”, “Ҳал туя”, “Омонёр”, “Лолача”, “Лайло-ло”, каби қўшиқлар куйланган. Ушбу қўшиқлар оҳангида рақслар ҳам ижро этилган. Жумладан, рақсларнинг “Бойсун мавричиси”, “Қўш қарсак”, “Чор қарсак”, “Пичоқ ўйини” каби турлари ижро этилган. “Лайло-ло” ва “Воҳ-воҳ тўрам” қўшиқлари аёллар томонидан ижро этилса, “Оҳ-воҳ”, “Ҳай доғу-доғ”, “Ҳай доғу, фироқинингдан” қўшиқлари фақат эркаклар томонидан ижро этилган. Бундан ташқари “Маврига” рақси ҳам ижро этилган бўлиб, бу рақс қадимий рақс турларидан бири бўлиб, тахминан араблар истилоси пайтида пайдо бўлган. Шу боисдан ҳам рақсда арабча рақс унсурлари учрайди. “Пичоқ ўйини”, асосан, никоҳ тўйларида ўйналади. Бу ўйинда йигитлар пичоқ билан рақсга тушадилар ва рақс охирида пичоқларни ерга қадаб, келин-куёв ўтадиган даҳлиз ҳосил қиладилар. Бунинг маъноси келиннинг орини энди куёвнинг уруғдошлари қўриқлашини зиммаларига олганлигини билдиради<sup>1</sup>.

Базм якунида эса “Якқу-як” ва “Уфу, жақала” қўшиқлари “Чорқарсак” жўрлигида ижро этишади.

### 3.4. Дуо-олқишлар

Халқимиз қадимдан ўз урф-одатларига, анъаналарига ва маросимларига содиқ бўлиб, ўзаро хурмат-эътибори, одоб-ахлоқи, инсоний фазилатлари билан дунё цивилизацияси тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Айниқса дўстона муносабатлари, саховатлиги, меҳрбонлиги, кечиримлиги, меҳмонсеварлиги, муҳтож кишиларга, оилаларга, нуронийларга нисбатан чексиз

<sup>1</sup> Мустафоқулов.Р. Халқ педагогикаси сарчашмаси. – Тошкент: Янги аср авлоди, 1994. – Б.159..

хурмат-эътибори билан ҳамиша олқиш олиб келган. Сурхон воҳаси номоддий маданияти дурдоналарини ўрганишда олқиш, мақтов, раҳмат олиш билан боғлиқ манбалар тадқиқи ҳозирги даврда алоҳида аҳамиятга эгадир. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, олқиш олиш қилинган меҳнатга, айтилган яхши сўзга, ибратли турмуш тарзига нисбатан кўпроқ ишлатилиб, унинг натижасида “олқов”, “овмин”, “дуо” сингари илҳомлантирувчи ғоялар шаклланган. Ушбу тушунчалар таъсирида инсонларда эзгулик, тетиклик, омад, хушбахтлик каби тилаклар пайдо бўлган. Этнологик тадқиқотлар жараёнида кишилар орасида энг кўп ишлатиладиган “олқиш” тушунчасига “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да кўйидагича таъриф берилган: 1. Яхшилик тилаб айтилган, айтиладиган сўзлар мақтов, дуо. 2. Мамнунлик, таҳсин билдирувчи қарсақлар<sup>1</sup> деб. Сурхон воҳасида ўтроқ ва кўчманчи аҳолининг олқиш масаласида ўзига хос фикр-мулоҳазалари мавжуд бўлиб, ҳар бир уруғнинг, қабиланинг ва элатнинг тафаккури қанчалик маданий жиҳатдан тараққий қилганлигидан далолат беради. Номоддий маданиятнинг ўзига хос хусусиятларини белгиловчи фольклор тармоғида кўпдан-кўп маросимларни ўз ичига олган олқишлар мавжуд бўлиб, ушбу олқишлар асрлар давомида ривожланиб келган. Қадимий анъаналарга хос турмуш тарзи билан шаклланиб келган маросим таркибидаги олқишларга табиий равишда тўй ва азаларга оид олқишлар кириб, воҳа аҳолиси ўзига хос урф-одатларига мос олқишларнинг яратилишга ҳисса қўшиб келган. Сурхон воҳаси табиатининг турли-туманлиги, аҳолининг жойлашувидаги ўзига хослик, ҳар бир оила, уруғ, қабила ва элатдаги фарқлар, тил, шева, сўзлашувдаги маълум фарқлар маросимларнинг бир-биридан ажралиб туришида фарқ қилади. Этнологик тадқиқотлар жараёнида тўй маросимларининг турли-туманлиги, тўй олди, тўй вақти ва тўйдан кейинги жараёнларни ўтказиш билан боғлиқ удумлар, тўйнинг ушбу уч ҳолати билан боғлиқ олқишларни илмий ўрганиш соҳасида маълум натижаларга эришилди. Тўй маросимларига тайёргарлик ва уни ўтказиш билан боғлиқ “фарзанд туғилиши”, “ўғил туғилиши”, “қиз туғилиши”, “киндик кесиш”, “йўргакка олиш”, “бешикка солиш”, “исм кўйиш”, “кўйлак кийдириш”, “ақиқа”, “соч олиш”, “биринчи қадам”, “сачала қилиш”, “мучал” каби фарзандлар билан боғлиқ

<sup>1</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Учинчи жилд. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2007. – Б. 120.

ҳолатлар, шунингдек, келин ва куёв билан боғлиқ “совчи”, “нон синдириш”, “тўй жўнатиш”, “тўйни қабул қилиш”, “қуда сарпо”, “келин сарпони қабул қилиш”, “кўрпа қовиш”, “куёв тўн”, “келинни кийиндириш”, “бўсаға ости”, “момо ўлди”, “келинни юзини очиш”, “келин салом”, “қайнота моли”, “қайнона совғаси”, “ҳовли супириш”, “қайнотага кўрпа тушаш”, “келин кийимини алмаштириш”, “келининг биринчи жой йиғиши” билан боғлиқ маросимларда олқиш жуда кенгроқ ишлатилади.

Тадқиқотлар жараёнида шу аён бўлдики, олқишлар, асосан, аёллар ёки кекса момолар томонидан айтилиб, олқишлар шахсни руҳий-маънавий камолотга етказиш, уни ҳар хил ёвуз кучлардан ҳимоя қилиш, жонига оро кириш, кўрқиннинг олдини олиш, ҳис-ҳаяжондан қутқариш, танасидаги оғриқлардан халос этиш, уялишдан мардликка, жасурликка, матонатга ундаш каби хислатлар мавжуд. “Кўрпа қовиш” маросимида чакқон, ишига пухта аёллар жалб қилиниб, қавилаётган кўрпалар икки ёшга бахт-омад келтирсин, ҳар қандай инс-жинслар кўрпа қатларига кириб олмасин деб, ёвуз кучларни ҳайдаш мақсадида кайвони момо келин-куёвга оид олқишларни айтиб, кўрпа қавиётган аёлларнинг меҳнатини энгиллаштирганлар. Масалан:

Сурхонимга баҳор, ёзи-кузлар келсин,  
Тоғларидан қори эриб, сувлар келсин.  
Куёвнинг оташ юраги келин келсин,  
Уни кўрпа ичида жондан севсин.  
Бахтли-садоатли, фарзандли бўлсин,  
Ошиғи қўйнида эркалаб кўрпага ётсин.  
Ўғиллари ботир, қувноқ, мард, бўлсин,  
Қизлари кўғирчоқдай пари бўлсин.  
Умирлари узок, бахтли бўлсин,  
Овмин, Аллоҳи акбар!

Сурхон воҳасидаги олқишлар кенг мазмунли, оҳангли, бардошли, файзли ҳамда эс-хушни чархлайдиган имон-этиқод, камтарлик, вазминлик, ҳаё-уятлик фазилатларини ўзида жам этганлиги билан қадимдан машҳурдир. Аллоҳу акбар олқишида тўй оқсоқоли томонидан билдирилган бутун бир яхшилик фазилат умумлаштирилган бўлиб, уни кенгроқ таҳлил қилсак: “Аллоҳу акбар, Абдурасул деҳқонинг шу қизи (қизнинг исми айтилмайди)

борган жойда бахтли бўлсин. Тошдай қотсин, ойдай тахтли бўлсин, куёв билан ўзидан кўпайсин, неварали-чеварали, хиварли-чуварли, бегонали бўлсин. Бой-бадавлат, хирмонли, тегирмонли, овжузи мойли, қопи тўла унли, супраси хамуртуришли, қозони ёғли, дастурхонли, саховатли бўлсин. Қўшгани билан қўша қарисин, тўй устига тўйлар бўлсин, тўйдан боши чиқмасин. Овмин, Аллоҳи акбар!”, деган мазмунли олқиш изоҳланади.

Халқимизнинг хурматига ва олқишига сазовор бўлган, ўз меҳнатлари билан ватанимиз тараққиётига ва унинг иқтисодий ривожланишига муносиб ҳисса қўшган инсонларни кадрлаш, улар меҳнатини эъзозлаш, ёшларга ибрат қилиб кўрсатиш, номоддий маданиятимиз дурдоналарни авайлаб-асрашдаги хизматларини тақдирлаш келажак авлод тарбияси учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини унутмаслигимиз зарур. Мамлакатимизда таниқли, ташаббускор, билимдон, ишбилармон, деҳқончиликнинг сирасорларини пухта биладиган қишлоқ хўжалиги соҳасида катта мактаб яратган Иброҳим Файзуллаев меҳнат фаолияти даврида халқимизнинг турмуш тарзини яхшилашга, мустақиллик йилларида мамлакатимиз иқтисодий қудратини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшган инсон сифатида танилди. Иброҳим Файзуллаев ватанга, халққа садоқат билан хизмат қилиб, ўзига берилган топшириқни мукамал бажарган, инсонпарвар, тиним-тинчимайдиган фидойидир. Унинг меҳнат фаолияти, касб, билими, ҳаёт тажрибаси ёш авлодга муносиб ибратли мактабдир. У бутун умрини меҳнатга бағишлаб, камгап, етук, ижодий ташаббусни қўллаб-қувватлайдиган инсон сифатида халқ қаҳрамонига айланди. Иброҳим Файзуллаев оддий темирчиликдан парламент аъзоси, қаҳрамонликкача бўлган шарафли ва масъулиятли йўлни босиб ўтди.

Ана шундай сифатларни ўзида мужассам этган Иброҳим Файзуллаев 1933 йил 25 августда таваллуд топди. 1969 йилда Самарқанд Давлат қишлоқ хўжалиги олийгоҳининг зироатшунослик факультетини битирди. Ўзбекистон Қаҳрамони, Денов туман ва Сурхондарё вилоят Кенгашлари депутати, 1949–1954 йилларда Денов туманидаги С.Раҳимов номли хўжаликда колхозчи, Сут-товар фермасида табелчи бўлиб ишлади. 1954–1955 йиллар ҳарбий хизматни ўтаб, 1955–1957 йиллари С.Раҳимов номли хўжаликда темирчи, уста, сут-товар фермасида табелчи, 1957–1960 йиллари Самарқанд қишлоқ хўжалиги раислар тайёрлаш курси талабаси, 1960–йиллар С.Раҳимов номли ширкат хўжалигида бош зоотехник, энтималог агроном, бригада бошлиғи, бош агроном бўлиб ишлади. 1970 йиллар Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги

бошқармасида бош агроном, 1971–1983 йиллар туман маҳсулотлар қабул қилиш ва сифати бўйича бош инспектор, 1983 йилдан Денов туманидаги С.Раҳимов номли ширкат хўжалиги бошқаруви раиси бўлди. Машаққатли, сермазмун, халқ келажаги ва орзу-умидини амалга оширишда тинимсиз меҳнат қилган таниқли пахтакор, ташкилотчи раҳбар, фидойи жонкуяр инсон Иброҳим Файзуллаев меҳнати мустақиллик йилларида ҳукуматимиз томонидан юксак кадрланиб, унга олий мукофот берилди.

Мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга, халқ саломатлигини сақлашга қўшган улкан ҳиссаси ҳамда ишлаб чиқариш соҳаларидаги қаҳрамонона меҳнати учун Иброҳим Файзуллаевга 1996 йил 8 декабрда “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони берилиб, олий нишон “Олтин Юлдуз” медали топширилди.

У меҳнат фаолияти даврида, таниқли мутахассис, ўз касбининг фидойиси сифатида халқ моддий бойликларини авайлаб-асраш йўлида мукамал ишларни олиб борди. Иброҳим Файзуллаевга “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвонининг берилиши таниқли деҳқон, ишбилармон, деҳқончиликни мукамал биладиган шахс меҳнатининг юқори кадрланиши эди. Таниқли пахтакор, халқнинг меҳнатларини ижобий баҳолайдиган ишбилармон, тадбиркор деҳқонлар билан муомала қиладиган, билимини, тажрибасини ёш авлодга ибрат қилиб кўрсатадиган мукамал шахсга айланди. И.Файзуллаев умр бўйи меҳнат ишгиёкида хизмат қилиб, камгап, камтарин, ташаббускор инсон сифатида танилди. Ундаги тиришқоқлик, янгиликка интилувчанлик, ер дардини билиш, тажрибали деҳқонлар билан маслаҳатлашиш, бадий талқинда изоҳлаганда ҳар бир “кесак билан сирлаша олиш” қобилияти туфайли эл назарига тушди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов И.Файзуллаев каби фидойи, меҳнатқаш, Ватан ва халқ олдидаги масъулиятни сезадиган раҳбарларга алоҳида эътибор бериб, куйидаги фикрни қайд этган эди: “Раҳбарлик – лавозим, мансаб эмас, аввало, одамларга хизмат қилиш масъулияти эканини барча тўғри тушуниб олмоғи зарур. Раҳбар дегани ҳаммадан кўпроқ ишлаб, фуқаролар саодати ва юрти равнақи учун елиб югурадиган фидойи инсон бўлиши керак”.

Иброҳим ака ҳаётда нимаики муваффақиятга эришаётган бўлса, барчасига ҳалол меҳнати, илм-заковати туфайли деб билади. Зеро, шоир айтганидек:



Инсоннинг қиммати эмас сийму зар,  
Инсоннинг қиммати меҳнат ва ҳунар.  
ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси пахтачилик  
муаммоларини ҳал қилиш комиссияси раиси.

Ҳар бир юртнинг доврүкли, элга дoston бўларли инсонлари бўлади. Бундай кишилар эл ғами, юрт манфаати йўлида фидойиларча меҳнат қилган, халқимиз олқишига сазовор бўлган Сурхондарё вилояти, Денов туманидаги «Лочин» фермер хўжалиги раҳбари, Ўзбекистон Қаҳрамони, Олий Мажлис сенати аъзоси Аҳмад Нарзуллаев ҳам ана шундай кишилар сирасидан. У киши билан қай мавзуда гаплашманг, завқ-шавқ оласиз. Одамохун, саховатпеша инсон эканлигига иқрор бўласиз. Қаҳрамон қурилиш, саноат, ишлаб чиқариш, тиббиёт, таълим соҳаларида тўлиб-тошиб сўзлайди. Айниқса, фермерлик, ишбилармонлик, тадбиркорлик ҳақида сўз очсангиз, Аҳмад ака соатлаб мулоҳаза юритиши мумкин. Мамлакатимизда истиқлол шабадалари эса бошлаган илк дамларда у мустақиллик билан тенгдош «Лочин» фермер хўжалигига асос солди.

Халқимиз “Тиришқоқнинг тешаси тошни чегалар” деб бежиз айтмаган. Улуғ немис шоири Иоганн Волфганг Гёте “Фауст” асарида:

*Умид билан суқилган таёқ,*

*Бир кун берар мева-ю япроқ, —*

деб битганидай, ғамгин заҳматлар беҳуда кетмади, астойдил меҳнат ўз самарасини берди. Аҳмад Нарзуллаев кириш имтиҳонларини аъло баҳоларга топшириб, талаба деган фахрли номга сазовор бўлди. Унинг учун илм эшиклари очилган, ниятларини рўёбга чиқариш имкониятлари юзага келган эди.

Халқимизда “Даромадга яраша буромад” деган яхши гап бор. Даромаднинг кўпайиши туфайли “Лочин” фермер хўжалиги мухтожлар, қариялар, ногиронларга хайрия ёрдамлари ҳам кўрсата бошлади. Илк бор туман ногиронлар жамиятини ўз оталиғига олиб, ҳар байрамда ногиронларга хайрия ошлари ташкил этиб, уларга совға-саломлар, моддий ёрдамлар бера бошлади. Шоир:

*Бир гариб кўнглини қила олсанг шод,*

*Яхшидир ер юзин қилгандан обод,*

*Лутфинг-ла бир дилни кул қила олсанг,*

*Яхшидир юз кулни қилгандан озод, —*  
деганди.

1999 йилнинг июн ойида мактаб қурилиши бошланди. Аҳмад Нарзуллаев бу эзгу ишга ўзининг ишчи кучларини жалб этди. Жамоанинг қурувчи уста йигитлари бир ёқадан бош чиқариб, меҳнат қилишди. 380 ўринли замонавий мактаб биноси 50 кун ичида қуриб битказилди.

Болажонлар орзиқиб кутган 1 сентябр куни ҳам етиб келди. Янги мактаб сари шодланиб бораётган ўғил-қизларни кўрганда, Аҳмад Нарзуллаевнинг ҳам, у бошлиқ аҳил жамоанинг ҳам қалблари фахрифтхор туйғуларига тўлди. Мактабнинг очилиш маросимида туман ҳокимлиги вакиллари ҳам иштирок этишди. Тантанани туман ҳокимининг ўринбосари Тоштемир Турдиев очди. У туман ҳокимлиги, қишлоқ аҳли, мактаб педагогик жамоаси ва ўқувчилар номидан ташаббускор фермер Аҳмад Нарзуллаевга ва у бошлиқ жамоага меҳр-муруватлари учун катта миннатдорчилик билдирди, уларнинг ишларига барака, ўзларига сихат-саломатлик тилади.

Маънавиятимизнинг фидойиси, миллий мактаб асосчиларидан Маҳмудхўжа Бехбудийнинг “Мактаб – дунё иморатларининг энг муқаддас ва қадрлисидир. Мактабнинг чин ва ҳақиқий маъносини билган миллатлар жонлари, моллари билан ҳиммат ва ғайратларини сарф этиб, миллатнинг тараққиёти ривожига ижтиҳод қилурлар”, деган пурмаъно сўзлари айнан Аҳмад Нарзуллаев сингари юртпарвар фидойиларга айтилган десак муболага бўлмас.

2001 йили мустақиллик байрами арафасида мамлакатимиз Президенти фармони билан Аҳмад Нарзуллаевга “Меҳнат шуҳрати” ордени берилди. Ватаннинг бу юксак мукофотидан унинг боши кўкка етди. Сурхондарёлик шоир Шафоат Раҳматулло Термизийнинг қуйидаги сатрлари қалбида қайта-қайта акс садо берди:

*Халқимнинг миндирган учқур оти бу,  
Ватаним бахши этган бахтнинг тотти бу.  
Олий мукофотим — истиқболимнинг,  
Юртим, Юртбошимнинг мукофоти бу.*

Ҳа, ҳокисор, саховатпеша халққа меҳр кўрсатган кишига Яратганнинг ўзи мададкор бўлади. Аҳмад Нарзуллаев ҳам Аллоҳнинг марҳаматига сазовор бўлган инсонлардан. У 2001 йилда «Меҳнат шуҳрати» ордени совриндори, 2002 йилда эса мамлакатимизда ўтказилган «Ташаббус – 2002» кўрик-танловида Президентимизнинг олий совринини қўлга киритди. 2003 йили Ўзбекистон Қаҳрамони бўлди.

Ушбу яратиш, фаровонлик, яшнатиш, саховат йўлида фидокорона меҳнат қилаётган Ўзбекистон Қаҳрамони, Олий Мажлис Сенати аъзоси Аҳмад Нарзуллаев ҳақида қисқача сўз юритдик. Орзулар эса янада улкан. Энг асосийси, мустақиллиқни мустаҳкамлаш, эл дарди билан яшаш, Ватан тараққиётини янада юксалтиришдир.

Таниқли олим, муррабий, етук тиббиёт ходими, халқимизнинг олқишига сазовар Муҳаммадиев Раҳмоннинг болалик йиллари сервиқор Боботоғ тоғларининг ён бағридаги Чаган қишлоғида ўтган. Болалигидан зехни ўткирлиги, қизиқувчанлиги, билимга чанқоқлиги уни келгусида олим, шифокор бўлиб етишишига сабабчи бўлган. Шифокорлик касбини танлашига онасининг кўзи ожизланиб, хасталаниб қолганлиги ҳам сабаб бўлган. Ёшлиқдаги орзу-ҳаваси уни Самарқанд тиббиёт институтига етаклади. Ундаги қобилиятни, истезоддини ҳис этган устозлари аспирантурада қолиб ўқишни давом эттиришга имконият яратди. Р.Муҳаммадиев Москвада Бурденко номидаги нейрохирургия клиникасида жаҳон тиббиётининг таниқли олими Святослав Фёдоровдан таълим олди.

У Самарқанд шаҳридаги офтальмология клиникасида ишлаб Марказий Осиёда биринчи бўлиб кўз микрохирургиясини амалиётга жорий этиб, вилоятда кўз касалликлари шифохонасини ташкил этди. Халқимизда ҳурмат билан “Саодатманд табиб” деган номга сазовор бўлди. Раҳмон Омонович Муҳаммадиев халқимиз соғлиги, юртимиз келажаги йўлидаги беминнат хизматлари тўғрисида хурматли Президентимизнинг фармони билан “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвонига муяссар бўлди.

Оддийликни ўзига муносиб билган, меҳнатсевар, эл назарига тушган ҳамда халқимиз олқишига сазовор бўлган Ўзбекистон Қаҳрамони Ҳамза Маҳкамов “Аср мўъжизаси” деб тан олинган “Тошқўрғон-Бойсун-Қумқўрғон” темир йўли қурилишида иштирок этиб, Ўзбекистоннинг куч-қудрати, салоҳияти нималарга қодир эканлигини меҳнати билан намоён қилди. Хайрбоддаги 166-йўл-машина станцияси машинисти бўлиб ишлаган Ҳамза Маҳкамов ўнлаб йирик қурилишларда фаол иштирок этиб, ўзининг меҳнатсеварлиги, камтарлиги, инсонпарварлиги билан танилди. Ҳ.Маҳкамов темир йўл қурилишининг дастлабки босқичида Қумқўрғонда биринчи рельсни ётқизиб, хайрли ишни бошлаб берди. У тоғлар орасидан кесиб ўтган темир йўлда Шўроб қишлоғидаги Қумқўрғон ва Ғузор томонидан келган икки

томондаги охирги рельсни ётқизиб, ишга тушириш ҳам унга nasib этди. Х.Маҳкамовнинг авлодлари, юртдошлари “Бу темир йўлларни менинг бобокалоним, менинг юртдошим бунёд этган” деган муқаддас шарафли ишни амалга оширган. Таниқли машинист, камтарин инсон, садоқатли меҳнат соҳибии Ҳамза Маҳкамовнинг меҳнати 2007 йил қадрланиб Республика Президенти фармони билан “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони берилди

Таниқли раҳбар, ташаббускор инсон, етук ташкилотчи, халқимиз олқишига сазовор бўлган Абдуллаев Муҳиддин 1948 йил 10 майда Шеробод туманида туғилиб, 1966 йилда №1-сон ўрта мактабни муваффақиятли тугатиб, 1966 йил Республика рус тили ва адабиёти институтига ўқишга кириб, уни 1971 йилда муваффақиятли тугатди. Натижада ўнлаб ишбилармон, ташкилотчи, ўз касбига садоқатли мутахассислар танлаб олиниши натижасида туман иқтисодиёти, маънавий-маърифий тизими қисқа вақт ичида юксак даражада кўтарилди. Ундаги ташкилотчилик қобилиятин сезган раҳбарият 1982–1985 йилларда Қизириқ туманининг иқтисодий кудратини юксалтириш, янги ерларни ўзлаштириш, ҳосилдорликни кўтариш, маънавий-маърифий аҳамиятга эга бўлган ишларни янада юқори савияда олиб бориш бўйича жуда катта улкан тадбирларга раҳбарлик қилди. Натижада туман республикадаги энг юқори ривожланишга эга бўлган ҳудудга айланиб, жами кўрсаткичлар бўйича республикада таянч тажриба марказига айланди.

М.Абдуллаев раҳбарлигида ўнлаб мактаб бинолари, болалар боғчалари, истироҳат боғлари, кутубхоналар, маданий-маиший бинолар, тиббиёт муассасалари қурилиб ишга туширилиб, мустаҳкам иродага эга бўлган мутахассислар билан таъминланди. 1985–1990 йилларда Қумқўрғон туманининг биринчи раҳбари бўлиб ишлаган даврида Қумқўрғон халқининг энг сеvimли раҳбари, садоқатли инсонига айланди. Ҳар бир хонадоннинг моддий турумиш даражасининг кўтарилишида туманнинг иқтисодий кудратини оширишда, янги массивларнинг ўзлаштирилиши ҳамда ҳосилдорликнинг кўтарилишида унинг хизмати алоҳида аҳамиятга эгадир. Сурхон сув омборини қайта таъмирлаш, замонавий сув тақсимлаш ускуналарини ўрнатиш, сув омборни тажрибали мутахассислар билан таъминлаш, сув кўтариш насос станцияларини қуриш ва янги суғориш шахобчаларини ишга тушириш ишларига Қумқўрғоннинг биринчи котиби сифатида алоҳида ўрнатди. Энг муҳими Қумқўрғон марказини

шаҳарчага айланишига, янги замонавий уй-жой, маданий-маиший бинолар ва саноат ҳамда қурилиш комплексларини қуриш ва ишга тушириш ишларига бевосита раҳбарлик қилди. Шунини алоҳида қайд этиш керакки, Қумқўрғон тумани ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиётига муносиб ҳисса қўшган ёш мутахассисларни тайёрлаш, уларнинг сиёсий-маънавий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва мукамал ташкилотчи ташаббускор бўлиб етишишида ўзининг билим ва раҳбарлик қобилиятни намоён этди. Шунинг учун ҳам Қумқўрғонликлар М.Абдуллаевни ниҳоят даражада ҳурмат қилиб, ўзларининг қадрдон устози ва яқин маслаҳатчиси деб биладилар. Қатъиятли, мустаҳкам иродага, катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган М.Абдуллаев ўз фикрига эга, ҳар бир нарсага танқидий, холисона қарайдиган раҳбар сифатида республикага танилди. 1990 йил Вилоят партия қўмитасининг идеология масалалар бўйича ўринбосари, 1992 йил Вилоят ҳокимлиги назорат бўлим бошлиғи, 1993–2000 йилларда Вилоят ҳокимининг ижтимоий-маданий масалалар бўйича ўринбосари, 2000–2001 йилларда Термиз шаҳар халқ таълими бўлими мудир, 2001 йилдан Термиз шаҳар ҳокимининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари, 2005 йилдан Ўзбекистон Фидокорлар партиясининг Сурхондарё вилояти Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси, 2008 йилдан Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг Сурхондарё вилояти Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси сифатида фаолият кўрсатиб, ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаётда мукамал ишларга раҳбарлик қилиб келмоқда. М.Абдуллаев раҳбарлигида Сурхондарё вилояти ва Термиз шаҳрининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳаларнинг мукамал ривожланишига алоҳида ҳисса қўшилиб, халқ таълими, тиббиёт, маданий-маиший соҳалар мустақиллик даври ғоя ва эътиқодлари билан тўлиқ изга туширилди. Шаҳарнинг маънавий қиёфаси, ижтимоий муҳити, ободонлаштириш ишлари юқори даражада ривожланиб, шаҳар аҳолисининг моддий турмуш даражаси анча юксалди. Тажрибали, тадбиркор, мукамал сиёсий билимга эга, кенг дунёқараш ва ҳаёт тажрибасига эга бўлган М.Абдуллаев ибратли оила бошлиғи, меҳрибон устоз сифатида тарих саҳифаларида ўз ҳурмат-эътиборини топди.

Таниқли пахтакор, деҳқончилик соҳасида суғориш илмини мукамал билган, ташкилотчи фидойи инсон, эл назарига тушган, халқимизнинг чексиз олқишларни олган Турсунов Нарзулла 1920

йил Шеробод туманидаги Улаш Турапов жамоа хўжалигида туғилган. Отаси Норбоев Турсун хизматчи, онаси Курбонова Ҳамробиби деҳқон хўжалигида ишлаган. Меҳнат фаолиятини 1940 йилда деҳқончилик звено бошлиғидан бошлаган. Сеплон қишлоқ кенгашига қарашли жамоа хўжалигидаги Боботепа массивини ўзлаштиришга муносиб улуш қўшган. Пахтани квадрат уялаб экиш технологиясини жорий қилишда ва ушбу усулни тарғиб этишда алоҳида фидойилик кўрсатган. 1950 йилларда ғўза қуртини йўқотишнинг янги усуллари яратишда иштирок этган. Пахтачиликнинг ҳосилдорлигини оширишда тажрибали деҳқонлардан пахтачилик сирларини ўрганиб, ушбу анъаналарни ўзининг самарали меҳнати ва тажрибаси билан бойитган. Шу боисдан ҳам Турсунов Нарзулла раҳбарлик қилаётган звено йилдан йилга пахта ҳосилдорлигини ошириб борган.

1958 йилда ушбу звено ҳар гектар ердан 65,5 центнердан ҳосил етиштирди. 1960 йилдан 1980 йилгача пахтачилик соҳасида олиб борилган тинимсиз меҳнат ва изланишлар натижасида пахта ҳосилдорлигини ошириш, сувни тежаш, ернинг милеоратив ҳолатини яхшилаш каби соҳаларда улкан тажриба тўплади. Ўзининг тажрибасини вилоят пахтакорларига оммалаштириб Боботепа ва Истара массивларини ўзлаштиришда фаол қатнашди. 1967, 1970, 1977, 1979, 1981, 1987 йилларда ҳукуматнинг турли орден ва медаллари билан мукофотланди ҳамда халқ хўжалиги кўргазмаларида иштирок этди. 1981 йилда эса «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор» унвонига сазовор бўлди. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг пахтадан ва ғалладан мўл ҳосил кўтариш учун тинимсиз меҳнат қилиб, Республика қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада ривожлантириш учун таклифлар билан иштирок этди. Турсунов Нарзулланинг бу улкан ютуқлари ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланди. Чунончи 1994 йил 6 май куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов фармони билан Турсунов Нарзулла «Шухрат» медали билан мукофотланди.

Турсунов Нарзулла нафақат халқ хўжалигида самарали меҳнат қилиб қолмасдан, балки фарзандлар тарбиясига ҳам жиддий эътибор берди. 8 фарзандни оқил, фидойи, эл-юртга хизмат қиладиган инсонлар сифатида тарбиялади. Шу боисдан ҳам бугунги кунда Турсуновлар сулоласи нафақат Шеробод туманида, балки бутун вилоятда таниқли сулолалардан бирига айланди.

Турсунов Нарзулла бобо ҳозирги кунда фарзандларининг ва невараларининг қуршовида қарилик гаштини сурмоқда.

Халқимизнинг таниқли ижодкори, ташкилотчи раҳбар, фидойи инсон, камтарин, қалби кенг инсон, беқиёс олқишларга сазовор Тоштемир Турдиев 1942 йил 14 февралда Денов тумани Тўхтамиш қишлоғида деҳқон оиласида таваллуд топган. 1965 йилда Бухоро Давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетини битиради. 1965–1967 йилларда Денов туманидаги собиқ «Ғалаба учун» газетасида адабий ходим, бўлим мудири, масъул котиб вазифаларида ишлади.

Тоштемир Турдиев 1968–1969 йилларда Денов туманида партия комитети биринчи секретар ёрдамчиси, 1970–1976 йилларда туман партия комитети ташкилий ишлар бўлими мудири, 1977–1978 йилларда Денов туман халқ контроли комитети раиси вазифаларида меҳнат қилади. Айни пайтда Денов туман ҳокимлиги етакчи мутахассиси. Т.Турдиевнинг ижоди шеър ёзишдан бошланди. Унинг биринчи шеъри 1958 йилда «Қизил Денов» газетасида босилди. Айни пайтда у қатор сиёсий публицистик илмий ва халқ оғзаки ижодига оид китоблар муаллифидир. Тоштемир Турдиевнинг дастлабки «Ёш авлодни тарбиялашда халқ оғзаки ижоди йўли» китоби 1974 йили «Ўзбекистон» нашриётида чоп этилган. Китобда халқ оғзаки ижодининг моҳияти, ёш авлодни Ватанни севиш ва ардоқлаш руҳида тарбиялашдаги беқиёс роли ҳақида атрофлича фикр юритилади. Фактик материаллар келтирилиб, чуқур тақлил этилади. Барча асарларида шу кунларда олдимизга қўйилган вазифаларни амалга ошириш, яъни Ўзбекистон мустақиллигини ижтимоий муносабатларини такомиллаштириш, мустақил Ўзбекистонимизнинг даври кишининг ахлоқ, таълим-тарбия принципларини барқарорлаштириш учун кишининг онги, руҳи ва ҳарактерига, туйғулари, одатлари ва қалбига таъсир ўтказувчи бутун тарбия тизими батариб ишлаб турмоғи лозимлиги рисолада қайд этилади. Тоштемир Турдиев 1974 йилда «Ўзбек дostonчилигида халқ ахлоқий қарашларининг бадиий ифодаси» мавзусида номзодлик илмий ишини ёқлади.

Олим илмий ишлари ўзбек дostonларида, ўзбек халқ оғзаки ижодидида икки қарама-қарши ахлоқнинг ғоявий асослари, ўзбек дostonларида халқнинг диний ахлоқда бўлган муносабатларининг бенуқсон акс этиши, шунингдек, дostonларда дўстлик, қақрамонлик ва ватанпарварлик ғоялари каби муаммоли масалаларни илмий асосда очиб беришга ҳаракат қилган.

## Она қишлоғим

Бугун яна келдим кўйнингга,  
Меҳмон бўлиб, она қишлоғим.  
Кўлларимга нафис гулларинг,  
Даста-даста узаттинг, боғим.  
Викор билан кўкка бўй чўзиб,  
Яшарибсан, Вахшивор тоғим.  
Сенга боқсам ёнар кўзларим,  
Тўлиб-тошар илҳом булоғим.  
Сенга жонни нисор этганим  
Биласанми, жонажон юртим?  
Нега сенинг тошингни ўпдим,  
Тупроғингни кўзимга суртдим,  
Чунки сенинг кучоқларингда,  
Онажоним азиз хоки бор.  
Қулоқ солсам, тупроқларингда,  
Қурбон бўлган отам оҳи бор.  
Шунинг учун тошинг ўпаман,  
Тупроғингни кўзга суртаман.  
Киндик қоним тўкилган ерим,  
Сени жон ўрнида кўраман.

Таниқли ташкилотчи раҳбар, малакатимиз тиббиёт ривожига муносиб ҳисса қўшаётган, халқимизнинг олқишига сазавор бўлган Дўстбоев Аҳматилла Дўстбоевич 1952 йил Шеробод тумани Қорасув қишлоғида туғилган. 1974 йил Самарқанд тиббиёт институтининг даволаш факультетини тугатган. Сурхондарё вилоятидаги 1-шифохонада жарроҳ, жарроҳлик бўлими бошлиғи, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасида бош жарроҳ лавозимида ишлаган. 1986–1989 йилларда Жазоир Халқ Демократик Республикасида тиббиёт ходимлари департаменти гуруҳи раҳбари бўлган. 2000 йилдан 1-вилоят шифохонаси бош варақи лавозимида ишлаб келмоқда. А.Дўстбоев 150 дан ортиқ патент эгаси, “Ўзбекистон Республикаси тиббиёт аълочиси” кўкрак нишони билан тақдирланган. Ўзбекистон Республикаси Марказий Сайлов Комиссияси аъзоси. А.Дўстбоев тиббиёт соҳасини мукамал билган устозлари Т.Бердиев, Ш.Раупов, Қ.Тўлаганов, Н.Умаров, Н.Ҳидаев, Ч.Ташанов, Х.Хўжаёровлар кўмагида ўз касби билан



элга танилди. Шифохонани малакали мутахассислар билан таъминлашда, ёш шифокорларни ишга қабул қилиб, замонавий тиббиёт илмини эгаллашида куч-ғайратини сарфлади. Шифохона учун зарур бўлган жаҳон талабларига мос даволаш асбоб-ускуналарини олиб келиб жойлаштиришда фидойилик намунасини кўрсатди. А.Дўстбоевнинг бевосита раҳбарлигида 1- шифохонада Ортопедия ва травма асоратларни даволаш, Компьютер томографияси, Қон-томирлар жарроҳлиги, Жарроҳлик, Урология бўлимлари жаҳон талабларига мос ҳолда янгидан қурилган биноларга кўчиб ўтиб, Япония, Германия, Корея, Хитой, АҚШдан келтирилган тиббиёт даволаш асбоб-ускуналари билан таъминланди. Энг муҳими, шифохонани таъмирлаш, ободонлаштириш ва кўкламлаштириш ишларига мунтазам раҳбарлик қилди.

Халқимиз олқишига сазовор бўлганлардан бири Жума Тошпўлатов бугун умри давомида кўплаб малакали мутахассисларни, машҳур спортчиларни, чавандозларни, полвонларни ҳамда спорт соҳасида таниқли олимларни тарбиялашда чексиз хизмат қилди. Катта кураш майдонларида доврўк ва шуҳрат топган Ж.Тошпўлатов қизгин ҳал қилувчи курашларда дадил ҳаракат қилиб, шогирдларни ҳам шунга ўргатиб, мурраббийлик даражасига кўтарилди. 1967 йил “Деновдан-Деновгача” эстафетасидан бошлаб мамлакат миқёсидага спорт мусобақаларида танилди. 1978–1988 йилларда Сурхондарё вилояти спорт кўмитаси раиси лавозимида ишлаган йилларида вилоятни жаҳонга танитган ўнлаб халқаро мусобақаларни ташкил этди. 1988 йилдан Термиз Давлат университетига келиб ўқув-маънавий ва илмий ишлар соҳасида тажрибали устоз даражасига кўтарилди. Мустақиллик йилларида ёзган “Ўзбек кураши” китобида миллий курашни тиклаш, полвонларни тарбиялаш, спортга хос анъаналарни ривожлантириш бўйича янги ғояларни шакллантирди. Олқиш олган Ж.Тошпўлатов 1993 йилда ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган Халқаро турнирни ўтказишда асосий раҳбарлардан бирига айланди. Таниқли мураббий, кўплаб кураш майдонларида адолатли ҳукм чиқарган, спорт илми устозига айланган Ж.Тошпўлатов камтарин инсон, миллий спортнинг фидойи инсони сифатида эл олқишига сазовор бўлди. Ўз меҳнати, ақл-тафаккури, ватанимиз спортининг ривожига кўшган ҳиссаси, ёшларни тарбиялашда муносиб устозлиги билан алоҳида

ажралиб, катта олқиш ва хурматга сазовор бўлди. Сурхондарёда халқимиз олқишига сазовор бўлган инсонлар жуда кўп. Эл назарига тушган Н.Тўраев, Ҳ.Шарофиддинов, Н.Туропов, Р.Эргашев, Ж.Норалиев, Б.Қодиров, Э.Тўраев, Ш.Очилдиев, Ш.Раҳматуллаев, Ю.Валикулов, И.Ботиров, А.Холмирзаев, И.Маҳмадиёров, Р.Тоғаев, Н.Чориев, С.Каттаев, Г.Саидмаликов, М.Абилфайзиев, Ш.Болтаев, Э.Турсунов, Қ.Чориев, Р.Шоимов, Қ.Мадартов, С.Эшонкулов, Х.Хуррамов, П.Бакиров, М.Поёнов, М.Мирсобиров, Ш.Саматов, О.Соатов, М.Қобилова, Ж.Эргашева кабилар олқишга муносиб инсонлардир.

Маънавий кадрятларни илмий ўрганиш жараёнида халқимизнинг кундалик турмуш тарзига оид эътиқодларини таҳлил этиш даврида комил инсон тақдири билан боғлиқ ҳолатларга эътибор бериш муҳим аҳамиятга эгадир. Инсон бутун умри давомида олқиш олишга сазовор бўлиш билан бирга қарғишдан кўрқиш тушунчаси билан яшайди. Халқимизнинг ўтмиш номоддий маданиятида қарғиш билан боғлиқ удумлар шунчалик эҳтиёткорона ишлатилганки, унинг ҳар сўзида инсон тақдири мужассам этилганлиги билан ажралиб турган. Улкан тафаккур эгалари одамларни қарғишдан сақлаш мақсадида бебаҳо ҳикматларни ўйлаб топиб, кишиларни ёмон феълдан, ёмон сўздан, ёмон қилиқдан, ҳаёсизликдан, шармандалиқдан, номуссизликдан, ҳаром нарсалардан қайтариш асосида қарғишдан сақлаб қолишга ҳаракат қилганлар.

Сурхон воҳасида қадимдан халқимиз қарғишнинг олдини олиш мақсадида турли ҳикматлардан, ҳаёт синовларида юз берган воқеа-ҳодисаларнинг натижаларидан фойдаланганлигини этнологик тадқиқотлар кўрсатди. Буюк алломалар назарида шаклланган “Ўйнаб гапирсанг ҳам ўйлаб гапир” ҳикмати Одам Ота ва Момо Ҳаводан буён авлодлардан авлодларга ўтиб келган бўлиб, ушбу сўз заминида ақл, тафаккур, ор-номус, оила рамзи, меҳр-муҳаббат, ишонч туйғулари, инсоф-диёнат, нафс, бойликка муносабат каби хислатлар мужассам этилгандир. Ўзбек халқи қарғишдан узоқроқ юриш, қарғишга учрамаслик, қарғишнинг олдини олиш бўйича катта тажрибага эга бўлиб, маънавий кадрятларда чексиз дуоларни қарғиш олмаслик билан боғлайдилар. Халқимизнинг “Олтин олма, дуо ол. Дуо олтин эмасми” деган мақоли ҳар қандай вазиятда дуо олиш тушунчаси яхшилик ғояси билан суғорилганлигини, мартаба, мансаб, гурур, унум, умр, барака, ризқ-насиба, фарзанд, тинч-

тотувлик, эл назарига тушиш, сафарларнинг бехатарлиги дуо орқали амалга ошиши назарда тутилади. Қадимги аждодларимиз қарғиш инсоннинг Тангрига илтижоси тарзида пайдо бўлганлигини, инсон ўзида топа олмаган кучни қарғиш туфайли мутлоқ кучли ҳисобланган Тангридан сўрашга мажбур бўлганлигини тушуниб етган. Инсон ўзи қилмоқчи бўлган амалларнинг бажарилмай қолишидан хавфсираган вақтларда мўлжалларининг юзага чиқишини Аллоҳдан сўрашга эҳтиёж сезиши табиийдир. Агар олқиш инсон имкониятлари чекланганию орзуларининг чексизлиги меваси бўлса, қарғиш эса қаҳхорлик, қаҳр Тангрининг сифати эканини тан олган. Кимдандир, қайсидир даражада ё моддий, ё ҳуқуқий ёки маънавий жабр кўрган инсоннинг унга ёмонлик қилган кимсаларни жазолаш истагида қилган илтижоси тарзида пайдо бўлган. Ҳатто, қарғиш сўзида Аллоҳ бевосита тилга олинмасда, ундан келиб чиқадиган маъно Аллоҳни назарда тутати. Қарғишлар фақат таниқли кишилар томонидан эмас, балки оддий одамлар томонидан ҳам амалга оширилади. Бирок қарғишнинг рўёбга чиқиши, қарғишнинг амалга ошираётган кишининг дили, фикри, илми, билим даражасига боғлиқ бўлиб, унинг қарғишнинг амалга ошиши фақат яратган Аллоҳнинг қабул қилишига боғлиқ деган асосий тушунча мавжуд. Қарғишлар маълум маънода аччиқланган ҳамда жабр кўрган ҳар қандай киши томонидан ўша вақтда яратилади. Адолатсизликка бардош бера олмаган, унга қарши кураша олмаган, ожиз бўлган, ноҳақ жазоланган одам ўзидан кучли бўлган айбдорнинг жазоланишини Яратгандан тилайди. Шафқатсиз кучга қарши қўядиган зўри бўлмаган одам зўравонни жазолашни ҳамма замонлар ва барча маконлардаги ягона кудратли зот бўлмиш Тангридан сўрайди. Жабрловчини Яратган ҳукмига ҳавола қилади. Чунки бутун оламини яратиб, уни илоҳий бир мунтазамлик ва ички тартиб билан бошқариб турган Куч адолатсизликка нисбатан бепарво бўлиши, ёмонларни жазосиз қолдириши мумкин эмас. Қарғашлар ичида энг кечирилмайдигани Ота ва Она қарғиши бўлиб, бу қарғишни Тангри тезда қабул қилади нақли Сурхон воҳасида ҳам кенг қабул қилинган, шунингдек, воҳага хос аёл ва эркак қарғишлар мавжуд бўлиб, ота қарғиши ўқ мазмунида отанинг жаҳлини чиқармасликка алоҳида эътибор берилган. Тадқиқотлар давомида олиб борилган этнологик дала амалиётларида қарғишларнинг асосий уч турига эътибор

қаратилди. Одамларга қаратилган қарғишлар, ҳайвонларга қаратилган қарғишлар табиат ҳодисаларига қаратилган қарғишлар. Сурхон воҳасидаги Бойсун, Шеробод, Денов, Узун туманларида олиб борилган дала тадқиқотларида жиддий гуноҳ қилган ёшларга нисбатан қўлланилган “кўкармагир”, “ўзингдан топгир”, “ёш хазон бўлгир”, “ер ютгир” каби қарғишлар таъсири кучли ва оғир ҳисобланиб, “кўкармагир” униб ўсмагин, фарзанд кўрмагин маъносида қўлланилган. Ёки фарзанд кўрадиган ёшдаги одам бировнинг дилини қаттиқ ранжитадиган гуноҳ иш содир этса, ёши каттароқ киши томонидан “кўкармагир” деб қарғалса, унинг фарзандсиз бўлишига руҳий таъсир қилишини одамлар тушуниб етганлар.

Номоддий маданият ривожини халқимизнинг урф-одатлари, анъаналар ва маросимларида ўз аксини топиб, турли воқеа-ҳодисалар замирида ҳаёт тажрибаларидан синовдан ўтиб, одамларни бир-бирларига муносабати таъсирида ўз ақл-тафаккурларини бойитиб борганлар. Яхшилик ва ёмонлик, камтарлик ва бахиллик, ўз сўзида туриш ёки ваъдасига вафо қилмаслик, ҳалоллик, ростгўйлик, меҳнатни миннат қилмаслик ҳамда ёлғон гапирмаслик каби ҳислатлар аждодларимизнинг кундалик турмуш тарзида синовдан ўтиб борган. Энг муҳими ишончини сақлаб қолиш учун ёлғон гапирмаслик, берган сўзнинг устидан чиқиш, ваъдага вафо қилиш каби ҳикматлар туфайли жамият тараққий этиб келмоқда. Шунинг билан бирга ўз лафзида турмаслик, ёлғон сўзлаш, ёлғон ваъда бериш каби ҳислатлар қаттиқ қораланиб келингандир. Пайғамбар алайҳиссалом: “Қаззоб (ёлғончи) менинг умматимдан эмас”, - деган эканлар. Пайғамбар алайҳиссаломдан сўрадилар: “Мўмин киши қўрқоқ бўлиши мумкинми?” Ул зот: “Ҳа”, - дедилар. “Мўмин киши бахил бўлиши мумкинми?” Ул зот: “Ҳа”, - дедилар. “Мўмин киши қаззоб бўлиши мумкинми?” - деб сўрадилар. Ул зот: “Йўқ!” - дедилар. Ушбу ҳадиси шарифда қўрқоқлик ва бахилликни маъқуллаш эмас, балки ёлғончилик ўта ёмон иллат экани одамларга тушунтирилмоқда. Энг ёмони шундаки, ёлғончилик кишини ўз навбатида қасамга олиб келиб, ёлғончи ўз қилмишининг чинлигига кишиларни ишонтириш учун қасам ичишга мажбур бўлади. Натижада одамлар бундай кишининг гапига ишонмай қўяди. Сурхон воҳасида ёлғончи, қасамхўр одамлардан эҳтиёт бўлиб, уларни кўрганда “қасамхўр”, “қасам урган”, “қасам ургур” деган ибораларни ишлатиб, бундай одамлар билан мулоқот қилишни ўзларига ор деб биладилар. Аллоҳни ўртага қўйиб қасам ичишдай оғир гуноҳ бўлмаса керак, чунки

Аллоҳни ўртага қўйиб қасам ичиш, ушбу қасамнинг устидан чиқиш виждони поклик, мардлик, ҳалоллик, тўғри сўзлик, ваъдага вафо каби ҳислатларни ўзида жамлайди. Қасамнинг устидан чиқмаслик кишига одобсизлик, нодонлик, калтафаҳмлик, вафосизлик, иккиюзламачилик, пасткашлик каби иллатларни ўз ичига олган “қасамхўр” деган тамғанинг босилишга олиб келади. Энг ачинарлиси, “қасамхўр”нинг авлодларига бу тамға босилади. Қасамхўрнинг гапини эшитган одамлар унинг гапларини эшитганда, унинг ёлғон сўзлаётганини кўриб-билиб туриб, қасамхўрга ишора сифатида “ёлғон ҳам эви билан”, “ҳар нарса бўл, ўз ёлғонинг ўзингни бошинга бало”, “гали қуроққа ярамайди”, “андишасиз”, “олла”, “олди-қочди гапларинг билан бошни оғритма”, “ола баччағар”, “гапинг бошингни есин”, “алдоқчи”, “эзма”, “лаққи”, “олди-қочдиларинг жонга тегди” каби ибораларни ишлатиб қасамхўрга ё танбех беради ё унинг устидан кулади. Шу сабабли халқимиз тилдан эҳтиёт бўлиш, ҳар сўзнинг маъно-мазмунига эътибор беришга, Яратган Аллоҳнинг олдида гуноҳкор бўлмасликка тарғиб қилган. Элдан, одамлар назаридан қолмаслик учун тилдаги сўзни ақл билан ишлатиш, тил ҳар балодан сақловчи ёки ҳар балога олиб келувчи нарса эканлигини эсдан чиқармаслик, комил инсоннинг бурчи эканлигини доимо эслатган.

### 3.5. Халқ ўйинлари

Қадимий маданият ривожига муносиб ҳисса қўшган халқ ўйинларини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу халқ ўйинлари аجدодларимизнинг эртанги кунга ишончи, орзу-умидларнинг ушалиши, ғам-ташвишларнинг кетиши, шоду хуррамликнинг келиши, тўй-томошаларнинг белгиси, тўйлар, яхши маросимлар, яхши ниятларнинг ушалишини тарранум этувчи ҳислатларни ўзида мужассам этгандир. Шунингдек, халқ ўйинларида болаларга ва катталарга хос дам олиш, кўнгил очиш, куч синаш, чаққонлик, эпчиллик, жисмоний бақувватликни синаб кўриш билан бирга ғирромлик, муғомбирлик, бепарволик ҳолатларидан қочиш каби ҳислатларни ўз ичига олган тарбиявий жараёнлар мавжуд.

Анъанавий ўйинлар ёш авлодни жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялашда муҳим аҳамият касб этиб, қадимдан халқимиз орасидан кўплаб баҳодирлар, паҳлавонлар ҳамда ботирлар етишиб чиқишида ўзига хос ўрни бор. Ота-

боболаримиз фарзандларини умумбашарий туйғулар, миллий қадриятларга садоқат руҳида тарбиялашда анъанавий халқ ўйинларидан самарали фойдаланган. Анъанавий халқ ўйинлари халқ оммасининг ижодий меҳнати натижасида вужудга келиб, минг йиллар давомида турли хил кўринишларда оммалашиб, халқнинг ижтимоий ҳаёти, миллий хусусиятлари, қолаверса, маиший ҳаёт тарзи билан боғлиқ ҳолда юксалиб борган.

Воҳа аҳолиси анъанавий ўйинларига “чиллик”, “аргимчоқ”, “ошиқ”, “кўчмак”, “оқ суяк”, “боболтака”, “бекинмачоқ”, “оқ теракми, кўк терак”, “қувлашмачоқ”, “зим-зиё”, кураш, кўпқари каби ўйин турлари киради. Айрим ўйинлар мавсумий ўйинлар бўлиб, қиш фасли ўтиб, баҳор фасли келиши билан ўйналса, айримлари йил давомида ҳам ўйналади.

Анъанавий ўйин турларидан бири кураш ҳисобланади. Кураш воҳада “олиш” деб ҳам аталади. Ҳар бир полвон, аввало, ор ва номус учун кураш тушган. Курашда рақиб полвонни йиқитиб, унинг елкасини ерга текизган полвон ғолиб саналади. Воҳадан Довман полвон, Абсалом полвон, Карим полвон, Аъзам полвон, Эгамберди полвон, Давроқул полвон, Тоштемир полвон, Жаббор полвон, Жума полвон каби полвонлар етишиб чиққан. Ҳозирги кунда ўзбек курашига берилаётган юксак эътибор ва ушбу курашнинг жаҳонда кенг миқёсида тан олинishi воҳада ҳам курашнинг ривожига улкан имкониятлар яратиб бермоқда. 1992 йилдан буён Термизда ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишлаб ҳар икки йилда бир марта Президент соврини учун Халқаро Кураш мусобақаси ўтказилиб келинмоқда.

**Кўпқари.** Кўпқари адабий тилда улоқ ҳам деб аталади, улоқ мусобақаси воҳа аҳолиси ўртасида кўпқари деб аталади. Кўпқари, асосан, тўйларда ва оммавий сайилларда ўтказиладиган спорт мусобақаси саналади. Кўпқарида ҳар бир отлик ўртага сўйиб ташланган улоқни, бузоқни бир-биридан куч билан тортиб олиб, маррага элтиш тариқасида ўтказиладиган мусобақа туридир. Воҳа аҳолиси қадимдан от боқиш билан, от чоптириш борасида анча тажрибага эга.

Одатда, кўпқари мусобақалари кенгликларда, дашт-адирларда ва кенг далаларда уюштирилади. Кўпқари учун отлар махсус таблада (ҳеч ким кўрмайдиган ер) боқилади, таблада боқилаётган отларга арпа ва гул беда берилади. Отларга берилаётган арпа миқдори кунма-кун кўпайтириб борилади. Улоқчи отлар маълум муддат боқилгач, улар вақти-вақти билан чоптириб совутиб турилади. Улоқчи отлар, асосан, қора байир, араби ва тўриқ зотли

отлардан танлаб олинади. Кўпкарига қўшиладиган отларнинг туёғи яраланмаслиги учун оёқларига тақадан нағал қоқилади.

Воҳада отларни кўпкарига чопадиган уста чавандозлар ҳам кўплаб етишиб чиққан, хусусан, Кенжа чопагон, Қурбонжон чопагон, Холли чопагон, Саман чопагон, Карим Полвон, Шотўра чопагон, Уста Чори, Норбой чопагон, Тиловмурод чопагон, Сувон калта, Бобомурод полвон, Музаффар чопагон каби чавандозлар воҳанинг анча номдор чавандозлари бўлишган. Воҳа аҳолиси чавандозларга мард, жасур, ҳалол, ориятли инсон сифатида қарашган ва улар эл-юрт ўртасида катта обрў ва ҳурматга эга бўлишган. Кўпкарининг икки тури мавжуд, биринчиси эшак кўпкари, иккинчиси от кўпкари. Эшак кўпкарини, асосан, болалар ўйнайди, эшак кўпкари катта кўпкарига тайёрлаш босқичи саналади. Кўпкари мусобақалари ўтказишдан аввал мусобақа куни ҳақида чавандозларга махсус чақирувчилар орқали хабар юборилади.

Тўйларда кўпкарига келган чавандозлар учун махсус жойлар тайёрланиб, кўшхоналар ажратилади. Кўшхона кўнок тушунчасининг воҳада ишлатиладиган шакли бўлиб, тўйга ёки кўпкарига келган меҳмон ва чавандозлар меҳмон қилинадиган жой маъносини англатади. Кўпкари мусобақасида юзлаб чавандозлар иштирок этади, кўпкари мусобақасига, асосан, кекса чавандозлар баковуллик қилади. Кўпкари мусобақасини уюштириш учун эчки ёки кичикроқ бузоқ сўйиб ташланади. Кўпкарига улоқ ташланадиган жой чортоқ деб аталади, улоқни олиш учун интилган чавандозлар халқаси қур деб аталган. Кўпкарида қатнашаётган ҳар бир чавандоз қурга кириб, улоқни айириб чиқишга ҳаракат қилади. Улоқни айириб қурдан чиққан чавандоздан улоқни олиш учун изидан қувиб етишга интилаётган отлар тўдаси сурдов деб аталади. Улоқни қурдан айириб белгиланган жойга келиб ташланган чавандоз ғолиб саналади ва махсус соврин, яъни “зот” билан мукофотланади. Шундан сўнг улоқ яна баковул томонидан чортоққа ташланиб яна ўртага қўйилган зот эълон қилинади. Мусобақа шу зайлда кетма-кет тарзда ҳар бир зотни, яъни ўртага қўйилган совринни айиргунча давом эттирилаверади.

Кўпкарининг охирида эса катта зот ўртага қўйилади, катта зот, одатда, туя, хўкиз, от ёки қимматбаҳо буюмдан иборат бўлади. Кўпкарининг якунида катта зотни айирган чавандоз мусобақа ғолиби сифатида эълон қилинади. Кўпкари кишиларни мардликка,

шижоатга ва ҳалолликка чорлайдиган ўзига хос спорт мусобақаси бўлиб, халқимизнинг сеvimли ўйинларидан бирига айланиб қолган.

Ёшларнинг эпчил, чаққон бўлишларида муҳим аҳамиятга эга бўлган ўйинлардан бири “чиркаш” ўйини бўлиб, бу ўйинда болалар ўртача олти-саккиздан икки гуруҳга бўлиниб, келишган ҳолда бир гуруҳ қочади, иккинчи гуруҳ қувлайди. Бунда ҳар бир бола биттадан рақиб гуруҳдаги болани қувиб етиши, бирон жойига оёғини теккизишлари керак. Камида беш-олтита болага етиб оёғини теккизганда, қувлаётган гуруҳ устидан ғалаба қозонган ҳисобланади. Сўнгра иккинчи гуруҳ қувлайди, биринчи гуруҳ қочади, ўйин шу тартибда давом этади. Агар қочаётган гуруҳдаги болаларнинг бири чаққонлик қилиб қувлаётган болаларнинг ўртасидан кесиб ўтса, орқа томонидан қувлаб келаётган болалар асир тушган ҳисобланиб, ўйиндан чиқади. Қолганлари ўйинни давом эттиради.

Болаларнинг қоронғу тунда қўрқмас ва чаққон бўлишда “ок суяк” ўйини муҳим ўрин тутади. Ўйин, асосан, ой чиққан тунда ўйналади. Ўйинда болалар икки гуруҳга бўлинади, ҳар бир гуруҳда ўн-ўн иккитадан бўлади. Ўйинда махсус суяк олиниб, қоронғуликка қараб отилади, суякни топган бола “топдим” деб бақириси шарт. Шундан сўнг бола пойга жойига қараб чопади, агар рақиб гуруҳдаги болалар етиб келса, қочишнинг иложини қилолмаган тақдирда суякни яна узоққа улоқтиради. Қайси гуруҳдагилар суякни пойга жойига олиб келса, ғалаба қилган ҳисобланади.

“Боболтака” ўйинида ҳам болалар икки гуруҳга бўлиниб, ўн-ўн икки кишидан бўлиб, ҳаммаси қур, яъни давра бўлиб туришади. Шунда даврага икки гуруҳдан бир кишидан чиқишади. Биринчи чиққан бола “боболтака”, иккинчи гуруҳдан чиққан бола “чибич” деб аталиб, боболтака даврада бир оёғини кўтариб, иккинчи оёғи билан сакраб чибични давра айлантириб, бир оёқлаб қувиб етиши ҳамда кўтариб юрган оёғини чибичга тегизиши керак. Боболтака кўтариб юрган оёғини ерга тегизса мағлуб бўлган ҳисобланади. Ерга тегизмай чибичга оёғини тегизса, ғалаба қилган ҳисобланади.

“Чиллик” ўйинида ҳам болалар икки гуруҳга бўлинади, ҳар бир гуруҳдаги болалар олти ёки саккиз кишини ташкил этади. Текис майдонда ўртага айлана чизилиб, айлананинг ўртаси чуқурча қилинади. Чилликнинг узун таёғи “энасоб” беш қарич узунликда, кичик таёғи “болачик” деб аталиб, бир қарич узунликда бўлади. Биринчи гуруҳдан бир киши айлананинг ичига кириб, чуқурчага



болачиқни кўндаланг кўйиб, энасоб билан чаққонлик билан кўтариб хоҳлаган томонига қаратиб уради. Шунда иккинчи гуруҳ болачиқни ерга туширмай ушлаб олишга ҳаракат қилади. Агар болачиқни ерга туширмасдан эпчиллик билан ушлаб олишса, ўйинни янгидан иккинчи гуруҳдаги болалар бошлайди. Ушлаб олмаса болачиқни тушган жойидан айлана ичига тушириш учун отади, айлана ичида турган биринчи гуруҳдаги бола болачиқни айлана ичига туширмаслик учун ҳаракат қилади. Агар айлана ичига болачиқни туширса, ўйинни иккинчи гуруҳи янгидан бошлайди. Агар болачиқни тушира олмаса, болачиқ тушган жой билан айлана чизиғи ўртасига энасобни кўйиб ўлчайди. Ўлчаганда энасоб айлана билан болачиқ устига тушса, болачиқни отган иккинчи гуруҳдаги болалардан бири айланага болачиқни тушириш учун отади. Айлана ичидаги биринчи гуруҳдаги бола яна туширмасликка ҳаракат қилади. Айланага иккинчи гуруҳ янгидан бошлайди. Тушура олмаса биринчи гуруҳдан айлана ичида турган бола болачиқни уриб юборса, болачиқ тушган жойга боради ва болачиқни кўлга олиб, ерга кўндаланг ҳолатида ташлайди ҳамда болачиқ ерга тушгунча энасоб билан уради. Болачиқни неча марта урган бўлса, кейин шунча мартаба энасоб билан болачиқни узоқликка қаратиб уради. Шу ураётганда ҳам иккинчи гуруҳ болалари урилган болачиқни ерга туширмай ушласа, ўйинда ютган ҳисобланиб, иккинчи гуруҳ ўйинни янгидан бошлаши мумкин бўлади. Болачиқ урилгандан кейин ҳар бир тушган жойга иккинчи гуруҳдан бир кишидан туради. Ўйинни давом эттираётган биринчи гуруҳ болачиқни ушлатмасдан ҳисобни охирига етказса, иккинчи гуруҳ болачиқни охириги тушган жойидан ҳар бир тушган аъзоси бир нафасда “зувв” дея овоз чиқариб айланагача етиб келиши керак. Бундай ўйиннинг ҳалол боришига алоҳида эътибор берилган, яъни ғолиб гуруҳ енгилган гуруҳ аъзоларининг ортидан югуриб боришган ва уларнинг нафас олиш-олмасликларини назорат қилишган. Бунда ҳар бир гуруҳ аъзоси бошқалардан кўра тезроқ ва узоқроққа чопиб боришга ҳаракат қилган. Шу тарзда чидамлик, эпчиллик ҳамда тезлик каби жисмоний сифатлар қарор топтирилган. Бир нафасда етиб келмаса мағлуб ҳисобланади. Ғолиб бўлган гуруҳ бир нафасда “зувв” деб етиб келолмаган гуруҳнинг тўхтаган жойидан яна ўйинни давом эттириб, болачиқни кўндаланг ҳолатда ерга ташлаб, шу жараёнда энасоб билан неча марта урса,

шунча марта болачиқни узоқликка қаратиб уриб, ўйинни давом эттирган.

Воҳа аҳолисининг анъанавий ўйинлари ёш авлодда ҳалоллик, чидамлилик, сабр-тоқат, матонат ва жисмоний етукликни тарбиялайдиган муҳим восита саналади.

Сурхон воҳасида қадимги аждодларимиз асрлар оша халқ ўйинларини мукаммаллаштириб, янги тур ва хилларини яратиб, ёшларни ватанпарварлик, инсонпарварлик, меҳнатсеварлик, ҳалоллик, ростгўйлик, тўғрисиўзлик, ўзаро ҳамжиҳатлик, дўстона муносабатларнинг пайдо бўлишига ва тараққий этишига йўл очиб берган. Айниқса, ёшлар ўртасида халқ ўйинларига эътибор кучайиб, мустақиллик йилларида янги-янги халқ ўйинлари шаклланди.

Қадимги халқ ўйинлари ичида кенг тарқалган “Мак-мак” ўйини қизларнинг ўртасида амалга оширилиб, ўн катакдан иборат шакл чизиб, ўйинни бошланиш жараёнида япалоқ тошни оёқ учи билан тепиб, белгиланган чизиқларни босмай япалоқ тошни биринчи катакдан иккинчисига ўтказиб боради. Бир оёқ кучи билан бошланган тошни тепиб ўнинчи катаккача олиб боради, агар оёқ ерга тегса ўйин қоидаси бузилиб, бошқатдан бошланади. Демак, биринчи катакдан бошланган ўйин ўнинчи катаккача тўхтовсиз давом этиб боради. Биринчи ташланган катакдаги тош ўнинчи катаккача айлантриб чиқилгач, ўйин ғалаба билан тугаган бўлади. Иккинчи ўйин бошланганда япалоқ тош иккинчи катакка ташланади, учинчи ғалабада тош учинчи катакка ташаланади, қисқаси ҳар катакка ташланганда қўлга киритилган ғалаба узоққа сакрашни талаб этади. Бу эса ўйинчидан катта маҳорат ҳамда жисмоний бақувватликни талаб этади. Шу тариқа ўнинчи катакка тошни ташлаб, муваффақиятли сакраган ўйинчи тўлиқ ғалабага эришган ҳамда ғолиб деб топилади.

“Беш-беш” тош ўйинида ҳам, асосан, қизлар иштирок этиб, бажариладиган ўйин учун махсус беш дона кичик ҳажмдаги майда думалоқ тошлар териб олинади. Ўйиндан мақсад қўлларни ва бармоқларни жисмоний бақувватлигини синаб кўришдан иборат бўлиб, тошлар навбат билан қафт ва унинг орқасида чакқонлик билан ўйналади. Ўйинда иштирок этаётган қиз бола қўлидаги тошларни ўйнатиш билан бирга, ердан биринчи тошни олганда “бир-бир”, иккинчи тошни олганда “икки-икки”, учинчи тошни олганда “уч-уч”, тўртинчи тошни олганда “тўрт-тўрт”, бешинчи

тошни илиб олганда “беш-беш” сўзларини айтиб ўйинни ғалаба билан тугатганини айтиб ўтади. Тошни илиб олиш жараёнида тош тушиб кетса, ўйинда енгилган ҳисобланиб, яна бошқатдан ўйин бошлайди.

“Ошиқ” ўйини қадимдан кенг тарқалган бўлиб, ушбу ўйинни катта-кичик бир хилда ўйнаб, ўйин учун катта ошиқлар териб олиниб, катта ошиқларни ўрта камар жойга ёки ошиқнинг ўрта қисми ўйилиб махсус кўрғошин қуйилиб, отиш ёки бошқа ошиқни зарб билан уриши учун махсус тайёрланган. Ошиқ ўйинидан асосий мақсад ўта сезгирлик, билак кучининг кўплиги, чаққонлик, тезлик, мерганлик, кучли зарба каби хислатлар гавдаланади.

“Ёшинмачок” ўйини аник хушёрликка, сезгириликка, топкирилик, тезкорлик, кўрқмаслик, мардлик ва жасурликка чорловчи хусусиятларни ўз ичига олиб, ёшлар тарбиясида кенг кўламдан иборат тарбиявий мақсадлар мужассам қилинган. Ўйинда икки ёки беш киши иштирок этиб, белгиланган манзил атрофида яшириб, уни топиш, агар яширинган киши топилмаса ўйинда иштирок этувчи тополмаган ўйинчи мағлуб ҳисобланиб, ғолиб билдирмасдан белгиланган манзилга келса ғалаба билан табрикланади.

“Қулоқ чўзма” ўйини Сурхон воҳасидаги тоғли қишлоқларда кенг тарқалган бўлиб, Бойсун, Шеробод, Олтинсой, Денов туманларида ҳозирги даврда ҳам маълум даражада сақланиб қолган. Бу қизиқарли ўйин тўй-маросимларда, байрамларда ва халқ йиғинларида ёшлар иштирокида бажарилади. “Қулоқ чўзма” ўйинида асосан ошиқ, кичикрок суяк ва танга билан ўйин амалга оширилиб, ўйин жараёнида боланинг ўнг қулоғини қўл билан тортиш ёки чўзиш орқали бажарилиб, қўлоқни чўзган киши қўлга тушмаслик учун бор кучи билан кочиби, қўлга тушмаслиги зарур. Акс ҳолда қўлга тушган бола мағлуб бўлиб, унинг қулоғини чўзишга чорлайди. “Қулоқ чўзма” ўйини ҳамиша ғолибни мукофотлаш билан яқунланганли учун кўпчилик фаол иштирок этган. Бу ўйин ёшлардан сезгирлик, чаққонлик, жисмоний бақувватликни талаб қилган.

“Шопириб ўйнаш” ўйинида асосан 3–5 киши иштирок этиб, ҳар бир ўйинчининг кўлида ўз ошиғи бўлиб, ўртада белгиланган тўртбурчак чизик чизилиб, навбатма-навбат болалар ўз ошиғини чизик ичига ташлайди. Албатта, ўйин иштирокчилари ўз ошиғини танийди. Қайта ишланган ошиқлар, албатта, олчи, тока, чикка,

пукка каби тўрт ҳолатда номланиб, олчи ошиқнинг камроқ турадиган, яримойсимон томони тепага қараган ҳолати бўлиб, ютукни англатади. Товка олчиннинг терс ҳолати, олчидан кейинги даражани англатади. Чикка ошиқнинг ўйиқ томони тепага қараб тушган ҳолати бўлиб, ютқазилганликнинг белгиси ҳисобланади. Пукка-чикканинг тескариси, аросат ҳолатини англатади. Ўйин жараёнида камдан-кам ҳолларда ошиқ боши билан тик туради ва бу эпчил, уддабурон ошиқ деб аталади.”Шопириб ўйнаш” ўйинида “олчи” турган ошиқ “товка” ва “чикка” турган ошиқларни, “товка” турган ошиқ “пукка” турган ошиқларни ютган ҳисобланади. Ушбу ўйин ҳам сергаклик, чаққонлик, мерганлик, чаққонлик хислатларини синаб кўради ҳамда ёшларни жисмоний бақувватликка чорлайди.

“Чилкўз” ўйини миллий халқ ўйинларидан бири бўлиб, қишлоқ, овул ҳамда маҳаллалар ўртасида умуммусобақа тарзида ташкил қилинган. Бу ўйинда жасур, кўркмас, чопқир йигитлар танлаб олиниб, улар сони 10 ёки 20 кишидан икки гуруҳга бўлиниб, ўйиннинг ютуғи учун махсус мукофот қўйилиб, қўй, ҳўкиз, ҳатто туя каби совринлар қўйилган. Ўйинни ташкил этиш ва ҳолис ўтказиш учун иккита ҳакам, яъни назоратчи қўйилган. Текис майдоннинг ўртасига махсус белги қўйилиб, рақиб гуруҳлар қарама-қарши томонга, яъни майдонни икки тарафига қатор қилиб жойлаштирилади. Назоратчи ҳакамнинг бири қўлидаги тупроқ ёки қум солинган тугунчани бор кучи билан узоққа отиб, ҳар иккала гуруҳга ушбу тугунни белгиланган жойга олиб келишга топшириқ бериб, “топиб олиб кел” деган буйруқни беради. Ҳар иккала томон шиддат билан тугунни белгиланган жойга олиб келишга уринади. Бироқ рақиблар йўлни тўсиб, белгиланган маррага келишга тўсқинлик қилади. Тугунни қўлга киритган йигит рақибдан қутулиш учун иккинчи йигитга, иккинчиси эса учинчига тугунни отиб, белгиланган марказга етиб келишга ҳаракат қилади. Ушбу жараёнда рақиблар ҳам эпчил, чаққон ҳаракат қилиб, рақибдан тугунни тортиб олиб, ўзлари маррага етишга уринади. Энг муҳими, дастлаб тугунни олган йигит рақибнинг иккитасини орасидан ўтса бир ютук, рақиблардан айланиб ўтса икки ютук, агар биронта рақибни оёғига тепиб, йиқитиб ўтса уч ютук олиб, ўз гуруҳи ғалабасига ҳисса қўшган. Бу ўйинни номланиш эса тугунни қўлга киритган йигит бошқалардан ажралиб туриш ҳамда гуруҳидагиларни огоҳлантириш мақсадида чил қушининг товушига

Ўхшатиб “чирр” деган товуш чиқариб югурган. Шу туфайли бу ўйини номи “Чилкўз” деб аталган. Чилкўз ўйини 2 ёки 3 соатлаб давом этиб, тўхтовсиз олиб борилган ҳамда ўйиндаги жараёнларни ҳисобга олиб 30 ёки 50 тагача ютуқ белгиланиб, ушбу ютуқни қайси бир гуруҳ биринчи эгалласа, ўша гуруҳга ютуқ берилган. Бу халқ ўйини қадимий бўлиб, ҳозиргидек қўл ёки оёқ тўплари бўлмаган даврда ташкил этилиб, ҳар иккала гуруҳ ишқибозлари ўз гуруҳларини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб турганлар.

“Соққа кураш” ўйини қадимий миллий халқ ўйини ҳисобланиб, ўйинда икки киши иштирок этиб, биринчи ўйин иштирокчиси кўрғошин эритиб қўйилган ошиқни, яъни соққа билан белгиланган чизиқли уйчадан уч метр узоқликка ташланган иккинчи соққани уради. Агар мўлжал нишонга тегмаса, ўз соққасини уч метр узоқликка ташлайди. Соққа уриш жараёнида икки ўйинчидан қайси бири соққани уч марта хатосиз урса ўйиннинг ғолиби деб топилади.

“Кўрмомо” ўйини, асосан, ўсмир қизлар ўртасида бўлиб, тахминан 5–6 қиз бола иштирокида ташкил этилган. Ўйин жараёнида қизлардан бирининг кўзи рўмол билан яхшилаб боғланиб, қолган кўзи очик қизлардан бири кўзи боғланган қизни бошига секин “чуқи, чуқи” деб уради. Қиз чекиниб қолган қизларни ўртасига қочади, кўрмомо кўзига боғланган рўмолни олиб, “чуқи, чуқи” деб урган қизни топиши керак. Кўрмомо ўша бошига чертган қизни топса, топилган қизнинг бошига қўлидаги рўмолни боғлайди. Тополмаса яна ўз бошига рўмолни боғлаб ўйинни давом эттиради. Ушбу ўйин қизлар ўртасида сезгирликнинг, диққатнинг, чаққонликнинг ривожланишига ҳисса қўшган.

## IV. БОБ. СУРХОНИМ ҚИШЛОҚЛАРИ

### 4.1. Боғлидара полвонтошлари ва полвонлари

Ўзбек миллий кураши бу ҳудуд аҳолисининг энг сеvimли спорт машғулоти бўлиб келганлиги унинг этномаданий жараёнини илмий жиҳатдан ўрганишда янада қизиқарли тарих саҳифаларини очиб берди.

Илмий тадқиқотчи Х.Нозимова маълумотларига қараганда Сурхондарё вилояти Шеробод туманидаги Кўҳитанг тоғ тизмалари этагида жойлашган, ўтмишда Катта Хатак, Бўстонли юрт деб ҳам номланган Боғлидара шу ҳудуд қатағон уруғига мансуб аҳолининг тарихий она Ватани ҳисобланади. Аҳоли кўпайиши натижасида аждодларимиз тоғ оралиғи ҳамда тоғ ён бағридаги жойларга кўчиб чиқиб, макон тутиб, қишлоқлар ҳосил қилиб яшаб келишган. Хўжа Анқо номли тоғ оралиғи қишлоғида кўплаб аҳоли, машҳур Зараутсой – қадимий ғор расмлари мавжуд бўлган сўлим ва гўзал тоғ оралиғида чорвадор оилалар яшаб келмоқда. Боғлидарага яқин бўлган Бедак, Калапўшқия, Чилонли, Чорбоғ, Хатак қишлоқларида аҳоли қадимдан яшаб келади. Шунингдек, Хомконга олиб борувчи узун тоғ дараси Тангидара қишлоғида қадимдан аҳоли яшаб, чорвадорлик, боғдорчилик, деҳқончилик билан шуғулланиб келмоқда. Қатағонлар ўтмишда яшаган асосий макони Боғлидара, Тошлиюрт, Чилонли қишлоқларида уларнинг қадимги отабоболари яшаб, уларнинг аждодлари хоки қўйилган қабристонлар ҳозирда ҳам сақланиб қолган.

Кекса педагог, тарих-география фанидан 72 ёшгача Хўжа Анқо номли қишлоқ мактабида ёшларга сабоқ берган Умар бобо Музробов<sup>1</sup> халқимизнинг миллий кураш тарихи ҳақида куйидагиларни сўзлаб бердилар:

Боғлидара ота маконимизнинг учта жойида ўтмишда яшаган халқ ота-боболаримизнинг миллий ўзбек кураши ёдгорлиги ҳамда миллий кураш ривожланганлигининг исботи бўлган полвонтошлар юрти. Уларнинг номидан маълумки, халқимиз ўз кучини синаш, чиниқиш, жисмоний машқ ўтказиш, мусобақалашуш мақсадида тоғ оралиғи ҳудудида табиий оғир тошлардан фойдаланишган.

Ана шу полвонтошлардан энг каттаси машҳур полвон Турсуннозим полвон Курбонёр ўғлининг полвонтоши бўлган. Бу

<sup>1</sup> У. Музробов – 1925 йилда Хўжа Анқо номли қишлоқда туғилиб, ўсиб, Қарши ДПИ да ўқиб, тарих география фанидан дарс берган.

тош “сандикдай тош” деб аталиб, Нозим полвондан бошқа ҳеч ким бу тошни кўтара олмаган. Нозим полвон девқомат, кексаларнинг айтишларича бўйи икки метрдан ҳам сал ошиқроқ бўлган. Шеробод беклигидаги бир миллий кураш мусобақасида мутлақ ғолиб бўлиб, беклик совринини олган экан. “Элни оғалаган” полвон номига эришган. “Элни оғалаган полвон” дегани эл орини курашларда ғолиб бўлиб, бошқа эл полвонларини енгиб олган, маънода айтилган. Нозим полвон XIX асрнинг иккинчи ярмида Боғлидарада туғилиб, 1926 йилда Чорбоғ (Хатак) қишлоғида вафот этиб, ўша қишлоқнинг шимолий қисмидаги Мулло Ато номи қабристонда Мулло Ато авлиёнинг ёнларига дафн этилган. Турсуннозим полвоннинг Турсунқобил, Абдулазиз, Абдузоир исми уч ўғил, Момалой, Майила исми икки қиз фарзандлари бўлган. Турсунқобил ва Абдулазиздан фарзандлар етим қолишган. Абдулазизнинг ўғли Абдурасул урушда ҳалок бўлган. Майиладан ёлғиз қиз Тожимгул қолган. Момалой келинчаклигида оламдан ўтган. Шифокор бўлмаган дамларда, кўричакдан икки ака, бола кўришда эса Момалой бевақт вафот этади. “Кураги ерга тегмаган полвон” номи билан машҳур бўлган Абдузоир полвон серфарзанд, ўзига тўқ оила бошлиғи бўлиб, чорвачилик, деҳқончилик билан шуғулланган. Почта алоқа бошлиғи ва турли лавозимларда ишлаб, элнинг гапга етари – гапга чечани бўлиб, 68 ёшда оламдан ўтади.

Иккинчи тош ҳозир ҳам Боғлидарага кириб боравериш йўлида иккинчи тоғ буруми жануби-ғарбий қисмида тоғ этагидаги тоғ такчасида турибди. Кўринишдан унчалик катта кўринмаган бу тошни кўтариш барчанинг ҳам қўлидан келавермайди. Учинчи тош (Полвонтош) ҳам яна бир тоғ тахчасида эди, уни ким қаерга олиб кетганини билишмайди, хуллас, Боғлидарада учта полвонтош бўлган. Қатағон элидаги Асад уруғидан етишиб чиққан, она томондан отамизга тоға бўлиб, билимдон, гапга чечан полвон зот бўлишган. Отам Музроб эса Турсуннозим полвоннинг опаси Биби Зубайданинг ўғли бўлган. Ўтмишда асадникилардан (яъни Асаднинг уруғларидан, фарзандларидан дейилмоқчи) Маҳмудхон Мирзо Нозим ўғли (Турсуннозимнинг акалари), Нишон, Маҳмудхон ўғли ўз даврида анча машҳур дуторбоз ва дуторсоз уста ҳам бўлишган. Маҳмудхоннинг кенжа ўғли Чориёр элимизда моҳир дутор чертувчи бўлиб, жуда кўп қуйларни маҳорат билан ижро этиб ўтди.

Элимизда ўтмишдан анчагина полвонлар яшаб, ўз даврида яхши курашга тушиб, эл оғзида фахр билан тилга олиб ўтилади. Улар Шоҳмуҳаммад полвон, Отакул полвон, Чори полвон, Муҳаммади полвон, Ҳамрокул полвон, Сопа полвон, Абдимурод полвон, Пиримкул полвон, Сахи полвон, Абдусалом полвон кабилар. Уларнинг рўйхатини узоқ давом эттириш ҳам мумкин. Замондошларимиз ва яқин ўтмишдаги полвонлар эса ўзингизга маълум...”.

Умар бобо Музробов ҳудуд қатағонлари урф-одатлари тарихини ҳам чуқур билган, шу кекса ёшларида ҳам ҳайратомуз хотирага эга бўлган, ўз касбига лойиқ бўлиб тарихни чуқур билган инсон.

\*\*\*

Номоддий маданиятимизда алоҳида илмий таҳлил этилаётган миллий ўзбек кураши билан боғлиқ шевалар ва урф-одатлар асрлар оша мукамал ривож топиб халқимизнинг турмуш тарзида ўз аксини топиб келмоқда. Қатағон уруғига мансуб Кўҳитанг тоғ олди қишлоқларида яшовчи аҳолининг ўзига хос кураш билан боғлиқ шеvasи мавжуд бўлиб, шевада миллий курашни “олиш” деб аташади. Миллий ўзбек кураши ўтказиладиган тўйни эса “Олишли тўй”, “Ким курашга тушади?” гапини эса “Ким олишади?” деб айтишади. Бу шева ҳамон халқ тилида мавжуд. Аҳоли кўпқари ва миллий курашга ўта қизиқувчан бўлганлиги учун биринчи ўғил фарзанд кўрганида, биринчи набира кўрганида ҳам тўй бошламасада, кўпқари ёки кураш мусобақасини ташкил қилиб, совринини ўз ҳисобидан чавандоз ёки полвонларга бериб келган. Улар бу ниятни ҳали фарзанд кўрмаган пайтидаёқ бобоси ёки бўлажак ота ўз кўнглига тугиб қўйиб: “Набира кўрсам, элга бир кўпқари бераман” ёки “Ўғил кўрсам, элга бир олиш ташкил қилиб бераман, деб ният қилгандим”, – дея мусобақаларни ташкил қилишган. Халқ сайиллари ва тўйлари кўпқарисиз, курашсиз ўтмайди, ҳатто узоқ вақт фарзанд кўрмаганлар, қиз фарзанд кўрса ҳам унинг шукронасига олиш ёки кўпқари ташкил қилиб беришади.

Бу ҳудуд аҳолиси миллий кураш тарихи уларнинг шу ерларга келиб ўтроқ яшаб қолиши, мавсумий равишда шу ҳудудда кўчманчи бўлиб чорвадорлик билан умр кечириши, деҳқончилик, боғдорчилик билан шуғулланиши давриданок тахминан 300 йил илгари бошланган. Тарихнинг суронли йилларида аждодлари кўчманчи бўлиб яшаган ҳудудларда ҳам кураш тушишган. Халқ



кураш тушиш жойини “Алининг майдони” деб аташади. Қўни-қўшни овулдошлар ҳам кундалик ҳаётда бир-бирларининг фаврзандларини ўзаро олиштириб туришган. “Ўғил боламисан, чик Алининг майдонига, қани кучингни кўрсат!” деб болаларнинг иштиёқини кучайтиришган. “Йиқилганни ер кўтаради” каби халқ мақолини ўз ўрнида қўллаб, йиқилган болани яна олишишга ундашган. “Ўзингни эр билсанг, ўзгани шер бил”, – дея ёш полвонларни босикроқ бўлишга ундашган.

Миллий кураш мусобақаси учун ўтмишда тўй эгаси ўз соврини, қариндош-уруғлари, ҳамқишлоқлари қўшган совринларни кураш баковули ва соврин тарқатувчиларга топшириб, кимга қандай соврин беришни уларнинг ихтиёрига қўйиб беришган. Совринлар, асосан, гилам, наMAT, от хуржун, хуржун, дигил, наMAT (кигиз), кийимлик матолар, қўй, хўкиз, бузоқ, эчки, сарка, қўчқор, қўзи, улоқ, той, пул, танга кабилардан иборат бўлган. Тикув машинаси чиққан пайтларда тикув машинаси ҳам совринга қўйилган. Уйимиздаги тикув машинасини онам “Отанг олишдан олганлар” деб айтардилар.

Баковул (давРА боши, яъни ҳакам) кекса полвонлардан қўйилган. Кураш дастлаб ёш болаларни ўзаро кураштириш билан бошланиб, ундан сўнг улардан каттароқ болалар, кейин ўсмирлар, йигитлар, охирида таниқли полвонларни ўзаро курашга туширишган. Ҳазил тариқасида кекса, нуроний полвонларни ҳам майдонга туширишиб, улардан дуо олишган, уларга махсус соврин беришган.

Баковул кураги ерга тўлиқ тегиб йиқилган кишининг рақибни бўлган полвон шарафига: “Ҳалол!”, “Ҳалол йиқитди!” – деган. Аҳли томоша ҳам қийқиришиб жўр бўлишган. Бир-бирини енга олмаган полвонларни, “Енга олишмади”, “Кучлари тенг экан”, – дея ўзаро келиштириб совринни иккига бўлиб беришган. Агар улар ўртасида совринга мол қўйилган бўлса, танга ёки пул ҳамда тенг миқдордаги, ўша мол нархига келиштириб соврин бўлиб берилган.

Халқимиз орасидан етишиб чиққан катагонлар яшайдиган ҳудуд атрофидаги барча қишлоқларда, хусусан, Калламосор, Лайлагон, Эгарчи, Чилонзор, Панжоб, Мунчок, Фуржак, Сайроб қишлоқлари, Бойсун, Шеробод, Жарқўрғон, Ангор туманларида, ҳатто Туркменистон, Тожикистонда ҳам курашга тушиб машхур бўлган “кураги ерга тегмаган полвон” номини олган Абдузоир полвон Турсуннозим полвон ўғли 1910 йил 13 мартда Боғлидарада чорвадор деҳқон, боғбон оиласида кенжа ўғил бўлиб дунёга келган. Онадан олти ёшида, отадан 16 ёшида етим қолиб, деҳқончилик, чорвачилик, боғбонлик билан кун кечириб етти йиллик таълимини олгач, ўта қизиқувчан, саводхон, гапга чечан бўлиб улғайиб урушга қадар Хатак қишлоғи (ўтмишда Чорбоғ деб аталган) почта алоқаси бўлими лавозимида ишлаган. 1941–1945 йиллар Иккинчи жаҳон урушида қатнашиб қайтгач, яна ўша алоқа бўлимида бошлиқ бўлиб ишлаганлар.

1955 йилдан 1966 йилга қадар Боғлидарада боғбон бўлиб ишлаб, 1966 йилдан чўлларни ўзлаштириш бўйича Жарқўрғон туманига кўчиб бориб полиз экинлари бригадаси бошлиғи бўлиб ишлаган. 1967 йилдан Музработ туманига кўчиб бориб, турли лавозимларда, асосан, кўпроқ ўзлари яшаётган ҳозирги Абдулла Қодирий номли жамоа хўжалигидаги Музработ почта алоқа бўлимида бошлиқ лавозимида ишлаб, 1970 йилда нафақага чиқди. 1978 йилда 68 ёшда вафот этди. 1990 йилдан хўжаликдаги маҳаллага Абдузоир полвон Нозимов номи берилди.

Абдузоир полвоннинг ўзига тегишли алоҳида полвонтош бўлганлиги, тошни қайсидир музейга олиб кетилганлигини айтиб қолишди. Ҳозирги мавжуд полвонтош Боғлидарага кириб бориш йўлида бўлганлиги учун отам боғбон бўлиб ишлаб юрган даврда кўтариб машқ қилганини ўз кўзи билан кўрган опам Замира шундай хотирлади: “Отам Боғлидарага боришда ҳам, келишда ҳам, бизни Хатак қишлоғидаги мактабга кузатиб қўйишда ҳам, полвонтош ёнига яқинлашганда отдан тушиб, албатта, тошни даст кўтарар, яна уни ўз жойига қўйиб, жилмайиб отга миниб йўлда давом этарди...”.

“Ўтмишда халқимиз ва ҳудуд тарихини ўрганиш учун одамлар келганида: “Халқимиз тарихини яхши билган, гапга етар кишисини

айтингизлар, суҳбатини олайлик”, – дейишса, албатта отангни айтишарди”, деб эслайдилар онам Сокина Сиддиқовна<sup>1</sup>. Этнолог олима Болқиз Халилевнани<sup>2</sup> бир сураткаши билан бошлаб келишди. Улар Чорбоғдаги ҳовлимизда биз билан бир ой бирга яшаб атрофдаги халқ урф-одатлари, миллий хунармандчилигимиз, тарихимизни ўрганди, суратга олишди. Атрофимиздаги қишлоқларни ўрганишда ҳам бизнинг оиламизда яшаб бориб-келди. Мен унга ўзимизнинг бош кийимимизни қизил бахмал(духоба)дан тикиб атрофини широзлаб, пўпаклаб бердим. Хурсанд бўлиб, бошига кийиб юрди. Отга миниб шамолда дўппи пупагини ҳилпиратиб, Болқиз ва унинг сураткаши отанг тарихини ўрганишга чиқиб кетишарди...”.

Шу қишлоқлик Ҳалима Нозимова ўзбек миллий курашимизга, она Ватан тарихига чексиз муҳаббат асосида Боғлидара полвонтошлари, полвонлари хотирасига бағишлаб шеър ёзган:

Сенинг тарихингда нима сирлар бор?  
Алплар кўтаргандир сени минг-минг бор.  
Юрагим қатида сенга меҳрим бор,  
Отамнинг қўллари теккан, полвонтош.

Сени даст кўтариб кифтдан ошириб,  
Жисмида полвонлик кучин тошириб,  
Алплар кўтарганда завқинг шошириб,  
Отамнинг қўллари теккан, полвонтош.

Музейларда жонсиз ашё бўлмагин,  
Алплар кўтариб отса, асло толмагин,  
Алининг майдони алпсиз қолмасин,  
Аждодларим қўли теккан, полвонтош.

Боғлидара тоғин тоқчасида бир,  
Тарихдан бағрингда яшириб кўп сир,  
Авлодларга эзгу ҳис этиб таъсир,  
Савлат тўкиб турган, полвонтош.

<sup>1</sup> С.Сиддиқова – 1925 йилда “Тошлюрт” қишлоғида туғилган. Почта алоқаси бошлиғи, мавсумий пиллабоқар, савдо ходими, тикувчи чевар, фаолияти охирида ҳам почта алоқаси бошлиғи.

<sup>2</sup> Болқиз Халилева Кармишева – этнограф (киргиз) олима.

Ўзбек курашида бир тарих – Сенсан!  
Билмадим, балки минг йилларга тенгсан.  
Миллий қадриятда шарафсан, шонсан!  
Аждодлар қалб қўри, азиз полвонтош.

Сени кўтаришиб бугунги ёшлар,  
Вужудида алплик кучлари тошар,  
Аждодлар кучига тан бериб яшар,  
Авлодларга энг зўр ибрат, полвонтош.

Кўпкари, курашсиз тўйи ўтмаган,  
Машқ қилган полвонлар ори кетмаган,  
Отамнинг кураги ерга тегмаган,  
Элимга келтирган шухрат, полвонтош.

Ўзбекнинг курашин бугун юртбошим  
Жаҳонга танитди, мағрурдир бошим.  
Ҳар тилда жаранглар: “Ҳалол”, “Ёнбош”им.  
Миллий курашимга ота, полвонтош.

Элим унутмади ўз полвон ўғлин.  
Отам – Зоир полвон – юраги чўғлин,  
Нозим полвоннинг ул кенжа ўғлин,  
Маҳаллага номин қўйди, полвонтош.

Алпомиш афсона бўлиб ўтмаган.  
Алпомишлар тирик, – ўтиб кетмаган,  
Қатағон улуси алпсиз ўтмаган.  
Ёшларга ато эт ғайрат, полвонтош!

\*\*\*

Номоддий маданият тарих аждодлармизнинг ҳаёт тарзини ўзида мужжасам этиб, ҳалоллик, мардлик, ботирлик, жасурлик, эпчиллик, чаққонлик, жисмоний бақувватлик, ор-номусни ўзида намоён этган кураш минг йилар давомида такомиллашиб ўз таъсир доирасини дунё миқёсига олиб чикди. Ҳар бир қишлоқ, овул, хонадон ана шу миллий кураш таъсирида улғайиб, ўз фарзандларининг полвон бўлиб етишишини Яратгандан сўраганлар. Ана шундай қишлоқлардан бири Хатакда ҳам ўз ор-

номусини полвонлик билан танитган мард, жасур йигитлар улгайиб вояга етганлар. Ҳалима Нозимованинг таъкидлашишча, бу кишлоқ қатагон халқи кураш тарихида ўзаро тўй ва сайилларда кўшни кишлоқлардан: Панжобдан тожиклар, Хўжаи Фил (шевада Хўжаипил) номи кишлоқдан туркманлар, Хомкон ва Ғуржакдан кўнғиротлар, Бойсун, Сайроб, Калламозор полвонлари, Қайроқ, Кентала қатагонлари полвонлари билан ўзаро борди-келди қилиниб, миллий кураш мусобақасини ўтказиб туришган. Кўпқари кундуз куни, миллий кураш мусобақаси эса тунда, олов ёқиб, унинг ёруғида ўтказилган. Айрим ҳолларда куннинг иккинчи ярмида ҳам ўтказилган.

Ана шундай ўзаро борди-келдилар катта тўй ва сайилларда учтадан катта полвон учун катта совринли полвонтовоқлар ўртага қўйилган. Тўйда катта полвонлар учун махсус полвонтовоқ кўтарувчи ҳамқишлоқ, ёр-жўралари бўлишган. Улар даврага чиқиб кўтарган полвонтовоқни ўзлари ёқлаб даврага тушишини таклиф қилаётган полвоннинг номига кўтариб: “Бу товоқни (масалан) Чори полвон учун кўтардим!”, – деб айтгач, таниқли полвонга рақиб чиқмаса, кураш тушмасида, соврин унга “Тенги чиқмади”, – деб ҳадя қилинган. Одат бўйича полвон совринни бориб ўзи олиши урф бўлмаган. Унинг ёр-жўралари, совринини олувчи маслакдошлари бўлган, улар эса совринни олиб полвонга тегишли кўшхонага олиб боришган.

Айрим тўйларни, сайилларни қариялар завқ билан эслаб гапиришади: “Бир томонда тўй ҳовлисида аёллар 40 – 50 дап (даф)да бадам (оҳанг)ни бир хил чалиб базм қилишса, иккинчи бир томонда, узокроқда, эркаклар оҳангларга мос қўл ҳаракатларини қилиб ўзаро полвонлар рақиб билан кўришиб, даврани айланишиб кураш бошлашарди...”<sup>1</sup>, – дейдилар Абдуғофир бобо.

<sup>1</sup> А. Алимкулов – 1925 йилда туғилган Иккинчи жаҳон урушида шифокор, урушдан сўнг “Хатак” кишлоғида хайвонлар шифокори бўлиб ишлаган.

## 4.2. Хўжанқон манзаралари

Сурхондарё вилояти Шеробод тумани Гуржак маҳалласига қарашли Хўжанқон қишлоғи Кўҳитанг тоғ тизмаси этакларида ёндош жойлашган. Шунингдек, қўшни қишлоқлар Хатак, Гуржак, Бедак, Ёриқсой (Ёркинсой), Зараутсой, Чинорсой қишлоқлари ҳам қадимий маданият маркази сифатида тарихдан маълум. Халқ номоддий маданиятида афсонавий ном олган Лўнги тепа, Қирқ киши, Халлак каби тепаликлари ҳамда катта булоқларидан Тол булоқ, Жийда булоқ каби булоқлари жойлашган.

Шеробод худудидаги тоғли қишлоқ ҳисобланган Хўжанқон қишлоғида, асосан, Қатағон уруғи яшаб, улар ўзларининг келиб чиқишини қатағон уруғи шажараси Аланқува исми аёл билан боғлайдилар. Қишлоқ аҳолисининг афсонавий ривоятида мадорсиз ва ночор қолган Аланқува қаршилик қилолмайди ва Илоҳий Нурдан ҳомиладор бўлгандан сўнг уч ўғил кўради.

Биринчи ўғли Буқундан Қатағон эли.

2. Бусқундан Чалчут эли.

3. Бунданжирдан эса Мўғул ва Чингизийлар тарқалган, дейилади

Қишлоқнинг пайдо бўлиш тарихи шахс номи билан боғлиқ бўлиб, қишлоққа Саидзода султон Хўжанқон келиб ўз маърифати, илоҳий билими билан маҳаллий аҳолига куч мадад бериб, кўплаб хайрли ишларга раҳбарлик қилган. Қишлоқ аҳолиси ушбу ҳикмат эгасига катта ҳурмат кўрсатиб, унинг илми, тафаккурига ишониб, авлиёнинг номини улуғлаганлар. У киши Анқу уруғидек ноёб одам бўлганлар, Хўжа Анқо ота қабри муқаддас зиёратгоҳ сифатида муҳимдир. Айтишларича, ушбу зиёратгоҳга бош уриб келган бефарзанд кишилар фарзандли бўлар эканлар. Шунинг учун бу халқда мол тиласанг Хўжаулкан, бош тиласанг Хўжанқон накли бор. Ривоят қилишларича Хўжа Анқо ота асл саидзодаларнинг биридир.

Хўжа анқо қишлоғида муқаддас жойлар анчагина бўлиб, улар Бедак ва Чинорота каби жойлардир. Бедак худудида муқаддас зиёратгоҳлардан Хўжа Анқо, Хўжа Улкан, Хўжа Асқар, Хўжа Бултур, Хўжаи Фил кабилар жойлашиб, уларнинг синглиси Биби Бедакнинг асл исмлари Биуби Доно бўлган. У аёл турмуш қурмасдан “бедов” ўтган, шунинг учун уни халқ ўз тилига мослаштириб Бедак дейишган.

Бундан ташқари Чинор ота зиёратгоҳи ҳам борки, бу зиёратгоҳларнинг булоғининг суви жигар, буйрак, қон томир касалликларига шифо бағишлайди. Сарик касалига чалинганлар ихлос қилиб балиқларга қараса сарик кўзларининг сариғини балиқ тортиб олар экан.

Чинор ота ёнидаги муқаддас зиёратгоҳга бир аёл кўмилиб, аёл ўлими олдидан худога нола қилиб ордидан қоладиган фарзандлари йўқлиги учун оёғ учидан сув чиқариб булоқ пайдо қилишини сўраган экан ва шундай шифобахш булоқ пайдо бўлган экан. Ушбу қишлоқ аҳолиси машғулотининг асосини чорвачилик ва деҳқончилик ташкил этади. Уларнинг деҳқончиликда етиштирадиган асосий экинлари донли, дуккакли ҳамда полиз экинлари саналади. Хўжа Анқо қишлоғи аҳолиси деҳқончиликнинг ҳомийси сифатида “Бободехқонга” эътиқод қилади. Ушбу машғулоти обикор ва лалмикор ерларда олиб борадилар, лалмикор ерларда, асосан, ёғингарчилик мавсумида бугдой, арпа экин экилади. Обикор ерлари, асосан, бош булоқлари Тол булоқ ҳамда Жийда булоқ сувлари орқали суғорилади. Тупроғида шўр йўқлиги сабабли ўсимликларнинг ҳар қандай тури – дарахтлар, помидор, бодринг, қовун-тарвуз, ошқовоқ, ҳандалак, беда, маккажўхори, нўхат, мош, пиёз ва ҳоказолардан мўл-кўл ҳосил олинади.

Хўжанқон қишлоғи аҳолисининг яна бир муҳим машғулоти – бу чорвачилик бўлиб, қорамол, қўйчилик ва йилқичилик каби турлари билан шуғулланадилар. Чорвачиликнинг ҳомийлари сифатида подавончиликнинг пири Бобо Занги ҳазратларига, қўйчиликнинг пири сифатида Чўпон ота, йилқичиликнинг пири сифатида Бобо Қамбарга ихлос қилишади.

Қишлоқда хунармандчиликнинг темирчилик, қурувчилик, кулолчилик, ёғочсозлик, жунни қайта ишлаш каби турлари ривожланган бўлиб, хунармандлар Пири Кулолга, темирчилар эса Ҳазрати Довудга ихлос қилишади.

Уй қуришда Хўжа анқо қишлоғи аҳолиси хом ашё сифатида пойдевор учун тошдан, бундан ташқари қурилишнинг қолган қисмида пахса лой, ғишт, яъни хом ва пишиқ, ёғоч ва бошқалардан фойдаланадилар. Уй қуришдан олдин Пири Кулол ҳазратларига садақа сифатида қон чиқарилади ва қарию оқсоқоллар дуоси олиниб биринчи пеш лой етук хунарманд уста томонидан қўйилади ва битганидан сўнг том тўйлари қилиб кўчиб кирилади, албатта, унга ҳам садақа мол чиқаради.

Қишлоқ аҳолиси донли таомлардан ош, шулла, мошкичири, думбул, гугула ва бошқа таомларни тановул қиладилар. Сутли таомлардан ширгуруч (асли сутлигуруч), атала, умоч ош, қатиқ ош, кескан ош, гуруч ош, буламоқ, юпқа ва бошқаларни истеъмол қилишади.

Тақиқланган таомлар – булар бутун мусулмонлар сингари ит ва чўчка гўшти бутун жамоага тақиқланган, бундан ташқари сумалак, тухум ҳамда қатиқни биргаликда ейиш тақиқланади. Уларни биргаликда еган киши пес бўлади, деган ақида бор. Турли хил касалликларга чалинган кишиларга парҳез сифатида турли таомлар чекланади. Масалан, ганос касаллигига чалинган кишиларга мойли овқат ейиш тақиқланади.

### 4.3. Калламосор қишлоғига хос анъаналар

Номоддий маданият тарихида алоҳида нуфузга эга бўлган Калламосор аҳолиси ўзининг урф-одатлари, анъаналари ва қадриятлари билан бой маънавий турмуш тарзига эга бўлган қишлоқдир. Ўтмиш номоддий маданиятмизни ўзида акс эттирган Калламосор қишлоғи мустақиллик йилларида ўз ўтмиш тарихини тиклаш билан бирга маънавий жиҳатдан юксалган Сурхон қишлоқларидан бирига айланди. Этнологик тадқиқотлар давомида қишлоқлар тарихи ҳақида ва уларнинг келиб чиқиши, ривожланиши, аҳолининг турмуш тарзи ҳақида батафсил маълумотлар ўрганилмоқда. Шеробод туманида жойлашган Калламосор қишлоғи ҳозирги вақтда Жийдабулоқсой деб юритилади. Қишлоқнинг жануб томони улкан тоғлар билан ўралган. Калламосор қишлоғи 3 минг йиллик тарихга эга, аҳолиси эса 5–6 мингга яқин кишини ташкил этади.

Мустақиллик йилларида қишлоқда янгидан таъмирланган замонавий мактаб қуриб битказилиб, чорвачилик ва деҳқончиликда катта ютуқларга эришилмоқда. Калламосор қишлоғида катта-катта полвонлар, эпчил ва чапдаст чавандозлар етишиб чиқиб, қадимий урф-одатлари замонга мос ривожланиб ҳозирги кунга қадар сақланиб қолган. Аҳолиси қўшиқлар, лапарлар, топишмоқлар айтиб келишган, аёллар махсус кийимлар ва тақинчоқлар орқали қишлоқ кўркига чирой қўшиб туришган, йигитлари ҳам забардаст паҳлавон бўлишган. Қишлоқда 100 ёшдан ўтиб кетган момолар ҳамда боболар умр гаштини сурмоқдалар.



Улар Мисқол момо, Кумуш момо, Абдурахмон боболар — қишлоқнинг энг улуғлари ҳисобланади. Бундан ташқари Калламосор қишлоғи атрофидаги тоғлардан оқадиган шифобахш булоқ сувлари мавжуддир.

Сурхон воҳаси номоддий маданияти тарихи хусусида Калламосор қишлоғи ҳақида кўплаб ёзма ва оғзаки манбалар мавжуд. Калламосор қишлоғи Буюк Ипак Йўлида жойлашган бўлиб, халқ ўзининг турмуш тарзи ҳамда маданияти билан ажралиб туради. Қишлоқ илк кишилик жамиятнинг моддий ва маънавий тараққиёти билан боғлиқ тарихий воқеа-ҳодисаларни ўз бошидан кечирган макон ҳисобланади. Ўзбекистон давлатчилиги тарихидаги муҳим воқеа-ҳодисаларга гувоҳ бўлган Калламосор қишлоғи илк шаҳарсозлик, давлатчиликнинг шаклланишида, моддий ва номоддий маънавият асосларининг пайдо бўлишида кўплаб манбаларда изоҳ бериб ўтилиши билан бирга, халқ оғзаки ижодида мавжуд афсоналар ҳам айнан шу қишлоқ тарихи билан боғлиқдир. Масалан, афсонавий Динозавир излари, Ҳазрати Алининг дулдул отининг туёқ излари, табиий ғорлар, у билан боғлиқ илоҳий сирли белгилар ҳақидаги ривоятлар қишлоқ тарихини янада бойитади. Ахамонийлар, грек-македон, араблар, мўғуллар истилоси даврида Калламосор босқинчиларга қарши мунтазам табиий, мустаҳкам қалъа вазифасини бажарган. Шу туфайли қишлоқ тарихида мардлик, жасурлик, ботирлик, хушёрлик, довюраклик, кўркмаслик тўйғусини ўзида мужассам этган номоддий маданиятга хос афсоналар алоддан авлодга ўтиб келмоқда. 1221 йилда мўғуллар Термизга ўтиш чоғида Калламосор қишлоғидаги мустаҳкам қалъага дуч келиб, ушбу қалъани босиб олишда катта куч йўқотади. Қалъа вайрон этилса-да, мўғуллар энг сара саркардаларидан ажралиб, илғор кўшинлар ҳаракати тўхтатиб қўйилади. Шу туфайли Чингизхон қалъани босиб олгач, химоячиларни ҳамда қишлоқ аҳолисини қиличдан ўтказиб, қалъани босиб олишда ҳалок бўлган мўғулларни қишлоқдаги баланд тепаликда дафн этиб, ўзларининг мўғул тамғаларини кўяди. Маҳаллий аҳоли кейинчалик бу қабристонни “Қозоқлар” ёки “Ўзбаклар” қабристони деб атайди. Қалъани мардларча химоя қилган, шаҳид кетган маҳаллий химоячиларни бошсиз таналари, мўғуллар томонидан раҳмсизларча шафқатсиз кесилган инсон таналардаги бошлар, Ватан озодлиги йўлидаги мардлик намунаси ҳисобланган ватанпарварларни хотирасини абадий сақлаш мақсадида маҳаллий аҳоли қалъани

“Қалъамозор” деб атаганлар. Йиллар ўтиши билан бу атама огиздан-огизга ўтиб “Қалъамозор” сўзи Калламозор деб юритила бошланган. Манбаларда қайд этилишича, “Қалъамозор” аслида 40 та калланинг бош чаноғи, яъни ушбу қабрда фақат инсоннинг калласини кўмишганини қайд этиб ўтадилар. Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асарида ушбу қишлоқ ҳақида маълумотлар бериб ўтган. Бу асарда таъкидланишича, Қалъамозор қишлоғи мўғуллар давридан бошлаб шаклланган, деган тахминларни айтиб ўтган, аҳолиси, асосан, ўтроқ ҳаёт кечиришган. Қишлоқ ҳақида Шарифиддин Али Яздий яна кўпгина фикрларни келтиради, яъни қишлоқ аҳолиси, асосан, деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланган, қишлоқда махсус коризлар бор, кориз ер ости каналидир. Бундан кўриниб турибдики, қишлоқ аҳолиси ушбу коризлар орқали чучук сув сифатида фойдаланишган. Аҳоли коризлар орқали ерларни суғорган ва деҳқончиликда катта ютуқларга эришган.

Калламозор ота қабристони ёнида “Қозоқлар”, “Оқтепа”, “Қирқийгит” қабрлари мавжуд. Бу қабрлар қишлоқнинг жанубий-ғарбий томонида жойлашган. “Қозоқлар” қабри дейилишига боис мўғулларнинг лашкарбошилари ўша қабрга дафн этилгани ҳақида маълумотлар бор. Ўшандан бошлаб “Қозоқлар” қабри деб атала бошлаган. Тарихчиларнинг маълумотларига қараганда “Қозоқ”лар қабри айнан мўғул аскарлари экани исботини топган.

Бундан ташқари “Калламозорота” қабристони ёнида “Қирқийгит” қабристони ҳам мавжуд. “Қирқийгит” қабристони тарихига назар ташлайдиган бўлсак, ўша даврда 40 та йигит ариқ қазишга чиқишган. Қазиш натижасида жарлик нураб уларнинг устига тушган ва улар ҳалок бўлган. Шундан буён қишлоқ аҳолиси бу қабрни “Қирқийгит” қабристони деб атайди. Қишлоқ тепалигида камарлар ҳам мавжуд, ушбу камарларда, балки ибтидоий даврдан бошлаб одамлар яшаб келган, деган тахминлар бор. Камарларда қадимги аجدодларимизнинг қўл излари, ҳайвонларнинг суратлари тасвирланган, умуман олганда, қишлоқ қадим-қадимдан ривожланган қишлоқлардан бири бўлган, балки бу қишлоқ бронза ёки темир даврига оиддир.

“Калламозор”, “Қирқийгит”, “Оқтепа” қабристонлари қишлоқ ҳашарчилари томонидан қайта таъмирланиб, сайёҳларнинг ва тарихчиларнинг эътиборини ўзига тортмоқда.

Калламосор қишлоғини обод қилган садоқатли меҳнатлари боис баъзи жойларда кишиларнинг номи муҳрланиб қолган. Масалан, Боқининг ками, Даврон камар, Алихонбобонинг тути, Мардонбобонинг тути, Кўчарбобонинг жийдали ҳаёти, Чўхмор оқсоқолни тепаси, Аллабердининг қўниши, Давлатой, Чини кул, Аҳмат тўқсонбойнинг тўқайи, Девона камар, Салимнинг жилғаси.

Калламосорликлар ўз авлодлари билан фахрланади. Ўз қишлоғини обод қилган авлодларнинг кейинги 6–7 пуштлари ҳам шу қадим маконни обод қилишда сидқидилдан меҳнат қилишган, ўз билим, ҳаёт тажрибалари, эса қоларли жўшқин хизматлари билан ном қолдиришган. Ушбу авлодларга:

1. Эсламасбий.
2. Ибодуллабой.
3. Аллабердибой, Қўқорбой, Норбўта, Улаш, Тўлабой.
4. 5 ўғилли Мулло Шаймон.
5. Маманазар, Алланазар, Жуманазар.
6. Норхон, Рамазон, Хўшбоқ, Алишер ва бошқалар.

Калламосорлик Мулло Шаймон, ўз даврининг билимдон, оқсоқол инсонларидан бири. Унинг ўғилларидан Маманазар кўп йиллар илғор бригада бошлиғи, Тошқулов идорасининг ходими бўлиб ишлаган. Алланазар Шоймонов эса, урушгача ўқитувчи, уруш қатнашчиси, урушдан кейин “Янги турмуш” колхозига бош ҳисобчи, 10 йил колхоз раиси, сўнгра ферма мудирини бўлиб ишлаган. Жуманазар эса, 7-синфни битириб, ўқитувчи, ўрта маълумот олгач, мактаб мудирини, 2–3 мактабга директор, педтехникумни тугатиб, институтга киргач, Шеробод маориф бўлимининг бош инспектори вазифасида ишлаган. Ўзи бор-йўғи 30 йил умр кўрса ҳам, 50–60 ёшдаги кишиларнинг ишини қилиб қўйган. 5-авлоднинг ҳаммаси – уч оға-ини ҳам от чопган, чунки тоғаси Зиякулбобо моҳир чавандоз эди. Зиякулбобо бошлиқ ҳаммалари Зарабоғга тўйга боришади. Улар кечаси от совутиб юришса, кечаси олиш(кураш)нинг устига бориб қолишади. Ўйигитларидан уч-тўрттасини олишга чиқаришади, ҳаммаси йиқилади. Шунда Зиякулбобо отини бировга ушлатиб, ўзи олишга тушади, ўзи ҳам йиқилади. Кетдик, деб ҳаммаси қўшхона уйига келишади. Ёшлар “Нима бўлди, Бобо?”, – деб ҳазиллашади. Бободан садо чиқмайди, фақат нос отади, ёшлар эса товушини чиқармасдан пиқиллаб кулишади. Эртаси кунини Зиякулбобо чой ичмасдан отини совутади ва кўпқари бошлангач, уларга аралашади.

Ўша куни 2 та охири, 9 та қўй-эчки, 1 та тана айиради, аламларидан чиқади, қайтишда ҳаммага гурунг бериб, кайфияти чоғ бўлиб қайтади, жияни Алланазар раис ҳам 1 та қўй айирган эди. Алланазар Шоймонов ўн йиллик раислик даврида кохозчиларга томорқа бериб, уйлар қурдирган, кўчаларни обод қилган, 10 гектарлик боғ яратган, колхозчилар учун клуб, телефон, радиокарнайлар ўрнатган, колхознинг даромади ошиб, ҳовлиларга мевали дарахтлар эктирган, кўп тўйлар бўлиб ўтган. Акаси Маманазар Шоймонов ингичка толали пахтадан 40—45 центнердан ҳосил кўтарган, орден-медаллар олишган. Зиякул тоғаси билан Маманазар ака йигитларини эргаштириб, Беш эркак қишлоғига кўпқарига боришган. Маманазар жияни 3—4 марта улоқ айиради, тоғасининг эса омади юришмаган. Қўшхона уйда ётиб, эрталаб туришади, чой-нондан кейин яна кўпқарига боришмоқчи бўлишаётганда, жияни тоғасига 10—15 сўм узатди, нега деса, уйга борганда болаларингизга берарсиз, борғи айира олмадингиз, деб ҳазиллашади. Бобо жаҳл билан кўпқарига кириб кетади, яна аввалгидек тана, қўй-эчки айиради ва жиянига қараб, борғиларни отларингга ортинглар дея, жавоб қайтаради. 1959 йили бобо 60 ёшда ўзининг севимли Оқёл малла оти билан Хомконга боради. Кўпқарининг биринчи куни Оқёлни олиб борган чавандозлар, от бўлмайти, чопмайти, дейишиб куруқ ўтиришади. Эртаси Зияқулбобонинг ўзи отни совутиб, қашлаб, силаб-сийпаб, улоққа қўшади. Устма-уст 4 марта борғи айиради. Тўй эгасининг зоти, от, хўкиз ва қўй-эчкиларни айириб, икки вилоят чавандозларини қойил қилади. Кичик жияни Жуманазар Қорабоғ қишлоғига мактаб директори бўлиб борган, ойнанинг охирида ойликни ошириб, бориб ўқитувчиларга тарқатар экан. Агар тўй-кўпқари бўлса, от миниб, муаллимларга охири, қўй-эчки айириб берар экан. Кейинги авлодлардан Хўшбоқ Шоймонов қишлоққа электр асбоблари, йўл ва кўприк қурилиш ишларига ёрдамлашган бўлса, Норхон Маманазаров эгри-бугри ариқларни тўғрилатиб, сув йўлларини қаздириб, шуларни тартибга келтирди, ёшларнинг ўқишига ёрдамлашди, шахсий томорқаларга сотиш учун даромадли экинлар эктирди. Шунинг учун оққан ариқ оқмасдан қолмайти, дейишади халқимиз.

1916—1920 йиллар орасида Тозибулоқ деган жойда Шеробод ва Бойсун беклигининг катта Сарсайил байрами ўтади. Шеробод беклигидан 32 ариқ бўйича қишлоқ оқсоқоллари, бойлари,

чавандозлари, полвонлари тўпланишиб беклик номидан сўхталик Шоди Амин иш олиб борадилар. Бойсун беклигининг Пошхурд, Зарабоғ, Қизилолма, Хомкон, Хатак, Лайлагон, Эгарчи, Калламосор, хуллас, Дахнадан юқори қисми: Бешфаргантий дейилиб, унга жами оқсоқоллар номидан хомконлик, гапдон Жума оқсоқол иш олиб боради. Икки тарафлама кураш сайилининг асосий томошаларидан бирига айланади, Полвонлар учун борғилар бекликлар номидан, еб-ичар овқатлар бойлар, оқсоқоллар номидан тайнланади. Икки кунлик курашнинг биринчи куни, асосан, ёшлар курашади, кечалари бахшилар томонидан дoston-термалар тингланади. Мардонакул бахши, Шотўра бахшилар хизмат қилишади. Ҳар икки томондан кўп ёш полвонлар, борғи олишади. Сайилнинг ҳал қилувчи кунда катта, донғи кетган полвонлар курашади, ҳар икки томондан зўрлар кураша бошлайди.

Ҳал қилувчи вақтлар яқинлаша бошлайди, “32 ариқ” томонидан курашган полвонлар кўпроқ борғи олишади. Билимли, гапдон Шоди Амин давра айланиб, Жума оқсоқол томонини, яъни “Беш фарагант” полвонларини мот қила бошлайди:

– Хў, Жума оқсоқол, яна полвонларинг борми?, – Айронхўр (тагаб халқи кўпроқ қатик-сут билан овқатлангани учун) ларингдан яна қолдими? – деб ҳаммани мот қилади.

Шунда Жума оқсоқол гап тополмай, “Беш фарагант” лик бойлар, оқсоқоллар олдига келади. Энди нима қиламиз, энгилдик деб кетамизми? – дейди. Алихонбобо ўрнидан туриб, Хомкондан Мулло Болта келдими? Қани, у, деб сўрайди. Шунда бири “Мулло Болта” кўшхонада китоб ўқиб ётибди, – дейди. Боринг Мулло Болтани кўндириб олиб келингллар, бўлмаса (шарманда) энгиламиз, дейди Жума оқсоқол. Бойлардан 3-4 таси бориб Мулло Болтани олиб келади ва чакмон кийдириб, даврага чиқаради. “32 ариқ”нинг донғи кетган полвони билан Мулло Болта сайилнинг ҳал қилувчи кураш баҳсига тушади. Ҳамманинг диққати икки зўрда. Икки оқсоқол: Шоди Амин билан Жума оқсоқол ҳам жим, Худо кимга бераркан, дейишиб давра айланади.

Биринчи ушлашда, Мулло Болта рақибининг янги чакмонидан ушлаб, бир энгини юлиб отади. Кураш яна қизийди рақиб Мулло Болтани силкиб ўрнидан қимирлата олмайди. Учинчи ушлашганида Мулло Болта рақибини тизза чўктириб, ёнбош қилади. Сўнгра айланишади. Рақиб давра ўртасига келиб, Мулло Болтага кураш кура ўртасида таслим бўлганини айтади ва даврадан чиқиб кетади.

Мулло Болта қайта сарсайилда ғолиб бўлади. Шунда Жума оқсоқол ўртага чиқиб: – Хў, Шоди Амин, яна ошколихўрларингдан борми? –деб Шоди Аминни мот қилган экан.

Мулло Болта асли хомконлик бўлиб, ҳам полвон, ҳам чавандоз ўтган, йигит даврида кўпкарига отини отаси сотиб, яна 4 ёшли от олиб берган. Ўғли бундан норози бўлиб эртаси тўйга бормаи, уйда ўтирса дўстлари келишади ва кўпкарига юр дейишади. У бормаслигини айтиб, оти сотилганини айтади. Отаси, ана 4 яшар от олиб бердим, уни мин деса, у мени кўтара олмайди, мен уни кўтараман деб эгарланган отни икки узангисидан ушлаб кўтарган ва кўтонни бир айлантирган экан, от эса улоқ сингари типирчилаб, қочолмай келган экан, дейишади 90–95 ёшли кексалар. 1930 йилларда Мулло Болта Афғонистонга кўчиб кетган, ҳозир 2–3 ўғли ва неваралари Саудия Арабистонида яшамоқда, бу ердаги амакилари билан хат-хабар орқали гаплашиб туради. Хомкон – Калламосор халқи асли бир халқ. Хомкон ёзги яйловчи, лалми деҳқончилик жойи, Калламосор қишки, эрта баҳорги яйловчи. Сайил апрел-май ойларида ўтиб турган.

#### 4.4. Калламосорлик мирохўр, чўпон ва бир никоҳ тарихи

Калламосор қишлоғида Мулло Мирохўр деган шахс яшаб ўтган, аслида Қорақисмоқ даҳасидан катта бой бўлиб, унинг моли Хачча товда ёзги яйловида ўтлар экан. Қишки қалови эса Калламосорнинг Ханжар (булоқ) деган жойида бўлиб, сувлаши Калламосор дарёси, ўтириш жойида чучук сувли булоқ бўлган. Мирохўр унвони Бухоро амирлиги томонидан берилган бўлиб, халқнинг амирликдаги вакили. Ўзи билимдон, одамларга амирликнинг фармойишларини етказувчи, подшоликка ош-улов, аскар, закот ва солиқларини йиғиштириб берган. Бир маротаба амирлик йиғинида, катта қасрда иштирок этиб, мажлисга амир, вазир ва уламолар кириб келади, ҳамма ўрнидаң туриб таъзим қилади, аммо Мулло Мирохўр ўрнидан турмайди. Йиғилиш тугагач, амир ҳамманинг ўз ерларига кетишини айтиб, Мирохўр қолсин, деб уни олиб қолади. Кетувчилар Мирохўр ҳурматсизлиги учун жазосини олади, унинг калласи узилади, дейишиб ўз йўлларига равона бўлишади.

Амир Мирохўрни амиру уламоларга кўрсатиб: “Қани эди, менинг ҳам сарбозу-бекларимнинг юраги шу Мирохўрнинг

юрагидек катта бўлса, менинг мамлакатимга душман келолмас эди, балли сизга, Мирохўр”, – деб от, қилич ва тўн кийдириб, кетишга рухсат берган экан. Олдин кетган беклар орқаларидан етиб келган Мулло Мирохўрни кўриб, ёқа ушлаган эканлар. Хомконлик Вайишназар исмли 12–14 ёшли йигит Мирохўрга дастёрликка келади, отларига қарашади, ўтин ёради, сув ташийди, қўзи-улоқларни боқади. Сўнгра уни бир отар қўйига бош чўпон қилиб тайинлайди. У ҳамма ишларни пухта ва кўнгилдагидек бажариб, Мирохўрнинг эътиборига эришади. Йигитнинг учта хизмати Мирохўр учун эса қоларли бўлади, биринчиси Ваишназар кебанагини елкасига ташлаб қўзли қўйларни ўтлатиб ўтирса, бир каттакон бўри қўйларга хужум қилиб, бир тўхлини олиб қочади. Кебанагини ташлаган Ваишназар зарб билан бўрини қувиб, жар ёқасига етгач, бўрининг бошига таёқ билан уради, бўри йиқилади, ўзи ҳам хушидан кетади. Бу воқеанинг устига Мирохўр келиб қолади, қараса бўри ўлган, чўпонни хушига келтириб, отига миндириб, уйига олиб боради. Ёрдамчилари бўрини эшакка ортиб уйга олиб бориб, терисини шилади. Иккинчиси Мирохўр бойларни, оқсоқолларни эргаштириб Лайлагон Хатак томон тўйга боради. Кундузи кўпқари чопилиб, кечаси олиш бўлади, эртаси куни яна олиш, кўпқари бўлади. Олишда Мирохўрнинг полвонлари йиқилади, унинг кайфияти бузилади. Шунда Мирохўр тўй эртасига олишни яна кечқурун давом эттиришни буюриб, Ваишназарни олиб келишни буюради. Ваишназар келтирилади, “Бой ота мен ҳали курашга тушганим йўқ” деса ҳам, курашга тушасан, биз мот бўлмоқдамиз, оримизни олиб берасан, биз эса сенга ҳаммамиз бирлашиб дуо берамиз, – дейди. Ноилож Ваишназар рози бўлиб, чакмон кийиб, курашга тушган ва тўйнинг энг зўр полвонини йиқитиб, элу халқнинг орини олган экан. Ваишназар шу даражада шишиб, тўлишиб кетган эканки, чакмоннинг енги билагидан чиқмай, уни пичоқ билан кесиб олган дейишади.

Учинчидан Шеробод беклигининг баҳорги катта сарсайилада Мирохўрнинг 4 та оти, 4 та чавандози иштирок этиб, биринчи куни улар ҳеч қандай борғи ололмайди. Бундан Мирохўрнинг кайфияти бузилиб, икки кишини яна яйловга, Ваишназарнинг олдига юборади: “Бор, Ваишназарни шу кеча етказиб кел”, – дейди. Кетувчилар уни етказиб келади. Шунда Мирохўр ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, “Қайси отни отбозлар совутсин, ўзинг дам оласан”, – дейди. Ҳали от устига чиқмаган чўпон Мирохўрнинг гапини икки

қила олмай, рози бўлади ва энг оғир, чавандозлари кўп минмайдиган тўри қашқани минишга аҳд қилиб, шуни совутишни айтади. Эртаси куни Ваишназар шу юрмас тўриқ қашқа билан катта борғилардан 4–5 тасини айириб, Мирохўрни хурсанд қилади. Шундан сўнг оддий чўпон Ваишназар Мусо Мирохўрнинг чавандози бўлиб, эл орини олган экан. Ваишназар Мирохўрга жами 15 йилга яқин хизмат қилиб, дуосини олган, шунда Мирохўр: “Ўғлим, мен сендан розиман, сен ҳам рози бўлсанг, сени ўзим уйлаптириб, уйли-жойли қилайин,” – дейди. Ваишназар ўйлаб туриб, “Бу сўзингиз учун раҳмат, бобо. Менинг ҳам ога-иниларим бор, ўшаларнинг олдига бораман, улар уйлантирар,” – деб кетишга рухсат сўрайди. Бой ўйлаб туриб, бу гапни маъқул кўради ва Ваишназар энчиси учун 95 кўй беради. “Менинг қўшганим – тўйингга ишлатасан”, – деб дуолашиб деб бир йигитни ёнига кўшиб, жўнатган экан. Ваишназар уйли-жойли бўлиб, 2 ўғил, 4 қизли бўлади. Фарзандларидан 20 га яқин неvara ва уларнинг 100 га яқин чеваралари ҳозирги вақтда ҳам бахтли умр кечиришмоқда.

\*\*\*

Калламозорлик Мулло Тошпўлат ўғли Мамаймуродни (1910 йил) уйлантирмоқчи бўлиб, қариндошларини уйига таклиф этади. Ога-инилар тўпланишгач, Мулло Тошпўлат мақсадни айтади ва: “Бирортангиз Мулло Мирохўрнинг қизига совчиликка борингизлар”, – дейди. Ҳамма жим. Мирохўр ўта гапдон, биз гап топиб беролмаймиз, дейишади. Шунда Исматулло оқсоқол: “майли мен совчиликка бораман”, – дейди. Совчи бориб, мақсадни айтгач, Мирохўр: “Майли розилик бераман, лекин менинг хислатларим кўп-да, Мулло шунга чидаш берадимми?” – дейди. Совчи бор гапни муллога айтади. Шунда Мулло: “Майли, боринг, тўйни (фотиҳани) ўтказиб келингизлар. Мирохўрга эса “чидаш берар экан, унинг ҳам хислатлари бор экан денг”, – дейди.

Ўтлар қайтгач, Мулло тоққа яйловга қайтмоқчи бўлади. Муллонинг совчилари Мирохўрникига бориб: “Қуда чақирув қилайлик, тўнини кийдириб, иззатини қилайлик, яйловдан қайтгач, кузда келинни йиғиштириб оламиз”, – дейди.

Борган одамларга Мирохўр: “Биз куда сийловга ўзимиз хоҳлаган вақтда борамиз, ҳозир вақтимиз йўқ”, – дебди. Мулло Тошпўлат кўчиш тараддусига тушибди, ўйлаб туриб, бозорлик қилайлик, деб Деновга кетибди. Бозордан гуруч, майиз, ҳар хил мевалар ва иккита катта жом (сарик) мис товоқ ҳам олиб келибди.



Эртага кўчамиз, бир тандир нон, қат патир ёпиб, майиз солиб 15 кг. лик палов дамлаб, 30 та от учун яккажилов, 30 та қозиқ ва қудалар учун тўнлар тайёрланглар” деб тайинлайди. Бой молларини яйловга ҳайдатиб, ўзлари юкларини туя, кўликларига ортиб йўлга тушади. Кўч карвони 7–8 км.ча юриб, Қумдаштга етганда, қараса, ўттиз отликнинг қораси кўринади ва сал ўтмай яқинлашиб келади. Қудалар Мулло Тошпўлатни синаш учун кўч устига келади. Шунда Мулло дарҳол туяларни чўктириб, шошмасдан ҳаммасига қозиқ ва якка жиловларни таркатиб беради. Юклар ичида чиройли тақиямот ва адас кўрпачаларни улоқ устига яшнатиб тўшайди. Меҳмонлар кўлига сув қуйиб ўтирғизади, ҳали чои қайнамасдан махсус тенгни ечиб, меваларни, нон, патирларни дастурхон устига ташлайди, буғи чиқиб турган гўшт-майиз паловни меҳмон қудалар олдига кўяди, чой дамланади. Шу орада кўйни қайтариб, қассоб чўпонлар кўйларнинг семизидан 2–3 тасини сўйиб қовуради. Қудаларни кечгача сийлаб, тўнларини кийдиради. Бу билан Мусо Мирохўрнинг хислатларига жавоб қайтариб, кўч устига бўлса ҳам меҳмонларни мот қилади.

Яйловдан қайтгач, кеч кузда бориб Мулло Тошпўлат келинни узатиб олади ва катта тўй, олиш, кўпқари қилади. Келин туширишда Мулло Коризнинг устидан Давлатойгача 150–200 метрлик йўлга келин учун пояндоз тўшаган. Мусо Мирохўр ҳам кизини кўчиришда катта тўй бериб, куёв учун алоҳида уй тикдириб, “куёв камар” қилган, яъни бир ҳафта куёвни шу уйда сақлаган, уйига жўнатишда 4 яшар отни афзаллаб, миндириб жўнатган экан. Калламосор қишлоғининг қария қартанглари ҳозиргача гурунг қилишади. Бу ҳам калламосорликларнинг ўзига хос удуми, урф-одати бўлса, не ажаб!

1. Калламосор тарихий афсонавий маълумотлар таҳлилига асосланиб, аввал қалъа ва кейинги урушлар туфайли унинг ёнига инсонлар дафн этилиши натижасида “Калламосор” деб аталган деган тахминлар мавжуд. Чунки бу воқеалар эрон, юнон, араб, мўғул босқинчилиги даврларида юз берган.

2. Ҳотамтой – бу аслида араб ривоятидир. Асосан уруш, босқинчилик хабарларини подшоликка хабар бериш учун қурилган махсус химоя бинолари бўлиб, унда қоровуллар турган, қоровуллар йўловчиларга, уларнинг уловларига озиқ-овқат, сув бериб туришган. Бундай қоровулларнинг айримларини хотамжон, яъни

мехр-мурувватли кишилар деб аташиб, ушбу ҳимоя биноларни Ҳотамтой деб аташган.

3. Бешқиз – бу жой ҳам қишлоқнинг жанубий қисмида жойлашган тоғ. У узокдан қараганда шарққа қараб, курта-рўмол ёпиниб турган қизларни эслатади. Улар 4–5 та ўша ерда айрим бурама тошлар бўлиб, кир ювиш ва унинг сувини сиқиб кетгазувчи ҳолатга ҳам ўхшайди. Айрим кишилар шуларни ҳисобга олиб, илоҳийлаштирган ҳолда “Бешқиз” деб аташган. Аслида бу табиат мўъжизасидир.

4. Дулдул тош – бу ҳам табиат мўъжизаси бўлиб, кум тошдаги ўйик, охурга ўхшаш. Бир замонлар йирик отларга охур сифатида фойдаланилган бўлиши мумкин. Тош даврида пайдо бўлган ўйик–охурни айрим кишилар илоҳийлаштириб, авом халқни хайр-эхсон қилишга ундаганлар. Аслида Ҳазрати Али бу ерларга келмагани бизга тарихдан маълум. Нима бўлганда ҳам бу ерни халқ эъзозлаб, узок тарихга боғлаб қўриқлайдилар.

5. Қарабкали – айрим йиллари майда молларга, хусусан, эчкиларга қирон келтирувчи қарабка касаллиги сўзидан олинган. Шу жойда эчкили бой ўтган бўлиши мумкин. Унинг эчкилари шу касалликдан нобуд бўлиб, шу кўтон қарабкали аталаб кетган.

6. Қирқйигит – бир тўп йигитлар ариқ қазиб, дарёдан экинзорларга сув чиқариш учун ишлаганлар. Чунки, ариқнинг сарбандининг бошини сел сувлари доимо бузиб кетаверган. Айниқса, май-июнь ойларида сел кўп бўлади. Йигитлар шу вақтларда сарбандга келишган ва тушки дам олишда жарлик соясида дам олган. Шу вақтда тўсатдан зилзила бўлиб, жар нураб тушган ва ариқ қазувчиларининг кўплари нобуд бўлган. Уларнинг жасадини узокқа олиб юришга имкон бўлмай, Калламосор қабристониининг шундоқ ёнида умумий дафн этишган ва шундан “Қирқйигит” аталган.

8. Қишлоқлисой – Катта сойликнинг икки бетиде тош ва лойдан қурилган уйлар, қўтонлар кўп бўлган.

9. Кўзибулоқ – тоғ ёнидаги булоқ, қўзи-улоқларни суғоришда фойдаланилган.

#### 4.5. Навбоғ қишлоғи тарихиға оид лавҳалар

Навбоғ қишлоғи Шеробод туманининг Эшбой Бердиев сув истеъмолчилари уюшмаси ҳудудида жойлашган. У Шеробод шаҳри, яъни туман марказидан жануби-ғарб томонда жойлашган бўлиб, Янгиқишлоқ (Чалақўрғон), Оққўрғон, Таллашқон, Куллуқшо қишлоқлари билан чегараланган. Туман марказигача 2,5–3 километр, қишлоқ аҳли ўзбек тилида гаплашади. Қишлоқ аҳолисининг ҳозирги кундаги умумий сони 1,736 нафар киши бўлиб, умумий ер майдони 428 кв метрдан иборат. Аҳолининг кўпчилик қисмини ўзбек миллатининг чиғатой уруғига мансуб кишилар ташкил этади. Қишлоқда ўзбекнинг қўнғирот уруғига мансуб кишилар ҳам кўпчиликни ташкил этади. Жумладан, ойинли, қонжиғали уруғига мансуб аҳолининг кўп йиллар ўтиши натижасида тилида чиғатойлашув, яъни тил ўзгариши ҳолати вужудга келган. Навбоғ қишлоғи асосий аҳолиси бўлган кишиларнинг сўзлашув услуби Бухоро вилоятидаги айрим туманларида яшовчи аҳолининг тилига жуда яқин. Бу, эҳтимол, кексалар томонидан нақл қилинган баъзи ривоятларнинг маҳсулидир.

Кексалар нақл қилишларича, ҳозирги кунда Навбоғ қишлоғида яшовчи кўпчилик аҳолининг боболари Бухоро вилоятининг Қорақўл туманидан келиб қолишган. Авлодлар шажарасининг ташкил топишига қараб тахмин қиладиган бўлсак, бу тарих XIX асрнинг I-ярмига – Бухорода манғит амирлари ҳукмронлик даврига тўғри келади.

Қишлоқдаги нуроний кексалардан бири Очил бобо Пиримкул ўглининг айтишича, Бухорода манғит амирлари ҳукмронлиги даврида (тахминан XIX асрнинг I ярми) 5 киши амирликнинг чекка ўлкаси ҳисобланган Шеробод беклиги ҳудудига бадарға қилинади. Бу беш кишининг бири Гегирдак қишлоғига, бири Қишлоқазонга, бири Пошхурдга, бири Чўйинчи ва охиргиси Навбоғ қишлоғига келиб ўрнашдилар. Улар гарчи бадарға қилинган кишилар бўлишса-да, Бухоро амирлиги пойтахти Бухородан келишганлиги туфайли Шеробод беги уларга имтиёзли шароит яратиб берди. Масалан, уларга бекликнинг ҳосилдор жойларидан ер-сув ажратилади, маҳаллий аҳоли орасидан уйланиш имконияти яратилди. Бу келган кишилар Шерободнинг турли қишлоқлари қизларига уйланишган.

Навбоғ қишлоғида жойлашган Чўпон ота муқаддас қабристон тарихий манбаларда илоҳий ривоятларда ўз аксини топган. Бундан бир неча асрлар муқаддам кўшни Афғонистоннинг Шибиргон вилоятида бир табаррук эшон бобо яшаган. У ниҳоятда зукко, авлиёсифат киши бўлган. Асли исми Саид Ақромжон бўлиб, болалигидан назаркардалиги билан эл назарига тушган эди. Шу туфайли одамлар уни эъзозлаб Чўпонхўжа деб атар эдилар (чўпон (асли чўлпон) сўзи юлдуз, тонг юлдузининг номи). Ривоят қилинишича, бир куни кутилмаган ҳодиса юз беради. Чўпонхўжанинг оиласида 2 ўгли ҳамда 2 та туяси бўлган, кунларнинг бирида туяларнинг биттаси бир бойнинг ўғлини ютиб юборади. Боланинг отаси Чўпонхўжанинг ҳурмати учун унга ҳеч нарса демаган бўлса-да, у киши бошқа жойга кўчиб кетишни лозим топади. Амударёнинг нариги томонига кўчади, дарёдан ўтишда бир туя чўкиб кетади. Туя устидаги сандиқларнинг бирида авлодлар шажараси ҳам бор эди. Муридлар чўкаётган туя устидаги бисотларни қутқариб олмоқчи бўлишади, аммо Чўпонхўжа бунга рухсат бермайди. Дарёдан ўтиб бир қанча вақт Таллашқон чўлида чўпонлик билан машғул бўлишади. Тақдир тақозоси билан улар Қашқадарёнинг Дехқонобод ҳудудига бориб қолишади. Чўпонхўжа ўша жойда уйланиб, икки ўғилли бўлади. Ўғилларининг номлари Султонхўжа ва Ниёзхўжадир.

Чўпонхўжа, яъни Саид Ақромжон ёшани яшаб бўлиб, вафот этиши олдидан шундай васият қилади: “Менинг жоним дунёи фонийдан дунёи боқийга рихлат қилгач, жасадини кўмишга шошилманглар. Ўлимимнинг эртасига уйимнинг олдида бир туя келиб тўхтайти. Майитлигимни ювиб-тозалаб, кафанга ўраб ўша туя – оқ мояга ортинглар ва туяни ўз ҳолига қўйиб беринглар. Ўзларинг ҳам отланиб, туя билан изма-из боринглар. Оқ моя қаерга бориб чўкса, мени ўша жойга дафн қилинглар. Менинг бирдан-бир васиятим – шу!”

Улуғ авлиё башорати тўғри бўлиб чиқади, эртасига бир оқ моя эшоннинг эшиги олдида келиб чўкибди. Васиятда айтилганидек қилишибди, оқ моя чўл-биёбонларни ошиб тўхтамай кетаверибди. Ниҳоят, Шеробод шаҳрига етиб келибди, туя бу ерда ҳам тўхтамай, ҳозирги Навбоғ қишлоғи ҳудудига етиб келиб, бир тепалик устида тўхтабди ва чўкибди. Одамлар эшоннинг майитини туядан тушириб, дафн этишибди, қабр устига гумбазли сағана ўрнатишибди.

Шундай қилиб, туб жой аҳолиси бу жойни “Чўпон ота” деб атай бошлашибди. Гумбаз атрофида қабристонга уч қишлоқдан вафот этган навбоғлиқлар, ойинлиқлар ва деҳқонободлиқлар дафн этилади.

#### 4.6. Етимқум маҳалласи

Тарихий манбаларда алоҳида аҳамиятга эга Етимқум маҳалласи Қизириқ тумани марказидан 2,5–3 км узоқликда жануби-шарқда жойлашган бўлиб, 5 гектарга яқин ерни эгаллаган қум билан боғлиқ.

Тарихий афсонавий маълумотларда қайд этилишча, бир етим бола ҳамманинг қўйларини боқиб юрар экан. Бир куни ушбу етим бола шу қумда ухлаб қолади ва шу ерда тўсатдан вафот этади. Натижада ушбу ном жойи бола қабри билан боғлиқ ҳолда Етимтепа деб аталиб кетади.

Шунингдек, иккинчи ривоятда Жарқўргон тумани ва Қизириқ тумани ўртасида катта қум жойлашган. Шу катта қумтепалиги бошқа тепалиқлардан ажралиб қолгани учун маҳаллий халқ ушбу алоҳида тепалиқни Етимтепа деб атаган. Учинчи ривоятда эса бир шоҳ яшаган экан, шу шоҳнинг қизи касал бўлиб қолади, уни ҳеч қандай табиблар даволай олмайди. Ёши бир жойларга бориб қолган қари чол жануб томонда бир шифобахш қум борлигини эшитиб, шу қумдан олиб келишни айтади. Катта карвон билан йўлга чиққан подшо одамлари шифобахш қумни топишади ва туяларга ортишиб ортларига қайтишади. Карвон ярим йўлга келганда бир чопар келиб шоҳ қизи вафот этганлигини айтади. Карвон аҳли эса бундай хабарни эшитиб йиғлашади ва туяга ортилган қумларни шу ерга тўкиб кетишади. Натижада бу қумни Етимқум деб аташади<sup>1</sup>.

Профессор З Зуннунов Етимқум устида узоқ йиллар мобайнида илмий изланишлар олиб боради. Профессор З.Зуннунов ушбу қумда инсон танасига керакли 10 дан ортиқ моддалар борлигини аниқлайди.

Етимқум қуми шифобахш бўлганлиги учун узоқ йиллар мобайнида нафақат Етимқум маҳалласи аҳли, қолаверса, Сурхондарё вилоятининг турли туманларидан келган аҳоли дардларига шифо топиб, шу қум туфайли соғайиб кетишмоқда.

<sup>1</sup> Абдуқодир бахши маълумоти. Муаллифнинг дала ёзуви. 2012 й.

Жайрахона ва Учқизилдаги санаторияга ҳам Етимқум қумидан инсонлар соғлигини даволаш учун олиб кетилади.

Етимқумда бир чивин егич ҳашарот бор, ушбу ҳашарот инсонни чакмас ва ҳеч қандай зарар келтирмайди. Бу ҳашарот ҳар хил касалликларни тарқатувчи чивинларни ейди. Бу эса аҳоли соғлиги учун катта аҳамиятга эга.

Етимқум маҳалласида ҳозирда 2300 аҳоли истиқомат қилишади. Бу маҳаллада Гидамбон даҳасининг қийғочли, Қўштамғали, Тоғали, Хомкон, Сарик, Ургуни каби уруғлари бўлиб, аҳолининг кўпчилигини Гидамбон даҳасининг Қўштамғали ва қийғочли уруғига мансуб кишилар ташкил этади.

Етимқум маҳалласи аҳолиси Шеробод туманидан кўчиб келишган, дастлаб бу ерлар чўл бўлган. Қиш ва баҳор ёмғири натижасида бу ерларда кўм-кўк ўтлар ўсиб, қорамоллар учун яйловга айланган. Шеробод туманида яшаган аҳоли бу ерларга баҳор фаслида молларини боқиб келиб, ўтовлар, қора уй (қора қапа)лар қуришган ва ёз ойлари ўз жойларига қайтиб кетишган. Янги ерлар ўзлаштирилгач, Шеробод ва бошқа қўшни туманлардан аҳоли келиб муқим ўрнашиб қолган. Араблар босқинидан сўнг бу ерларга араблар ҳам келиб ўрнашиб қолган, бу ердаги араблар ўз урф-одати, тили ва бошқа арабларга хос жиҳатларини унутиб юборган.

Мустақиллик йилларида Етимқум маҳалласи қулай ерда жойлашиб, маҳаллий қишлоқлар электр токи, газ, ичимлик суви билан таъминланган. Сув шу даражада кўпки, натижада ерлар аста-секин шўрлай бошлаган. Шунга қарамай аҳоли деҳқончиликдан, боғдорчиликдан яхши ҳосил олишади. Аҳолининг турмуш тарзи яхши. Етимқум маҳалласи Шеробод беклиги таркибида бўлган. Туман маркази деҳқон бозорига яқин бўлганлиги чун савдо-сотик билан шуғулланадиган одамлар ҳам кўпдир.

Бу маҳаллада бахшилардан Аҳмад бахши Норбой оқсоқол ўгли, Бўри бахши Аҳмад бахши ўгли, Абдуқодир бахши Бўри бахши ўгли истиқомат қилишади. Бўри бахшининг “Нуралининг ютилиши” достони босилиб чиққан. Бўри бахшининг асли касби ўқитувчи бўлган. У киши 1914 йил Шеробод тумани Гидамбон қишлоғида туғилган. Бўри бахши Иккинчи Жаҳон уруши қатнашчиси, 2-гурӯх ногирони бўлиб урушдан қайтган. Ҳозирда Бўри бахшининг бахшичилик фаолиятини ўгли Абдуқодир Аҳмедов “Тўрўғлининг туғилиши”, “Малла савдогар”, “Санам Гавхар”, “Алланазар

Олчинбек”, “Авазхон”, “Алпомиш”, “Ойпарча”, “Аҳмадхон” каби дostonларини ва термаларни ёддан билар экан<sup>1</sup>.

Бўри бахшининг хотини ҳозирда ҳаёт экан, 1922 йил туғилган Байна момо 84 ёшга тўлган бўлса ҳам, чанқ овуз (чанговуз асли чановуз яъни оғиз билан чанг, соз маъносини билдиради) билан “Куёв келди”, “Туя қайтариш”, “Кўпқари” каби куйларни чала олар экан. Байна момо эри Бўри бахшининг 30 дан ортиқ дoston ва термаларни ёддан билганлигини ва тўйларда бахшичилик қилиб қўйлар олиб келганлигини ҳамда бир кунда беш-олти тўйларни ўтказиб элга хизмат қилганлигини айтди<sup>2</sup>.

Етимқум маҳалласидан полвонлар ҳам етишиб чиққан бўлиб, энг машҳури Раҳмон полвон Нодиров ҳисобланади. У кишининг жиянлари Жўра полвон ва Жайлов полвонлар, шунингдек, Алим полвон Шоимов, Раҳмат полвон Шоимов, Ҳамид полвон Шоимовлар шу маҳаллада истиқомат қилишар экан.

Етимқум маҳалласида ижод қилган, дoston ва термалар айтиш бўйича танилган, халқ миллий-маънавий маданиятида алоҳида эътиборга сазовор бўлган инсонлар жуда кўп.

<sup>1</sup> Абдуқодир Аҳмедов. 1946 йилда туғилган, миллати ўзбек, Қизилқум тумани Етимқум муҳалласида туғилган.

<sup>2</sup> 84 ёшли Байна момо. 1922 йилда туғилган, миллати ўзбек, Қизилқум туманида яшайди.

## ХУЛОСА

Халқимизнинг кўп минг йиллик тарихи мобайнида улкан моддий ва маънавий мерос яратилиб, жаҳон цивилизацияси хазинасига бебаҳо улуш қўшилди. Ушбу мерос ўзининг аҳамияти, инсоният тамаддунига қўшилган бебаҳо ҳиссаси, ёш авлодни тарбиялашдаги аҳамияти билан ниҳоятда муҳим ўрин тутди. Халқимизнинг узоқ даврлик ўтмиши сабоқлар, хулосалар ва қадриятларга бой тарих саналади. Чунки қадим макон саналган Туронзамин инсониятнинг илк бешиқларидан бири ҳисобланиб, илк ибтидоий одамларнинг яшаши учун қулай манзил, уларнинг маънавий дунёсининг шаклланиши учун асос бўлган қадим маскан саналади. Айнан инсоният тафаккурининг илк ҳосиласи бўлган тасвирий санъат, диний тасаввурлар, илк мусиқий чолғулар, маросимларнинг ушбу заминда шаклланиши тош даврига бориб тақалади. Хусусан, Тешиктош ғорида яшаган одамларнинг дафн маросимлари, Зараутсой суратларида ифодаланган ов манзаралари, сополлитепа ва Жарқўтон манзилгоҳларида шаклланган ўтроқ деҳқончилик ва шаҳарсозлик маданияти, цивилизациянинг муҳим белгиси саналган белгили ёзувлар айнан ана шу заминда яшаган аجدодларимиз томонидан яратилган. Тарихий тараққиётнинг кейинги давларида юзага келган кўпгина маънавий мерос дурдоналари, хусусан, тасвирий санъат, безак санъати, мусиқа санъати, халқ оғзаки ижоди, халқ педагогикаси, юксак ахлоқ-одоб қоидалари халқимизнинг узоқ даврлик фаолияти ва изланишларининг маҳсулидир. Халқимиз азал-азалдан маънавиятга ташна, маърифатга ошуфта, илмга, зиёга интилувчан, яхшиликка сидқидилдан бел боғлаган, меҳр ва оқибатни устун қўйган, ориятни баланд тутган ғурурли, шижоатли, танти, меҳнатсевар халқ ҳисобланади. Халқимиз ўзининг узоқ даврлик тарихи давомида жуда катта тарихий, маънавий-маърифий қадриятларни шакллантирди. Ушбу қадриятлар нафақат халқимизнинг маънавий дунёсида, балки инсоният маънавий оламида, жаҳон цивилизациясида муҳим ўрин эгаллаган Туронзамин тупроғида юзага келган зардуштийлик таълимоти юксак ахлоқий қарашларни ўзида мужассамлантириб, кишиларга яхшилик қилиш, эзгуликка умрни бағишлаш каби фазилатларни тарбиялашда муҳим ўрин тутадиган “Авесто” сингари ижтимоий-фалсафий фикрлар жамланмасини юзага келишида шу заминда шаклланган маънавий



мухит муҳим роль ўйнаган. Буддавийлик динининг ахлокий қоидаларини юксалишида, айнан, жанубий Ўзбекистон ҳудудлари муҳим ўрин тутган. Ислом динининг назарий ва амалий асосларини бойитишда ҳам мовароуннаҳрлик алломаларнинг ўрни бекиёс. Халқимизнинг юксак маданияти, маънавияти, тарихий қадриятларини бойитган алломаларга ана шу замин бешик бўлган. Шунинг учун ҳам бизнинг маънавиятимизнинг илдизлари бақувват ва бу илдизлар узоқ даврлик тарихдан руҳий қувват олган даврлар синовидан ўтган қадриятларни ўзида мужассамлантирган. Чунки халқимиз доимо яхшиликка, меҳр-оқибатга, диёнатга, ориятга бел боғлаб хизмат қилган. Шунинг учун ҳам халқимиз томонидан яратилган халқ китоблари, дostonлари, оғзаки ижод намуналари, ахлоқ-одоб қоидалари фақат эзгуликка хизмат қилган. Эзгулик, яхшилиқ, одамийлик, инсоф, диёнат, меҳр-оқибат халқимиз менталитетининг ажралмас бўлагига айланган. Халқимиз томонидан яратилган барча моддий ва маънавий бойликлар фақат яхшиликка, фақат эзгуликка хизмат қилган. Ушбу тарихий бой мерос нафақат ўз даврида, балки ҳозир ва бундан кейин ҳам инсоният цивилизациясида муҳим ўрин тутди ва бутун инсониятга эзгу машғала бўлиб хизмат қилади. Шу боисдан ҳам биз дунё халқлари орасида бой моддий ва юксак маънавий қадриятларга эга бўлган халқ сифатида фахр туйғуси билан яшаймиз. Ушбу туйғу бизни ҳеч кимдан кам бўлмаганлигимизни ва кам эмаслигимизни англадиган муҳим ришта саналади.

## ЛУҒАТ

**Абгор** – ёмон аҳволга тушиб қолган; ночор, ҳароб.

**Абдол** – художўй, диндор.

**Абжир** – оёқ-қўли тез, эпчил чаққон.

**Авесто** – Зардуштийлик динининг муқаддас китоби. “Авесто” жуда қадимий китоб бўлиб, унинг ибтидоий қисми милоддан аввалги, яъни қарийб икки минг йил аввал вужудга келган.

**Авлиё** – (бирлиги вали) 1. Валийлик мартабаси, шайх, ориф ва пирнинг мақоми; 2. Ислом динида Аллоҳга яқин киши, Аллоҳнинг дўсти, ҳомий, “бандаларнинг ҳомийси” маъноларини билдиради. Авлиё Худога яқин киши. Мана шунинг учун ҳам мусулмонлар авлиёларнинг мозорларини зиёрат қилган.

**Авлод** – бир аждоддан тарқалган кишилар. Авлод ота ва она авлодларига бўлинади. Ота авлодига амаки-амакиваччалар, амма-аммаваччалар, ака-укалар ва улардан тарқалган кейинги насл киради. Она авлодига эса тоға-тоғаваччалар, хола-холаваччалар ва улардан тарқалган кейинги насл киради. Шунингдек, ушбу атама маълум бир даврда яшаган кишиларга нисбатан ҳам қўлланилади. Масалан: ёш авлод.

**Аза** – 1. Аёлларнинг марҳум уйида йиғи билан ўтказадиган мотам маросими; 2. Мотам, таъзия.

**Аккультурация** – маданиятларнинг ўзаро бир-бирига ўтиш жараёни.

**Анимизм** – жон, рух. Дунёда руҳлар, жонлар шаклидаги кучдир деган ибтидоий дин шакли.

**Антропогонез** – одамнинг пайдо бўлиш жараёни.

**Ассимиляция** – ўхшатиш, қиёслаш, қўшилиб сингиб кетиш. Ривожланган мамлакатлардаги майда этник гуруҳлар узоқ давр мобайнида йирик миллатлар тили ва маданияти ўзлаштириб, шу миллатга сингиб кетади ва ўзини шу миллат вакили ҳисоблайди. Ассимиляция табиий-ихтиёрий ва зўрма-зўракилик оқибатида ҳам бўлиши мумкин.

**Айём** – байрам куни.

**Алёрчи** – алёр айтиувчи, алёр айтишга уста одам.

**Амударё хазинаси** – эр.ав 5–3 асрларга оид 200 дан ортиқ олтин ва кумушдан ясалган буюмлар мажмуаси (ҳайкалчалар, идишлар, билакузуклар тангалар, узуклар, одамлар ва ҳайвонлар

расми тасвирланган бўлакчалар). У баъзи манбаларда “Окс хазинаси” деб ҳам аталган. Амударё хазинаси 1877 йилда Амударёнинг шимолий қисмида Қободиён (жанубий Тожикистон) вилояти худудидан эски шаҳар харобаларидан топилган. Турли саргузаштлар орқали ушбу хазина Раволпинди худудига келиб қолган. Ушбу хазинанинг катта бир қисми Ҳиндистонда археология хизмати раҳбари генерал-майор Каннинг-хэм ва Британия музейининг қадимги давр бўлими мутасаддиси О.Фрэнкс томнидан сотиб олинган. 1896 йили О.Фрэнкс васиятига биноан барча буюмлар Британия музейига топширилган.

**Асотир** – қисса, дoston, ривоят

**Атрабон** – оташпарастрларнинг ибодатхоналарида доимо ёниб турадиган муқаддас оловга – “азар-хурро”га ўтин ташлаб, кулини олиб турадиган диндорлар.

**Афсона** – авлоддан авлодга, оғиздан оғизга ўтиб келган фантастик, баъзан диний мазмундаги ҳикоя, ривоят.

**Ашъор** – шеърлар.

**Ақраб** – 1. Ўн икки буржнинг бири. Мезон ва Қавс буржлари ўртасида жойлашган; 2. Шамсия йил ҳисобида саккизинчи ойнинг арабча номи (11 октябрь – 21 ноябрь даврига тўғри келади).

**Бадиа** – кишининг диққатини тортадиган, таҳсинга сазовор бадий асар.

**Бадиҳа** – бирор воқеа-ҳодиса муносабати билан тўсатдан айтиб юборилган шеър, шеърий парча ёки мусиқа асари.

**Баёз** – бир ёки бир неча шоирнинг шеърлари тўплами. (оқ, оққа кўчириш)

**Базм** – 1. Тўй, зиёфат ва шу кабиларда машшоқлар, хонандалар ва раққослар иштирокида ўтказиладиган ўйин-кулги кечаси; 2. Ўйин-кулгили ширин суҳбат.

**Бахши** – 1. Халқ дostonларини кўйловчи шоир, оқин; 2.. Дуолар ўқиб, дам солиб, ирим-сиримлар қилиб, давловчи табиб, (этно.) Уйғурча хаттот, котиб.

**Бешиккерт** – қиз болани чақалоқлигидаёқ унаштириб қўйиш одати

**Бешлик** – 1. Беш мисрадан иборат бўлган мухаммас; 2. Беш кишидан иборат бўлган гуруҳ;

**Бешқарсак** – рақснинг қарсак чалиб ижро этиладиган бир тури.

**Биби сешанба** – Ислом динида аёллар сиғинадиган авлиё она. Чарх йигирувчи аёлларнинг нири, афсонавий шахс.

**Буддавийлик** – Жаҳонда кенг тарқалган динлардан бири. Милоддан аввалги биринчи минг йиллик ўрталарида Ҳиндистонда вужудга келган (милод.авв. VI–V асрлар) Буддизмнинг асосчиси Сиддхартха Гаутама бўлиб, у будда (зиёланган) деб аталган. Буддизм Ўрта Осиё ҳудудидаги илк давлатлар бўлмиш Бактрия, Кушон ҳамда кейинроқ вужудга келган Тоҳаристон давлатлари ҳудудларида кенг тарқалган.

**Будрач** – ҳозирги Сурхондарё вилояти Денов тумани ҳудудида жойлашган қадимий шаҳар номи. Салжуқийлар томонидан вайрон этилган.

**Бургу** – сурнайга ўхшаган махсус мусиқа асбоби.

**Ганчкор** – 1. Ганчдан нақш ясовчи уста, ганч сувоқ устаси; 2. Ганч сувоқ қилинган, ганч билан нақшланган.

**Гап** – улфатлар орасида навбат билан, одатда, ҳафтада бир марта, улфатлардан бириникида ўтказиладиган зиёфат; улфатчилик.

**Гаштак** – бўш вақтни кўнгилли ўтказишнинг бир шакли. Гаштак дам олиш, бирор жойга саёҳат қилиш, зиёфат ёки меҳмондорчилик кўринишларида ўтказилади.

**Гиря** – 1. Айнан йиғи; 2. Халқ куйларидан бирининг номи

**Генезис** – келиб чиқиш. Этнологияда халқларнинг келиб чиқиши.

**Гўшанга** – никоҳ тўйи куни қизнинг уйидаги куёв кирадиган хонага ва куёвнинг уйидаги келин тушадиган хонанинг бир бурчагига тутиладиган махсус оқ парда ёки чойшаб. Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё ва Самарқанд вилоятларининг айрим туманларида, Фарғона водийсида “чимилдик” деб аталади. Воҳанинг кўпгина туманларида гўшанга даставвал куёв келар кечаси қизнинг отаси уйида тутилиб, унинг орқасига келин-куёвни ўтказадилар. Никоҳ маросимлари ўтгач, қиз куёвни кига олиб келинади. Бу ерда ҳам гўшанга тутилади. Келин-куёв биринчи кечани гўшанга ортида ўтказадилар. Кўп ерларда тўйнинг эртаси куни гўшанга олиб қўйилади, айрим жойларда маълум муддат, яъни чилласи (қирқ кун) чикқунча гўшанга тутилган ҳолда тураверади.

**Гўянда** – ҳофиз, кўшиқчи.

**Далв** – Ўн икки буржнинг бири, Жадий ва Хут буржлари ўртасида жойлашган; 2. Шамсия йил ҳисобида Ўн биринчи ойнинг арабча номи (22 январь – 22 февраль даврига тўғри келади).

**Дангана** – шерикчиликда бирор тирик мол (от, сигир, туя ва шу кабилар) сотиб олиб, гўштини ўзаро тақсимлаш.

**Дарвиш** – тасаввуф маслакларидан бирига мансуб киши, сўфий. Дарвешлар турли сўфийлик тариқатларига мансуб бўлган.

**Даф** – чертиб чалинадиган, ёғоч гардишга хом тери қоплаб ясалган мусиқа асбоби; чилдирма, доира.

**Дахма** – қабр устига ўрнатилган ёдгорлик; мақбара

**Достон** – 1. Назм ёки наср билан ёзилган ҳикоя, поэма. 2. Халқ қахрамонлари ҳақидаги эпик асар.

**Демистикация** – ўсимликлар ёки ҳайвонларни хонакилаштириш.

**Жамоа** – асосан ибтидоий жамоа тузумига хос бўлиб, айрим ҳолларда синфий жамиятда ҳам узоқ вақт сақланиб қолувчи кишилар бирлашмалари вакилларидан бири. Ишлаб чиқариш воситаларига жамоавий эгалик қилишда, ўз-ўзини идора этиш ҳуқуқидан тўла ёки қисман фойдаланиш характерлидир. Жамият тараққиёти жараёнида жамоанинг шакли ва мазмуни ўзгара беради. Жамоанинг уруғ жамоаси, уй, оила жамоаси, қўшничилик ёки худудий каби кўринишлари мавжуд.

**Дугоҳ** – шашмақом тизимидаги учинчи мақом номи.

**Дулдул** – диний афсоналарга кўра пайгамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг Ҳазрат Алига тортиқ этган учар отнинг лақаби.

**Дутор** – дастаси узун, икки торли, чертиб чалинадиган мусиқа асбоби.

**Жавзо** – 1. Ўн икки буржнинг бири. 2. Шамсия Қуёш йили ҳисобида учинчи ойнинг арабча номи. (22-май – 21-июн даврига тўғри келади).

**Жадий** – 1. Ўн икки буржнинг бири; Далв ва Қавс буржлари ўртасида жойлашган; 2. Шамсия йил ҳисобида ўнинчи ойнинг арабча номи (22-декабр – 21-январ ойига тўғри келади)

**Жайхун** – VIII асрдан бошлаб, ҳозирги Амударё араб манбаларида шу ном билан юритилган.

**Жамоа** – бирор маҳалла ёки қишлоқ аҳолиси, бирор муассаса, ташкилот ёки қорхона аҳли.

**Жангнома** – тарихий ва афсонавий жанг воқеалари, урушлар, айрим афсонавий ва тарихий шахсларнинг мардлик ва қахрамонликларини бадиий адабиётда кўтаринки руҳ билан баён қилувчи эпик жанрнинг тури

**Жаҳр** – баланд овоз билан зикр этиш.

**Жўгилар** – лўлиларнинг айрим ўзбек шеваларида номланиши. Жумладан, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида лўлилар шу атама билан ифодаланади.

**Зардуштийлик** – милоддан аввалги VII–VI асрларда Қадимги Эрон ва Ўрта Осиё худудларида пайдо бўлган дин. Унинг номи шу динга асос солган афсонавий пайгамбар Зардушт номи билан боғлиқ. Зардуштийликнинг асосий муқаддас китоби “Авесто”дир.

**Зулфиқор** – ривоятларга кўра Хазрати Али қиличининг номи.

**Зулқаъда** – қамария йил ҳисобида ўн биринчи ойнинг арабча номи.

**Зулҳижжа** – қамария йил ҳисобида ўн иккинчи ойнинг арабча номи.

**Зухал** – Сатурн сайёрасининг мусулмонлар томонидан аталиши.

**Зухра** – Нохид (Венера) сайёрасининг номи. Гўзаллик, хушқайфият, хурсандчилик ҳамда муҳаббат белгиси.

**Идишқайтди** – киз унаштиришда куёв томонидан юборилган дастурхон ва уни кутиб олиш маросими.

**Иероглиф** (юнон) – қадимги мисрликлар ва баъзи бир халқлар ёзувида бутун бир тушунча, ибора, сўз, бўғин ёки товушни ифодалаган ҳайвон, одам, ҳар хил буюм, асбоб ва шу кабилар тасвиридан иборат белги: ҳозир хитой, япон ва корейс ёзувларидаги белгилар ҳам иероглифлар деб аталади.

**Ийд, ийд айёми** – мусулмонларнинг диний байрамлари. Ийд терминининг бир оз бузилган ўзбекча талаффузи ҳайитдир. Уч кун давом этадиган ийд-ал-адха, яъни қурбон ҳайити ва бир кун давом этадиган ийд-ал-фитр, яъни рўза ҳайити кунлари омма орасида ийд айёми деб юритилган.

**Инициация** /лот/ – бағишлов, ибтидоий даврда ўсмирларни вояга етган эркак ва аёллар сафига ўтказиш маросими. Исломда ўғил болалар суннати ҳисобланади.

**Инновация** /лот/ – янгиланиш, мерос ва анъаналарнинг авлоддан-авлодга ўтиши натижасида маданиятда вужудга келган янги кўриниши.

**Йилбоши** – Наврўз байрами

**Йилнома** – ўтмишда энг муҳим тарихий воқеалар тартиб билан баён этилган тарихий асар. Ҳар бир мамлакатда яратилган йилномалар шу мамлакат тарихи тўғрисидаги энг муҳим манбалардан ҳисобланади.

**Йўқлов** – маълум бир муносабат билан қутлаш, эслаш ва ҳолаҳвол сўраш учун қариндош-уруғ, дўст-ёрларнинг бир-бирларига бориш одати. Йўқлашнинг турлари: келин йўқлаш, фарзанд кўрган аёлни йўқлаш, муборак ҳаж зиёратидан, ҳарбий хизматдан, дам олишдан, саёҳатдан, ўқишдан қайтиб келганларни йўқлаш, беморни касалхонага ёки уйига бориб йўқлаш ва бошқалар.

**Кайвон** – Зухал (Сатурн) сайёраси.

**Кайвони** – 1. Айнан, дустурхончи; 2. Уй бекаси; 3. Кўп нарса биладиган, билимдон.

**Келбат** – қоматли, бичимли.

**Кишвар** – вилоят, ўлка, мамлакат.

**Консолидация** /лот/ – мустаҳкамлайман, йироқлашув, тил ва маданият жиҳатдан яқин ва қон-қариндош халқларнинг ягона бўлиб бирлашуви, этносларнинг бир бирига яқинлашиб араллашиб кетиши.

**Кўпкари** – айнан, улоқ.

**Лавҳ** – китобни кўйиб ўқиш учун ясалган махсус мослама.

**Лангар** – йўловчилар кўниб ўтадиган жой; хонақоҳ, пиру муршидлар кўмилган жой.

**Лапар** – тўй ва йиғинларда йигитлар билан қизлар орасида тарафма-тараф бўлиб айтиладиган терма кўшиқ.

**Латифа** – кулгули воқеа-ҳодиса ҳақидаги кичик ҳикоя.

**Лоф** – ҳақиқатга тўғри келмайдиган, ҳаддан ташқари бўрттирилган ёлгон гап, муболаға.

**Мавлид** (мавлуд) – Муҳаммад Пайғамбарнинг туғилган куни билан боғлиқ диний байрам. Раби ал-аввал ойининг 12-куни нишонланади. Мусулмон мамлакатларида мавлуд куни дуолар, пайғамбар шаънига мадҳиялардан иборат шеър ўқилади, садақалар берилади, диндорларнинг йиғинлари ўтказилади.

**Маданий мерос** – ўтмиш даврлардан инсониятга қолган моддий ва маънавий маданият бойликлари мажмуи.

**Мадҳия** – бирор шахс, воқеа ёки нарсанинг мақтовига бағишланган бадий асар. Баъзи асарнинг бир қисми ҳам мадҳиядан иборат бўлиши мумкин. Араб, форс ва ўзбек классик адабиёти тарзидаги анъаналарга кўра, ҳар бир йирик эпик асарнинг бош қисмида махсус мақтовлар берилган. Улар, одатда, асар ёзилган пайтдаги ҳукмдор ва қаҳрамонларга бағишланган. Шунингдек, шоирларда ўзларидан аввал ўтган буюк шахсларга мақтовлар бағишлаш ҳам одат бўлган.

**Магия** – сеҳргарлик, одамнинг ўзини ғайри табиий кучларга таъсир кўрсата олиш қобилиятига асосланган иш амаллари.

**Мажусийлик** – зардуштийлик динининг иккинчи номи.

**Маросим** – диний ёки анъанавий урф-одатлар муносабати билан ўтказиладиган маърака, йиғин.

**Марсия** – бирор шахснинг вафоти муносабати билан ёзилган лирик шеър, мотам кўшиғи. Унда мархумнинг яхши хислатлари тасвирланади. Марсия охирида мархумнинг ҳаёт саналари абжад ҳисоида берилади.

**Масал** – 1. Кишиларга ўғит бўладиган, хулосали, кичик мажозий ҳикоя; 2. Мата; мақол.

**Маслаҳат оши** – тўй кенгаши. Маслаҳат оши тўйдан бир неча кун олдин ўтказилади. Маслаҳат ошига маҳалла вакиллари, қариялар, кўни-кўшнилари, қариндош-уруғлар чақирилади. Маслаҳатга келганлар тўйни қачон, қандай ўтказиш тартиби, ҳаражатлар ва бошқаларни келишиб оладилар. Мабодо тўй эгасининг бирон моддий етишмовчилиги бўлса, маслаҳат ошига келганлар уни ўз зиммаларига оладилар. Маслаҳат оши ҳозир ҳам анъанавий маросим бўлиб қолмоқда.

**Маърака** – бирор муҳим воқеа, тўй ва бошқа муносабатлар билан ўтказиладиган маросим, йиғин. Таъзия маросимлари ҳам маърака дейилади.

**Мақол** – халқ оғзаки ижоди жанри. Мақолларда авлод-аждодларнинг ҳаётий тажрибалари, жамиятга муносабати, тарихи, руҳий ҳолати, этик ва эстетик туйғулари, ижобий фазилатлари мужассамланган. Улар асрлар мобайнида халқ орасида сайқалланиб, ихчам ва содда поэтик шаклга келган.

**Мақом** – 1. Мусиқий оҳанг, куй йўли, тартиби; 2. “Шашмақом” деб аталган олти қисмдан иборат ўзбек классик мусиқа асарининг ҳар бир қисми;

**Маҳалла** – шаҳар ва қишлоқларда аҳоли яшайдиган маъмурий ҳудудий бирлик. XX асрнинг 20-йилларига қадар маҳалла 50–60 хонадонлардан ташкил топган бўлиб, шаҳарларда даҳа таркибига кирган. Маҳалла ҳаётига сайлаб қўйиладиган элликбоши раҳбарлик қилган. Элликбоши маҳаллалардаги уй-жойларнинг олди-сотдиси, тўй-маърака маросимларини уюштириш ва ўтказиш, ҳашарлар уюштириш, маҳалладаги низоларни бартараф этиш ишига бошчилик қилган. Ҳар бир маҳалланинг ўз чойхонаси бўлиб, у маҳалланинг



ижтимоий-маданий маркази ҳисобланади. Ҳозирги кунда ҳам маҳаллалар Ўзбекистоннинг барча шаҳар ва қишлоқларида сақлашиб келмоқда.

**Мезон** – тарози, ўлчов; Шамсия Қуёш йили ҳисобида еттинчи ойнинг арабча номи (22 сентябрь – 21 октябр даврига тўғри келади);

**Меҳржон ва Наврӯз** – Шарқ халқларининг байрамлари. Меҳржон Михра ойининг 6-куни.

**Миллий қадрият** – маданий мероснинг қадри абадул-абад тушмайдиган қисми.

**Мотам.** – яқин ёки муътабар кишининг ўлими муносабати билан бўлган азадорлик ва шу муносабат билан боғлиқ бўлган маърака, таъзия, расм-русумлар.

**Мучал** – мучал ҳисоби 12 ҳайвоннинг номи билан аталадиган даврий ҳисоби. Бу ҳайвонлар: сичқон, сигир, йўлбарс, қуён, балиқ, илон, ит, қўй, маймун, товуқ, от, тўнғиз. Киши шу ҳайвонлар номи билан аталган 12 йилнинг қайси бирида туғилган бўлса, унинг мучали шу ном билан аталган. Мучал ҳисобида шу айтилган 12 йиллик давр бир айланиб келса одам бир мучалга тўлган бўлади. Лекин кишиларнинг ёшини аниқлашда уларнинг она қорнидаги вақти бир йилга тенг деб ҳисобга олинади, яъни киши бир мучалга тўлганида унинг ёши 12 эмас 13, икки мучалга тўлганида 25 бўлади. Мучал ҳисоби Осиё ва Африка қитъаларидаги кўпгина халқлар орасида қадим замонлардан бери бор. Ёзма манбаларда кўрсатилишича, уни дастлаб Юнон-Бақтрия подшолиги даврида кўчманчи-чорвадор халқлар яратган. Сўнгра Мўғулистон, Хитой, Япония, Ҳиндистон, Миср, Ироқ, Эрон, Афғонистон ва бошқа мамлакатларда кенг тарқалган.

**Мушкулқушод** – кишининг мушқулини осон қилиш, ишини юргизиш мақсадида қилинадиган дуо ва ирим-сиримлар.

**Муғанний** – нағма чалувчи созанда, нағма билан қўшиқ айтувчи хонанда.

**Мухаррам** – камария йил ҳисобида биринчи ойнинг арабча номи.

**Монотеизм** /юнон/ – яқка худолик, фақат битта худога сиғинувчи, биргина худони эътироф этувчи диний эътиқод.

**Наврӯз** – шамсия йил ҳисобида янги йилнинг биринчи куни (март ойининг 21 кунига тўғри келади).

**Най** – олтита тешиги бармоқлар билан бекитиб-очиб, пуфлаб чалинадиган мусиқа асбоби; сибизга.

**Насабнома** – шажара.

**Нағма** – лабда юргизиб, пуфлаб чалинадиган мусиқа асбоби.

**Оила жамоаси** – патриархат даврига хос катта патриархал оилага уюшган кишиларнинг хўжалик, ижтимоий ва ғоявий уюшмаси. Этнографик адабиётларда оила жамоаси, уй жамоаси, патриархал уй жамоаси, катта оила деган бошқа номларга ҳам эга.

**Патриархал** /лот, юнон/ – ота ҳокимияти. Оила ва жамоатда отанинг ҳукмронлиги. Ота ҳукмронлик қилган даврдан кейинги оила хўжалиги. Оталик даври синфий жамият давлатнинг вужудга келиши арафасидаги даври.

**Патронимия** /лот/ – ота номи, ота насаби бўйича номланиш; бир отадан тарқалган қон-қардош одамлар гуруҳи.

**Палеография** (р.юнон) – қадимги қўлёзмалар ёзувини ва уларнинг ташқи кўринишини ўрганадиган фан.

**Политеизм** /юнон/ – кўп худолик, бир неча худога сиғиниш.

**Рабиулаввал** (ар.) – қамария йил ҳисбида учинчи ойнинг арабча номи.

**Рабиуссоний** (ар.) – қамария йил ҳисобида тўртинчи ойнинг арабча номи.

**Ражаб** – қамария йил ҳисобида еттинчи ойининг арабча номи.

**Савр** – 1. Ўн икки буржнинг бири, Ҳамал ва Жавзо буржлари ўртасида жойлашган; 2. Шамсия йил ҳисобидан иккинчи ойнинг арабча номи (22 апрель – 21 май даврига тўғри келади).

**Сайёра** – 1. Қуёш атропоида айлануви ва ундан нур олувчи осмон жисми;

**Саратон** – 1. Ўн икки буржнинг бири, Жавзо ва Асад буржлари ўртасида жойлашган; 2. Шамсия йил ҳисобида тўртинчи ойнинг арабча номи (22 июнь – 21 июль даврига тўғри келади);

**Соврин** – улоқ, пойга каби мусобақада ғолибларга мукофот тарзида бериладиган нарс.

**Совчи** – уйланувчи йигит томонидан қиз кўриш ва қиз томон розилигини сўраш учун вакил қилинган киши.

**Сунбула** – 1. Ўн икки буржнинг бири, Асад ва Мезон буржлари ўртасида жойлашган; 2. Шамсия йил ҳисобида олтинчи ойнинг арабча номи (22 август – 21 сентябр даврида тўғри келади).

**Сўзана** – ўтмишда келинларнинг энг муҳим сепи ҳисобланган, шунинг учун ҳам сўзаналар ҳир бир хонадонда тикилган. Бадавлатроқ хонадонларда бахмал ва шойидан, камбағалроқ оилаларда кўпинча оқ бўздан сўзана тикишда фойдаланилган.

**Табу** – тақиқлаш, мумкин эмас. Ибтидодий жамиятда тақиқлашнинг алоҳида хиллалари: баъзи сўзларни айтиш; айрим овқатларнинг истеъмол қилиниши, никоҳ ва айрим маросимларда тақиқлаш одати. Масалан, овга териб-тармачлаб овқат топишга тайёрланиш ва уни ўтказиш мавсумида жинсий муносабатларнинг ман этилиши. Кейин эса гуруҳлар ичидаги жинсий муносабатлар бутунлай тақиқланган.

**Табл** – катта ноғора, довул.

**Тармит Антиохияси** (тар.) – Антиох I Сатер томонидан ҳозирги Термиз ўрнида қайтадан қурилган шаҳар (ҳозирги эски Термиз харобаси ўрнида). В.Тарн маълумотларига қараганда, Эски Термиз шаҳри дастлаб Александр Македонский томонидан қурилган. Э.р.ав. III–II асрларда у Окс Александрияси деб аталган.

**Таровиҳ** (ар.) – диндорлар томонидан рамазон ойи давомида, яъни рўза тутиш кечалари ўқиладиган қўшимча намоз.

**Таъзия** (ар.) – Марҳум ва марҳуманинг қариндош-уруғлари, фарзандларидан кўнгили сўраш.

**Тақвим** (ар.) – Сайёраларнинг йиллик ҳол ва ҳаракатларини кўрсатувчи жадвал (календарь).

**Тотем** – унинг уруғи; уруғчилик тузумининг илк даврида ҳайвонлар ва ўсимликлар турига ёки жонсиз табиат нарсаларига топиниш.

**Тотемизм** – ибтидодий, диний эътиқодларнинг илк шаклларида бири. Ҳайвонлар, ўсимликлар ва бошқаларнинг баъзилари тотем дейилади. Ибтидодий халқларда ўз қабилаларига асос солган, деб ҳисобланган ҳайвон ёки ўсимликларга эътиқод қилиш, топиниш; тотемни ўлдириш, истеъмол қилиш таъқиқланган. Ҳайвон, ўсимлик ва балиқ номи юритилган қабилаларнинг тотем шакли солинган рамзи бўлган.

**Традиция** – узатиш. Моддий ва маънавий маданият, ижтимоий ва оилавий ҳаёт анъаналарининг онгли равишда авлоддан авлодга ўтиши.

**Туёна** – тўй муносабати билан шу тўй эгаларига яқинлари томонидан қилинадиган совға.

**Тўй** – кўпинча базм-томошалар билан зиёфат бериб ўтказиладиган баъзи маросимларнинг умумий номи (никоҳ тўйи, хатна, суннат тўйи, бешик тўйи, мучал тўй, ҳовли тўй, ёш тўйи, соч тўйи ва ҳоказолар).

**Тўйбоши** – тўйга бошчилик қилувчи шахс

**Тўйхона** – тўй бўлаётган уй, жой.

**Тўйчик** – кичкина тўй, тўйча.

**Уд** – мусиқа асбобининг номи.

**Удум** – ҳар бир уруғ, қабила, элат, миллат ва халққа тегишли бўлган, улар томонидан қабул қилинган тартиб; одат, расм; анъана.

**Урбанизация** – аҳоли ва саноатнинг йирик шаҳарларда тўпланиш жараёни.

**Уруғ** – кишиларнинг энг қадимги бирлиги бўлиб қариндош авлод бир нечта ота-онадан тарқалган авлод, кишилик жамиятининг ибтидоий гала давридан кейинги босқичи (қуйи полеолитгача ўтиш даврига тўғри келиши). Уруғчилик қон-қариндошликка асосланган бўлиб, ҳар бир уруғ одамлари бир-бирлари билан хўжалик ва иқтисодий жиҳатдан ўзаро боғлиқ бўлади.

**Уруғ жамоаси** – ибтидоий жамоа тузумининг асосий ижтимоий-иқтисодий ташкилоти. Унинг илк босқичида матриархат ва патриархатнинг бошланғич давридаги қон-қардош кишилар гуруҳининг хўжалик, ижтимоий ва ғоявий уюшмаси.

**Фалак** (ар.) – 1. Ердан гумбаз, кубба шаклида бўлиб кўринадиган ҳаво бўшлиғи, осмон гумбази; 2. Олам, коинот, дунё.

**Фетешизм** /португал, франц/ – ясалган тумор, сеҳрли нарса, жонсиз нарсаларни ғайритабiiий хусусиятга эга деб ишониш ва уларга топиниш, сажда қилиш.

**Фольклор** /инглиз/ – халқ билими, халқ оғзаки ижоди (қисса, эртақ; йирик ва маросим қўшиқлари, латифалар, топишмоқлар). Фольклор маълумотлари энг муҳим этнографик манбадир.

**Хатна** (ар.) – мусулмонлар ва баъзи халқларда ўғил болалар жинсий аъзосининг уч қисми терисини қисман кесиш ёки кестириш.

**Хирмон кўтариш** – XIX–XX аср бошларида Ўрта Осиё худудларида деҳқонлар донни янчиб, тозалаб олгандан сўнг

ҳосил йиғиб олиш ва уни тақсимлаш учун ўтказиладиган тантана. Далада, хирмон бошида дон йиғилган жой тўрт қисмга бўлинган. Унга Аллоҳдан барака сўраб, сўнг тиловат қилишган. Бадавлат хонадонлар жонлиқ сўйишган (амин-ал хирож) ва амлоқдор келиб, хирож миқдори ва шариат қонуни асосида белгиланган солиқ – ушр миқдори аниқлашган. Ундан кейин ҳосил эгаси хирмоннинг шарқий тарафига ўтиб катта ғалвирни дон билан тўлдириб бошқа одамга берган. У олдиндан тенг 4 га бўлинган чизик ичига донни тўккан. Ушбу тўрт қисмнинг бири келаси йил учун уруғликни англаган, иккинчиси йил давомида истеъмол қилиш учун, учинчиси солиқларни тўлаш, хунармандларни рози қилиш, диндорларга бериш учун ва тўртинчиси қўшчилар ҳақи ҳисобланган. Хирмон кўтариш тантанасида катта бир ғалвир донни четга олиб қўйишган ва сўнгра уни камбағалроқ оилалардан бирига беришган. Бу ҳаққи Аллоҳ ҳосил эгаси омборига олиб борилган.

**Хонақоҳ** (ф.-т.) – шайх ва дарвешлар зикру само қиладиган хона, масжид. Ислом дини тарқалиши билан юзага келган. Дарвешлар, зиёратчилар учун тунаш жойи сифатида масжид, мақбараларнинг бир қисми тарзда қурилган. Дарвешлар уюшмаларининг маркази сифатида қурилган йирик хонақоҳларнинг катта заллари, уларнинг атрофларида эса зиёратчилар учун ҳужралар бўлган. Кейинчалик маҳалла, қишлоқ масжидларнинг намоз ўқиладиган хонаси ҳам хонақоҳ деб аталган.

**Худойи** – марҳумлар руҳига бағишлаб ёки бирор иллатдан эсон-омон қутулганлиги учун худо йўлига қилинадиган садақа, қурбонлик, зиёфат.

**Чавандоз** – от чоптириш, улоқ чопиш, отда ўйнаш санъатини эгаллаган одам.

**Чилдирма** (т.) – ёғоч гардишига терининг таранг қоплаб ясалган ва чертиб чалинадиган мусиқа асбоби

**Чилтор** (ф.-т.) – кўп торли қадимий чолғу асбоби

**Чимилдиқ** (т.) – гўшанга.

**Чолғу** (т.) – мусиқа асбоби.

**Чўпчак** (ф.-т.) – 1. Топишмоқ, жумбоқ; 2. Халқ оғзаки ижодида ҳикоя, эртак.

**Шаввол** (ар.) – ҳижрий йил ҳисобининг ўнинчи ойи.

**Шажара** (ар.) – кишиларнинг келиб чиқиши, аجدодлари ва қон-қариндошлик алоқалари мажмуи.

**Шамсия** (ар.) – Куёшнинг йиллик ҳаракат циклига қараб белгиланадиган 365 ёки 366 кундан иборат. 22 мартдан бошланадиган йил, қуёш йили (шамсия йили қуйидагилардан иборат: хут, ҳамал, савр, жавзо, саратон, асад, сунбула, мезон, ақраб, қавс, жадий, далъ).

**Шаъбон** (ар.) – қамария йилида саккизинчи ойнинг номи.

**Шомонизм** /тунгун-эвенк/ – таман – саман-шаманлик. Шомонизм ибтидоий жамоа тузуми охирларида жаҳоннинг кўпгина халқларида вужудга келган динлардан бири. Шомонизм айрим кишилар шаманларнинг ғайритабиий қобилиятга эга бўлиб, ашула айтиш, рақсга тушиш, чилдирма чалиш йўли билан жазавага тушиб ёвуз ва сахий руҳлар билан бевосита муносабатда бўла олганлари учун касалларни даволаш, фол очиш ва бошқа қобилиятларга эгалиklarини ишонтиришдан иборатдир. Шомонлар гўё руҳларни чақира олиш, қўнғироқли чилдирма билан руҳлар маконига илтимос билан мурожаат қила олар эмиш.

**Экзогамия** /юнон/ – ташқи никоҳ, муайян бир жамоа ичида бир-бирига уйланишни ман этувчи одат. Экзогамия ибтидоий жамоа тузуми даврида оила-никоҳ муносабатларини тартибга солиш учун вужудга келган.

**Элат** /арабча/ – синфий жамиятда, асосан, кулдорлик даврида вужудга келган, феодализм даврида кўпайган кишиларнинг бирлиги. Ҳар бир элатнинг ўз номи, тили, ўзига хос руҳий хусусиятлари шаклланади. Умумий ягона она-ер, юрт вужудга келади. Муайян иқтисодий ва географик меҳнат тақсимоти ташкил топа боради. Элатлар бирлашиб миллатлар вужудга келади.

**Эндогамия** /юнон/ – ички никоҳ, фақат ўз қабиласи, уруғи ўз ижтимоий гуруҳига мансуб бўлган қизга уйланиш одати.

**Этногенез** – келиб чиқиш, турли этник компонентлар базасида этник жамоаларнинг вужудга келиш жараёни. Этногенез этник тарихнинг бошланғич босқичи, халқнинг келиб чиқиши. Масалан, ўзбек халқининг келиб чиқиши.

**Этноним** – халқларнинг номларини англатувчи атама.

**Этник** – келиб чиқиш жиҳатдан бирор халққа оид ёки хос бўлган.

**Эшон** – луғавий маъноси “улар”, “у киши” дегани. Улуғ авлодларнинг ва сўфийлик оқимида диний раҳнамоларнинг фахрий унвони. Эшонлар мусулмонлар жамоасининг бошлиғи,

мураббийси, шунингдек, дарвешларнинг ҳам диний мураббийси ҳисобланган.

**Ялла** – енгил ва шўх қўшиқ.

**Ўлан** – 1. Халқ оғзаки ижодида, одатда, тўй, гап-гаштак ва шу кабиларда ижро этиладиган қўшиқ; 2. Ўсиб турган ўт, кўкат.

**Қавс** (ар.) – Ўн икки буржнинг бири, Ақраб ва Жадий буржлари ўртасида жойлашган; 2. Шамсия йил ҳисобида тўққизинчи ойнинг арабча номи (22 ноябр – 21 декабр орасидаги даврида тўғри келади).

**Қамария** (ар.) – ойнинг иккита бир хил фазаси, масалан, ой туғилган кундан келгуси ой туғилган кунгача бўлган вақт асос қилиб олинган йил ҳисоби (Қамария ҳисобида йил шамсия ҳисобидан деярли 11 сутка қисқа, Қамария ойлари: муҳаррам, сафар, раббиулаввал, раббиуссоний, жумодиаввал, жумодуссоний, ражаб, шаъбон, рамазон, шаввол, зулқайда, зулҳижжа).

**Қабила** /арабча/ – уруғ, уруғ-аймоқ, бир ота-онадан тарқалган бир неча уруғ уюшмаси. Қабила уруғга нисбатан йирик бўлиб, бир неча уруғларнинг бирлашувидан ҳосил бўлади. Масалан, ўзбеклардаги минг, найман, қўнғирот кабилари ва ҳоказо. Бу бирлик ибтидоий жамоага хосдир. Дастлабки асосида қариндошлик иплари билан боғланган бир нечта жуфт кудалашган уруғдан ташкил топади. Қабила бошлиғи қабила ишларининг бошқарувчиси ва унга раҳбарлик қилувчи шахс. Қабила бошлиғи қабила оқсоқолларининг кенгашида обрўли, уддабурон ва тадбиркор кишилар ичидан сайланган.

**Қишлоқ жамоаси** – ибтидоий жамоа тузумининг сўнгги босқичда ишлаб чиқариш воситаларига умумий эгалик қилишга асосланган жамиятда ишлаб чиқариш воситаларига шахсий эгалик қилишга асосланган (жамиятда ишлаб чиқариш воситаларига) жамиятга ўтиш даврида бўлган.

**Қўбиз** – қисқа дастали, пардасиз, ғижжакка ўхшаш чолғу асбоби.

**Қўшна** – бириктирилган икки найли, сурнай каби оғизга олиб пуфлаб чалинадиган мусиқа асбоби.

**Қўш оши** – XIX асрда Сурхон воҳасида эрта баҳорда ҳар бир ер эгаси томонидан, иш бошлаш олдидан далага чиқиш муносабати билан ўз даласида уюштириладиган

меҳмондорчилик, зиёфат маросими. Одатда, қўш ошига қовок шўрва ёки палов қилинган.

**Ҳамал** (ар.) – 1. Қамарий йил бўйича март-апрель ойларининг номи; 2. Фалакдаги 12 буржлардан бири.

**Ҳашар** /арабча/ – йигмок, бир жойда тўпланмок. Ўрта асрларда Мўғулистон, Эрон ва Ўрта Осиё халқларида бир жамоа ёки айрим феодаллар юмуши учун (қалъа, қаср, деҳқончилик ишларида кўмаклашиш) қўшимча сафарбар этилган кишилар. Ўзбекистонда уй-жой куришда, деҳқончилик ва чорвачилик ишлари ва бошқа юмушларни бажаришда ҳашарнинг ўрни катта бўлган. Эраклар ва хотин-қизларнинг алоҳида ҳашари – кўмаги бўлиб, Ўзбекистоннинг баъзи жойларида ҳозиргача сақланиб келмоқда.



## Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Амир Темур фахримиз, гуруримиз // Халқ сўзи. – 1996 йил, 26 октябр.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари // Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998.
3. Каримов И.А. Аллоҳ қалбимизда, юрагимизда («Туркистон пресс» ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавоблар). – Тошкент: Ўзбекистон, 1999.
4. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ // Каримов И. А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999.
5. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз // Ислом зиёси ўзбегим сиймосида. – Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2005.
6. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Тошкент: Маънавият, 2010.
7. Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини ақс эттириш. –Тошкент: Ўзбекистон, 2009.
8. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида –Тошкент: Ўзбекистон, 2011.
9. Ал-Ҳаким ат-Термизий. Ҳадисларнинг биз англаган ва англамаган ҳикматлари. (Таржима, изоҳлар ва муқаддима муаллифи Иброҳимжон Усмонов).– Тошкент: Мовароуннаҳр, 2006.
10. Ал-Ҳаким ат-Термизий. Нодир масалалар. (Муқаддима, таржима ва изоҳлар муаллифи Иброҳимжон Усмонов). – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2007.
11. Асомиддинов М. Кийим-кечак номлари. – Тошкент: Фан, 1981.
12. Ат-Термизий, Абу Исо Муҳаммад ибн Исо. Саҳиҳ ат-Термизий / А.Абдулло таржимаси. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1993.
13. Аҳмедов Б. Амир Темур дарслари. – Тошкент: Шарқ, 2004.

14. Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. –Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2007.
15. Баҳор байрамлари. Наврўз ҳикматлари. Наврўз дастурхони. Тузувчилар: А.С.Мадраҳимов, И.Э.Хувайтов. – Тошкент: Қомуслар Бош таҳририяти, 1994.
16. Беруний Абу Райҳон. Ўйлар, ҳикматлар, нақллар, шеърлар. (Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи Абдусодиқ Ирисов). –Тошкент: Ёш гвардия, 1973.
17. Бердиев Ҳ. Биринчи одам вилояти. –Тошкент: Нур, 1991.
18. Ботиров И., Аннаев Т. Сурхондарё вилояти археология музейи қисқача йўлланма. –Тошкент: Шарқ, 2002.
19. Ботиров И.Т. Термиз тарихий манбаларда. –Тошкент: Фан, 2010.
20. Ботиров И.Т. Сурхондарё вилояти ўлкашунослик музейи тарихи. –Тошкент: Фан, 2001.
21. Валихўжаев Ботурхон. Хожа Аҳрор тарихи: (Самарқанд ва самарқандликлар). –Тошкент: Ёзувчи, 1994.
22. Жалолiddин Мирзо. Термиз саййидлари. – Самарқанд-Термиз, 2001.
23. Жалолiddин Мирзо. Муҳаммад Ҳаким Термизий: ҳаёти ва ижоди. –Тошкент: San`at jurnali, 2007
24. Жўраев Б, Турсунов С. Маҳалла – мустақил юрт таянчи. – Тошкент: Muḥarrir, 2012.
25. Зуннун Н., Зуннунов Н. Донишмандлар одоб-ахлоқ тўғрисида. – Тошкент: Ўқитувчи, 1986.
26. Иброҳимов А. Бизким ўзбеклар. –Тошкент: Шарқ, 1999.
27. Иброҳимов А., Султонов Х., Жўраев Н. Ватан туйғуси. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996.
28. Ислом энциклопедияси. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2004.
29. Маънавият юлдузлари. – Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1999.
30. Минг бир ҳадис. –Тошкент: Ўзбек маскани, 1991.
31. Мирзаев Т., Саримсоқов Б. Ўзбек халқ мақоллари (I том). –Тошкент: Фан, 1987.
32. Мирзаев Т., Саримсоқов Б. Ўзбек халқ мақоллари. (II-том). –Тошкент: Фан, 1988.

33. Муртазов Б. Илм – ҳақиқатдир, ҳақиқат эса илмдир // Tafakkur. 2009. № 1.
34. Муртазов Б. Ал-Ҳаким ат-Термизий ҳикматлари // Ал-Ҳаким ат-Термизий ҳаёти ва мероси. Ўзбек кураши тарихи, тараққиёти ва истиқболлари. Халқаро илмий конфереция материаллари. (1-қисм). –Термиз:ТерДУ нашри, 2009.
35. Муртазов Б. Аллома меросининг Ўзбекистонда ўрганилиши // Ал-Ҳаким ат-Термизий ҳаёти ва ижодий фаолияти. Ёш авлодни тарбиялашда курашнинг ўрни ва аҳамияти. Халқаро илмий анжуман материаллари. – Термиз:ТерДУ нашри, 2011. (– Б. 98-102).
36. Мусурмонова О. Оила маънавияти – миллий ғурур. – Тошкент: Ўқитувчи, 1999.
37. Навоий. Асарлар. 15 томлик. 14-том. –Тошкент: Гафур Гулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти,1967.
38. Омонтурдиев А Ж. Профессионал нутқ эвфемикаси. – Тошкент: Фан, 2006.
39. Омонтурдиев Ж. Ал-Ҳаким ат-Термизий таълимоти.– Тошкент: Университет нашриёти, 2000.
40. Омонтурдиев Ж. Шеърга кўчган туйғулар. (Шеърлар, мувашшаҳлар, тўртликлар). –Термиз: ТерДУ нашри, 2011.
41. Рустамов А. Сўз хусусида сўз. –Тошкент: Ёш гвардия, 1987.
42. Амир Темур ўғитлари. Тузувчилар: Б.Аҳмедов, А.Аминов. –Тошкент: Наврўз, 1992.
43. Турсунов С. Термизий буюк сиймолар. – Тошкент: Шарқ, 2002.
44. Турсунов С., Қобилов Э., Муртазов Б. ва бошқ. Сурхондарё тарихи. –Тошкент: Шарқ, 2004.
45. Турсунов С. ва бошқ. Сурхондарё – этнографик макон.– Тошкент: Akademnashr, 2012.
46. Умар Хайём. Наврўзнома. –Тошкент: Мехнат, 1990.
47. Холмирзаев А. Зараутсой тилсимлари. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2003.
48. Хўжамбердиев Ё.У. Сурхондарё вилояти Кўхитанг ва тоғ олди микропонимлари луғати. –Термиз: ТерДУ нашри, 2012.

49. Шермухаммедов.П. Хоразм маликаси ёхуд Амир Темурнинг келини. –Тошкент: Фан, 2006.
50. Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Ҳикматнома. – Тошкент: Ўзбек-совет энциклопедияси, 1989.
51. Шораҳмедов Д., Аминов М. Маънолар махзани. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти, 2001.
52. Қанотли сўзлар: Мақоллар, маталлар, ҳикматли сўзлар. / Тўплаб, нашрга тайёрловчи Э.Сиддиқов. –Тошкент: Ёш гвардия,1986.
53. Қодиров Б. Чинор япроғи. –Тошкент: Фан ва технология, 2008.
54. Қодиров Б. Муртазоев Б. Чағониён адабиёти. –Тошкент: Янги аср авлоди. 2002.
55. Қодиров Қутлуғ-Бек. Имом ат-Гермизий ҳадисларида тарбия ва ислом маданияти. –Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2011.
56. Куръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва тафсир муаллифи А.Мансур. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2006.
57. Ҳақиқат манзаралари. 96 мумтоз файласуф. Такдирлар, ҳикматлар, афоризмлар. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2002.
58. Ҳаққулов. “Камол эт касбким...”. – Тошкент: Чўлпон, 1990.
59. Ҳикматлар хазинаси. –Тошкент: Ёш гвардия, 1977.
60. Ҳикоят ва ривоятлар. –Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983.
61. Ҳожиаҳмедов А. Дўст билан обод уйинг. –Тошкент: Ўзбекистон, 1991.
62. Ҳомидий.Х. Кўҳна Шарқ дарғалари: Бадиий-илмий лавҳалар. –Тошкент: Шарқ, 2004.

## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ</b> .....	3
<b>I БОБ. ВОҲА АҲОЛИСИ НОМОДДИЙ МАДАНИЯТИНИНГ ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ</b>	
1.1 Воҳада номоддий маданиятнинг шаклланиши ва ривожланиш жараёни .....	5
1.2 Маросимлар – қадриятларимиз манбаи.....	16
1.3. Наврӯз байрами билан боғлиқ аңғаналар.....	24
1.4. Аёл васфи – оила васфи.....	36
1.5 Она алласи – Она меҳригиёси.....	55
1.6 Диний тасаввурлар ва эътиқодлар .....	59
<b>II БОБ. ХАЛҚ ИЖОДИЁТИ ВА АМАЛИЙ САНЪАТИ</b>	
2.1 Халқ оғзаки ижоди намуналари.....	67
2.2 Топишмоқлар, мақол ва маталлар.....	74
2.3. Воҳада мусиқа санъати ва бахшичилик аңғаналари.....	81
2.4. Амалий безак санъати ва унда ифодаланган мазмун .....	89
<b>III БОБ. АНЪАНАЛАР, УДУМЛАР, ТҶЙЛАР, ОЛҚИШЛАР ВА ХАЛҚ ЎЙИНЛАРИ</b>	
3.1 Жамоа аңғаналари.....	104
3.2 Тўй удумлари .....	107
3.3 Тўй кўшиқлари .....	117
3.4 Дуо-олқишлар .....	125
3.5 Халқ ўйинлари .....	142

## **IV БОБ. СУРХОНИМ ҚИШЛОҚЛАРИ**

4.1 Боғлидара полвонтошлари ва полвонлари .....	151
4.2 Хўжанқон манзаралари.....	159
4.3 Калламозор қишлоғига хос анъаналар.....	161
4.4 Калламозорлик, мирохўр, чўпон ва бир никоҳ тарихи.....	167
4.5 Новбоғ қишлоғи тарихига оид лавҳалар .....	172
4.6 Етимқум маҳалласи.....	174

<b>ХУЛОСА</b> .....	177
---------------------	-----

<b>ЛУҒАТ</b> .....	179
--------------------	-----

<b>ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР</b> .....	194
--------------------------------------	-----

